

Туркум Мақолалар

**Бу тўпламда 2009, 10,11,12, йилларда ислоний сиёсий мавзуларда ёзилган ва сайтимда
чоп қилинган турли хил мақолалар ва классик адабиёт намуналарига шарҳлар ва очик
хатлар ўрин олган**

Муаллиф

Саҳвий

Швеция

2016 йил

I-қисм

2009 йилда ёзилган мақолалар

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Ўчирилган овозлар

ББСи радиоси ўзбек бўлими Тожикистон Ислом Уйғониш Партияси раиси Муҳиддин Кабирий билан қилган мулоқоти матнини эълон қилди. Мазкур суҳбатда Исломий партия раиси Муҳиддин Кабирий шундай деган; "Ўтган асрнинг 80-чи йиллари охирида умумиттифоқ миқёсида ташкил этилган ушбу партия Ўзбекистонда ҳам кучли бўлимга эга эди. Эсимда бор (хали унда еш эдик) Ўзбекистондаги бўлимнинг ўша пайтдаги раиси Абдуллоҳ Ўтаев эди. Айта оламизки, партиянинг Ўзбекистондаги бўлими Тожикистондагига нисбатан кўпроқ аъзога эга ва кучлироқ эди." Бу иқтибосдан биламизки, демак Муҳиддин Кабирий ўша пайтлар ёш бўлган ва бу партия тарихини сўнг сафдошларидан эшитиб билган. Аммо мен бу партия тарихини озми кўпми биламан. 1990 йилда ҳали СССР тарқалмай туриб, бу диний партияга асос солинган эди. 1990 йилда Доғистонлик Доктор Аҳмад бошчилигидаги партиянинг ташкил қулувчи ташаббускор гуруҳ вакили Муҳаммад Карачай Москва шаҳар масжидида менга ҳам таъсис қурултойига катнашиш учун таклифнома беришганди. Мен боролмаганман. Қурултой Астраханда бўлиб ўтди. Маълумки, бу каби СССРда мисли қўрилмаган биринчи Исломий Сиёсий Партия қурултойи ўтказилишига КГБ ва куч ишлатар тузилмаларидан ташқари ўша пайтлардаги СССРдаги мавжуд учта Кавказ мусулмонлари диний бошкармаси ва Сибир ва Европа қисми мусулмонлари диний бошкармаси ва Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошкармаси муфтийлари ҳам ғоявий қаршилиқ кўрсатишган. Муҳаммад Карачай Москва масжидида халқа қилиб талабаларига сиёсий исломий йўналиш ҳақида гапирарди. Мен ҳам бу суҳбатларда бир неча марта қатнашганман. Горбачевни қайта куриш ошкоралик сиёсати таъсири қанчалик қаршилиқ бўлмасин, барибир бу диний партияга асос солинди. Ва бу диний Сиёсий Партияни расмий дин пешволари орасида фақат ўша пайтдаги Тожикистон қозиси Тўражонзода ошкора қўллаб қувватлади. Партиянинг ўзбек бўлимига ўша пайтда Имоми Бухорий номидаги Тошкент Ислом Университетининг мударриси бўлган Абдуллоҳ Ўтаев (миллати козок эди) раис бўлди. Партия ҳали шаклланиб улгурмай Совет Иттифоқи тарқалди. Ва Тожикистондан бошқа деярли барча мусулмон Республикаларида унинг фаолияти тўхтатилди. Ўзбек бўлими вакиллари ўша пайтларда Партияни расмий рўйхатдан ўтказишни талаб қилиб чикканда милиция томонидан куч билан тарқатилди. Охири 1992 йилда Абдулла Ўтаев МХХ тарафидан ўғирланиб кетилгач партиянинг кўпчилиқ аъзолари тарқалиб кетишди. Лекин Кабирий айтганидек, бу тожик бўлими сақланиб қолди. Кўп қурбонлиқлар эвазига ва айрим хатолиқлар билан бўлсада, ҳали ҳануз фаолиятда давом этаяпти. Ҳақиқатдан ҳам айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда ягона Диний Сиёсий Партия ўшадир. Энди эса асосий муаммога ўтсак. Агар биз бугунги дунёдаги воқеъликни олиб қарасак ва бугун кўпчилиқ бир овоздан демократик тузимда яшаш тарафдори эканлигини баралла айтаётган бир пайтда, ўз-ўзидан табиий бир савол пайдо бўлади. Яъни, Ўзбекистонда диктатура қулатилса, демократик бир жамият бўлса, ўша жамиятда яшовчи мусулмонлар ўз диний қадриятлари доир муаммоларини қайси демократик партияга арз эта олади? Қайси демократик партия уларнинг диний муаммоларга тегишли арз-додини эшитади?! Ўша демократик тамойилларни ўзи ҳам аҳолини муайян катламини манфаатини кўтариб чиқади халос. Муайян бир йўналишда фаолият юритади.

У холда ўз-ўзидан бизни, яъни исломий қадриятлар тарафдорларини манфаатларини ҳимоя килувчи бир сиёсий жамоат лозим бўлмайдими? Иншааллох. диктатура йўқолади. Кейин бизлар яъни, диндорлар қандай яшаймиз?! Четдан келган у ёки бу диний жамоа ғоялари бизга нима ям қилиб бера олади? Ким уларни сиёсатга яқинлаштиради? Биз Ўзбекистон мусулмонлари исломий қадриятлар асосида яшашни хоҳлар эканмиз, бу нарсани бизга бировлар келиб қилиб беришини кутиб ўтиришимиз тўғрими?! Бу масалада мавжуд қонунлар доирасида исломий қадриятларни аста секин ҳаётга қайтариш учун ҳам диний сиёсий партияга муҳтожмиз. Бундай йўналишда ҳаракат қилишга кўп мусулмонлар хорижда ҳам чўчишяпти. Кўпчилик диктатурани абадий деб гумон қилишяпти. Мазкур ҳаракат барибир ҳеч нарсага эришолмайди деган фикрдан нарига ўтолмаяптилар. Яна аксар мусулмон биродарлар ўзлари мансуб жамоалари доирасидан чиқиб фикрлай олмаяптилар. Кўп жамоаларнинг мақсади бўлган яна бир катта муаммо, яъни «ер юзида халифалик тиклаш» масаласига келсак, ҳозирги мавжуд воқеъликда бу реал асосга эга бўлмаган даъвога ўхшаб туюлади. Мақсадни аслида бундай глобал шаклда қўйиш ҳам муболағали назаримда. Биз яъни, Ўзбекистонлик мусулмонлар бутун дунёга "халифалик" ўрнатишни эмас, балки Ўзбекистоннинг ўзида босқичма-босқич исломий қадриятларни қайта тиклашликни мақсад қилишлик реалроқ менинг назаримда. Чунки, ҳозирги мавжуд исломий жамиятларни ҳар бирининг, алоҳида ривожланганлиги ва бири-биридан анча фарқли жиҳатлари борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бутун дунёда исломий давлати куриш концепцияси қанчалик чиройли кўринмасин бу нарса бугунги реал воқеъликга зиддир. Сабаби ислом олами ўзаро бирлашмайди. Уларни бирлашишдан тўсадиган кўп сабаблар бор. Ўша халифатчи сиёсатчилар бу фикримга қўшилмасликлари мумкин. Бу менинг шахсий фикрим. Ҳозирда мавжуд легал ҳаракат қилаётган Исламий партияларни дастурини олиб қарасангиз ҳаммасини фаолияти муайян чегарага (бир давлат ҳудудига) чекланган. Ва бу шундай бўлиши табиий ва тўғридир. Биз ҳам ўз фаолиятимизни ўз диёримизга чеклашимиз ва шу йўналишда фаолият юритишимиз лозим. Бу йўналишдаги яъни, диний сиёсий йўналишдаги ҳаракатлар Ватанимизда ўтган аср бошларида ҳам булган. Хонликлар Амирлик тугатилгач, 1917 йили "Шўрои Ислом деган сиёсий исломий ҳаракатга асос солинган. Кейинчалик жадидлар билан келишолмасдан ундан "Шўрои Уламо" деб аталувчи Туркистон диний Уламолари гуруҳи ажралиб чиққан. Оқ подшони тахтдан ағдариб, большевиклар ҳукумат тепасига келган пайтда, улар Туркистонни Россия вассаллигидан озод қилиб, алоҳида давлат куришлик ҳаракатида бўлганлар. Лекин, уларнинг фаолиятлари муваффақиятли бўлмаган. Ўша даврда диндор бўлмаган бирорта сиёсий арбоб бўлган эмас. Чунки, халқнинг зиёлилари фақат исломий илм эгалари эди. Кейинчалик барча Оврупо давлатларида бўлгани каби, дин сиёсатдан яъни, давлатдан ажратилди. Дахрийлар ҳукумати диндорларга нафақат сиёсат билан шуғулланишни балки, диний фаолиятини ҳам қатъий чеклаб қўйган эди. Шунингдек аксар илм эгалари мол мулки тортиб олиниб қатағон қилинди ва сургун қилинди. Айни шу сиёсат 73 йил давом этди. Бирорта сиёсий фикр билдирган исломий илм аҳлларининг овозлари ўчирилди. Шунинг учун ҳам бўлса керак бирорта расмий диний пешво бу масалада бирорта ҳаракат қилмаган. Балки сиёсий фикрлар давлат тарафидангина эмас, баъзи расмий «уламолар» тарафидан ҳам кораланган. Ва айни ҳолат СССР таркибидаги аксар исломий диёрларда такрорланди. Ҳатто бугунги кунга келиб мусулмонларни кўпчилиги "дин аслида мутлақо сиёсатга аралашмаслиги керак" деган фикрга эга бўлди. Аммо дунёда тараққиётнинг ривожини қанчалик юксалар экан, унинг шунчалик исломий ғояларга эҳтиёжи ортаяпти. Ва бу шундай бўлиши табиий ҳам. Инсоният нажоти Исломда эканини эртами-кечми тушуниши лозим эди. Бу кунги Исламий диёрларда ўнлаб жамоалар пайдо бўлганлиги ва фаол ҳаракат қилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Фақат бизларда бу соҳада имкон бўлмаяпти. Баъзи ватандошлар у ёки бу диний жамоага мансублиги учун диний сиёсий фаолиятга қўшилолмас, баъзиларини бу йўлда бўлиши мумкин бўлган турли хил қаршилиқ тазйиқлар чўчитаяпти. Лекин, бугунги давр шуни тақозо қилаяптики, бугун бу масалада кўплаб мусулмонлар бош қотираяптилар. Турли хил мунозара муноқашалар бўлаяптики, демак, бу йўналишда биз Ўзбекистонлик мусулмонлар ҳам уйғонаяпмиз.

Умид қиламизки иншааллоҳ, бу мусулмон уммати ҳам боболари каби исломнинг муҳим бир вожиботини яна қайта қўлига олиш муддати яқиндир. Ўчирилган овозлар яна қайта янграяжак. Иншааллоҳ!

2009 йил

Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш...

Ҳинду, Руму, Хитойдан келсам топардим эътибор,
Ғолибо айбим Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Муқимий бу сатрларни ватанида яшаб туриб эътибор топпаганидан куйиниб ёзган бўлса ажаб эмас. Аслида бу қисмат фақат Муқимийгагина тегишли ҳам эмасдек гўё. Ватанда яшаб, қадрини топмаслик ҳамма давр, макон ва халқларга тегишли умумий табиат бўлса керак. Аллоҳу Таъоло Қуръони каримда Пайғамбарлар ва уларга эргашиш улуғ зотларни айни шу қисматга дучор бўлгани хабарини берган. Бу ҳам аслида бир табиий қонуният бўлса керак. Қайсики жамиятда яхши кишилар хор бўлса, демак ўша диёрда ёвузлик ҳукмрон бўлади. Ёки бунинг акси ўлароқ, қайси жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, ўша жойда яхшию ёмон фаровон, зулмсиз ҳаёт кечиради. Хуллас, зулм диёридан ҳижрат қилиш инсон табиатига хос нарсадир ва айни замонда бу динимиз талаби ҳамда пайғамбарлар суннатидир. Қадим тарихда кишининг қадриятини ўлчови сифатида сафар қилишлик ўзига хос ўлчов, бир мезон сифатида ишлатилган. Навоий ҳазратлари “Насоимул муҳаббат” асарида қатор шайхларни қисқа тарихини зикр қилиб, “бу шайх фалон фалон жойларга сафар қилган”, ёки “фалон ва фалонлар билан учрашган, суҳбатларида бўлган” каби ўша зотнинг тарихига оид маълумотларни унинг мақомини белгиловчи мезон сифатида зикр қилади. Бу каби тушунчалар тасаввуфда жуда кўп. Ҳижрат қилиш, мусофирлик машаққатларини чекиш ўзига хос таълим манбаъси ҳам ҳисобланади. Халқимизда “мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан” деган бир мақол ҳам бор. Бу сўз ҳам асли маънодан узулган гапмас. Пайғамбар алайҳиссаломнинг бир ҳадисларида “Машаққат чекмаган одамда ҳалимлик бўлмайди” дейилади. Энди бу сафарни хоҳ у ҳижрат бўлсин, хоҳ бошқа сафар – фойдадан холи эмаслиги аниқ. Ва бу сафарлар одамларни ичида борини юзага чиқарувчи ўзига хос бир имтиҳон ҳамдир. Мен бу ҳижрат диёрида юриб, Аллоҳ насиб қилганча сафарлар қилдим, кўп одамлар билан танишдим, суҳбат қилдим. Хусусан Ўзбекистонлик бўлганим учун ва бу юртдаги халқнинг аҳволидан озми кўпми хабардор бўлганим ва уни келажагига бефарқ бўлмаганим учун ҳам мен учун режимга муҳолиф бўлган одамларни, асосан умрини йигирма йилини шу режимга қарши курашга боғлаган сиёсатшунослар билан учрашиб танишиш, суҳбатини олиш нияти бор эди. Швецияда яшаётганимга 6 ой бўлаяпди. Имкониятларим чексиз эмас албатта. Лекин Аллоҳни Ўзи сабаблар билан шу муддат ичида ўзбек муҳожир мусулмонлари пешвоси Обидхон қори, “Эрк” партияси раиси Муҳаммад Солиҳ, “Бирлик” раҳбарларидан бири Исмоил Дадажонов, Каримов тузимига қарши тинмас курашчи, инсон ҳуқуқи фаоли Толиб ака Ёқубов, диссидент шоир, метин ирода эгаси Ёдгор Обид каби қатор ёши улуғ, сиёсий курашда тажрибали ва ўзлари халқ орасида таниқли одамлар билан учрашиб суҳбатлашдим. Шунингдек, сиёсат оламида нисбатан янги бўлсада ҳаёт тажрибаси катта бўлган Андижонлик тадбиркорлар раисларидан Нуруллоҳ ака Мақсудов, Баҳром тоға Шокировлар билан учрашдим. Айни дамда сиёсий муҳолифатни ёш вакиллари Камолиддин Раббимов, Муқим Маҳмуд, Акмал Ҳайдаров ва бошқа кўплаб ватандошларни танидим. Ҳамма билан суҳбатимиз мавзуи фақат Ўзбекистонни келажаги ҳақида, халқнинг, мусулмонларнинг аҳволини нима қилинса яхшилик тарафга ўзгартириш мумкинлиги ҳақида бўлди.

Албатта уларнинг ҳар бирида ўзига яраша фикр -мулоҳазалар бор эди. Баъзилари бошқасининг фикрига қўшилмасада, уларда ибрат олгудек кўп нарсалар ҳам бор албатта. Энг қизиқ ва ажиб томони эса, бу одамларнинг шахсий ҳаётлари, қисматлари ибратли эди. Ҳаммалари юртига сиғмаган одамлар эди. Ёки янада аниқроқ айтганда ўз юртида қадр – қимматини топмаган одамлар эди. Ва айти дамда ҳаммалари чет элларда иззат икромда яшасада, атрофларида дунё неъматларию, ихлосмандлари етарли бўлсада ватан дарди билан ўртанаётган ва нима қилса шу мазлум халқга бир фойдам тегар экан деб бош қотираётган одамлар эдилар. Мен учун уларни фикрлари, маслаҳатлари ва тажрибалари зарур эди албатта. Айти дамда улардан ташқари ҳали мен шахсан бевосита учрашиб, гаплашмаган, аммо билвосита алоқа қилаётган сиёсатшунос ва ҳуқуқ ҳимоячилари Мўътабар Тожибоева, Надежда Атаева, Умида Ниязова, Ҳазратқул Худойбердиев, Холдор Вулқон ва бошқа кўплаб ватандошлар бор. Ҳаммамизни бирлаштириб турган нарсаси – муҳожирлик, мусофирлик қисмати ва юрт қайғуси ва албатта Динимиз Ислонинг Ўзбекистондаги келажаги қайғусидир. Чунки, деярли ҳаммамизни динимиз Ислондир. Айти пайтда ҳаммамиз ватандан хориждамиз. Ҳаммамизни яқинларимиз, таниш – билишларимиз ё турмаларда умри хазон бўлаяпти, ёки оғир аҳволда яшайпдилар. Бу дард бизни бирлаштириши лозим. Бу дард ҳар бир виждони уйғоқ одамни ўйлантириши лозим. Бу дард бизни келажакда Ўзбекистонда шундай жамият қуришимизга эриштириши лозимки, у жамиятда ўзбеклар қочиб бошқа юртларга кетмасин. Юртнинг асл фарзандлари ёт элларда сарсон – саргардон бўлиб юрмасин. Бу мақсад йўлида бирлашиш вожибдир. Чунки, ҳар қанча яхши ҳаётда яшамайлик ёт эллар биз учун эл бўлмас экан. Ҳамид Олимжон айтганидек: "Қабр учун керак жойни, қарзга олмоқчимисан?" қабилидан бўлиб қолмайлик. "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Ўз элимнинг ёнтоғича билинмас", дейди Махтимқули. Кейин яна бир нарсани ҳар биримиз тушунишимиз керакки, бу Европа халқлари ватанларини озод ва обод қилиб бошқаларга ҳам бағридан жой бераётган экан, биз ҳам ўз ватанамизни обод қилиб яшайлик. Бировларни тайёрлаган жойларга шундай келиб олиб қолиб кетишлик, муттаҳам бўлиб яшаш, аввало ўзини ва динини, ватанини ҳурмат қиладиган ва авлодларини келажагини ўйлайдиган одамга мутлақо жоизмас. Бу диёр аҳлидан лозим илмларни ўрганиш учун ва ватанга бориб ҳаётга татбиқ қилиш учун келиш мумкин. Мен баъзи ёшларни бу жойларга фақат яхши ҳаётда яшаш учун келаётганини кўриб ҳайратланаман. Уларда ватанга қайтиш мақсади йўқлиги ва шу ерда қолиб кетиш истагини ҳукмронлиги жуда ачинарлидир. Айти дамда ёши улуг ватандошлар билан суҳбатлашсангиз, улар ватанни, яқинларини қўмсаётганини эшитасиз. Уларни шу соғинч ҳислари қийнаётганини сезиб турасиз. Чунки, улар кўп йиллар дунёни кезиб, ўша ерларда яшаб келишсада, соғинч ҳислари уларни тарк етмаган. Ёдгор акага қараб туриб ҳайрон қолганман. Бу одамни иродасини шунча йиллик ҳижрат ҳаёти ва охири кўринмаётган зулму зўравонлик ҳам синдирилмаган. Келажакка умид билан қараш ва барибир қолиб бўлишига ишониш, яъни айти шу ишонч улуг кучдир. Толиб ака ҳали кураш майдонида. Бу одамлар ҳаёти катта ибратдир. Маслаҳатлари қимматлидир. Ўзлари эса муҳожир ўзбекларнинг дарғаларидир. Бу одамлар ўтган асрнинг 90 йилларда барча ўзбек халқининг кутган, орзу қилган озод ва обод жамиятни қуришлик ҳаракатининг тарихи солномасини бошлаб берганлардир. Шу одамлар бу кураш майдонидаги йўлчи юлдузлардир. Улар ўзғояларида содиқ турмаганларида, замонасоз бўлганларида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа ўнлаб сиёсатчилар, дин пешволари каби егани ортида, емагани олдида бўлиб яшашган бўларди. Аммо буниси энди ақида, дунёқарашдаги собитлик, принципааллик бурч ва орият масаласидир. Бу -инсоннинг ўз виждони ва Роббиси олдидаги мажбурияти масаласи ҳисобланади. Зулмга рози бўлиш учун инсоннинг кўзлари кўр бўлиши керак. Юраклар тош бўлиши керак. Бунинг учун ўлимдан ва моддий нарсаларни йўқотишдан ўтакетган даражада қўрқадиган бўлиш керак. Дунёни охиратдан кўра қаттиқроқ севиш керак. Бу эса Пайғамбарлар ва уларга эргашган содиқ зотларнинг йўллари эмас. Йўлида, эътиқодида собит зотлар одатидан эмас. Ҳақ билан ботил курашида ўртаҳоллик бўлмайди. Ё ҳақ тарафда ҳақ аҳли билан ё ноҳақлик тарафда ўшалар билан бўлинади халос. Бу кураш йўли узун ва машаққатлидир. Лекин ҳар нарсанинг охири бўлганидек бу ноҳақликнинг ҳам охири бордир. Албатта ўша яхши доруломон кунлар келади иншаАллоҳ!

Ва ўша пайтларда бу зикр қилинган инсонлар ўз муносиб қадр қийматларини топажаклар. Яхшиликга тўсиқ қўювчилар ўз қилмишларига лойиқ жазосини оладилар. Шундай кун келишини халқимиз кутмоқда. Миллионлаб ота – оналар, бева – бечоралар, ёшу қарилар кутмоқда. Миллионлаб мўминлар саждага бош қўйиб ёлбориб, дуолар қилиб кутмоқдалар. Биз у кунни келишига шубҳа қилмайлик. Балки вақтни ғанимат билиб, ўзаро жипслашиб курашайлик! Ёмонлик ортидан яхшилик келиши Аллоҳнинг қонунидир. Ва бу яхшилик албатта келади иншаАллоҳ! Бу кунларга ҳам жуда – жуда оз вақт қолди...

2009 йил август

Сўфининг эътирозига жавоб

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Агар янглишмасам сиз биз Ўзбекистонлик муҳожирлардан томонидан ташкил қилинган “Таянч” ташкилотига ва унинг фақат Ўзбекистонга яъни ўзбек мусулмонларигагина чекланган фаолияти нуқтаи назаридан эътирозлар билдиргансиз. Ва бунини мақолангизда “Ижтиҳод” масаласини билиб ёки билмай амалда тадбиқ этмасликлари билан, Европа жамиятидан ажралиб қолмоқдалар.” деган ибора билан ифодалагансиз. Энди бу мавзудаги менинг жавобим шуки, Сиз кўтарган ижтиҳод мавзуси ва Европа Уламолари чиқараётган фатволар, Европада ёки бошқа халқи мусулмон бўлмаган ўлкаларда доимий яшаётган мусулмон халқларини кундалик турмуш тарзига оид масалаларда қандай қилса исломга мувофиқ бўлишига қаратилган бўлиб, бу албатта зарурат бўлса муамога дуч келинса яқка тартибда амалда қўлланиб кетилиши лозим бўлган аҳкомлар мажмуасидир. Яна шуни ҳам билингки ҳозирги кунда Европа давлатлари билан Ўзбекистон ёки бошқа халқи мусулмон бўлган ўлкаларни асл жиҳатидан фарқи йўқдир. Чунки буларни барчасида Ислом ҳукми йўқлиги маълум нарсасидир. Шундай экан Қарзовийнинг фатвосини Ўзбекистондаги одамлар ҳам олиб амал қилиши мумкин. Чунки фатволар Исломий бўлмаган жамиятлар учун дейилганлиги, демак бизнинг жамиятлар учун ҳам деганидир аслида. Энди бу фатволарга шахсий ҳаётда амал қилишга келсак, бу масалада яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳеч ким “Европада яшасанг, фақат Европа олимларини ижтиҳодини ушлашинг шарт” деяолмайди. Чунки ижтиҳодлар қайси олимники бўлсада, ўзаро тенг кучга эгадир. Яъни, сиз Европада яшаб, Африкадаги олимнинг шахсий масалалардаги ижтиҳодини ушлашингиз мумкин. Ижтиҳод қондаси шуки, ҳеч бир олим ўзининг фатвосини “фақат меникини ушлайсан, бошқасиники нотўғри!” деб, айтмайди. Жумладан Қарзовий жаноблари ҳам. Ва яна “Бу атамани “Интеграция” ҳам деб аташади. Мана бу энг биринчи катта хато” деб ёзибсиз. Тўғриси бошқа халқнинг ичида яшаб, уларга қўшилиб кетиш “интеграция” дейилади. Ва айни шу интеграциядан хавфсираб, болаларини келажагидан ташвишда юрган мусулмонлар кўп. Шуни билингки Қарзовий жаноблари ҳам интеграция бўлиб кетишга чақираётгани йўқ. Энди бу сўзингизга эътибор берсак. «Бугунги аҳволга қаранг, бизни юртимиздан ҳижрат қилиб чиққан мусулмонларимиз ҳар хил номлар остида кичик-кичик гуруҳлар тузиб “изоляция” йўлини танлашди. Хатто ўз миллатдошлари (миз, демоқчилар шекилли) ичида ҳам ўзларини алоҳида гуруҳга ажратиб қўйишмоқда. Бу ҳолат фақат Исломга зарба бўлишлигини тушунмоқ лозим. Исломда ўзбилармонлик қилиб, ўзича Ижтиҳот қилиб гуруҳ тузуб, от чоптириш ҳақида Ҳадис ва Қуръонда ҳужжатлар етарлидир!» дебсиз. Ажойиб фикр. Аммо бунини бизга нима алоқаси бор?! Бизни тутган йўлимиз, аввало шариятга ва албатта мақсадимизга ҳам мувофиқдир.

Яъни биз бу диёрда қолиб кетиш шариатда фарз қилинган деб, билмаймиз. Ва имконимиз бўлса, ватанга қайтишни умид қилиб яшаймиз. Бу ерга келиб, яхши ҳаётда яшаб қолишни орзу қилиб юрганлар ҳам, сизга етарли бўлса керак? Кейин биз шундай тушунамизки, биз учун ўз ватанимизни яъни халқимизни қулликдан, зулмдан имкон қадар тез озод ва обод қилиш вожибдир. Ўша йўналишдаги ҳаракат бизни аввалги бурчимиз деб биламиз. Европа халқларини тилини ўрганиб, уларни Исломга даъват қилиш каби мақсадни бош шиор қилиб олиш, албатта яхши ва олийжанобликдир. Лекин менинг ака укаларим, дўсти биродарларим турмаларда ётибдилар. Уларнинг ота оналари бола чақалари оч яланғоч ўтиришибди. Мен учун Европаликларни динга чақиришдан кўра муҳимроқ ва лозимроқ амал, ўшаларга қандай бўлсада ёрдам беришликдир деб тушунаман. Яна шуни билингки шариатда фарзлар ўзини зарурлиги билан, бири иккинчисидан олдин туради. Баъзида бири иккинчисини бекор қилади. Бу фикр уламоларига маълум ва машҳур нарсас. Шунга ям эътибор беришингизни истардим. Ва яна» Ислом ва мусулмон, тушунчада бир вужудир, уни бўлакларга бўлишликни ақли солим ва илмли бўлган кишилар қилмайдилар!» Биз мусулмонлар Умуминсоний қадриятлар атрофида, Илм-маърифат атрофида, юксак маънавий ва комил инсонлик атрофида жам бўлишлигимизга буюрилганмиз! Менимча, саволларга Хеба хонимизнинг жавоблари, биродаримиз Муҳамматсолиҳ Абутовга етарлича жавоб бўлган деб ўйлаймиз.» Ўзларини бошлаган ишларини Қуръон ва суннатга ва "Европа Уломолари" Ҳайъатининг Фатволарига солиштириб қайта кўриб чиқсалар, Ислом ва дин учун маъқул бўларди деб ўйлайман. Дин ва охират ғамида бўлган мусулмонлар учун хатоларни тўғрилаб олишлиги, фақат мақсад учун тўғри, мувофиқ бўлади!» дебсиз. Бу гапларингизни тасдиқлаб, бу гаплар айни дамда, бизни бошлаган ишимизга, ҳаракат йўналишимизга дахлдор эмас деб, ўйлашимни айтмоқчиман. Биз маълум бир макон ва халқга чекланганимиз, бу бизнинг имконият даражамиз тақозосидир. Ва айни дамда бу шариатга ҳам мувофиқдир. Чунки биз бутун дунё мусулмонларини муаммоларини ҳал қилаолмаслигимиз аниқ. Шунингдек, бир мисол. Масалан биз Сомалидаги бир муаммони ҳам ҳал қилишимиз учун тўпланиб бош қотиришимиз, соғлом ақлга ҳам тўғри келмайди. Чунки у ёқдаги муаммоларни ўзлари, ўша халқ вакиллари биздан яхшироқ билишади албатта. Шундан келиб чиқиб, сиз бизнинг фаолиятимизга нисбатан билдирган эътирозларингиз унчалик воқеъликга мувофиқ эмасдек. Аммо сизга шу билдирган муносабатингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Аллоҳу Таъоло ҳаммамизни ҳақ йўлига ҳидоятига бошлашини сўраб дуо қилиб қоламан.

17 08 2009

Ислом ҳақ дин

Бир йигит менга фаесбок орқали чиқиб баъзи саволларни берди. Пала партиш тушунтиришича уни Ислом динини ҳақлигига шубҳаси бор экан. Ўзини мусулмон эканига ҳам ўзи ишонмай қолаётган экан. У ўлим келиб қолишидан аввал ўзини ўнглаб олишни истар экан. Аммо, тўғри йўлни тополмай ҳайрон экан.

Унинг саволларини биринчиси қуйидагичадир;

1.nega u yoki bu shahs bir dinga mansub boladi,shunaqa tugilganigami yoki shi din hammasidan ustun boganigami ,haq boganigami nima asosda.

bir dinsiz dindor bomoqchi qo tacha kotta dinlar yonida turibdi qaysi birini nima asosda tanlidi

Менинг жавобларим шундайдир.

Имон тақлидий бўлиши мумкин. Кейин инсон онгли суратда қабул қилган бўлиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам мақбул ҳисобланади. Тақлидий имонга мисол шуки, кимнидир ота онаси ёки бирор шахсни ўзи мансуб бўлган халқ мусулмон бўлса, уларга эргашиб у киши ўзини мусулмон санаса асосан шу кабилар тақлидий имон келтирган ҳисобланади. Бундайлар бугунги Ўзбекистон аҳолисини деярли ҳаммаси десак ҳам бўлаверади. Энди, кимки илм ўрганиб ўз имон эътиқодини ўзи илмий мантиқий жиҳатдан тасдиқлай олса бу одам илмий ёки ақлий имон келтирган бўлади. Баъзилар кейингиси имон учун шарт деган иддаони қилишган. Лекин ислом оламини салафу халаф олимлари тақлидий имонни ҳам дурустлигига иттифоқ қилишган. Энди бир динсиз дин танламоқчи бўлса, албатта ақлга ва қалбига қулоқ тутати. Ақли тан олиб қалби таскин топмаган нарсани инсон қабул қилмаслиги мумкин. Аммо, Ақл ва қалб асосий омил ҳисобланмайди. Аллоҳнинг тавфиқи ҳидояти асосийдир. Яъни Аллоҳ бир бандасини шу Ўзи рози бўлган Ислом динига йўллаб қўймаса, демак фақат ақли борлигини ўзи кифоя қилмайди. Ақлни ўзи кифоя қилмаслигига кўп ақлий далиллар бор. Атеистлар, Буддистлар, Яҳудийлар ва Христианлар ичида кўп ақлли турли соҳаларда профессорлар бор. Улар аҳмоқ одамлар эмас. Ақли билан танлаб кирган ўша динига. Лекин ақл уларни бирини Худосиз, бирини Худони учта деб билувчи, бошқасини бутга сиғинувчи бўлишига олиб келган. Улар фақат ақлни ўзи билан тўғри йўлни топаолмадилар. Ва ҳаказо. Хуллас, ўзбекистонда туғилган ўзбекнинг фарзанди ақл билан Аллоҳни танимаган бўлсада, ҳатто шаҳодат калимасини кимнидир олдида бориб гувоҳлар ҳузурида ошкора айтмаган бўлсада, урф бўйича мусулмонлар орасида туғилиб яшаётган бўлса, ва ўзини мусулмон ҳисобласа уни мусулмон деб танимиз. Ва ундан алоҳида имон келтириш талаб қилинмайди.

2. adolat bormi bu dunyoda.

Адолат борлиги масаласи бу дунёда нисбийдир. Адолат бу дунёда икки хил кўринишда намоён бўлади. Умумий суратда Илоҳий адолат бор. Бу инсонларга боғлиқ бўлмаган воқеъа ҳодисаларга тегишлидир. Яна инсонлар орасидаги муомалаларда адолат меъёри бор. Бу меъёр нисбатан ихтилофлидир. Баъзилар наздида адолат бошқалар наздида адолат эмасдек туюлади. Лекин, умуминсоний адолат тушунчалари ҳам бор. Айни ўша, инсонлар аро муносабатларда адолат қилишлик инсонларни ўз ихтиёридаги ишдир. Бу ишларга инсонлар ўзлари жавобгардир. Албатта, бу муносабатлардаги адолат ер юзида тўла мавжуд эмас. Буни ҳамма кўриб билиб турибди. Менимча сиз ҳам буни билсангиз керак.

3. nega islomda etilgan kop oyat va suralar togrri kemayapti bismilloga qaytamis,man taqvodor bolib yurgan yillari hayorimdagi eng iflos yillar boldi,hor zor boldim, namozni tashagach esa ish topdim, sal ishlar yurishdi ,ichishgayam majbur boldim, bir qarang

Яъни бу ерда сиз Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан деган калимадаги Аллоҳнинг исми сифатларига Меҳрибон ва Раҳмли зот эканига ишонмаётган экансиз. Сабаби эса тақводор пайтингиз хор зор бўлибсиз, намозни ташлагач иш топибсиз. Бу ўлчов жуда соддалик деган бўлардим. Аллоҳ бизга Ўзининг Исм ва сифатларини қуръон орқали танитди. Улардан бири Раҳмон яъни, Меҳрибон Зот эканлигидир. Бу сифати оламдаги барча махлуқотга яхшилик қилувчи Зот деганидир. Яъни мўмину кофир барча инсонга ва ҳайвоноту наботот хуллас, бошқа барча махлуқотларга яхшилик қилувчи деганидир. Бу улуг сифати туфайлидан бу олам мавжуддир. Ва унда ҳаёо намоёндыр. Шу сифат туфайлидан сиз дунёда мавжудсиз ва инсон бўлиб яралгансиз. Шу сифат туфайлидан сиз кўр кар соқов шал чўлоқ мажруҳ эмас соғлом ақлли хушли инсонсиз. Шу сифатидан сизга насиба етмаганда сиз менга бу саволларни бермаган ва умуман беролмаган бўлардингиз. Бу сифатидан насибадор бўлмаган махлуқотни ўзи йўқ. Раҳим сифати эса раҳм қилувчи ёки раҳмат қилувчи деганидир. Бу сифатидан насиба олиш фақат Ўзи рози бўлган мўминларгагина насиб этажак. Аллоҳнинг раҳматидан кофирларга насиба йўқдыр. Энди сиз ишсиз қолсангиз бу дегани Аллоҳнинг Меҳрибон эмас деганымас.

Сиз ҳаётда учраган турли хил синовларни сабр билан ўтаб боришга буюрилгандингиз. Сиз тақводор бўлсам ишларим юришиб пулим кўпайиб кетади деб ўйлаган бўлсангиз аввал бошдаёқ хато қилибсиз. Намоз ўқиган учун бу дунёда мукофот ваъда қилинмаган. Ўқимаганлар ҳам юришибди бемалол. Намоз учун мукофот ёки жазо охирада бўлади. Агар охирада ишонсангиз. Дунёдаги ҳар хил оғирлик машаққатлар уч турда бўлиши мумкин.

1. Имон учун синов.
2. Умумий келган бало.
3. Қилган айбу жиноятга жазо.

Сиз ишсиз қолган учун тақводор бўлганингизни эмас, балки тепангизда ўтирган Золим режимни айбдор санасангиз анча тўғри бўларди. Чунки, халқни оч яланғоч ва ишсиз пулсиз қолишига иқтидордаги ҳукумат жавобгардир. Нимага сиз бу ҳақида ўйламадингиз? Тақводор бўлганим учун қийналиб кетдим, демак бу дин тўғримас экан деган фикрга бориб қолдингиз. Пулингиз кўпайиб кетса, дин тўғрию, камайиб қолса хато бўладими?! Сизни динга кириб тақводор бўлганингизга мени шубҳам бор. Сиз менга савол бериб астойдил жавоб сўраган учун буларни ёздим. Аслида, бу каби саволларни жойи кимдир ўтириб, вақт ажратиб жавоб берадиган савиядан анча пастдадир. Мен сиз каби фикрловчиларга ҳам бир насиҳат бўлсин деб умид қилдим. Тўғри бўлса жавобим Аллоҳдан хатолари бўлса менадир. Аллоҳ сизни ҳидоятга бошласин.

2012 03 09

Ислом нимани талаб қилса у халқ учун манфаатдир

Ҳозирги кунда бутун дунё мусулмон халқлари ва ҳукуматлари олдида Демократик қадриятлар билан Ислом аҳкомлари бир бирига қанчалик зид ёки мувофиқлик масаласи муҳокамада турибди. Янада очиқроқ айтсак бу мавзудаги баҳс ва мунозаралар дунё саҳнасида социализм системаси бутунлай чиқиб кетганидан кейин жиддийроқ авж олди. Чунки дунё халқлари олдида ҳар томонлама яхши ҳаётни таъминлайдиган тузим бу демократия деган тушунча пайдо бўлди. Аммо бу масалада бошқа дин вакилларида фарқли ўлароқ мусулмон халқлари орасида жумладан Ўзбеклар орасида ҳам анча мунозаралар қарама қарши фикрлар мавжуд. Бу каби фикрларни ўрганиш жараёнида уларни шартли равишда шундай гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ислом динини демократия умуман алоқаси йўқ. Ва бу бир бирига мутлақо қарама қарши бўлган икки тузим деб билувчилар.
2. Демократия Ислом динига мувофиқ ва демократик тузимда яшашлик исломга мувофиқ деб ҳисоблагувчилар. Аввалги тоифага кирувчилар Ҳизбут таҳрир партияси вакиллари, ва салафийлик йўналиши вакиллари.

Кейинги тоифага исломга эътиқод қилувчи халқ вакиллари ҳаммаси киради. Шу икки тоифа орасида ўн беш йигирма йилдан бери оила, маҳалла, доирасида ўзаро жанжаллар давом этмоқда. Давлат режими эса шу фактдан усталлик билан фойдаланаиб, ўзини репрессив сиёсатини оқламоқда. Диктаторни ўлимидан кейин ҳам бу икки тараф орасидаги адоват ва нафрат тўхташига ишониш қийин.

Ҳали кейинги ҳукумат ҳам,бу масала билан рўбарў келмаслигини иложи йўқ. Энди шу икки тараф вакилларида ҳам Ўзбекистондан қочиб чет элларда яшаётганлар бор.Ва ҳозир булар орасида ҳозирча фақат сўз билан бўлаётган курашга гувоҳ бўлиб турибмиз. Хўш,аҳвол шу экан, бу адоватни олдини олиш учун нима қилиш мумкин?! Нима қилганда ўзаро уруш жанжалларга барҳам бериб,тинч яшаш мумкин?! Бу масала Ўзбекистон халқи ва мусулмонлари учун ҳам жуда муҳимдир. Ҳали бу масалада ҳаммани қониқтирадиган ечим топиб яшаётган жамият йўқ. Демократик тамоиллар ривожланган мусулмонлар яшайдиган давлатлар ҳам ҳали бу мавзунини кун тартибидан чиқарган эмаслар. Бу масалада мени позициям қандайлигини ва нима қилса ўзаро адоватсиз жамият кура олиш мумкинлиги тўғрисида фикрларимни ўртоқлашмоқчи эдим. Ва бу масалада ватандошларни, биродарларнинг мулоҳазаларини ҳам билишни истардим. Аввало шуни яхши тушуниш керакки, ҳозирги Демократик тузимлар бошқа тузимлардан ўзлини афзал деб кўз кўз қилаётган инсонга тегишли ҳақ ҳуқуқлар, эркинликлар,Исломда борми йўқми,шунга эътиборни қаратсак. Агар динимиз бу каби ҳақ ҳуқуқларни бизга берган бўлса, демак биз демократ деб номланган озод жамиятни ислом асосида кураоламиз. У ҳолда буни номини демократ дейсизми, ёки Исломийми бундан қатъий назар бир нарса сари интилаётган бўламиз. Агар шу муаамони ўзаро муҳокама қилиб тўғри тушунаолсак, ўзаро адоватга ўрин ҳам қолмасди. Демак, қиёслаб кўриб мулоҳаза қилсак, демократик жамиятлар бири иккинчисидан ўзаро фарқлансада, ҳаммасига хос бўлган шахсга тегишли асосий қадриятлар қуйидагилардир.

1. Сўз эркинлиги.

2. Эътиқод эркинлиги.

3. Мулкга эгалик ҳуқуқи.

4. Шахс эркинлиги. Демократик Жамиятларга тегишли тамоиллар.

1. Давлат Конституция асосида бошқарилиши.

2. Давлатда фуқаролар ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиши.

3. Ҳукумат раҳбари халқ томонидан сайланиши. 4.Ҳукумат шўро парламент асосида бошқарилиши.

5. Суд тизими мустақил бўлиши. Ва ҳаказо. Энди шу қадриятларни Ислом динида борлигини ўрганиб чиқамиз.

1. Сўз эркинлиги масаласида Ислом дини мусулмонларга мисли кўрилмаган эркинликларни 14 аср олдин берган. Бунга жуда кўп далиллар бордир. Ислом эътиқодича ҳар қандай одамни сўзи олиниши ҳам,рад қилиниши ҳам мумкин. Фақат Расулуллоҳ алайҳиссалом бундан мустаснодирлар. Бу дегани ҳар қандай одамни сўзини, фикрини қабул қилмаслигини мумкин. У одамни ким бўлишини фарқи йўқ. Шунингдек бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом "Жиҳодни афзали золим подшоҳ олдида айтилган ҳақ сўздир" деганлар .

Бу масалада Исломда жуда кўп ҳужжатлар бор. 2.Эътиқод эркинлиги масаласида эса Қуйидаги оят бизга кифоя қилса керак?! Сен:«Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», деган. Қаҳф сураси 28 оят.

Шунингдек Ислом фақиҳлари Ислом ҳукми юриб турган даврларда,бошқа диндагиларга тегишли алоҳида Қуръону ҳадисга асосланган қонунлар фикҳий аҳкомлар мажмуасини ишлаб чиқишган. Чунки, Исломда зўрлаб динга киритишлик йўқдир.

Бошқа оятда айтилади. «Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлур. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир». Бақара сураси 256 оят.

Ақида, иймон масаласи инсон қалбига боғлиқ жуда ҳам нозик бир масаладир. Бу нарсани мажбур этиб, куч билан сингдириб бўлмайди. Балки ҳар бир инсон баён қилинган нарсаларга тушуниб иймон келтиргандагина мақсад ҳосил бўлади. Исломда ушбу қоидага қаттиқ риоя қилинади. Аллоҳ таоло Ўзи «Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради», деб қўйган. Яъни, Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони Каримни тушириб, Исломни жорий қилгандан сўнг тўғри йўл нотўғрисида, ҳақ ботилдан ажради. Ҳамма нарса ўз ўрнини топди. Шундай бўлгандан кейин «Динга мажбур қилиш йўқ». Ҳар кимга Аллоҳ ақл берган, ўзига керак йўлни танлаб олсин)

3. Мулкга эғалик мавзуси жуда кенг бўлиб, бу тўғрида қисқача тўхталиб ўтамиз. Мулк яъни, Осмонлар ва ердаги барча нарса динимиз таълимотида ягона Аллоҳгагина тегишлидир. Шу матолардан инсонларга шахсий мулк сифатида эғалик қилишга рухсат берилган. Мулк солиғи сифатида закот фарз қилинган ҳалос. Аммо ўрмонлар, сув дарёлар, олов, (нефть газ,) каби нарсалар умумий ҳисобланади Бировнинг шахсий мулки бўлиши мумкинмас. Воқеъа сураси 63дан 73гача бўлган оятлар шунга далолат қилади. Аммо ҳаром қилинган нарсалар савдоси ва рибоъ мусулмонларга манъ қилинган. Лекин бошқа дин вакилларига манъ қилинмаган. Бурҳониддин Марғилонийни “Ҳидоя” асарида насоролар боқаётган чўчқалардан закот олинмаслигини айтиб ўтган.

4. Шахсий эркинликлар масаласига келсак. Улар асосан қуйидагилардан иборат. Яъни, ҳар бир шахс ўзича эркин. Унинг ҳаёти дахлсиздир. Касал бўлса даволаниши, истаса илм олиши мумкин. Илм ҳатто фарз қилингандир. Шахсий ҳуқуқлари барчаси бор. Ва у аёл бўлса ўзи хоҳлаган кишига эрга чиқиши, ёки эркак бўлса уйланиши мумкин. (Бу ерда демократик жамиятлар эркак билан эркакни, ёки аёл билан аёлни ўзаро никоҳини ҳам қонуний деб ҳисоблашяпти.

Ислом дини эса инсониятни табиатида, фитратига мос бўлган йўлни, инсониятни наслини, миллатини, ор номусини сақлашни талаб қилиб, буларни манъ қилади), Шунингдек ҳар бир шахс миллати, ижтимоий мавқеъидан ташқари Исломда ўзаро тенг ҳуқуқлидир. Айнан Ислом дини келганида олий табақа билан куликдан озод бўлган одамлар ўзаро тенг ҳуқуқли биродар бўлдилар. У пайтларда ва то 18 асргача бўлган вақт мобайнида дунёни барча мусулмон бўлмаган халқларида, оддий халқ зодагонлар билан тенг бўлмаган эди. Ҳуллас бу шахсий эркинликлар номини демократия дейиладими, ёки бошқами, Ислом динида мавжуд бўлган қадриятлардир. Аммо буларга тарихлар давомида доим амал қилиндими йўқми, буниси энди бошқа масала?! Демократик Жамиятларга тегишли тамойилларни Исломдаги мавқеини ўрганиб чиқамиз.

1. Давлат Конституция асосида бошқарилиши. Яъни бу асос қонунни жорий қилинишидан кўзланган мақсад жамиятда қонун устуворлигини адолатни таъминлашлиқдир. Бошқа барча қонунлар мана шу асос қонунга зид бўлмаслиги шарт қилинади. Бундан мақсад ҳеч ким қонундан устун бўлмаслиги ва барча баробар масъул ва ҳақ ҳуқуқлари кафолатланган бўлишидир. Энди хоҳлаймизми йўқми Қуръон карим нозил бўлганидан буён ўтган 14 аср ичида айнан шу вазифани бажариб келган. Яъни ислом жамиятида ҳеч ким ўзини қонунлардан устун қўя олмайди. Қонун эса қуръондир. Пайғамбар А.С. ҳам қуръонга бўйсунганлар. Барча Ислом ҳукумати раҳбарлари қуръонга бўйсунганлар. Қуръондан устун бирор кимса бўлмаган. Чунки Қуръон бу Аллоҳу Таолонинг сўзидир. Уни ҳукмини бузишга, ўзгартиришга ҳеч кимни ҳаққи йўқдир. Энди бугунги давлатчилик шаклларида унинг мисли сифатида конституция қабул қилиниб шу асосда яшалапти. Бу эса Ислом оламига ғарбдан (албатта кўп қон тўкишлар эвазига) келган нарсадир. Уни ҳозирги даврдаги мавқеъи алоҳида мавзудир.

2. Демократик давлатларда фуқароларни ҳақ ҳуқуқлари конституция асосида кафолатланган бўлса, ўзаро миллатлар ва халқларни тенглиги таъминланган бўлса, айтилиши ислом жамиятида Қуръон бажарган. Яъни Инсонларни ўзаро тенглигини ўзлари келишиб олибмас, балки уларни яратган Зот Аллоҳ томонидан кафолатланиб қўйилган. Чунки, инсонларнинг яратилиши бир Ота ва онадан эканлигини қуръон хабарини берган. Ва бу билан ўзаро миллий ва қавмий низоларга барҳам берган. Қуръони каримни тан олган ҳар бир мусулмон киши ер юзидаги одамларни бир ота онадан тарқалган ўзаро қариндош эканига имон келтиради. Бошқа одамни худди ўзи каби эканини тан олишлик, уни ҳақ ҳуқуқини тан олишликдир. Бу нарса исломни олий шиоридир. Бу мавзуда жуда кўп далил келтириш мумкин.

3. Давлат бошлиғи халқ томонидан сайланишига келсак, сайлов принциплари Исломда ўн тўрт аср илгари бошланганини кўпчилик яхши билишмайди. Давлат отадан болага қоладиган шахсий мулк эмаслигини ва давлатни халқ сайлаган одамлар бошқариши лозимлигини мусулмонлар анча илгари тушунишган эди, Афсус, узоқ тарих давомида бунга амал қилинмади. Бу энди бошқа мавзу.

4. Ҳозирги «парламент» ибораси, ёки қонунчилик олий органини, Исломдаги мисли, ўхшаши «Шўро» деб аталган. Яъни, давлатни якка шахс, ўзи истаганча бошқармаган. Шўро билан бамаслаҳат бошқариш шакли бугунги кунда парламент шаклида намоён бўлди. Аммо исломдаги Шўронинг ҳозирги парламентлардан фарқи, қонунларни ўзлари чиқарган эмас, балки қонунларни ижросини назорат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек ижроия органлари кўп жиҳатдан мустақил бўлиб, ҳамма нарса тепадан бошқарилмаган. Бундай жамият ҳозирги энг ривожланган демократик давлатларни ҳам кўпчилигида йўқ.

5. Суд тизими ва унинг мустақиллиги масаласи дунё ҳамжамияти бугунги кунга келиб бош қотираётган масала бўлса, Исломда бу масала ҳам ўша даврдан бери жорий бўлиб келган нарсалардир. Қозиларни ҳокимларни ҳам маҳкамага тортиб суд қилингани ҳақида қатор саҳиҳ ривоятлар буни тасдиқлайди. Халифа бўлиб турганида ҳазрат Алини Қози судга чақиргани Ислом жамиятидаги суд тизими қанчалик адолатли ва мустақил бўлганлиги билан машҳурдир. Бу каби далиллар ўнлаб балки юзлаб топилсада, биз бугунги кунда ўзаро жанжаллашиб турган демократик ёки Исломий жамият мавзуси, аслида бири иккинчисини тушунолмаётгани туфайлидир ҳалос. Агар биз Эркин ҳур озод жамият қурайлик десак, унда битта мақсад сари интилаётган эканмиз, Уни номини баъзилар «демократик» десалар, бизлар «Исломий» деб, атаяпмиз. Агар демократия адолат, эркинлик, тенглик бўлса, демак ўша нарсалар айтилиши Исломни талабидир. Ёки, Ислом нимани талаб қилса у халқ учун манфаатдир. Нимадан қайтарса, ўша халқ учун зарардир. Агар шу мавзуда ўзаро бир биримизни тушунаолсак, бу фақат ўзимизгагина фойда бўларди. Ўзаро адоватни четга суриб бир мақсад сари бирлашиб ҳаракат қилардик. Энди демократия шиорини кўтариб олиб, бутун Ислом оламини талон тарош қилиб юрган давлатлар, ёки ҳар хил йўллар билан бўлсада, бир миллатни ёки бир гуруҳнигина манфаатини кўзлаб иш қилаётган зўравонлар ҳам ўзларини «демократман» деб, иддао қилишлари, бу бутунлай бошқа мавзудир. Уларни демократик тамойилларга қанчалик амал қилаётганини тадқиқ қилишлик бу мақолани вазифасига кирмайди.

Аллоҳу Таоло бу умматга нусрат ва нажот беришини дуо қилиб сўзимизни охири Бутун Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин дейман.

19.08.09.

Ибрат олайлик

Қуйидаги русча матн викепедиядан олинди.

Шура-и-Улема»

«Шура-и-Улема» (с араб. — «Совет духовенства»), панисламистская, контрреволюционная организация в Туркестане в 1917—18.

"Выделилась из организации «Шура-и-Ислам» в июне 1917. Объединяла в себе высшее мусульманское духовенство (муфтиев), местных правителей-феодалов и наиболее реакционную настроенную часть национальной буржуазии. На съезде «Шура-и-Улема» в Ташкенте 17—20 сентября 1917 делегаты выступили против власти Советов, требовали отделения Туркестана от России и объединения всех мусульман в единое мусульманское государство под эгидой Турции, создания во всех городах Туркестанского края отделений «Шура-и-Улема». На 3-м съезде Советов края (ноябрь 1917), улемисты выступили против установления в Туркестане Советской власти, были в числе организаторов контрреволюционной «Кокандской автономии» и вдохновителями басмачества. В борьбе против Советской власти улемисты выступали в союзе с белогвардейцами и иностранными интервентами."

Викепедиядан олинган мазкур сўзларга эътибор беринг. Юртимизнинг Исломий Уламолари ўтган аср бошларида қандай ғояларни кўтариб чиққанлар?

Бу кунги авлод ўша уламоларнинг неварачеваралари тиш тирноғи билан «Ислом сиёсатга аралашмаслиги керак» деган ботил даъволарга ёпишиб олишган. Энди булар ҳам юз йиллик «гафлат уйқусидан уйғонаётган» мусулмон ёшларини, дунёдаги мавжуд барча айбловлар билан айблаб, уларни диний сиёсий мавзудаги фикрларини айтишдан тўсаяпдилар. Бу иш ўзбек диктатураси тарафидан керагича амалга оширилгани етмагандек, энди хорижда ҳам баъзи «доно»лар бизни бу мавзуда фикр билдиришимизни исташмаяпти. «Янги Дунё» сайтидаги мақолаларни ва изоҳларини ўқиб ҳайрон бўламан. Мусулмонларга ва Ислом динига бунча адоватни булар қаердан олган эканлар?! Булар ўзи ким бўлиши мумкин?! Агар Бирликчи ёки Эркчи бўлсалар яъни, муҳолиф сиёсатчи бўлиб Ўзбекистондан кочиб келиб хорижда яшаётган бўлсалар, у ҳолда мусулмонларга бунчалик адоватларини ошкора қилишларини қандай тушуниш мумкин?! Бундайлар мамлакатга қайтиб бориб амал курсисига ўтирса бизни аҳволимиз Каримов давридан баттар бўлса бўлару яхши бўлмаса керак?! Агар булар узоқни кўра биладиган сиёсатчи бўлишса Исломга ва мусулмонларга бундай адоват қилмасликлари керак эди. Шундан хулоса қилиш мумкинки бундайларни аслида на диний ва на сиёсий дастури йўли йўқ кимсалардир. Ёки шу иғволари учун маош олишаётган ва "иши" шу иғводан иборат кимсалар бўлиши мумкин халос. Бундан эса кимга фойда?! Бу эса энди ҳаммага маълум нарсас бўлса керак?! Агар хориждаги ватандошлар ўзаро бирлашолсалар бу албатта катта куч бўлиши ва бу куч билан Ўзбекистон режими келишишга мажбур бўлиши аниқ. Демак парокандалик кимгадир керак?! Ва бунга таъминлаб турувчи кимсаларнинг бўлиши эҳтимоли ҳам асоссиз эмас. Аммо беш ўнга иғвогарни ўзигина бизни бирлашишдан тўсолмаган бўларди. Бирликка раҳна солувчи яна бир нарсас, биз мусулмонларни ўзаро турли хил жамоатларга мансублигимиз ҳамдир. Ҳозирги кунда ўзбек диндорлари ҳам ўзаро бирлаша олмаяпдилар. Бизни бирликдан тўсувчи жуда кўп ички тўсиқлар мавжуддир. Агар биз у ёки бу фатволарни ушлаб олиб «фалончилар адашган»Пистончилар бидъатчи»каби иддаоларни бартараф қилмас эканмиз, ўзаро бирлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундан эса, албатта фақат ўзимиз ва ўз яқинларимиз зарар кўрамиз халос. Ўзбекистонда ҳам айти шундай бўлган. Хорижда ҳам шу ҳолат давом этмокда. Биродарлар келинлар ўзаро низоларга барҳам берайлик! Ла илоҳа иллоллоҳ! калимасига иқрор бўлган одамларни мўмин деб билиб, биродар сифатида қарашга ўрганайлик. Исломни даъво қилаётган ҳар бир жамоада албатта, Исломни ҳақиқати у ёки бу даражада мавжуддир. Айти дамда хатоликлар ҳам йўқ эмас.

Модомики ҳеч бир жамоат йўли ва манҳажи нуқсону хатодан холи бўлмас экан, ҳамма бир бирини айбини кавлаб бир бирига тош отишдан нима наф?! Мазкур масалада ўрта мўътадил бир йўл тутиш мумкин эмасми?!Келинглари, букунги асосий масалаларни амалга оширишда бирлашайлик! Ўзимизни ва ака-укаларимизни золимлар чангалидан қутқариш ва мусулмонлар тинч тотувлик билан намозларини ўқиб ибодатларини адо эта оладиган ва ўз фикрларини бемалол айта оладиган бир муҳит пайдо қилишлик учун ҳам бирлашайлик! Бундан ортиғини истаганлар ҳам аввало шу ҳолатга етиб олишлик зарурлигини тушунишлари керак. Шу давргача тарқоқ бўлиб келганимиз етар энди. Сиёсатчими, диндорми, ким қайси тоифа жамоадан ёки партиядан бўлишидан қатъий назар ҳозирги куннинг бирламчи талабини аниқ тушуниб олайлик. Шунини унутмайликки, агар ўзимиз қилмасак бизга биров келиб бир яхши ҳаёт, яхши тузум қуриб бермайди! Ва бу тарқоқ ҳолатда биз бирор нарсага ҳам эришолмаймиз! Бу оддий ҳақиқатни тушунайлик биродарлар! Буни канча тез тушуниб ҳаракатга киришсак бизни ўзимизга шунча яхши. Қамокларда азоб чекаётган ака ука ва биродарларимизга яхши! Яна бир диктатор келиб ўтириб зулмни давом этмаслиги учун ҳам фурсат борида вақтни ғанимат билайлик! Бу гапларни ҳақлигини ўн-ўнбеш йилдан бери хорижда юрган ва ҳали ҳеч нарсага эришолмаган сиёсатчилар яхши биладилар деб ўйлайман?! Биз ўзаро талашиб тортишиб вақтни бой берсак, янги диктаторни келишига имконият яратамиз халос! Бундан эса яна ўзимиз ва Ватанда қолган яқинларимиз жабр чекадилар халос! Бу ҳеч ким инкор қилолмайдиган ҳақиқатдир! Биз эса аввалгиларни хатоларидан ибрат ололмаяпмиз. Ўзимизга тегишли хулоса чиқараолмаяпмиз! Ибрат олайлик ибрат бўлиб қолмайлик!

2009 йил.

2010 йилда ёзилган мақолалар

Абдували қори акани ўғирланганини 15 йиллигига

Аллоҳнинг ўзи амалларингизга ажри азим берсин. Агар тирик бўлсангиз ўзи паноҳида асрасин. Агар ҳаёти дунёда мавжуд бўлмасангиз, Роббингизни ҳузури аброрлар учун бу дунёдан афзалдир. Аллоҳ раҳматига олсин сизни ўз дини учун ўз халқини имону Исломга даъват қилиб шу йўлда молу жонини тикиб кетган Устозим. Даҳрийлар зулми остида имнидан ажралган халқни ширк ва куфр аоратларидан тозалаш учун тинмай ҳаракат қилган ва шу йўлга жонни тиккан улуғ инсон. Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Амалларингизни ажрини Роббингиз ҳузурида топгайсиз! Аллоҳнинг ҳузурида Жаннат боғларида мангу иззат икромда бўлгайсиз! Бундан роппа роса ўн беш йил олдин 28 август 1995 йил Тошкент аэропортидан Андижон Жомеъ масжиди имоми Абдували қори Мирзаев Каримов режими Махфий хизмати томонидан ўғирлаб кетилди. Бу улуғ қайғули сана Горбачев қайта қуришидан бошлаб Ўзбекистондаги ривожланиб келаётган Иломий илм ва қадриятлар йўлига қўйилган катта тўғаноқ бўлди. Унгача бўлган даврда ҳам режим ўз сиёсий муҳолифларини ва диндорлардан ҳам кўзга кўринган баъзи олимларни жумладан Қўқондаги Ҳавоқанд Жомеъ масжиди имоми Муҳаммадражаб домла, ва Илом уйғониш Партияси ўзбек бўлими раиси Абдулла Ўтаевларни қамоққа ташлаган ва ўғирлаб йўқ қилган эди. Шу санага келиб мамлакатда кўзга кўринган давлат сиёсатидан норози диний олимларга нисбатан қатағон бошланди. 1999 йил 16 февралдан кейин Республика миқёсидаги оммавий репрессиялар бошланди. Ва бу бориб 2005 йилги Андижон қирғинига уланиб кетди. Шу қатағонлар давомида ўн минглаб диндорлар турли хил экстремистик оқимларга аъзоликда айбланиб қамоққа ташланди. Ва кўп минглаб одамлар муҳожиратга чиқиб кетишди. Ва қанчалари шаҳид бўлиб кетди. Қанчаларини ҳали ҳануз дом дараги йўқ. Улар ё ҳалок бўлишган ёки ҳанузгача МХХ ертўлаларида ётишибди. Ва яна кўп минглаб диндорлар кучли тазйиқ ва МХХ назорати остида яшамоқда. Бу улкан мусибат ўзбек халқини тарихида қонли саҳифа бўлиб қолди. Ўз дини, тили ва урф одати ва мустақил ҳаётини орзу қилган халқ вакиллари ўз қонуний мақсадига эришиш йўлида жуда кўп қурбонлар бердилар. Ва ҳали ҳануз ҳам бермоқдалар. Лекин афсус нажот йўли кўринмаяпти. Ҳали фаровон тинч замонлар келиши даргумон бўлиб турибди. Сабаб халқ вакиллари ўзаро яқдил эмаслар. Диндорларимиз ўзаро ҳамфикр эмаслар. Юзта майда гуруҳга бўлиниб ўзларича ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу парокандалик ҳар қандай диктатор учун айна муддаодир. Чунки, улар халқни қириши йўқ қилиши учун имконият бўлади. Каримов режимини умри оз қолди иншааллох. Аммо кейинги ҳолат кимни фойдасига ҳал бўлиши ноаниқ. Иломий гуруҳлар фойдасига бўлмаслиги ҳақиқатга яқинроқдек. Бу эса яқин келажакда ўзбекистондаги диндорлар пешанасига шамол тегмаслигига яна ўша хорлиқ ва зулм тазйиқ остида яшашга мажбур бўлишларига олиб келади. Чунки, мамлакат аҳолисининг энг асосий ижтимоий фаол қисми бўлган ва катта моддий ва маънавий потенциалга эга бўлган бу қисмни ўзаро бирлаштириб бир мақсад сари ҳаракатга йўлловчи ғояси ягона манҳажини йўқ. Нафақат ичкаридагиларда балки бу ғоя муҳожирлар орасида ҳам йўқ. Нафақат диндорлари орасида балки, сиёсатдонлари орасида ҳам йўқ. Ҳаммамиз бир мўъжиза рўй бериб замонани ўзгартириб қолишини кутаямиз гўё. Ўз ўзидан нимадир бўлиб яхши бўлиб қолишини кутаётгандекмиз гўё. Мўъжиза эса рўй бермайди. Пайғамбар Аслар ҳам курашиб натижага эришганлар. Давримизга бртимизга мос ва хос курашиш йўли манҳажини ишлаб чиқилиши ва шуни барчага тарғиб қилиб шу асосда тинмай курашиш лозим эди. Бундай бўлмаяпти. Афсус, ўтган 20 йил давомида шундай бўлиб келди. Ва яна шундай бўлиб қолиши кутилмоқда. Янада ачинарлиси шундаки яна курашмай туриб ҳам, кўпминглаб қурбонлар беришимизга тўғри келади. Афсус..., Афсус...,

28 август 2010

Маънавий инқироз

Биз тақдир тақозоси билан бугунги кунда Европа халқлари ичида яшаб, уларни ҳаётларини урф одатларини ўрганаёпмиз. Албатта бу халқларда бизлар ўрганишга лойиқ нарсалар жуда кўп. Лекин бизлар доимо буларни кўкларга кўтариб, ўзимизни қолоқлигимизни ривожламай қолганимизни гапирамиз. Баъзида эса ўзимиздаги неъматларни унутиб қўямиз. Биз ўқийдиган Швед тилини ўқитиш мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган бир кекса аёл бор. Унинг исми Анна Стина. У бизга соатлаб швед тилини ўргатиб, ва халқини урф одатларини гапириб беради. Швед аёллари уй ишини эрлари ҳам, улар билан баробар бажаришини талаб қилишар экан. Бу эса тенглик ва урф одат талаби экан. Аёллари мана шундай тенглик талаб қилишгани учун бўлса керак, аксарият кекса шведлар Таиланд аёлларга уйланиб олишган. Ўйлаб қарасангиз бу юртда одам қариган сари, ёрдамга муҳтож бўлган сари ёлғизланиб бораркан. Чунки, Фарзандлари алоҳида яшашади. Демак эр хотин уй ишини ўзлари қилишлари зарур. Овқат пишириш, кир ювиш ёш ўтган сари муаммо бўлиб боради. Куни кеча Анистина дарсда кексайиб ўз хизматига ўзи ярамай қолган одамларни “қариялар уйига” топширишларини гапириб қолди. Мен унга одам тирик бўлиб, ўз ота онасини қариялар уйига топшириш яхшимаску десам, у “бу шведларни урф одати” деди. Ва ўзини отасини қариб қолгач, қариялар уйига топширганини айтиб берди. Мен “отангиз ўладиган пайтида ёнида бўлганмисиз? деб сўрадим. У эса “йўқ, у тунда ўлган, мен эса эрталаб бордим”, деди. Сизни ҳам фарзандларингиз борми десам, Ҳа уч қизим бор деди. Учовлари ҳам алоҳида яшар экан. Ўзи эса эри билан иковлари яшар экан. Мен унга энди сиз қарисангиз нима бўлади, десам, мени ҳам ўша ёққа олиб боришади деди. Нимага сизларга фарзандларингиз қарамайдими, десам, бу “бизни урф одатимиз” деди. Шунда мен оёқларини ўпишга ҳам тайёр бўлиб, лекин энди қиёматгача дийдорларига кўришдан маҳрум бўлиб юрган (Аллоҳ раҳматига олиб, қабрларини мунаввар қилсин) азиз Ота Онамни эсладим. Ва бу Ота Она билан фарзандлар орасидаги меҳр муҳаббатнинг манбаси бўлган нарса асли Исломий фитрат ва унга асосланган урф одатларимиз эканини тушундим. Ва бунининг зоти учун улуғ бир неъмат эканини ҳис қилдим. Ривожланган Европа ҳаёти эса, жуда кўп маънавий неъматлардан маҳрум эканини англадим. “Бу улуғ Илоҳий ғоя асосида шаклландиган улуғ неъматдан Аллоҳу Таъоло ҳеч қачон халқимизни маҳрум этмасин” дея, дуолар қилдим. Мен аниқ ишонаманки, Европа халқларини урф одатларига ошиқ бўлиб юрган баъзи ватандошларимиз ҳам, мабодо ўша кун бошига тушиб, жон бераётган пайтида кўзлари жовдираб, меҳнат қилиб боққан ўғли, қизи, невараларини излаб тополмай қолганда ва уларни келишидан умидлари ҳам узилганида катта хато қилганларини албатта англайдилар! Ҳар қандай юксак ривожланишдан ҳам, оғир бўлсада, меҳр муҳаббатга, иззат ҳурматга, қалблар хотиржамлигига, Ислом асосидаги урф одатларга асосланган ҳаёт тарзи афзалдир. Ривожланиш ва тараққиёт билан бирга шундай буюк маънавийят эгаси бўлишлик эса нур устига нурдир.

2010 йил

Дадажонимни эслаб...,

19 март 2011 йил мени азиз Дадажонимни вафотларига 5 йил бўлади. 1928 йилда туғилиб, 2006 йилда милод ҳисобда 78 ҳижрий ҳисобда 80 ёшларида вафот этдилар. Охирги дамларигача эси ҳушини йўқотмай, ҳаммани таниб, розилашиб намозларини имо ишора билан ўқиб кетдилар. Ўпкалари касалдан йиринглаб ёрилиб, ўз вазифасини бажаролмай қолганди. Нафас ололмасдилар. Шу аҳволда бир ҳафта ётдилар. Вафот этганларида юзларида лабларида бир табассум қотиб қолганди. Мен ўша ерда сураи Ёсинни ўқиб дам солиб ўтиргандим. Алҳамдулиллоҳ Роббим мени ўша соатда ҳозир бўлишимни насиб этди. Мен саккиз ярим йил турмада ўтирганимда, вафот этмадилар. Дуолари шу “фарзандларим турмадан чиқса, кўриб кетсам” деб қилган эканлар.

Мен кўп йил ётганман, ҳибсхонада,
Қамаш учун, топилди баҳонада.
Нима қилай яна, ҳибсда бандман.
Тинч яшаб бўлмади бу замонада.

19 март 2006 йил. Ўша кунгаям 5 йил бўлибди.

Соғинаман, азиз дадажонимни,
Ҳаётимдан азиз, меҳрибонимни.
Мумкин бўлса эди, эваз беришлик,
Бағишлардим дадам учун, жонимни.

Бу мен учун ҳаётимдаги энг катта йўқотиш эди. Мен бундай бўлишини билардим. Аммо, бу воқеа барибир мен учун оғир бўлди. Бу айрилиқ мени ҳалигача қийнайди. Соғинчлари мен учун азоб.

Дадам кетди, дилда соғинч ғам қолди,
Хотирамда армон, кўп алам қолди.
Энг азиз инсондан айрилдим, энди,
Ҳажри ўртайдиган ғамим, кам қолди.

Янаям мен у кишига ташвиш машаққатдан бошқа нарса қилолмаганимни эслаш мен учун бир умрлик азоб. Бу руҳий азоб мени тарк этмайди энди. Мен фарзандимдан буни қайтишини ҳам кутиб яшайман. Валлоху аълам!

Ғам шомиди ёқди ҳижрон, – йиғладим.
Кўнгил вайрон бўлиб, гирён йиғладим.
Дил оловин, кўз ёшларим ўчирсин,
Дебон, нола чекиб, афғон йиғладим.

Аллоҳ раҳматига олсин азиз Дадажонимни исмлари Саййид Муҳаммад Ёқуб эди. У кишининг дадаларини исмлари Саййид Обид бўлган. Менинг фамилям ўша исмни бузилган ҳолда талаффуз қилинган шаклидир. Абутов деган шаклда русча ҳолатда ёзилган. Энди мени ўғлимни исми Саййид Муҳаммад Ёқуб бўлди. Алҳамдулиллоҳ! Бобом Саййид Обид Саййид Ахмад ўғли 8 апрел 1975 йилда вафот этганлар. жМен ўша пайтлар олти ёшда бўлганман. Дадамни оналари Хурпошша момомиз Саййид Обид бобомни аёллари 1991 йил 2 мартда вафот этдилар. Мен ўша Бувимдан ва дадамдан ва Онам Малика Муҳаммад Сафо қизи (Аллоҳ ҳаммаларини раҳматига олсин)дан бизни оиламиз тарихини эшитганман. Бобомиз Саййид Обидни дадалари Саййид Ахмад Хўжа Хива Хонлигига қарашли шаҳар ўша пайтлардаги номи Хонақо (ҳозирги Хонқа)ни ҳокими бўлган экан. Саййид Ахмад бобомиз Хива Хонини вазири Ислон Хўжа билан амакивачча бўлишган. Саййид Ахмад Бобони кўп хотинлари бўлган экан.

(Бир вақтда 4 та) Катта хотинларидан кўп фарзандлари бўлган. Ҳаётини охири даврида Шукуржон исмли бир ёш қизга уйланган экан. Ўша аёлидан мени бобом Саййид Обид туғилганлар. У кишини кўп ер сувлари ва бойликлари бўлган экан. Ўша пайтлар Хива Хонлиги Рус Подшоҳи Николай иккинчига бож тўлаб турадиган даврлар бўлган. 1917 йилги инқилобдан кейин давлат коммунистлар қўлига ўтгач, Хонликларга қарши урушлар бошланган. Ўша пайтларда Саййид Ахмад Хўжа вафот этади. Алғов далғов замонда қолган катта оилани аъзолари қўлга илинган нарсаларни олиб ҳар тарафга тарқалиб кетишган. Фарзандлари орасида энг кичиги бўлган бобом Саййид Обид Оналари билан қочиб Амударёни нариги тарафга (ҳозирги Қорақалпоғистонга) ўтиб кетади. Улар Дадасини бойликларидан ҳеч нарса мерос олишолмаган. Кейинчалик Бобом Саййид обид Хивалик машҳур Ислон олими Аваз хўжани қизи Хурпошшага уйланган. (Аваз Хўжа 1937 йили НКВД томонидан олиб кетиб отиб ташланган Аллоҳ раҳматига олсин шаҳид бобомизни) Бувим Хурпошша ҳам дадаси Аваз Хўжани катта хотинидан туғилган эканлар. Дин пешвосини қизи бўлгани учун оиласи доимий тазйиқ остида бўлган. Ва ўша пайтда Бобом Саййид Обидга турмушга чиққанлар. Шу никоҳдан Дадам Саййид Муҳаммад Ёқуб туғилганлар. Дадам ёшликларини баъзида гапириб шундай дердилар; “Дадам ва Опам билан Амударё бўйидаги тўқай (чангалзор)да яшардик. Ёйишга нонимиз ётишга уйимиз йўқ эди. Хонқага (Хоразмга) бориш дадам учун хавfli эди. Бойни боласи деб сургун қилишлари, ёки қамоққа олиб отиб ташлашлари мумкин эди. Қўлимизда бирорта ҳужжатимиз ҳам йўқ эди. Ўрмон ичида бир амаллаб тирикчилик қилардик. Бизни атрофимизда бошқа бизга ўхшаган қочоқ оилалар ҳам кўп эди.” Ахмад Хўжани бошқа хотинлари ва фарзандлари ҳам қочиб Тўрткўл томонга ўтишган. Ҳозир уларни фарзандлари неваралари жуда кўп. Умуман бизларни қариндош уруғлар ҳозир Тўрткўлда ўн мингларни ташкил этади. Мана шу аҳволда қочиб очлик ва қийинчилик билан ҳаёт кечиришганлар. Ва кейинчалик Тўрткўлга бориб жойлашиб қолишган. 1966 йил Тўрткўл шаҳари сув остида қолиб кетади. Кейин янги шаҳарга келиб жойлашишган. Хива Хонлигини Ҳокимларидан бўлган бу оила коммунистлар замонида кўп машаққатлар тортишган. Ва жуда камбағал ҳаёт кечиришган. Бобом Саййид Обид ғишт терувчи уста бўлганлар. Дадам Саййид Муҳаммад Ёқуб ёшлик давларида деҳқончилик қилиб кейинчалик этикдўзга шогирд тушиб, кейин Армияга бориб шоферликга ўқиб ўтган асрни 50 йилларида Тўрткўлга биринчи келган катта Зил юк машиналарини ҳайдаганлар. 1959 йиллар бир эшак аравада кетаётган чол кампир ўтирган аравани туртиб қўйиб, (Балки, эшаги чўчиб кетиб йиқилган бўлиши мумкин дерди аммам кейинчалик) арава ариққа йиқилиб кампир ўлиб қолган. Шу сабабли 7 йилга озодликдан маҳрум қилишган. Навоийдаги 64;29 сонли ЖИЭМ да жазо ўтаганлар. 1966 йил озодликга чиқиб уйга қайтганлар. Тақдирни тақозосини қарангки, кейинчалик мен ҳам ўша Навоийда фақат бошқа 64,46 сонли ЖИЭМда жазо ўтадим. 1975 йилгача яна ҳайдовчилик қилиб, кейин камера ямаш устахонасини очганлар.(Вулканизация, Шино Монтаж) Шу касб туфайли Аллоҳ баракот бериб, яхши фаровон ҳаёт кечирганлар. Ва беш фарзандни уйли жойли қилганлар. 1990 йили нафақага чиқдилар. 16 йилдан кейин вафот этдилар. Дадам ўша даҳрийлик йилларида ҳам Худога ишонган мўмин киши бўлганлар. Ота Боболарини ҳурмат билан эслардилар. Кейинчалик Горбачев замонида динга озроқ эркинлик берилганда, хурсанд бўлиб, Худога шукр! Мен ўлсам жанозасиз кўмишармикан деб қўрқар эдим” дегандилар. 1928 йилда туғилган бўлсалар 12 йил қўшиб, демак, 1940 йилдан буён намоз менга фарз бўлган деб, 37 йиллик қазо намозларини 7 йил ичида кунма кун ёзиб ўқиб адо қилдилар. Ва ҳар йили уч ойдан рўза тутиб рўза қазоларини ҳам тугатган йили вафот этдилар. Аллоҳ ибодатларини қабул этгай! Аллоҳ раҳматига олсин Дадажоним камтар сабрли ҳалим бир инсон эдилар. Бировни дилини оғритмасдилар. Ҳеч ким билан урушиб тортишганини кўрмаганман. У кишида алдов ёлғончилик сифатлар бўлган эмас алҳамдулиллоҳ. Содда оддий одам эдилар. Намозини ўқиб, Рўзасини тутиб, оддий меҳнат билан кун кечирганлар. Диний илмлари бўлмаган. Кейинчалик Қуръонни арабча ўқишни ўргандилар. Ва бир неча марта ўқиб хатм қилдилар.Дунёвий илмдан ҳам ўқимаганлар. Аммо рус тилини билардилар. Ва математикани яхши тушунардилар. Буларни ўзларича ўрганганлар. Ҳажга боришни орзу қилгандилар, аммо насиб қилмади.

Бизда моддий имкон бўлмади. Мен ва укам турмада ётганда, биз учун кўп жабр чекдилар. Мен ўз аҳмоқлигим сабабли у кишига кўп озорлар бердим.

Яратган Маъбудим, ёлғиз Аллоҳдир,
Ўзи аҳволимдан, буткул огоҳдир.
Ўзига таваккул қилдим, суяндим,
Таслимман, ҳукмига хоҳу ноҳоҳдир.

Мен кейинчалик Исломни ўрганиб, олий ахлоқ деган тушунчани ва уни эгаллаган кишиларни ҳақидаги маълумотга эга бўлдим. Ва алҳамдулиллоҳ шу олий сифатлардан кўпини дадамда топдим. Бу албатта мени шахсий кузатувимдир. Аллоҳ билгувчидир. Мен Роббимга илтижо қилиб сўрайманки, Ғариб бўлиб ўтган Дадажонимга расулуллоҳ айтган ғариблик даражасини насиб этсин. Омин! Ё Аллоҳ яккаю ёлғизлигинг ҳаққи, Олий сифотларинг ҳаққи, чексиз қудратинг ҳаққи мени шу дуоимни қабул этгал! Албатта Сен дуоларни ижобат этувчи Зотсан! Барча мўминларга, ва жумладан мени дадажонимга Ўз раҳматингни, мағфиратингни насиб эт! У кишини руҳларини шод этгил! Жаннатингда Расулуллоҳни асҳоблари сафида қилгин!
Ё Аллоҳ Дадажонимдан Ўзинг РОЗИ БЎЛ!

Роббимга дилимдан, дуо айларман,
Раҳм айлагил дея, нидо айларман.
Мени, ота-онам, ва мўминларни,
Мағфират қил деб, илтижо айларман.

—————

Ажалинг ҳам бир кун, етар Саҳвиё,
Дунёдан насибанг, битар Саҳвиё.
Имону амалинг, йўлдошинг бўлғай,
Бошқа нарсанг қолиб, кетар Саҳвиё!

Мени бу мақоламни ўқиб, дадамни ҳаққига мағфират дуо қилган одамларни ҳам мағфират қилғил! ОМИН! Ё Роббил Оламин!

Соғинч азоби

Соғиниб келгандим ҳузурингизга,
Лекин тўёлмадим дийдорингиздан.
Азизу мунису меҳрибон дадам,
Йиғлаб-йиғлаб, қайтдим мазорингиздан.

Соғинчим хумори ёзилмас сира,
Мени тарк этмас ҳеч ҳижрон азоби.
Мен ўзимни ўзим овутолмайман,
Шеърларимга тушар кўнгил хитоби.

Дилимда ҳукмрон бир ҳазин туйғу,
Менга буйсунмайди бу қайғу бу ғам.
Мен яхши тушунмай яшабман-асли,
Улуғ неъмат экан, борида дадам!

Соғинчлар ёзилар бугун, шеър бўлиб,
Овунчоғим фақат, хотира армон.
Мен сизни соғиниб, эслаб яшайман,
То-бир куни учрашгунча, Дадажон!

19 март, 2010 йил.

2011 йилда ёзилган мақолалар

Тарихга муносабат

Мен АҚШлик профессор Peter Sinnot билан 2009 йил октябрида Брюсселда 13-май-Иттифоқи-халкаро- конференцияси пайтида учрашгандим. Ёши олтмишдан ошган кекса профессор ўзбек тилида амал тақал қилиб гапирар, қўпроқ русча аралаштириб фикрини тушунтирарди. Хуллас, мен ўша Қурултойда у билан уч тўрт марта 5, 10 минутлар чамаси турли мавзуда асосан Ўзбекистон режими ва уни ўзгартириш масаласида суҳбатлашгандим. Шу билан мен яна у билан 2011 йил 23 майда Берлинда Новотел меҳмонханасида учрашдим. Мени кўрган заҳоти таниган профессор келиб қучоқлашиб кўришди. Ва мени шаҳар бўйлаб саёҳатга таклиф қилди. Меҳмонхонадаги хонамиз таёр эмаслиги учун, ноилож у билан кетишга рози бўлдим. У менга Берлинга келиб, музейларини кўрмай кетишлик яхши бўлмаслиги айтиб қолди. Мен эса шаҳарда бошқа нарса қуриб қолибдими томошо қилишга ҳайрон бўлдим. Қанақа музей? “Тарихий музейга борамиз” деди, профессор. Умида музейга бориб кўрмаган ва музей ҳақида тасаввури жуда саёз одамга бунақа жойга боришлик вақтни беҳуда кетказишдек туюларди. Аммо, у мени қўл силтаб такси тўхтатди. Хуллас, биз таксига ўтириб Қадимий халқлар тарихи музайига бордик. Берлинни эски шаҳари марказидан ўтган кичкина анҳор бўйида жойлашган музейга кириш билети 15 евро экан. Билетни профессор олди. Ва эшикдан кираверишдаги назоратчига бериб, ўтиб кетдик. Аввалига чарчаб келганим учунми, унчалик ёқинқирамай индамасдан профессорга эргашдим. Баландлиги 25, 30 метр келадиган улкан ва кенг бино ичига кираверишда қулоғимизга тақиб эшитиш учун авто таржимон беришди. Бу нарса бир неча тилда гапириб, музей экспонатлари ҳақида маълумот берар экан. Музейда бир неча бўлимлар бўлиб, бир қисми антик дунё деб аталадиган қадимги Греция ва Вавилон (Бобил) даври экспонатлари қўйилган кенг ва баланд хоналардан иборат эди. Бошқа бўлими Миср Фиравлари даври ёдгорликлари ва ниҳоят Ислом маданияти даври ёдгорликлари бўлимларидан иборат бўлиб, экспонатлар турли йиллар ва даврларни ўз ичига олган эди. Мени ҳайрон қолдирган жиҳати эса, ўша ердаги барча нарсалар Германия ҳудудида бўлмаган бўлиб, барчаси дунёнинг турли бурчакларидан олиб келинган экан. Мен турли нарсалар ҳақида профессорга савоолар берардим. У секин юриб жавоб берарди. Ўша уч минг йиллар олдинги Грек афсоналари қахрамонлари сурати тушурилган тош лавҳалар ўша томонлардан олиб келиниб, қайта ўз ҳолига келтириб қўйилган эди. Биринчи кириб келадиган катта залда баландлиги 10, 15 метрлик қадимги грек шаҳари дарвозаси олдингиздан чиқади. Бўйи бир метр келадиган айланаси ҳам шунча катта харсанглардан 12 таси устма уст қўйилиб тепасига икки устунни бирлаштирадиган бошқа бир катта харсанг чамаси бўйи 10 метрлар, эни бир метр атрофидаги, уст томони турли хил суратлар чизиб безатилган бу улкан иншоот қандай қилиб, Грециядан Берлинга олиб келинганига ҳайрон қоласиз. Улкан заллар оралиғида у ёқдан бу ёққа юравериб, ёши олтмишдан ошган профессор чарчаб қолди. Мен эса чарчаганимни унутиб қўйган эдим. Бошқа залда Вавилон (Бобил) шаҳари кичкина макети ва уни қолдиқларининг кичик кўриниши турибди. Қайси залга кирсангиз икки уч минг йил илгари тошлардан ясалган ҳайкаллар, катта тоғоралар, турли хил тош идишлар, калласи одам суратидаги шерлар турганини кўрасиз. Бу тошларни оғирлиги ҳар бири бир неча тоннани ташкил қилиши аниқ. Уни ўша Грециядан ва Ироқдан топиб сотиб олиб келиб ўрнатиб қўйишни машаққатини энди тасаввур қилиб кўринг. Аммо, шуларни немислар қилишган экан. Бўлиб ҳам бу музей Гитлер давридаям бўлган. Ва урушда АҚШ самолетлари Берлинни бомбардимон қилган битта залга бомба тушиб экспонатларни парча парча қилган экан. Нацистлар ҳам музейни бошқа халқлар маданияти бўлсада, биздаги коммунистлар каби бузиб ташламай асраб қолишган экан.

Ўша ерда турган битта Тошдан ясалган Бут ҳайкални кейинчалик майда тош парчалардан қайта тиклашган. Минглаб тош бўлакларини номер қўйиб, қайта улаб чиқишган. Ўша номерларигача кўриниб турибди. Битта хонада музей устига бомбалар ташлаётган Ақш самолетлари суратга олинган видеолавҳа катта экранда тинмай намоёни қилиниб турганди. Фиръавнлар даври қисмида Мисрдан ва умуман яқин Шарқ мамлакатларидан жумладан Ироқ, Иордания, Мавритания, Марокаш ва бошқалардан топиб, кавлаб олиб келинган турли туман бутлар ҳайкалларни кўришингиз мумкин. Ўша ҳайкаллар ёки идишлар тагига қайси мамлакатдан олиб келингани ёзиб қўйилган. Ва ўша нарсани кавлаб олаётган пайтлари акс этган суратларни ҳам осиб қўйишган. Ислом маданияти даври экспонатлари акс эттирилган залларда эса, улкан гиламлар, махсус шиша қути ичига солиб қўйилган катта кичик ҳар хил ҳажмдаги китобларни жумладан, Фирдавсийни Шоҳнома асарини, Қуръони Каримни, Минг бир кечани ва бошқа турли китобларнинг турли даврдаги нусхаларини кўришингиз мумкин. Ҳар бир залда бир неча музей ходими мижозларни кузатиб туришади. Ҳар бир экспонат кўз қорачиғидай асралади. Залларда дунёнинг турли туман жойидан келган одамларни учратишингиз мумкин. Аммо, аксарияти немислардан иборат. Охири бор жойда курсилар қўйилган экан профессор Peter Sinnot бориб ўтириб олди. Ва биз ўтириб бироз суҳбатлашдик. Мен бу кўрганларимдан ҳайрон бўлиб, ҳамроҳим Профессордан “Бу тошларни сотиб олиб, Берлинга олиб келиш немисларга нимага зарур бўлди экан” деб сўрадим. У эса кўз ойнаги тагидан менга ҳайрон бўлиб, қарадида, ўзбекча русча аралаш; “Бу нарсалар аслида жуда қимматбаҳо нарсалар ҳисобланади. Буларни барчаси бегона юртлардан олиб келинган. Камбағал давлатлардаги амалдорлар мана шундай тарихий экспонатларни арзимаган пулга сотиб юборишади. Аммо, немислар билади буларни қадрини. Олиб келиб Берлинни қоқ марказига қўйиб қўйишибди” деб жавоб берди. Бир жойда мактаб ўқувчилари ўз ўқитувчилари билан гала гала бўлиб кезиб юришарди. Ўқитувчилари уларга немис тилида, қадимги даврлар ҳақида гапириб бераёпти. Мен ўзимча уларга қараб немис давлати учун кўп қимматга тушадиган бундай музейни нима учун барпо қилиш сабабини тушунгандай бўлдим. Бу музейни кўриб ўқиб ўрганган таълим олган болалар билан, ўз тарихидан (дунё тарихидан) беҳабар ёки юзаки қисқача китоблардан таълим олган болалар илмда тенг бўлмасалар керак?! Уларнинг ўз тарихи ва бошқа халқлар тарихига, ҳаётга, маданиятга ва умуминсоний қадриятларга, халқаро алоқаларга муносабатлари ҳам баробар бўлмаса керак?! Бунақа катта сарф харажат сарфлаб барпо этиладиган музейлар Ўзбекистон каби халқи ишсиз ва оч яшайдиган давлатда барпо бўлиши даргумон. Биз боболаримиз барпо этган музей шаҳарларни Бухоро, Самарқанд, Хива ва Қўқондаги осори атиқаларни эплаб асраб қолишимиз ҳам катта гап. Уларни ҳам пахта даласида “дарс” олаётган мактаб болалари бориб кўришга имкон йўқ. Улар ҳам миллатни онгини ўсишига эмас, қандайдир турфирмаларни ҳамёнига хизмат қилаётибди. Мени ўзим ҳам ҳаётимда музейларга бориб кўрмай катта бўлганман. Шунинг учун бу каби умуминсоний тарихга тегишли қимматбаҳо тарихий ашёларни қадри қимматини билмасдим уларнинг тафаккур ва онни ривождаги хизматини англаёлмасдим.. Бугун буларни кўриб, ўзимча нималарнидир англаётгандай эдим. Аммо, дунёнинг кўп жойларидаги ва менинг юртимдаги миллионлаб ёш болалар эса, манқурт диктаторлар туфайли келажакда яна мен каби, дунёдан беҳабар бўлиб ўсиб улғаётганларини ҳам англай эдим. Ва буни англашлик менга ниҳоятда аламли эди.

2011 йил

Одоб ахлоқ ҳақида баъзи мулоҳазалар

Дунё яралибдики, одоб ахлоқ мавзуси мавжуддир. Бу мавзуда кўп ва ҳўп гапирилган ва гапирилмоқда. Мазкур мақолани вазифаси одоб ахлоқни мезонини нима ташкил қилади деган мавзуда бир оз фикр юритишдир. Менимча, ахлоқ мезонини асосини икки унсур ташкил этади.

1. Инсондаги табиий хилқат. (фитрат)
2. Турли хил дунёқараш ва тушунчалар.

Аввалгиси инсон зотини ўзига боғлиқ бўлмаган жиҳатдир. Яъни инсониятни Яратувчиси томонидан маълум бир маънавий руҳий қолип ичида яралган инсон ўша фитратидagi мавжуд ҳиссиётлар доирасидагина фаолият қилаолади халос. Хафа бўлиш, хурсанд бўлиш, ғам чекиш, кўрқиш, афсусланиш, соғиниш, унутиш ва эслаш, севиш ёки нафратланиш ва ҳаказо... ёки бахиллик, ҳасад, сахийлик, манманлик, (кибр ҳаво) мансабпарастлик, шуҳратпарастлик ва ҳаказо... каби ҳислар ва маънавий сифатлар инсон зотини ҳаммасига баробар тегишлидир. Ҳеч ким ҳеч кимни бу каби нарсаларга ўргатмайди. Бирорта таълим тизимида бу нарсаларга бошқаларни ўргатишган эмас. Аммо, бу сифатлар ҳаммада мавжуддир. Бу сифатларни у ёки бу шаклда намоён бўлиши инсонни тушган вазиятига ва фитратини қанчалик тоза сақланиб қолгани ёки қолмаганига боғлиқдир.

Иккинчиси, Турли хил дунёқараш ва тушунчалар ахлоқ мезонини белгилайди. Ва ўша тушунчалардан келиб чиққан урф одатлар маданиятлар ҳам ахлоқ мезони ҳисобланади.

Бу ерда энди тепадаги ҳис туйғу ва сифатлар ҳаётдаги конкрет воқеъларга боғланиб, ҳаётга татбиқ этилади ва инсонлар ҳайтида у бу шаклда намоён бўлади.... Маълумки, тушунчалар асосини динлар ташкил этади. (Ёки динсизлик) Динларни Яратувчи тарафидан келгани ва инсонлар томонидан ўйлаб топилган турлари мавжуддир. Шунингдек, баъзилари аслида Яратувчи тарафидан юборилган бўлсада кейинчалик ўзгартирилгандир. Шу динлар асосида турли маданиятлар пайдо бўлди. Ва ўша асосда урф одатлар пайдо бўлди. Ва уларга амал қилишлик ҳар бир давр ва маконда одоб шарти ҳисобланган. Ва ҳозир ҳам шундай. Энди одатда биз бир кишини ахлоқини гапириб “яхши” ёки “ёмон” деган баҳо бермоқчи бўлсак, уни ҳамма яхши деб билган тан олган сифатлари мавжудлигига ёки мавжуд эмаслигига қараймиз ва “яхши” ёки “ёмон” деган баҳо берамиз. Умуман олганда “яхши” ёки “ёмон” категорияси ҳам нисбий бўлиб, турли халқларда турличадир. Бу ерда кимнинг қайси маданиятдан таъсирланганига қараб ажратилади. Масалан, ароқ ичиш мусулмон киши учун ҳаромдир. Бошқа халқларда уни ичиш дини ёки қонуни тарафидан маън қилинмаган. Ёки судхўрлик исломда ҳаром ҳисобланади. Бошқаларда унга монеълик йўқ. Бу ерда динлар аро ва тушунчалар аро ихтилоф бор. Ва айни бир амалга икки хил баҳо берилади. Лекин барча халқларда ва барча динларда ва маконлар ва замонларда “яхши” ёки “ёмон” деб ҳисобланган сифатлар бор. Ноҳақ одам ўлдириш, ўғирлик қилиш, ёлғон гапириш, хиёнат қилиш ва ҳаказо каби конкрет “ёмон” сифатлар. Булар умуминсоний қораланган сифатлар жумласига киради. Ёки, тўғри сўзлик, сахийлик, мардлик ваъдага вафо қилиш ва ҳаказо..каби “яхши” сифатлар. Булар умуминсоний қадриятлар жумласига киради. Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, “яхши” ёки “ёмон” категориясига кирган сифатларни баъзилари касбий бўлиб, фитратда бўлмаган аммо, кейинчалик пайдо бўлган сифат бўлиши мумкин. Масалан ёлғон гапиришлик бунга мисол бўлаолади. Ер юзида бирорта халқ ва ёки ёлғон гапиришни яхши сифатлардан ҳисобламайди. Ва инсон зоти аслида фитратда ёлғон гапирувчи бўлмайди. Ёш болалар ёлғон гапирмаслиги ҳаммага маълум. Бу кейин пайдо бўлган сифатдир. Энди юқоридаги “яхши” ёки “ёмон” сифатларни кўплигини таъминловчи омилларга назар солиб ўтсак. Тўқчилик бўлган жойда ўғирлик камроқ бўлиши мумкин. Демак иқтисодий омиллар ролини тан олиш керак.

Алдоқчилик, хиёнат бировни ҳаққини еб кетиш, порахўрлик судхўрлик ва ҳаказолар ҳам шу иқтисодга тааллуқлидир. Ҳаётдаги мавжуд сиёсий тузумларни ҳам халқлар ахлоқига аҳамияти беқиёсдир.

Зулм ҳукмрон қашшоқ мамлакатларда халқлар кўпроқ ўғирлик, қўрқоқлик, бахиллик, лаганбардорлик, порахўрлик, мансабпарастлик каби салбий сифатларга эга бўлишади. Эркин ва бой жамиятларда фирибгарлик, қиморбозлик, ароқхўрлик, фахш, ва ҳаказо каби иллатларга мубтало бўлишади. Умуман олганда дунёдаги барча халқлар орасида юқорида қайд этиб ўтилган “яхши” ёки “ёмон” категориясига кирган сифатларни учратиш мумкин. Аммо, “яхши” сифатлар қайсиларидадир кўпроқ ва “ёмон” сифатлар камроқ бўлиши, ёки, аксинча бўлиши мумкин. Шунга қараб у ёки бу халқни “яхши” ёки “ёмон” деб баҳолаймиз. Албатта бу баҳолар нисбийдир. Баҳоловчи шахснинг назаридаги баҳодир. Ва албатта Аллоҳнинг ҳузуридагина барча халқлар ва одамлар ўз ҳақиқий баҳосини олажаклар. У баҳо энг охирги ҳақиқий ва тўғри баҳо бўлади.

27 декабрь. 2011

Иқтисоди ночор давлат барибир келажаги йўқ давлатдир

Менга берилган бир саволга ёзган жавобларимни саҳифамиз ўқувчилари эътиборига ҳам ҳавола қилишни лозим топдим.

Савол; Ҳозирги мавжуд тузим кетиб ўрнига эркинлик ва кенг имкониятлар замони келса, Ўзбекистон келажагини қандай бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз? Яъни, сизнингча, қуйидаги масалаларда давлат позицияси конкрет қандай позиция бўлишини тўғри деб баҳолайсиз?!

1. Мафкура?
2. Сиёсат?
3. Ҳуқуқ?
4. Иқтисод?
5. Таълим?
6. Ижтимоий адолат?
7. Оила ва мерос? Ва ҳаказо...

Жавоблар; 1. Мени фикримча келажақда Ўзбекистонда қуриладиган тузим бугунги воқеъликга асосланган ва шу бугунги воқеъликда диний ва дунёвий тушунчаларда шаклланган тафаккуримиз рухсат берган яъни жоиз деб билган амаллар доирасида бўлиши керак. Бу дегани, тузим фуқаролик мақоми асосига қурилиши керак. Яъни давлатни барча фуқаролари дини, жинси ва миллатидан қатъий назар бир хил ҳуқуқга эга бўлиши лозим. Ва барча сиёсий, маданий ва ижтимоий, эътиқодий ҳуқуқлар таъминланиши керак. Давлатни шу асосларда бўлиши давр талабидир. Бу ўлчовлар бугун дунёдаги барча давлатларда мавжуддир. Ва тан олингандир. Ва буларни амалда қўллаш учун динимизда ҳам қатор далиллар мавжуд. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Давлат мафкураси эса миллий ёки муайян диний қолипда бўлмаслиги керак. (Масалан, ўзбек халқини улуғлаш, ва Эрон ёки Саудиядаги каби, бир диний тушунчани устунлиги) Чунки, диний жамоатларни тушунчалари бир биридан фарқли бўлиб, келажақда улар орасидаги ихтилофлар бўлмаслиги учун ҳам уларни бир тоифасини устун қўйилмаслиги керак.

2. Сиёсат икки хил бўлади. Ички ва ташқи. Ички сиёсатда, фуқароларни эркинлигини яъни, уларни қонунларда белгиланган барча ҳуқуқларини таъминлаш керак. Давлат халқни иқтисодий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилиши шарт. Ташқи сиёсат юритишда ҳам давлатни ички имкониятидан келиб чиқиб иш кўриш лозим. Ўзбекистон нисбатан кучли давлат эмас. Ва у Эрон Саудия ёки АҚШ каби ўзидаги мафқурани четга “экспорт” қилиш имкониятидан жуда узоқ. Шунингдек, миллий асосдаги туркий халқлар қатнашадиган турли хил йиғинларига қўшилиш ва яхши қўшничиликни йўлга қўйиш давр талабидир.

3. Ҳуқуқ масаласида агар келажакда Ўзбекистонда эркинлик даври бўлса, қонунларни қайта кўриб чиқиш ва халқни манфаатига шунингдек, динимиз талабига ҳамоҳанг қонунлар қабул қилиниши мумкин. Бу халқни иродасига боғлиқдир. Мавжуд қонунчилик жуда репрессив ва уни амалда ижро этиш механизмлари жуда тартибсиздир. Бугунги қонунлар ўзбек халқига манфаатли деб ўйламайман. Суд ва прокуратура ва ички ишлар тизимини либераллаштириш керак. Ва уларни ижро ҳокимиятидан тўла мустақиллигини таъминлаш зарур.

4. Иқтисодий муаммо, келажакдаги ҳукумат учун энг катта балки, асосий муаммолардан биридир. Халқимиз 30 млн.га яқинлашиб қолди. Ўсиш кўрсаткичи ва шунга яраша турар жойлар қуриш, экин майдонларини ҳам адолатли тақсим қилиш ва халқни ўз ўзини боқиш имкониятларини яратиш давлатни вазифаси бўлиши керак. Буларни аниқ ҳисоб китоблар воситасида, ва имкониятлар доирасида олиб бориш керак. Асосийси, янги ҳукумат ўзбек халқини умумий бойликларини, олтин, газ, нефт ва бошқаларни аввало шу халқни ўзига бериши ва ортиқчасини четга сотиши керак. Иқтисоди ночор давлат барибир келажакда йўқ давлатдир. У барибир бошқа халқларга қарам бўлиб қолишга маҳкумдир.

5. Таълим соҳасида ҳам катта ислохотлар ўтказиш зарур. Масалан, диний ва дунёвий фанлар баробар ўқитиладиган лицейлар очиш ва ўқитишни давлат тизимидан ташқари муқобил хусусий шаклини пайдо қилиш мақсадга мувофиқдир. Пул тўлаб ўқиладиган диний ёки дунёвий мактабларда талабалар истойдил ўқиши маълум. Шу ерда айтиб ўтай, масжидлар ва диний таълим даргоҳлари давлат томонидан тузилган диний бошқарма тасарруфидан чиқарилиши лозим. Уларни ҳар бири ўзи алоҳида ташкилот сифатида мустақил фаолият олиб бориши қонунан белгилаб қўйилиши лозим. Ана шу каби мактабларда ўқишни истаганларга давлат томонидан маълум миқдорга узоқ муддатли фоизсиз қарз беришни жорий қилиш керак. Асосийси, таълим жаҳон стандарти талабида бўлиши керак. Ва алфавитларни крилча, лотинча, ва арабча шакллари ҳам умумий суратда ўқитилиши керак. Буларни ҳаммаси давр талабидан келиб чиқаётган заруратлардир.

6. Давлат томонидан ижтимоий нафақа бериладиган тоифадаги шахсларни қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб биламан;

1. Пенсия ёшига етганлар.(пенсия ёшини ҳам тартибга солиш керак.)

2. Ногиронлар.

3. Ишсизлар.(вақтинча нафақа олади)

4. Талабалар.(илм олишни истаганларга кейин қайтариш шарти билан қарзга пул бериш)

5. Қочоқлар (вақтинча яшаб турган ишсизлар) ва ҳаказо..,

Шуларга етарли миқдорда нафақа тайинлаш давлатни вазифаси бўлиши керак. Ва бунга бюджетни камида 5% миқдорида пул ажратилиши керак. (Ҳозир эса Ўзбекистонда бунга 05% Швецияда 8% ажратилади)

7. Оила ва мерос масаласида юқоридаги ҳуқуқ соҳасида айтиб ўтилгандек, халқ истагига мувофиқ мавжуд қонунчиликга зарурий ўзгартиришлар киритилиши ва ўша асосда ижросини таъминлаш керак.

Масалан; маҳалла қўмиталари деб аталадиган қурилма шаклини ўзгартириб, уни ваколатига шу каби масалаларни қўриб ўша жойида ҳал қилиш ҳуқуқини бериш керак. Бу албатта, шу соҳа мутахассисларини ҳам шу ерга жалб қилишни тақозо қилади. Бу каби қўплаб майда ва нисбатан аҳамиятсиз масалаларни қўриб чиқишни, Суд ва Ички Ишларни бошқармасини ваколатидан чиқариш керак. Маҳалла қўмиталарига кўпроқ ҳуқуқлар бериш ва турли майда безорилик ва жиноятларни, улар жойида ҳал қилиши мақсадга мувофиқ деб биламан. Шунда Суд ва ИИБ ходимларига ҳам пора олиш имкониятлари камайган ва халқ улардан қўрқиб қочиб яшамаган бўларди. Умуман олганда бу зикр қилинган соҳаларда кўпроқ ва чуқурроқ ўйлаб қўриш ва келажакда халқимизни эркин озод тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш устида бош қотириш ҳар биримизни бурчимиздир. ИАК режими абадий эмас. Муҳими ундан кейин биз қанақа тузим қуришимизни ҳозир тўла тасаввур қилаолишимиз муҳимдир! Бу борада бошқа мутахассис ватандошларни фикр мулоҳазаларини ҳам кутиб қоламан.

2011 йил

ЎХХ Қурултойида ўқилган нутқ;

Ҳақ йўлга эргашганларга саломлар бўлсин!

Ҳурматли қурултой қатнашчилари! Ўзбекистон Халқ Ҳаракати таъсисчилари ва ҳаракатга бефарқ бўлмаган меҳмонлар!

Бугунги дунё геосийёсий харитасига назар солсангиз, бутунлай янги бир давр бошланганига гувоҳ бўласиз. Бу давр мустамлакачилик даври тугаб, мустамлака бўлиб яшаган барча халқлар хур, эркин ва озод яшашни истаётган даврдир. Бундай тарихий жараён энди диктаторлар даври тугаганини билдиради. Энди мастамлака халқлар ўз ҳаётларини ўзгартиришни, Тоталитар ва авторитар тузимларни йўқ қилиб, Инсон ҳақлари топталмайдиган, адолатли эркин бир жамият қуришни истамоқдалар. Бунга мисол сифатида Яқин Шарқда бўлиб ўтган қатор халқ ғалаёнларини ва мисол қилишимиз мумкин. Тунисда бошланган инқилоб Мисрга, ундан Ливия, Яман, Сурия, Баҳрайнга ўтиб, бутун Яқин шарқни қамраб олди. Бу режимлардаги халқни норозиликни келтириб чиқарган Иқтисодий ва ижтимоий сабаблар билан бирга, бизни фикримизча яна бир жиддий омил, ўша мамлакатлардаги мусулмон жамоаларини ҳақ ҳуқуқлари поймол қилаётгани эди. 30 йилдан ошиқ муддат Президентлик лавозимида ўтирган Х. Муборак режими кулади. Бу режим ўз табиати билан Каримов режимиданда қаттиқроқ эди. 40 йилдан бери давом этиб келган комендантлик режими даврида 5 кишидан ортиқ одам бир жойга тўпланиши маън қилинганди. Йиллар давомида ўн минглаб диний жамоалар вакиллари қамоқларда сақлаб келинди. Қўплари ўлим жазосига ҳукм қилинди. Энг қизиқ жиҳати эса, АҚШ ва ОИГА аъзо қатор давлатлар Муборак билан (Шунингдек, бошқа диктаторлар билан ҳам) дўстона алоқада бўлиб келдилар. Демократияни шиор қилиб олган бу давлатлар, Украина, Грузия, Қирғизистон каби собиқ совет Республикаларида турли хил Рангли инқилоблар уюштиришга ва уларни Россия таъсиридан чиқариб олишга ҳаракат қилган бўлсаларда, Яқин Шарқ мамлакатларида инқилоб қилишга улар ҳаракат қилишмади. Тунис, Миср, Ливия ва бошқа араб мамлакатларидаги инқилоблар ташқи кучлар тарафидан уюштирилмади. Диктаторларга доимий қўмак бериб келган АҚШ ва ОИ мамлакатлари вазиятни тушунгач, халқ томонга ўтиб олишди. Ўзбекистонга келсак, 20 йилдан ошдики, Каримов режими ҳукмронлик қилиб келмоқда. Халқ оч, қашшоқ. Диний ва сиёсий эркинликлар йўқ. Муҳолифат пароканда. Ўн минглаб диний ва сиёсий муҳолифат қамоқда ётибди. Мамлакат коррупция ботқоғига ботган. Режим 2005 йилда намоишга чиққан халқни ўққа тутди. Минглаб одамлар қурбон бўлдилар.

Бу режимдан аҳолини барча қатлами норозидирлар. Фақат ҳеч ким ҳеч нарса деяолмайди халос. Зулм халқни қаттиқ кўрқитиб қўйган. Шуларга қарамай, Ақш ва ОИ мамлакатлари диктатор билан яқин алоқада. Ғарбни Ўзбекистонга нисбатан тутган позициясида икки стандарт сиёсати яққол намоён бўлмоқда. Аммо, биз кўрдикки, энди ғарбдан ёрдам кутиш бефойда. Тунис ва Миср халқлари каби ўзимиз, халқ вакиллари барча бирлашиб, тинч йўл билан намоёишга чиқсак, биз ҳам режимни қулатишга қодирмиз иншааллоҳ! Мана шу мақсадда Халқ Ҳаракатига бирлашдик. Бу ҳаракат нозўравонлик йўли билан курашади. Золим тузумга барҳам бериб, озод ва фаровон ҳаёт қуради. Биз ватанимиздаги ва хориждаги тузумдан жабр кўрган барча мусулмон биродарларимизни, шунингдек, дини ва миллатидан қатъий назар барча ватандошларимизни бу курашга қўшилишга чақирамиз. Иншааллоҳ, Аллоҳнинг мадади ва нусрати билан, биз Халқ вакиллари бу зулм салтанатига барҳам берамиз! Бу улўғ курашдан ғолиб бўлиб чиқишни яратган Зотдан тилаб қоламиз.

Саломат бўлинглар!

2011 йил 24 май

Муборакнинг кетиши Миср аҳли учун нима беради

Уч кундурки Миср уни 30 йил бошқариб келган Муҳаммад Хусни Мубораксиз яшамоқда, парламент тарқатиб юборилган, давлат қуроли кучлар Олий Кенгаши томонидан назоратга олинган. Маҳаллий телевидениега кўра, ҳарбийлар сайловларга қадар ҳокимиятда қолади. Шу билан бирга янги конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун махсус қўмита тузилган. Айни пайтда Таҳрир майдонидаги намоёишчилар ислохотларни амалга ошириш учун аниқ муддат эълон қилинмагунча майдонни тарк этмасликларини айтмоқда. Якшанба куни эрта тонгда намоёишчилар армиянинг майдонни тозалаш ҳаракатларига қаршилик кўрсатгани боис кичик тўқнашув бўлиб ўтди. Якшанба давомида яна минглаб одамлар Таҳрир майдонига йиғилди, ҳарбийлар намоёишчилар билан қандай муомалада бўлишни билмай, боши қотган. Хусни Муборакка яқин уч собиқ мулозим-собиқ бош вазир Аҳмад Назиф, собиқ ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Адли ва амалда қолаётган ахборот вазири Анас ал-Факкингга нисбатан текширув бошлангани боис уларга мамлакатни тарк этиш тақиқланган. Хабарингиз бор президент Хусни Муборак 18 кунлик намоёишлардан сўнг жума куни истеъфо берган ва ҳокимиятни қуроли кучлар Олий Кенгашига топшириб, оиласи билан Шарм аш-Шайхдаги қароргоҳига учган эди. Ҳарбийлар Миср имзолаган барча халқаро битимларни ҳурмат қилишини айтмоқда. Мисрнинг кейинги ҳаёти ва минтақадаги вазият ҳақида турли тахмин ва сиёсий башоратлар янграй бошлаган бир пайтда биз ҳам таниқли ўзбек сиёсатчилари, муҳолифат вакиллари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига бир савол билан мурожаат қилишни ният қилдик. Хўш аслида, сизнинг фикрингизча Муборакнинг кетиши Миср аҳли учун нима беради, дунё жамоатчилиги учун нима фойда ёки зарар келтиради, Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?

Муҳаммадсолиҳ Абутов - Ажойиб саволингиз учун ташаккур!

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим.

Мен саволни ўзига жавоб беришдан олдин Мисрда бу каби халқ ғалаёнини келтириб чиқарган сабабларга ҳам тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билардим.

Тарихга бир назар.

Маълумки, ҳар қандай инқилобни ҳаракатга келтирувчи куч яъни ғоя бўлади. Ўша ғоя турли ижтимоий қатламларга баробар умид бағишлайди. Уларни ўзаро бирлаштиради. Шу ғоялар Миср воқеълигида нималардан иборат эди?! Маълумки, Халифалик таркибида бўлган Миср қўшни Фаластин ва Иордания билан биргаликда 1924 йил Халифалик тугатилгандан кейин Англияни вассали бўлиб қолди. Аҳолини орасида эса Ислом давлати ғояси тарафдорлари кўп эди. Шу сабаб 1928 йили Мисрда Ҳасан ал Банно деган Ислом олими томонидан ал Ихвон ал Муслимин (Мусулмон Биродарлар) диний жамоавий ҳаракатига асос солинди. Бу жамоат Мисрда қуролсиз қон тўкмасдан диний сиёсий ислохотлар ўтказишни Англиядан мустақил бўлишни мақсад қилганди. Бу жамоат таъсири ён атрофдаги бошқа араб мамлакатларига ҳам тарқалиб, бошқа кўплаб жамоаларга пайдо бўлишига туртки бўлди. 1948 йили Фаластин ҳудудида Исроил давлати пайдо бўлгач, Ихвонлар бу давлатни ноқонуний деб эълон қилдилар ва уларга қарши кураш бошладилар. Мисрдаги подшо ҳукуматини ағдариб 1952 йилда мамлакатда Республика тузумини жорий қилган Жамол Абдуносир инқилоб учун курашда Ихвонлар билан иттифоқ тузди. Аммо кейинги даврда у ҳам Исроилни легитимлигини тан олди. Ва ўз иттифоқдошлари бўлган Ихвонларга тазйиқ бошлади. Бу каби ноҳақликларга қарши бўлган жамоат ҳукумат раҳбари Жамол Абдуносирга суиқасд уюштирди. Лекин омон қолган Носир Ихвонларга қарши оммавий репрессия бошлади. Минглаб диндорлар қамоққа олинди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. 1970 йил Носир ўлимидан кейин Миср президенти бўлган Анвар Содат Носир даврида 1967 йилги урушда Исроил томонидан босиб олинган ҳудудини қайтариб олиш мақсадида 1973 йили Исроилга уруш эълон қилди. Бу урушда ҳам мақсадига эришолмаган Содат АҚШ маслаҳати ва моддий ёрдами эвазига Исроил билан тинчлик шартномасини тузишга рози бўлди. 1978 йили АҚШ президенти Картер бошчилигида АҚШдаги Кэмп Дэвид қароргоҳида бу келишувга эришилди. Содатни бу қароридан ва иқтисодий таназзулдан жамиятда кўпчилик зиёлилар, Жамол тарафдорлари ва христианлар жамоалари ва ихвонлар норози бўлиб намоийишлар уюштирдилар. Содат уларга қарши оммавий репрессия бошлади. Ихвонлар жамоасидан ажралиб чиққан бошқа гуруҳ жамоат ал исломийя томонидан 1981 йили президент Анвар Содат ҳарбий парад пайтида отиб ўлдирилди. Уни ўрнига президентлик лавозимини эгаллаган генерал Муборак қаттиққўл сиёсат олиб борди. Мамлакатда фавқулодда вазият жорий этди. Беш кишидан ортиқ одам бир жойга тўпланиши маън қилинди. Ихвонларга қарши репрессия сиёсатини давом эттирди. АҚШ ва Исроил диктатор Муборакни доим қўллаб қувватлаб келди. Шу аҳвол мана 2011 йил 10 февралигача давом этди.

Мисрдаги Оммавий норозилик намоийишлар

Миср халқини майдонга олиб чиққан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабаблар ва бошқа ички ташқи сабаблар борлиги шубҳасиз. Аммо, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан пухта шаклланган асосий мухолиф куч Ихвонул Муслимин жамоаси эди. Улар доимий зулм ва тазйиқлар остида туриб фаолият олиб боришни яхши ўзлаштириб олгандилар. Уларни вакиллари жамиятни турли қатламлари орасида тарқалиб кетганди. Улар ноқонуний ва рўйхатга олинмаган жамоат бўлишига қарамай Парламентга ўз вакилларини халқ ташаббус гуруҳи вакили сифатида депутатликка ўз номзодини қўйиб, оқибатда 20 тадан ортиқ вакилини депутат қилиб сайланишга эришгандилар. Уларни халқ орасида тарафдорлари ҳам оз эмасди. Шунингдек, улар бошқа христиан жамоалари ва демократик ислохотлар тарафдорларини ҳам ўз сафларига бирлаштирган эдилар (Мусулмон бўлмасалар ҳам). Мақсад фақат диктатурани қулатиш ва Мисрда эркин озод жамият қуришга қаратилганди. Шу куч Тунис инқилобидан кейин ҳаракат қилиш пайти келганини тушуниб етди. Ва Таҳрир майдонига чиқдилар. Ва алҳамдулиллоҳ натижасини кўрдик. Энди сизнинг саволингизга навбат билан жавоб берсам иншааллоҳ.

Муборакнинг кетиши Миср аҳли учун нима беради?

Миср аҳлига менимча қуйидаги манфаатлар бўлиши кутилади;

1. Бу инқилоб Миср халқини эркинликка, озодликка эришиш истаги иродаси қанчалик мустаҳкам ва қатъий эканлигини кўрсатди. Хоссатан, уларни асосини ташкил этувчи куч Ихвонул Муслимин диний сиёсий жамоасини кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Улар ўзларини бутун дунёга экстремисттик жамоа эмасликларини ошкор исбот қилдилар. Улар келажакда Мисрда диктатура бўлмаслигини таъминлай олдилар иншааллоҳ. Диний жамоаларни фақат экстремист террорист деб ўйлайдиган кимсалар бундан хулоса чиқариб олишса яхши бўларди.
2. Уларни кейинги фаолиятлари ҳам ҳали дунё аҳлига уларни кимлигини кўрсатади. Умид қиламизки мамлакатда шахс, эътиқод, сўз ва фикр эркинлиги таъминланади. Ноҳақ қатл қилинганлар оқланиб, виждон маҳбуслари озодликка чиқади. Жамият иқтисоди ривожланади. Халқ фаровон ҳаётга эришади иншааллоҳ! Биз ўзбекистонлик диний мухолифати ТАЯНЧ жамияти номидан уларга озод обод эркин ва адолатли жамият қуришларида Аллоҳдан ёрдам ва мадад сўраб қоламиз!

Дунё жамоатчилиги учун нима фойда келтиради?

Бу ерда менимча қуйидаги манфаатлар мавжуддир.

1. Дунё аҳли ва хусусан диктатура тузуми остида яшаётган бошқа кўплаб халқлар вакиллари (Жумладан Ўзбекистон халқи ҳам) бу инқилобдан албатта ўзларига хулоса чиқарадилар ва ибрат оладилар. Ва пировардида ўз юртларидаги авторитар режимларга қарши курашга отланадилар. Жумладан Жазоир ва Яманда бу ҳаракат бошланиб кетди. Умид қиламиз бу ҳаракат жаҳон бўйлаб кенг қулоқ очади иншааллоҳ.
2. Дунё сиёсатчилари ва жумладан ғарбликлар мусулмонларни жамоаларини экстремистик радикал жамоат эмаслигини кўришди. Дунё жамоатчилиги Ихвонул Муслимин билан реал сиёсий куч сифатида ҳисоблашишга мажбур бўлишади.
3. Бошқа мамлакатлардаги Исломий жамоалар ўз стратегик мақсадларида (турли тоифаларни ўз сафига бирлаштиришда, тинчлик билан кураш тактикасини қўллашда) Ихвонлардан ўрнак олишади.

Ўзбекистон учун қандай аҳамияти бор?

Бу ерда менимча қуйидаги манфаатлар бўлиши ёки бўлгани умид қилинади;

1. Ўзбек диктаторини ва режимини ҳали ҳозирданоқ пайтавасига қурт тушди. У ўзини Зайнал Обидин ва Муборакдан фарқи йўқлигини яхши билади. Уларни қисмати ўзини бошига тушиши мумкинлиги уни ташвишга солмай иложи йўқ. Демак, диктатор ўзи ҳозирданоқ бундан олдини олишга киришади (Менимча; Сиёсий тутқунларга Амнистия бериш, ҳуллас, турли йўллар билан жамиятни ҳукуматдан норозилик кайфиятини камайитиришга ҳаракат қилиши кутилади).
2. Ўзбек халқи вакиллари оммавий равишда бу каби дунёдаги ўзгаришлардан беҳабар қолаётган бўлсада, маълум қисмида интернет орқали ахборот олиш имконияти йўқ эмас албатта. Ўша қисми орасида эркинлик озодлик ғоялари тарқала бошлаши ва улар сафи кенгайиши кутиллати иншааллоҳ.

3. Хориждаги муҳолиф диний ва дунёвий гуруҳларни ва инсон ҳуқуқи билан шуғулланувчи ташкилотларни Ўзбекистонда ҳам шу каби инқилобий ўзгаришлар яшаш ҳаракатини фаоллаштиришларига сабаб бўлади иншааллоҳ. Сизни шу каби саволлар билан муҳолифат фаолларига мурожаат қилишингиз ҳам шу Миср инқилобининг бир натижасидир. Демак, ҳаракат бошланибди. Бу ишни давомли бўлишини Аллоҳдан сўраб Ўзбекистонда ҳам диктатура ағдарилиб, озодлик шамоллари эса бошлайди деган умиддамиз.

Жараён сайтидан олинди.

2011 йил

Қуръони Карим Ҳидоятдан

Бисмиллохир раҳмонир раҳим.

Оят. “Албатта, мўминлар шундай кимсаларки, қачонки уларга Оллоҳ эслатилса, қалблари юмшайди. Ва уларга қачонки Унинг оятлари тиловат қилинса, иймонлари зиёда бўлади. Ва улар Роббиларига суянадиган зотлардир. Улар шундай кимсаларки, намозларини тўқис адо этадилар ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар. Ана ўшалар ҳақиқий мўминладир. Уларга роббиларининг ҳузурида даражотлар бордир. Ва мағфират ва гўзал ризқ бордир”. (Анфол, 2-3 оятлар.)

Изоҳ: 1. Демак, мўмин кишининг сифати шундайэканки, унга Аллоҳ эслатилса қалби юмшар экан. Яъни, бу унинг у ёки бу ҳаракатни қилаётганда ёхуд қилмаётганда Аллоҳ эслатилса, у одамнинг қалби юмшаб шу ишни тарк этиши ёки бажаришида акс этади.

2. Уларга оятлар тиловат қилинса, иймонлари зиёда бўлади. Яъни, яхши ишларни қилишга рағбатлари зиёда бўлади ва ёмон ишдан қайтишга рағбат қилиб қоладилар.

3. Ва мўмин кишилар Аллоҳагина суяниши, қалбини бошқа ҳеч нарсага боғламаслиги лозим экан. Бу иймоннинг шартидир тавҳиддир.

4. Яна мўмин кишининг белгиси беш вақт намозни тўқис адо этиш. Намозни ўқимаган кишиларни баъзимужтаҳидлар мўмин, деб атамаганлар.

5. Улар молларидан закот, ушр каби садақотларни бериб борадиган зотлардир.

6. Ана шулар мўминнинг ҳақиқий сифатларидир. Ана шулар бўлмаса, мўминликни даъво қилиш куруқ гап бўлиб қолади.

7. Ана шундай инсонларга улуғ даражалар ва мағфират, гўзал ризқ бордир

Бу оятда мен ўзимда етишмайди, деб билган яхши ҳислатлар бордир. Роббимдан сўрайманки, ўзининг фазли марҳамати билан мени ҳам шу оятларда зикр қилинган мўминлардан қилсин, мағфират аҳлидан қилсин! Омин!

Оят. Эй иймон келтирганлар! Молларингизни ўзаро ботил йўл билан еманглар. Магарам ўзингиз рози бўлган тижорат орқали (ейишингиз мумкин). Ўзингизни ўзингиз қатл қилманг! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмли зотдир!" Нисо, 29 оят.

Изоҳ: 1. Аввало, Алоллоҳу таолло мўминларга хитоб қиляпти. Бу хитоб мўминларнинг иззати иймонига боғлиқ эканини билдиради.

2. Кейин эса молларингизни ўзаро ботил йўл билан еманглар, дейилаяпти. Ботил йўлларнинг тури кўп. Ҳаром қилинган барча амаллар ботил йўлдир. Масалан, қимор ўйнаш, гаров ўйнаш ва ҳайвонларни уруштириб пул топиш ваҳоказо амаллар. Шунингдек, шариатда йўқ нарсаларни урф қилиш, хурфотлар, турли маросимлар ихтиро қилиш, мазорларга атаб қурбонлик қилиш ҳам шулар жумласидан. Бундай маросимларда еб-ичиш ҳам бировнинг молини ботил йўл билан ейишдир.

3. Тижорат қилиш ҳалол экани ва олди-сотди қилиб еб-ичиш мумкинлигини тушунамиз.

4. "Ўзингизни ўзингиз қатл қилманглар" оятини эса икки хил тушуниш мумкин. а) Аввало исломда ўзини ўзи ўлдириш мумкин эмасдир. Шунинг учун соғлиққа зарар қилувчи амаллар ҳаром қилинган. б) Юқоридаги ботил йўллар билан ҳаром нарсаларни еб-ичиб гуноҳкор бўлиб, оқибатда жаҳаннам азобига дучор бўлманг.еки шу ботил нарсалар учун ихтилоф қилиб уришиб бир-бирингизни улдирманг!

5. Шу нарсалардан қайтариши, аслида Аллоҳнинг бизга меҳрибонлигидир.

Оят. "Аллоҳу Таоло Иброҳимни дўст тутди". (Нисо, 125-оят.)

Изоҳ: Демак Аллоҳ ўзининг бандаси ва пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломни ўзига дўст тутибди. Бундан биламизки, банда ўзининг Улуғ Роббиси дўсти бўлишдек шарафга эришмоғи мумкин экан. Бу дўстликка, албатта, даражама-даража кўтарилиб бориш билан эришилиб, энг олий даража бу пайғамбарларга насиб этган мақомдир. Аллоҳга дўстлик кишининг иймони ва тақвоси даражасида бўлади. Тақво эса Аллоҳнинг ўзидан бериладиган тавфиққа яраша бўлади. Ман ҳам Аллоҳдан тавфиқ сўрайман ва ўзига дўстлари сафидан қилишини илтижо қиламан. Зеро, Аллоҳ дуоларни қабул қилгувчидир!

=====

Роббингизнинг раҳматини улар тақсим қилишадими?! Биз сизларни дунё ҳаётидаги ўзаро қандай яшашингизни қисмат қилиб қўйганмиз. Баъзиларингизни баъзиларингиздан даражаларда усутн қилиб қўйдик. Роббингизни раҳмати улар йиғаетган нарсалардан яхшироқдир". (Зухур, 32-оят.)

Изоҳ: 1. Аллоҳу таолонинг раҳмати ўзи ҳоҳлаган бандасига берилади. Яъни пайғамбарлик Муҳаммад алайҳиссаломга берилди. Мушриклар шунда ўз сафларидаги машҳур ва бой кимсаларни назарда тутиб, айтган экан: "Нега энди пайғамбарлик фалончи ва пистончиларга берилмади?"

2. Аллоҳу таолонинг ўзи бандалари ҳаёти ва яшаш жойларини аввалда тақсимлаб қўйган экан. Яъни кимлардир бой, яна кимлардир камбағал, яна кимлардир машҳур, яна кимлардир ном нишонсиз ўтиб кетади.

3. Аллоҳнинг раҳмати одамлар кечаю кундуз тинмай йиғаетган мол-дунёдан чандон яхшидир. Демак, Ислом дини бойларнинг ҳам эмас, камбағалларнинг ҳам эмас балки мўмин мусулмонларнинг тарафдоридир. Яъни мансаб, мол-дунё, обрў-эътибор кофиру мусулмонга тенг берилаверади ва бу унинг Аллоҳга яқин ёки йироқлигини билдирмайди. Ислом ўлчовида тақво қилган киши яхши киши ҳисобланади, холос.

=====

Оят. “Яхшилик ва тақво ишларида бир-бирингизга ёрдам беринглар! Гуноҳ ва тажовузкорликда бир-бирингизга ёрдам берманг! Аллоҳга тақво қилинг! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир” (Моида, 20-оят.)

Изоҳ: 1. Яхшилик ишида мўминлар бир-бирига ёрдам беришлари шарт. Яхшилик ишларига Исломда буюрилган барча савоб амаллар киради. 2. Шунингдек, мўминлар ёмонлик ишларида бир-бирига ёрдам беришлари мумкинмасдир. Ёмонлик ишларига эса шариъат қайтарган барча амаллар киради. Бу ёмонликлардан муминлар бир-бирини қайтаришлари лозимдир.

=====

Оят. “Албатта, мўминлар шундай кимсаларки, қачонки уларга Оллоҳ эслатилса, қалблари юмшайди. Ва уларга қачонки Унинг оятлари тиловат қилинса, иймонлари зиёда бўлади. Ва улар роббиларига суянадиган зотлардир. Улар шундай кимсаларки, намозларини тўқис адо этадилар ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладилар. Ана ўшалар ҳақиқий мўминладир. Уларга роббиларининг ҳузурида даражотлар бордир. Ва мағфират ва гўзал ризқ бордир”. (Анфол, 2-3 оятлар.)

Изоҳ: 1. Демак, мўмин кишининг сифати шундайэканки, унга Аллоҳ эслатилса қалби юмшар экан. Яъни, бу унинг у ёки бу ҳаракатни қилаётганда ёхуд қилмаётганда Аллоҳ эслатилса, у одамнинг қалби юмшаб шу ишни тарк этиши ёки бажаришида акс этади.

2. Уларга оятлар тиловат қилинса, иймонлари зиёда бўлади. Яъни, яхши ишларни қилишга рағбатлари зиёда бўлади ва ёмон ишдан қайтишга рағбат қилиб қоладилар.

3. Ва мўмин кишилар Аллоҳгагина суяниши, қалбини бошқа ҳеч нарсага боғламаслиги лозим экан. Бу иймоннинг шартидир тавҳиддир.

4. Яна мўмин кишининг белгиси беш вақт намозни тўқис адо этиш. Аввалари намоз ўқимаган кишилар ўзларини мўмин, деб атамаганлар.

5. Улар молларидан закот, ушр каби садақотларни бериб борадиган зотлардир. 6. Ана шулар мўминнинг ҳақиқий сифатларидир. Ана шулар бўлмаса, мўминликни даъво қилиш тўғри эмас.

7. Ана шундай инсонларга улуғ даражалар ва мағфират, гўзал ризқ бордир . Бу оятда мен ўзимдар етишмайди, деб билган яхши ҳислатлар бордир. Роббимдан сўрайманки, ўзининг фазли марҳамати билан мени ҳам шу оятларда зикр қилинган мўминлардан қилсин, мағфират қилсин! Аждодларим ҳақида: Ўз аждодларимга назар солиб шукр қиламанки, улар ўз даврининг дин пешволари бўлган ва табиийки, иймон йўлида синовларга дучор бўлишган. Ҳижрат, сургун, қатл ва шу каби бошқа озорларга рўбарў бўлишган.

Энди эса навбат менга келган. Аждодларимга ва барча ўтган мўмину мусулмонларга Аллоҳдан мағфират сўрайман ва қилган амалларининг ажру мукофотини беришини, ўзининг яхши бандалари сафидан қилишини, мени ҳамда зурриёдларимни ҳам ўз аждодларимиз билан жамул жам қилишини сўраб, илтижо қиламан!

2011 йил

Қатағон қурбонларини хотирлаб;

1999 йил 16 феврални Ўзбекистонда оммавий қатағонлар бошланган кун дейишимиз мумкиндир. Чунки, айнан ўша кундан бошлаб бутун Республика бўйлаб, оммавий равишда диндорлар қамоққа олина бошланди. Ваҳхобийлик, Салафий, Таблиғчи, Нурчи, Акрамий, Жиходчи Ҳизбут Таҳрир ва ҳаказо номли "экстремистик террористик" гуруҳларга аъзоликда айбланиб ўн мингдан ошиқ диндорлар қамоққа олинди. Шунингдек, Эрк ёки Бирлик каби муҳолиф партияларга аъзо сиёсатчилар ва ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам ҳибсга олинди.

Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексини 159 ва 244 моддалари билан "Ўзбекистон Республикасига тажовуз қилишда, Конституциявий тузумни ағдаришга урунишда ва ноқонуний диний гуруҳлар тузишда" ва ҳаказоларда айбланишди. Мана 12 йил бўлди шу қатағон машинаси ишлаб турибди. Ҳали ҳануз ўн минглаб диний ва сиёсий маҳбуслар турмаларда ётишибди. Қанча одамларни турмалардан ўлиги чиқди. Каримов режимини ўз халқига нисбатан бундай қатағон сиёсатини юритишда айнан 1999 йил 16 февралдаги Тошкент шаҳрида портлаган бомба сабаб бўлди. Айни сабаб унга қатағон сиёсатини оқлашга имкон яратди. Диктатор ўз режимини мустаҳкамлаб олди. Ва ўзига муҳолиф бирорта ҳаракатни фаолиятига имкон қолдирмади. Шу маънода айтиш мумкинки, 16 феврал Ўзбекистоннинг янги мустақилликдан кейинги тарихидаги энг қаро кунлардан биридир. Яъни оммавий репрессияни бошланган кунидир. Диктатор режимини кучайтирган кундир. Шу муносабат билан Ўзбек муҳолифати вакиллари томонидан шу кунни айнан қатағон қурбонларини хотирлаш куни сифатида эълон қилиниши ва бу кун ҳар йили муҳолифат томонидан ноҳақ қатағон қилинганларни хотирлаш мақсадга мувофиқдир. Бу мавзуда 13 Май иттифоқи томонидан 5 ой олдин ҳам бир баёнот тарқатилганди. Аммо муҳолифат томонидан бунга эътибор берилмади. Шу маънода бу кунги таклифимизга муҳолифат вакиллари муносабат билдиришларини ҳам кутиб қоламиз. Каримов режими тугатилган кейин ҳам бу кун яқин тарихимиздаги қонли қора кун сифатида эсланиши лозим. Бу каби қаро кунларни эслаш ва уни қайта такрорланмаслигига ҳаракат қилиш ҳаммамизни бурчимиздир. Биз шу кун муносабати билан Каримов даврида турмаларда азоблаб ўлдирилган барча мўмин мусулмонларни Аллоҳ раҳматига олишини сўраб дуолар қиламиз.

Ва турмаларда ётган минглаб биродарларимизни Аллоҳу Таоло тез кунларда ёруғ кунларга етказсин деб сўраймиз. Бу каби қонли қаро кунлар халқимиз бошига ва умуман ҳеч бир халқ бошига тушмасин деб дуолар қилиб қоламиз!

2011 йил феврал

Пулнинг қадри ҳақида баъзи фикрлар

Маълумки, бугунги кунимизни пулсиз тасаввур қилолмаймиз. Доллар, евро, рубль, диноар, риёл, сўм ёки тенге каби нима деб номланишидан қатъи назар дунёнинг барча мамлакатларида ўз пул бирлиги мавжуддир. Ва уларнинг фуқаролари ўша пулларни кундалик ҳаётида истеъмол қиладилар. Барча инсон дунёнинг қаерида яшамасин пул топиш учун ҳаракат қилади. Шу туфайли ҳаётда фаровон яшай оламан деб ўйлайди. Ва минглаб турли туман жиноятлар ҳам шу пул туфайли содир бўлади. Пулга нисбатан мана шундай кўзқараш мавжуд даврда бу ҳолат табиий албатта.

Хўш, пул нима ўзи?!

Пул дегани бугунги кунда оддий қоғоздан иборат, у ё бу давлат Банки томонидан қиймати тасдиқланган тўлов воситасидир. Моҳиятан у оддий қоғоздир. Ва ўз ҳолича ҳеч қандай қийматга эга эмас. Уни тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши, унга қадр беради. Қоғоз пулларга қиймат бериш учун Банклар уни баробарида олтин билан таъминлаши шарт бўлган. Бу пулни қадрли эканини одамларга сингдириш учун жорий қилинади. Лекин, давлат Банклари ҳеч қачон истаган одамларга қоғоз пулларни йиғиб олиб ўрнига олтин бераолмайди. Демак одамлардаги мана шу тушунча йўқ бўлар экан, пулларни қоғоз эканлиги ва ҳеч нарсага арзимаслиги намоён бўлади. Бунга узоқ ва яқин тарихда кўплаб мисоллар бор. Тушунча эса яна шу одамлар томонидан пайдо қилинади. Шунингдек, вақт бу тушунчаларни вақти соати келганда йўқ қилади. Бугунги кунда вазият талаби билан халқаро пуллар пайдо бўлди. Бунда ҳам юқорида айтилган сунъий тушунчалар асосий рол ўйнаган.

Халқаро валюта ҳақида

Давлатлараро савдо сотиқларда тўловларни амалга ошириш жараёнида баъзи пул воситалари халқаро валюта сифатида қабул қилинган ва бу билан халқаро валюта атамасини келиб чиқишига сабаб бўлган. Бугунги кунда АҚШ доллари ва евро мана шундай халқаро валюта ҳисобланади. Қоғоз пулларни барчаси уни чиқарган Банкни мулки ҳисобланади ва ўша Банк тарафидан уни қиймати ва тўлов қобилияти ушлаб турилади. Ўз навбатида халқаро молиявий муомалаларда ўша Банклар бир бирларига тўловни халқаро валюта асосида амалга оширадилар. Пулни қуруқ қоғозлигини яхши тушунадиган давлат раҳбарлари бу валюта ўз навбатида олтин билан таъминланишини шарт қилиб қўйишган. Шунингдек, ҳар бир мамлакатдаги ички пул бирлиги ҳам ўз қиймати баробарида олтин билан таъминланган бўлиши шарт. Қоғоз пулларни қийматини олтин белгилаш шarti шу. Олтин эса асрлардан бери ҳалигача ўз қийматини йўқотмай келаётган металлдир. Мана шу олтин билан таъминланган деган тушунча ҳисобига қоғоз пулларни қиймати сақланиб турилади.

2011 йил

Зулмга қарши курашга муносабатлар ҳақида

Зулмга қарши чиқиш мумкинми йўқми деган савол аслида беаъниликдир. Бу масалада инсон зоти борки, албатта қарши бўлиши табиийдир. Муаммо фақат, оқибат қандай бўлиши мумкин, бундан ҳам бадтар бўлмасмикан?. деган ўй андиша борлигидадир. Баъзилар ЎХХга қўшилмасликларини изҳор этишди. Уларни фикрича, Золимга қарши чиқиш кўп қон тўкишга олиб келаркан. Қон тўкилмаслиги албатта яхши. Биз қон тўкиш тарафдори эмасмиз. Аммо, Каримов 20 йил давомида тўккан қонларни аниқ ҳисобини Аллоҳдан бошқа биров билмайди. Умри хазон бўлиб турмаларда ётганларни сонини ҳам. Улар исён қилгани учун жазоланган эмаслар. Менг кўп йил турмада ўтирдим. Конституциявий тузимга тажовуз қилган эмишман. Мен эса у пайтлар Конституция нималигини билмасдим. Умуман давлатга тажовуз қиладиган бирор ҳаракат қилган эмасдим. Аммо, барибир жазоландим. Яна менга ўхшаган ўн минглаб оддий диндорлар ҳалиям қамоқда ётишибди. Диний жамоалар ичида Хизбут Таҳрирдан бошқа жамоа Халифат қуришни мақсад қилиб олган эмасди. Бошқалар оддий суннатларга амал қилганлари учун соқол қўйганлари ва рўмол ўраганлари учун қамалгандилар. Мен Халифат қуриш ғоясини Хизбут Таҳрирдан эшитганман. Аммо, бошқа баъзи жамоалар ҳам бу мавзуда улук юлук мажҳул бир нарсаларни гапириб қўйишарди. Каримов режими умуман диний бўлмаган аммо ўзига қарши фикр соҳибларини ҳуқуқбонларни қамаганини ҳам биламиз. Эрк партияси лидери М. Солиҳ мамлакатни тарк этганига ўша пайтларда ўн йилча бўлганига қарамай 1999 йил 16 февралдаги портлашларда айбланиб орқаравотдан 15 ярим йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Бу режим табиати мана шундай бераҳм қаттол эди. У на диндор ва на динсизлигига қарамай истаган одамни экстремизм ва терроризмда айблай оларди. Бу каби қатағонлар халқ оммасини ҳаммасига бўлмаган бўлиши мумкин. Аммо, аксарият оддий фуқаролар фермерлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар ва бошқалар ишсизлик, давлатни адолатсиз коррупция ботқоғига ботган сиёсати туфвили қашшоқ ҳолда кун кечираётганлари шубҳасиздир. Бу маънода улар ҳам режимдан жабр кўрдилар албатта. Халқни 90 фоизи бу режимдан норозидир. Бу режим ўзини ўзгартираолмади. Ислохотлар қилаолмади. Ва қилаолишига умид ҳам қолмади. Ҳамма яъни аксарият халқ норози. Лекин нимадир қилиб уни ўзгартиришни ҳеч ким ўйламайди. Ҳамма кутаяпди. Нимадир мўъжиза рўй бериб қолишини кутишаяпди гўё?! Туркманистон мисолида кўрдикки, диктаторни ўлими халқга эркинлик озодлик олиб келмас экан. Халқ кимдир келиб режимни ўзгартириб беришини кутаётгандек?! Аммо, аччиқ ҳақиқат шуки, ҳеч ким келиб бизга ҳеч нарса қилиб бермайди! Демак, курашиш керак. Аҳолини барча озодлик истаган қатлами биргалашиб курашиш керак! Тўғри, баъзи диндор биродарлар “Биз фақат Аллоҳни динини олий қилиш учунгина курашамиз. Демократия учун кураш куфрдир” дейишади. Ва шу билан мавжуд Золимга қарши кураш жабҳасига қўшилмайдилар. Аммо, бу билан улар ўзлари истаган нарсани заррача бўлсада тезлата олмайдилар. Бизнингча, бугунги қилаолишимиз мумкин бўлган иш мана шудир. Яъни, оз бўлсада эркинликни, юртимизда бемалол динимизга мувофиқ ибодат қилиш имконини қўлга киритишдир. (Буям осонгина бўладиган ишмас) Балки, бу эркинлик озодлик неъматини бизнинг аслий инсоний ҳаққимиздир. Биз бу ҳақни золимдан тортиб олишга ҳақлимиз. Бу неъматлар эса курашишга жон фидо қилишга арзийди. Уйига кирган ўғри билан курашиб, ўлдирилган одам шаҳиддир! Деган ҳадис бор. Бу ҳадисни ҳамма билади. Биз молдан анча қимматроқ нарсаларимиз учун курашишимиз шаҳидликка арзимайдими?! Агар бу курашда Аллоҳ ғалабани ато этса ва қамоқхоналардаги барча мўминлар озод бўлсалар, валлоҳи бу йўлда берилган қурбонлар бежиз ҳисобланмайди. Зеро, биз ҳеч нарса қилмасакда, турмаларда кўплаб қурбонлар бердик. Бундай курашга нисбатан “халқни кўп қурбон беришга сабаб бўлади” деган андишада қўшилмаётган кимсалар, халқни 20 йилдан бери бераётган қурбонларини яна давом этишини истаётгандек гўё?! Бу йўлни яъни зулмга қарши курашни тўғри эканига шак шубҳамиз йўқ. Абу Ҳанифа Уммавийларга қарши халқ қўзғолонига фатво берганлари маълумдир. У пайтларда фақат қуролли қўзғолон бўлган. Биз ҳозир 21 асрда яшаяпмиз. Ҳозир ўз халқни отиб қириб яна тахтида ўтириш анчайин мушкул даврдир. Тўғри, Каримов Андижон қирғини учун жавобгарликка тортилмай қолди. Аммо, яна халқни отиш эҳтимоли анчайин камайди. Биз қуролсиз қаршилиқ ҳаракатини таклиф этаяпмиз. Қурбонлар бўлиши эҳтимолини имкон қадар камайтириш тарафдоримиз.

Лекин бу дегани кураш умуман қурбонсиз бўлади деганимас албатта. Муҳими бу кураш йўли тўғри эканлигидадир. Тўғри йўлга нисбатан муносабат одатда икки хил бўлади.

1. Шу йўлга кириш ва собит туришлик;

2. Шу йўлга қарши жабҳада бўлишдир.

Аммо, ЎХХга нисбатан ўрта позицияни танлваганлар ҳам бўлди. Улар ҳаракатга қўшилмайдилар ва шунингдек, қаршилиқ ҳам қилмайдилар экан. Фақат кузатиб туришар эканлар. Қизиги шундаки, агар бу ҳаракат ғалабага эришса, қўшилмай қолганига хафа бўлиши мумкин экан. Агар мағлубиятга учрасачи?! Унда қўшилмаганига хурсанд бўлиши мумкинми?!

Шунингдек, кузатувчи бўлиб туришга қандай тушунамиз?! Биз ноҳақ бўлсак, қайтаринг ахир!

Наҳй мункар қилинглари! Бугун бундан афзал иш ва йўл борлигини ва уни қилиш мумкинлигини ақлий ва воситавий далиллар билан исботланглар! Агар бирор нарсани имкони йўқ бўлса, демак биз ҳозирги ҳолатда ҳикматга мувофиқ Ҳақ йўлда бўлсак, бизга қўшилиб курашга чиқинглари! Нимани кузатасиз?! Ғолиб бўлсак қўшилиб кетишни кутаяпсизми? Мағлуб бўлсак қўшилмай қолганингизга шукр қиласизми?! Бу каби муносабат кимларга қандай тоифага ҳослигини сизлар яхши биласизку! Бу каби позиция биз учун тушунарсиздир. Бу кураш йўли ҳақ деб биламиз. Умидимиз Ёлғиз Аллоҳдандир! Агар бу йўлда биз ғолиб бўлсак, Аллоҳга ҳамд айтамыз. Золимлар жазоланади. Мўминлар озод бўладилар.

Ва агар мағлуб бўлсак, зеро, бундай оқибат бўлишини ҳам эҳтимолдан соқит қилмаслик керак, биз курашдан тўхтамаймиз. Биздан берилган қурбонлар иншааллоҳ зулмга қарши курашиб ўлган шаҳидлар бўлажак! Шайх Қарзовий Мисрдаги Золимга қарши туриб қурбон бўлганларни шаҳидлар деб атаган. Чунки, зулмга қарши туришлик айни ислом талабидир. Ислам талабини бажариш йўлида етган ўлим шаҳодат ҳисобланади. Биз Зулмга рози эмаслигимизни ошкор қилиб кетсак ҳам катта гап. Зеро ўлим энг беҳавотир жойда ўтирганларга ҳам етади! Бу оддий ҳақиқатни инкор қилувчиларга Аллоҳ ҳакамдир!

2011 йил

ИАК мусулмонни кофирми?

Ассалому алайкум вароҳматуллоҳи ва баракот. САВОЛ. Каримовга Қарши чиқишни ҳукми нима?! Баъзи Мисрда таълим олаётган ўзбек Талабалар Уни имонли одам ва Унга қарши чиқиш, ҳаромдир»! деб, фатво беришяпти. Шу тўғрими?! Шунини жавобини сайтингизга чиқарсангиз. Жамшид. АҚШ.

ЖАВОБ. Бисмиллоҳирроҳманирроҳим.

Савол иккита экан. Ҳар бирини алоҳида ўрганамиз.

1. Савол. Уни «Имонли» эканлиги.

2. Савол. Унга қарши чиқиш.

Аввал биринчи саволни атрофлича ўрганиб чиқамиз. Аллоҳу Таъоло ҳақни ҳақ қилиб, ботилни ботил қилиб кўрсатсин! Омин! Мазкур масалада Уни мусулмон деб ҳисоблашларини ҳам мен кўп одамлардан эшитиб келаяпман.

Бунга энди Ўзбекистон Диний Бошқармасининг уламолари кирмайди. Улар уни энг олий махлуқ ҳисоблаб ҳаққиға кеча кундуз дуо қилиб юришади. Уларнинг ўзларини ҳам гапларини ҳам пашшанинг қанотича қадри йўқ. Шунинг учун уларни гапларига эътибор ҳам беришга арзимади. Аммо энди хорижда юриб кўп одамларнинг шунга яқин гапларини эшитдим. Уларни нима эътирозлари борлигига тушунолмади юрардим. Энди шу савол билан менга АҚШда яшайдиган бир биродар мурожаат қилиб қолди. Шунда мен энди бу мавзуда жиддийроқ бир мақола ёзиш лозимлигини англаб етдим. Лекин баъзи илм аҳллари бу мавзуга киришишни хоҳламайдилар. Шунинг учун бу масалада ўзим билган ҳужжатларни ёзишга қарор қилдим. Афсуски бу мавзу учун лозим бўлган кўплаб адабиётлар ҳозир қўлимда мавжуд эмас. Аммо имкон доирасида бу масалани кўриб чиқамиз. Аввало биз у кимсани Даҳрий коммунист бўлганлигига эътибор қаратайлик. Чунки бу маълум бўлган аслдир. Даҳрийлик ақидаси яратувчини инкор қилувчи ақида эканлигини ва у ақида эгаси исломий имон мезонидан ташқаридаги кофир бўлишига шак шубҳа йўқдир. Энди шу кофир кимсани имонга келиши учун лозим бўлган шартларга эътибор беринг.

1. Ашҳаду ан ла Илоҳа иллоллоху Ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва Расулух!
калимасини тили билан айтмоғи.

2. Ўша калимани мазмунига яъни Аллоҳу Таъолонинг яккаю ягоналигига ва Муҳаммад алайҳиссаломни У Зотнинг жўнатган ҳақ пайғамбари эканлигига қалбдан ишониш лозим.

2. Ўша калимани талаб қилган амални бажармоқлиги. Яъни Ислоннинг беш арконини бажариш лозим. Бу учунчи шарт Ҳанафий мазҳаб уламолар наздида имон шарти ҳисобланмаган. Агар биз ҳанафий мазҳаби шартларига асосланган ҳолда, кофирлиги аниқ бўлган кимсани «имонли» дейиш учун, уни шу калимани айтганини эшитган бўлишимиз керак. Бу нарсани шартлиги шундаки аввалги ҳукмни ўзгартириш учун кейинги ҳукм шартлари топилган бўлиши керак. Гумон аввалги ҳукмни бекор қилмайди. Бу машҳур фикҳий қоида. Энди бу калимани фақат айтиб қўйишни ўзи имонли бўлишга кифоя қилмайди. Чунки мунофиқлар бу калимани жаҳрий суратда айтишган ва намоз ўқиб закот беришган ва пайғамбар алайҳиссалом билан жуда кўп жиҳодларда иштирок ҳам этишган эдилар. Аммо уларни имонсиз кофир эканликларига қатор оятлар нозил бўлди. Ўша калимани қалби тасдиқ қилиб айтган бўлиши лозим эди. Энди қалби исломни ҳақлигини тасдиқ қилиб лекин тили билан бу калимани жаҳрий суратда айтмаса, дилидаги тасдиқ ҳам фойда бермас экан. Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толиб мана шунга мисол бўла олади. Чунки у киши «Эй Жияним сенинг дининг ҳақ! Лекин мен Абдулмутталибнинг динидаман» дея вафот этган. Унинг кофир ҳолда кетганлигини Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари баён этдилар. Демак, қалб тасдиғи ва тил иқрори бирга бўлиши шартдир! Энди мақсадга қайтсак, уни даҳрийлиги аввалдан маълум бўлган аниқ ҳукмдир. (Яъни, у даҳрийлар партияси каттаси бўлганди) Энди ўша Даҳрийнинг шу юқоридаги шартлар асосида имон келтирганига ким шохид бўлган?! Уни «кофир» дейишдан қўрқаётган кимсалар уни аввал «мусулмон» дейишга қўрқишлари зарурроқ эди. Чунки уни қандай имон келтирганини биров билмайди. Умуман имон келтирмаган бўлиши ҳам мумкин. Кофирлиги аниқ бир кимса, то ошкора имон келтирмагунча уни кофир деб ҳисобланиши шарт. Шунингдек мўмин кишини ҳам то кофирлиги аниқ бўлмагунча мўмин деб ҳисоблаш керак. Аммо мазкур шартлар мусулмонларни орасида туғилиб катта бўлган одамларга нисбатан шарт қилинмаган. Улар зоҳирига биноан мусулмон ҳисобланадилар. Яна, гап шундаки, кофир киши ўзича имон келтирса ёки Худони борлигини тасдиқ қилиши билан имонли дея, ҳисобланиб қолмайди. Чунки Ислон динини Қуръони Карим ва саҳиҳ ҳадислар асосида бировни «имонли» ёки «кофир» дея, аталиши учун зарур бўлган муайян шартлар мажмуаси ҳозирги атамада айтсак «шаблони» бор. Ислондаги бу «Шаблон» ҳозирги одамлар тасаввур қилган «имонлик одам» тушунчасидан мутлақо бошқа нарсадир. Бундай муайян «шаблон» бошқа дин вакилларида йўқ. Уларда битта, ҳамма учун баробар «Стандарт» шаблон бор. «Кимки Худога ишонса бўлди, демак у «имонли» одам. Ислонда эса бунақа эмас. «Кофир» сўзини ҳам аниқлаб олиш керак.

Бу сўз мазмуни «инкор қилувчи» деган маънони англатади. Бунда «Худони инкор қилса кофир бўлади» деб, тушуниш бошқа дин вакилларининг «шаблонидир» Исломда эса Имон учун шарт деб, ҳисобланган нарсалардан бирини қабул қилмаслиги билан кофир ҳисобланади. Имон учун шарт бўлган нарсалар эса, юқорида баён этилган икки асос шартни ичидадир. Масалан. Ла илоҳа иллоллоху Муҳаммадан Расулуллоҳ дея, гувоҳлик бериш ўз ичига қуйидаги инкор ва тасдиқ каби шартларни олади.

1. Яъни, Ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, магар Аллоҳ яккаю ягона ибодатга лойиқ Илоҳдир. (Ибодатлар У Зотгагина қилинади. Дунёнинг ва охиратнинг Молики У Зотдир!)

2. Муҳаммад алайҳиссалом У Зотнинг ҳақ пайғамбаридир.

Энди шу икки калимани замирида яна қуйидаги нарсаларга имон келтириш лозимлиги англашилади.

1. Муҳаммад алайҳиссалом нозил бўлган Қуръони Карим Аллоҳнинг каломидир.

2. Демак қуръон олиб келган барча хабарларни ҳам тасдиқлаш лозим.

Мана энди буларнинг ҳар бирини замирида яна қанчадан қанча имон учун зарур бўлган шартлар бор. Мана шуларни тасдиқ қилиб, имон келтирган кофир одам куфрдан чиқиб, имонга киради. Исломий имон мезони шудир.

Бу юқорида айтиб ўтганларимиз Имон шартлари эди. Энди имонли одамни имондан чиқариб куфрга қайтарувчи нарсаларни ўрганиб чиқамиз. Куфрга қайтарувчи омиллар қуйидаги қисмларга ажралади.

1. Қалбий ёки фикрий.

2. Лафзий.

3. Амалий.

Қалбий омиллар энг асосийси бўлиб куфр аввал қалбда пайдо бўлади. Кейин тилга зоҳир бўлиб кейин амалга кўчади. Агар қалбда зоҳир бўлмасаю тилида ёки амалида куфр содир бўлса киши кофирга ҳукм қилинмайди. Шунинг учун ҳам аввалда мусулмонлиги билан зоҳир бўлган киши бирор амалида ёки сўзида куфр зоҳир бўлса кофир дейилмайди. Қалбдаги нарсани кишини сўзи ва амали зоҳир қилиши маълум нарса. Ўзбек халқини мусулмонлиги учун ҳамма ўзбеклар мусулмон дея ҳисоблайдиганлар кўп. Каримовни ўзбеклиги учун мусулмон дейишади. Баъзилар эса уни «Яхудий» деб чиқишди. Бу билан кофирлигини тасдиқламоқчи бўлдилар шекилли. Бу асли шарт эмас эди. Чунки киши этник миллати яҳуд бўлсада мусулмон бўлиши мумкин. Ёки аксинча, ўзбек бўлсада кофир бўлиши мумкин. Бўлиб ҳам аввалда даҳрий ақидаси билан танилган бўлса. Кўпчилик уни «Аллоий Таоло» сўзини ишлатиб туриши билан мусулмон деб биладилар. Золимлиги эса куфрга ҳукм қилиш учун кифоя эмас дейишади. Шунинг учун ҳам «баъзилар Каримовни куфрга ҳукм қилиш мумкинмас» дейишади. Булар ҳаммаси довдираган кимсаларнинг гумонларидир. Мисрлик талабалар Азҳарда шундай таълим олиб, улар Ҳусни Муборакни мусулмон деб билгани каби, ўша ерда ўқиган Марказий Осиёлик «уламолар» ҳозир Каримовни ёки Назарбоевни, Имомалини мусулмонлигига далиллар излашяпти. Араб диёрларидаги мустабидларни гарчи золимлиги аниқ бўлсада, кофир дейишдан тийиламиз. Сабаби, улар собиқ совет Республикаларидаги диктаторлар каби, аввал даҳрий бўлганликлари маълум эмас. Бугун уларнинг таърифидаги «Мўътадил Ислом Уламолари» ҳозирги Марказий Осиё ҳукуматларига зарур бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Бу аслида Исломга қилинаётган навбатдаги ҳийла фирибгарликдан бошқа нарса эмас.

Исломда бунақа мўътадил ё радикал, каби айирмалар йўқ. Бу дин асли асоси бирдир. Диннинг аҳкомлари ҳам бир манбага асосланади. Куфр ва имон мавзусида ҳам бошқача ечим бўлиши мумкинмас. Мўътадиллик ва радикаллик ўша аҳкомларни амалда жорий қилишдаги ҳикматда намоён бўлади халос. Энди эса, Каримовни қилган амали, сўзи, ёзган китобларидаги фикри, билан танишинг. Шунда булар асосида унинг имон даъвосини қилиши «ислом мезонига» қанчалик тўғри келиши, ёки келмаслиги маълум бўлади. Кўпгина ислом уламоларининг Такфир бобидаги асарлари бор. Уларда муайян шахсни куфрга ҳукм қилиш учун лозим ҳисоблаган шартлар билан танишиб чиқамиз. Аввалда мусулмонлиги маълум бўлган одамга нисбатан куфр исмини беришда талаб қилинадиган шартлар бор. Абдурахмон ибн Жавод «Шурутут такфир» китобида қуйидагиларни шарт қилган.

1. Ўша Одамни Оқил ва болиғ бўлиши. Яъни ақли жойида ва балоғатга етган бўлиши керак.

2. Ўзини қилаётган ишини ва гапираётган гапини Исломга зидлигини билиши лозим. Яъни билмай қилиб қўйишлик билан куфрга ҳукм қилинмайди.

3. Шу қилаётган ишини ўз ихтиёри билан қилиши шартлиги. Яъни биров мажбурлаб бир куфр ишини қилдирса куфрга ҳукм қилинмайди.

4. Ўша қилинган иш, ёки айтилаётган сўз имондан чиқариши шубҳали бўлган амаллардан бўлмаслиги керак. Яъни ақидада шундай масалалар борки уларда ихтилоф бўлиши мумкин. Шунинг учун ақоиддаги қатъий далилга суянган асос масалаларни юқоридаги шартлар асосида яъни онгли равишда, билиб туриб, ўз ихтиёри билан қилса ўша одамга куфр исми берилади. Энди Каримовни шахсига келсак, шуниси аниқки у одам ҳар замонда телевизордан гапириб қолганда «Аллоҳ» калимасини ишлатиб туради. Бу эса уни Аллоҳни борлигига имон келтирган деган фикрга далил бўлади. Аммо Ислом динида Аллоҳни борлигини тан олишликни ўзи имон учун кифоя қилмайди. Чунки Макка мушриклари Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлиб келганларида Аллоҳни борлигига имон келтирадиган қавм эдилар. Бу ҳақда Аллоҳу Таъоло шундай хабар беради. Айтинг...» Ким сизларга осмонлар ва ердан ризқлантиради?, Эшитадиган қулоқлар ва кўрадиган кўзларни Молики ким?, Ким ўликдан тирикни чиқаради?, Ва ким тирикдан ўликни чиқаради? Ва ким Ишларни тадаббур қилиб туради?! Бас, улар тезда «Аллоҳ» дейдилар. Айтинг «Бас қўрқмай сизларми?! Юнус сураси 31 оят. Бу оятдан маълум бўладики ўша пайтдаги мушриклар Аллоҳни таниган ва У Зотни Яратувчи ва Оламни бошқариб турувчи Зотлигини тан олишган. Аммо бу билан улар Ислом мезонидаги «Имонлик» одамлар жумласидан ҳисобланмади. Худди шунингдек ҳозир ҳам биров Худони борлигига ишониши уни Ислом мезонидаги имонли мўъмин эканини билдирмайди.

Энди юқоридаги шартлар асосида Каримовни қилган ишлари ва айтган сўзларини текшириб кўрамиз.

1. Каримов давлат тепасига келганда Ўзбекистон Рес. Компартиясини биринчи секратари эди. Яъни даҳрий эди. Шу пайтдаги СССРни қулаши уни ҳам Партиясини номини Ўзгартиришга олиб келди. Агар СССР парчаланмаганда нима бўларди? У СССР таркибидаги Республикани Компартиясини халқ Демократик Партияга айлантираолармиди?! Мажбурлаб куфр калимасини айтишлик билан одам кофир бўлиб қолмайди. Худди шунингдек ноилождан «имон келтириш» билан кофир мусулмон ҳам бўлмайди. Имон учун қалб тасдиғи шарт.

2. Ислом дини Инсон яшайдиган жамиятини тўла қамраб олган ва уларни дунёю охират муаммоларига Илоҳий ечим сифатида нозил бўлган диндир. Исломни Ўзбек жамиятидаги ҳозирдаги тутган ўрни ва ҳаётдаги татбиқи Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган сурат ва шаклда намоён эмас. Буни ҳар бир имону исломдан хабари бор одам яхши билади.

Аллоҳ берган имкониятдан фойдаланиб Исломдан хабари бор холис инсонлар одамларни имону исломга тарғиб қила бошладилар. Бу жараён мусулмон қалбида имони бор одамни фақат хурсанд қилиши керак эди. Аммо воқеъа буни аксини кўрсатди. Каримов бошлиқ ҳукумат бутун кучи билан мусулмонларга қарши жанга отланди. Минглаб мусулмонлар ноҳақ қамоққа олиндилар. Қанча олимлар ному нишонсиз йўқ қилинди. Қанча одамлар юртларидан қочиб бутун дунёга сочилиб кетдилар. Бу билан у одам Ислом динига ва мусулмонларга нисбатан қалбидаги нафратини намоён қилди. Энди баъзилар унга қарши чиқиш мумкин эмас»деб,» фатво» беришяпди. Зулмига қарши чиқишликга қуръони Карим рухсат берган. Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкор бўлганларни хуш кўрмас. Бақара 190. оят

Ҳадиси шарифда Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадилар. Холиқга осий бўладиган ишда махлуққа итоат қилинмайди.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Бошқа бир ҳадисда «Жиходнинг афзали золим подшоҳ олдида ҳақ сўзни айтишдир» дейилади.

3. Шунингдек Каримов жуда кўп маротаба Халқаро минбарлардан туриб Жаҳон Ҳамжамиятига қарата «терроризмга ва экстремизмга қарши биргаликда кураш» олиб бориш шиорини кўтариб чиқди. Ва бу билан дунё мусулмонларига қарши Яҳуд (Исроил) Насроний (Ақш) Мушрик Даҳрий Хитой каби давлатлар билан ҳамкорлик қилиб, мусулмонларга нисбатан қилинган зулмга ўз ҳиссасини қўшди. Аллоҳу Таъоло бундай тажовузкор кофир қавмларни дўст тутувчиларни имон келтирганмаслигини очиқ ойдин баён этиб қўйибди.

Агар Аллоҳга, Пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсга иймон келтирганларида эди, уларни валий-дўст тутмас эдилар. Моида 81 оят.

4. Ўз ички сиесатида Ислом динини давлатдан ажратиб, Динни фақат тоат ибодатга чеклаб қўйди. Аслида Ислом фақат шундан иборат бўлган дин эмасдир. Шу билан бирга фақат намоз ўқигани учун ва соқол қўйгани учун бошқа ҳеч айби бўлмасада кўп мусулмонларни жазолади. Қамоқхонага ташлаб, уларга у ерда яна ўз қонунига хилоф равишда намоз ўқишни маън қилди. Ва муслима аёлларга Аллоҳ фарз қилиб қўйган ҳижоб ўрашни маън қилди. Бундай кимсаларни кимлигини Аллоҳу Таъолони ўзи айтиб қўйибди.

Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар–ана ўшалар дўзах эгаларидир!

Аъроф сураси 10 оят.

Бошқа бир оятда

Куфр келтирганларга бу дунё ҳаёти зийнатланди ва улар иймон келтирганларни масҳара қиладилар. Бақара 212 оят.

Таврот китоби яҳудийларга ҳаётда дастурил амал сифатида нозил қилинган китобдир. Унга амал қилмаганлари учун уларни Аллоҳу Таъоло кофир деб баён қилди.

Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва аҳборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритарлар. Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир. Моида сураси 44 оят.

Худди шунингдек Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳам қуръон билан ҳукм қилиш буюрилди. Ва Биз сенга китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Ўзингга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма. Моида 48 оят.

Қуръон ҳукмини ҳаётда жорий қилишни лозимлигини инкор қилиш ҳам куфрдир.

5. Мусулмонларга нисбатан Аллоҳни ҳукмини рад қилган ҳолда ўз ҳаволаридан чиқарган ҳукм асосида Ва аксар ҳолларда унга ҳам хилоф равишда, судсиз, терговсиз йўқ қилиш каби жазоларни қўлади.

Аллоҳу Таъоло Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб айтади.

Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида сенга Аллоҳ кўрсатганига ҳукм қилишинг учун туширдик.

Нисо 105. оят.

6. 2001 йилда Буш бошчилигидаги Иттифоқчилар Қўшини Ироққа ҳужум қилишда Жаҳон Ҳамжамиятини фикрини сўраганда, Ўзбекистон номидан урушга розилигини билдирди. Кофирлиги аниқ бўлган давлатни мусулмонлар устига қилган босқинчилик урушига рози бўлди. Шунингдек АҚШ бизга қўшни Афғонистон халқига қарши уруш бошлаганда, уларга Аэродромни фойдаланишга бериб қўйди. Бу билан ўзини куфрга мусулмонларга қарши қилинаётган фитнага розилигини билдирди. Андижонда шунча халқни қонини тўккач АҚШ билан муносабати бузилгач уларни яна ҳайдаб чиқорди. Энди эса яна қайтиб бермоқчи бўлиб музокара қилиб юрибди. Бу сиёсий иккиюзламачилик ва мунофиқликдир.

Аллоҳу Таоло айтади: Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир. Уларнинг олдида иззат–куч–қудрат излайдиларми? Албатта, иззат–куч–қудратнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузуридадир. Нисо 139 оят

Аллоҳу Таъоло айтади: Ким бир мўминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. Унда абадий қолур. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур. Ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлагандир. Нисо.93 оят.

7. Юқоридаги далиллар уни қилган ишларидан Ислоҳ динига мусулмонлар манфаатига қарши олиб борган сиёсатидан баъзилари эди халос. Бу амаллар эса шуни кўрсатадики у ва жуда кўп унга ўхшаганлар «Қуръон ҳукмлари ҳозирги ҳаётда қўлланишга ярамайди»деб ўйлашади.Каримовни ўзи ҳам минбардан туриб» уларбизниўрта асрдаги феодал тузимга қайтармоқчи»деган эди. Аллоҳни китобини ёмон кўришлик эса куфрдир. Бу эса Қуръонни ҳукмини то қиёматгача амалда жорий бўлиши лозимлигини инкор қилишликдир. Қуръон билан ҳукм қилишни инкор қилиш куфрлигини Аллоҳу Таъоло Ўз каломида баён этган.

Йўқ, Роббингга қасамки, сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар! Нисо 65 оят.

Демак киши дин ҳукмига рози бўлмас экан мўмин бўлолмайди.

8. Ҳозирда дунё бўйлаб амалда бўлган Банкларни судхўрлик тизимини у ҳам ўзининг китобида тасдиқлаб ўтади. Бу эса Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишдир.

У ўзи СССР даврининг иқтисодчиси бўлган учун, рибога асосланган тизимдан бошқани билмаслиги аниқ. Ўзбекистонда ҳам банк тизими рибохўрликга асосланган. Исломдаги ҳалол нарсани ҳаром қилиш ёки ҳаром нарсани ҳалол қилиши инсон зоти учун мумкинмасдир. Бу Аллоҳни ҳаққи бўлиб, буни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартиролмайди.

Аллоҳу Таоло айтади.

Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган. Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар. Бақара 275 оят.

9. Унинг минбардан туриб «Бизни Ота боболаримизни руҳлари қўллайди» каби сўзларини эшитганман. Шунингдек ўзлари тошдан ясаб олган ҳайкаллар олдида бош эгиб таъзим қилаётганини ҳам телевизордан кўп кўрсатишган. Бу ақида ботил ва бекордир. Агар киши шу гапни билмай айтса ёки қилса, аввал уни тавбага чақирилади. Агар шу эътиқоддан қайтмаса бу куфрдир. Бу каби гап урфга кириб қолган. Бу гапни омма орасида ҳам кўп ишлатилади. Бундай одамлар аввалда ҳам бўлганлигини қуръони каримда хабари берилган.

Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз», дейилса, улар: «Йўк, биз оталаримизни нимада топсак, шунга эргашамиз», дейдилар. Оталари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?! Бақара сураси 170 оят.

Мўмин киши қуръонга имон келтирган бўлса шуни билиши керакки яккаю ягона Аллоҳдан ўзгадан мадад сўралмайди.

Фақат сенгагина ибодат қиламиз ва фақат сендангина ёрдам сўраймиз.

Фотиҳа сураси 5 оят.

Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни ширк келтирадиларми? Аъроф 191 оят.

Тошга бош эгиб, уни гўёки боболар тимсоли деб, ундан ёрдам кутиш ширкдир. Бу тошлар эса уларга ҳам ўзларига ҳам бирор ёрдам бераолмаслигини Аллоҳу Таоло қуръонда баён этади.

Ва уларга ёрдам беришга қодир эмаслар ҳамда ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар.

Аъроф. 192 оят.

Ширк эса тириклигида тавба қилмай ўлса Аллоҳ кечирмайдиган амалдир.

Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир. Нисо 48 оят.

10. Унинг мусулмонларга қилган зулму зўравонлиги яъни Золимлиги шак шубҳасиздир. Золиmlарга Аллоҳу Таъолонинг ўзи лаънат эълон қилди. Маълумки тавқи лаънат эгаси Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум кимса ҳисобланади.

Аллоҳу Таоло айтади. «Золиmlарга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Аъроф 44.

Бошқа оятда, «Албатта, Биз золимларни ҳалок қилурмиз. дейилган.

Иброҳим сураси 13 оят.

Бу мавзуда жуда кўп далил келтириш мумкин эди. Мен шу билан чекландим. Аслида ҳақни тан олишни истаган одамларга ҳаётда етарлича далиллар топилади. Ақлий далил ҳам шаръий далил ҳам етарлидир. Лекин буларни барчасига кўз юмиб туриб оладиган одамларга эса ҳеч қандай далилни ҳожати йўқ. Мен ундайларга Аллоҳу Таолонинг мана шу ояти билан бу мавзуга яқун ясайман.

Зулм қилганларга мойил бўлманглар. Яна сизни дўзах олови тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар. Ҳуд сураси 113 оят.

2011 йил

2012 йилда ёзилган мақолалар

Мўмин киши бир илонга икки марта чақтирмайди

Андижон Адолат ва Тикланиш ташкилотини Муассислар Мажлисига билдирмасдан ЎХХдан чиққанини дабдурустдан эълон қилиши мени ҳайрон қолдирди. Аслида уларни бу тартибда чиқишлари Низомга ҳилоф ишдир. Хўп, гап бундаям эмас. Мен уларни кўпчилигини таниман. Ҳаммаси намозхон одобли, муомилали йигитлардир. Ўзаро дўстлик муносабатларимиз бор эди. Доим улар ҳақида ҳақни гапиришга ва яхши гумонда бўлишга ҳаракат қилдим. Ва оддий инсоний муносабатларда яна шу муносабат сақланиб қолади деган умиддаман. Аммо, уларни бу қилган ишларидаги хатоларни айтишим керак деб ҳисоблайман. Биз ЎХХни ташкил этаётганда қурултойда қатнашган барча Ўзбекистонликлар ватанимиздаги халқга ноҳақ зулм қилаётган қонунбузар ҳукуматни истеъфосини қонуний асосда нозўравон йўллар билан талаб қилиб чиқамиз деган мақсадни ўз олдимизга қўйгандик. Бу мақсад мавжуд қонунларга ҳам ва динимиз талабига ҳам мос деб билардик. Чунки, бир ишни қилиш учун одам албатта бир мафкуравий асосга таянади. Ўғри ҳам ўғирликни қилишга ўзига яраша ақидага асосланади.

Биз таянган асослар аввал тўғри бўлиб, ҳозир ўзгариб қолгани йўқ. Биз тўғри мақсад сари борарканмиз у йўлда етадиган фойда ёки зарар, бизнинг йўлимизни хато деган хулосага олиб келмайди. Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг Росулига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўзиймонларида) содиқ бўлган зотлардир. Хужурот сураси 15 оят

Агар одам ўз кураш йўлини тўғри белгилаб олса, оят мазмунидан биламизки шак шубҳага ўрин қолмаслиги керак. Агар одам бир мақсад сари бирга курашга аҳд қилса кейин аҳдда туриши уни зиммасида вожиб бўлади. Оятда келади; Аҳдга вафо қилинглари. Албатта, аҳд масъул бўлган ишдир. Исро 34 оят.

Агар одам аҳд қилиб вафо қилмаса ёки қилолмай қолганини айтиб узр сўрамаса, бу на динга ва на одамгарчиликга тўғри келадиган ишмас. Бунақа буйруқ берган одамга итоат вожибмас. Аллоҳга осий бўладиган бўлса махлуқга итоат йўқ деган ҳадис бор. Агар бу иш Золим кимсаларни ваъдасига алданиб қилинган бўлса, унда “Зулм қилганларга мойил бўлманглари. Яна сизни дўзах олови тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар.” Худ 13 оятини унутманглари. Ва яна золимларга аввал ҳам ишониб чув тушган одам яна ишониб қолиши мумкинми? Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси муборакларида: «Мўмин киши бир тешиқдан (яъни унда яшириниб ётган илон ё чаёндан) икки марта чақтирмайди» деганлар. Бу қилинган аҳдда албатта раисга итоат шарт бор эди. Итоат қилинишига раис сайланган эди. Қани аҳд? Қани ваъда? Қани дўстларга сафдошларга ҳурмат? (Одамларни) алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир.” Бақара сураси 191-оят Биз бу йўлда ё ғолиб бўламиз Зулмни йўқотишга эришамиз ва ё мағлуб бўламиз яъни ватанга боролмай ўтиб кетамиз. Иккисидан бири бўлади албатта. Ғалаба ва мағлубият Аллоҳдандир! На одамни сони ва на маблағидан эмас. Асосийси биз золимга нисбатан ўз норозилигимизни билдириб, унга қарши кураш эълон қилиб ўтиб кетамиз. Ва кўраямизки баъзи золимларга улар кўрққан нарсаси келаяпти.

Қуръонда келадик; Роббинг золим шаҳарларни ушлаганида, ана шундай ушлайдир. Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир. Худ 102 Оят.

Умидимиз борки, ИАК салтанатини ҳам заволи яқиндир. Шу йўлда қўлдан келган ҳаракатимизни қилиб, мададни Аллоҳдан сўраб бораверамиз. Натижа Аллоҳдан.

Бу йўлда ўлим етишса иншааллоҳ биз ғолиб бўлиб кетганимиз шу.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Кимнинг охирги сўзи “Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Росулulloҳ” бўлса жаннатга киради дедилар. Шу биз кутаётган асосий ғалабадир. Уларни бу ҳаракатлари на уларга фойда ва на бизга зарар бўлади?! Аммо, бунақа фитналардан Золим ИАК хурсанд бўлиши турган гап. Уни хурсанд қилиш эса, кўплаб ноҳақ тўкилган қонлардан кўз юмиш эвазига бўлаяпти. Бу эса катта хатодир.

2012 йил феврал

Мактубга жавобим

Кириш

Бугун мен Анорани хатига жавоб беришни ният қилдим. Аввало кириш сўзи ўрнида шуни маълум қилмоқчи эдимки, бизнинг ўзбек диндорлари орасида мана шунақа мунозара маданияти шаклланмагани учун ҳам турли тоифалар ўзларини фикрига қўшилмаган одамни, Кофир, мунофиқ, демократ, зиндик, илмоний, ва албатта МХХ айғоқчиси ва ҳаказо айблар билан айблашадилар. Ва бу барча тоифа вакилларига тегишли иллатдир. Мунозара майдонига ярамай қолгани эса, сохта номлар билан турли хил таҳдид хатлари ёзишади ёки ҳақоратлар қилишади. Бир мутаассиб сўфидан шунақа ҳақоратли хатлар келганди менга. Бу бугунги ўзбек халқининг маданияти даражасининг аҳволи. Мен ўзимга нисбатан бугунги мавжуд мазҳаблардан бирортасини ушлаганман ва битта мазҳабнинг тарафдориман демайман. Бу мазҳабпарастларни ҳақорат қилиш дегани эмас асло. Ким ушласа ушласин. Бошқага ушлашни шарт қилиб қўймасин. Шу билан бирга мен мазҳаблардаги ҳукмларга амал қиламан ҳаётда. Шунингдек, мавжуд диний гуруҳларнинг бирортасига мансуб эмасман. Сўфилар, Нурчилар, Жиходчилар, Ҳизбутлар, Таблиғчилар, ва бошқалар. Лекин динга муносабатда мен салафийлар мавқеъсидаман. Бу мадҳалийя тоифасига мансуб салафийлармас балки мутлақо салафларга эргашувчи маъносидаги салафийликдир. Яна алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, мен демократмасман. Бунақа партияга ҳаётимда аъзо бўлмаганман. Ва демократияни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл демайман. Бу мен учун аниқ масала. Лекин мен демократияни ақида деб билмайман. Бу кўпчилиكنинг хоҳиши билан ишлаш принципи халос. Мен бундан кўлашани айтиш муддао деб билман. Ва бундан бугунги мусулмон халқларига кўп манфаатлар бор деб ҳисоблайман. Демократияга эмас, мусулмонларга манфаатлар бор! Мен шу манфаатларни мусулмонларга бўлишини истайман.

Иқтибос; Ассаламу алейкум!

Мен хизбий эмасман, холис кузатувчи сифатида уз фикрими билдирмоқчидим. Мен сизни дин учун қилаётган ҳаракатларини хурматлаб сизни диндор сифатида жуда хурмат қилардим. Сиз ёзган бу мақолаларга қарши деса ҳам бўлади, уз раддиямни бермоқчи эдим.

Ваалакум Ассалом!

Аввало Анора сизга катта раҳмат. Чунки, фақат сизгина бу масалада одоб доирасида ўз фикрларингизни билдиргансиз. Агар ҳизбларнинг ҳам мени мақолаларимга фикри бўлса уларни ҳам шу ерга чиқарардик. Улар ҳозирча жим туришибди. Албатта, нима қилишни ўзлари яхши биладилар. Энди сизни “ сизни диндор сифатида жуда хурмат қилардим” деган сўзингизга келсак, демак энди хурмат қилмаслигингизни маълум қилибсиз. Жуда яхши.

Ақидада сиз Аллоҳни, Расулини ва албатта ота онани яхши кўришга ҳурмат қилишга буюрилгансиз. Бошқани яхши кўришингиз ҳурмат қилишингиз талаб қилинмайди. Лекин ҳақорат ҳам қилманг. Шуниси муҳим. Иқтибос; Мен Ўзбекистон ҳукумати динга нисбатан килаётган таъкиблари ҳақида ёки хизбийларни ишларига тухталиб утмокчимасман.» Нега энди тўхталиб ўтмайсиз? Ахир муаммони асосийси шуларку?! Мени Ҳизбларга раддиям мана шу масалалар хусусида бўлганку?! Сиз раддия беришни ният қилибсизу, асосий масалага тўхталмабсиз?! Иқтибос; Хаттоинки Ўзбекистонда сиз хохлагандек адолатли демократик давлат булганда ҳам ,мен ва динни асл мохиятини тушинган ҳар бир мусилмон бунга рози булмайди деб биламан.Чунки инсон чиқарган ҳеч бир тузумда адолат йук! Мана шу ерда батафсил тўхтаб ўтамиз. Мен “сиз хохлагандек адолатли демократик давлат” деган иборани тушунтириб беришингизни истардим. Чунки, “демократик давлат, адолатли давлат” бўлади деган иборани мен қачон ва қаерда айтганман?! Бу сизнинг шахсиё фикрингиз бўлса керак?! Аввало, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, демократик давлатларда адолат йўқ деган фикр нотўғри. Умуман адолат сўзини кенг маънода тушунсангиз бу ерларда қисман “адолат” бор. Бунга шубҳа қилманг. Лекин, адолатсизлик ҳам бор. Аммо, Халифат келса адолат юз фоиз бўлади деган хом ҳаёлга ҳам бориб юрманг. Зулмга тўла тарихимиз бунга далилдир. Аммо, бу билан Халифат деган давлат умуман керакмас деяпди деб ўйламанг. Мен Ҳизб вариантини рад қилаяпман. Аммо, умуман барибир қачонлардир Ислом ер юзига ҳукмронлик қилишини ва адолатли Халифалар бўлишини ҳам ақидадан биламан. Бу бошқа масала. Биз бугунги реалликни устида гаплашаяпмиз.

Иқтибос; Ҳизб ут таҳрир йигитлари бу фикрлардан фаркли Аллох чиқарган ҳукм билан ҳукм киладиган адолатли тузумни таклиф қилишаяпти. Бу тузумдан эса Аллох рози булади.Чунки бу ер Аллохникидир ва ҳукм қилишга ҳақли зот ягона Аллох Таолодир.»

Халифат қуриш ғояси Ҳизбут Таҳрирдан анча олдин Ихвонул Муслимин тарафидан ҳам кўтариб чиқилганини унутманг синглим. Шунингдек, бу ғоя глобал Жиходчи гуруҳларда ҳам борлигини сиз билмасангиз на чора?! Бу ғоя албатта Ҳизбутлардаям бор. Ва бошқа кичик гуруҳлардаям мавжуд. Аллоҳнинг рози бўладиган нарсаларга келсак, бу анча кенг мавзу. Бу масалада шахсга доир ишлар бор. Ва умум мусулмонларга доир ҳукмлар бор. Умуман олганда Расулуллоҳ САВ Аллоҳнинг китоби билан ҳукм қилганлар. Ва демак, мана шу мўмин киши учун энг адолатли ҳукмдир. Акс ҳолда Расулллоҳ алайҳиссалом олиб келган йўлдан бошқа яхши йўл бор деган иддао келиб чиқади. Бу эса куфрдир. Аллоҳга қасамки, Расуллоҳ САВ олиб келган йўл ҳақ йўлдир. Бундан яхши йўл бўлиши мумкинмас. Ва бўлмайди ҳам! Бу ақидамиздир. Лекин, бугунги кунда тарқоқ умматни ҳар гуруҳи ўз йўлини ҳақ деб турганда, ва ўзини мусулмонман дейётганлар, Ислом ҳукми билан яшаш мумкинмас деб турганда, бу масалани кун тартибига чиқаришга на ҳожат?! Хусусан Ўзбекистонда халқ 80 % диндан мутлақо беҳабар бир пайтда уларга Халифат қуриш ҳақида гапириш қанчалик ўринли?! Мана шу жиҳатига ҳеч эътибор берганмисиз?!

Иқтибос; Сиз бугунги кундаги воқеликка реал караш билан бохо бердингиз ваҳоланки Мусо алайҳиссаломга эргашган уммат денгизни нариги тарафида уларга нажот борлигини билишмасди. Қуръони каримда келган ўтмиш уммати воқелиги ақл эгалари учун ибратлилигини Аллох таоло бизга кўп маротаба такидлади. Шунинг учун Фиръавн узининг катл булишидан қўрқиб ўша пайит тугилган угил чакалокларни улдиришга буюрди ,лекин Аллох Таолони ихтиёри билан ўша фарзанд уни хонадонида катта бўлди. Бундан ортиқ хорлик борми?»

Бу гап сизни қуръонни қанчалик тушунишингизни кўрсатиб турибди. Мусо алайҳиссалом пайғамбар эдилар. Ва у кишига эргашган яҳудлар Фиравнни қуллари эди. Улар пайғамбарига эргашмадилар. Ҳатто, Фиравндан мўъжиза юз бериб қутулиб қолганларидан сўнг ҳам, Фаластинга қарши ҳужумга буюрилганда эргашмадилар. 40 йил хорликда қолиб, кейин ватанларига қайтганлар. Сиз келтирган мисол бу кунги Ҳизбларни ишларига далил бўла оладими?! Динимиз воқеълик динидир. Бунга кўп мисоллар бор. Таҳорат қилишга имкон бўлмаганда таяммум қилишлик ҳукми нимага тушган?!

Қуrol яроғи ва йўлга харажати бўлмаганларни ва кўр, чўлоқ ва касалларни жиҳодга чиқмаслигида хараж йўқ деган оятлар нимага тушган?! Умуман қодирликга қараб у бу ҳукм у бу шахсга фарз бўлишини билмайсизми?! Ҳаж ва закот нимага бойларгагина фарз қилинди?! Бугунги кундаги умматни турли гуруҳлари бор. Ҳар бири ўз йўлини тўғри деб тушунтиради. Нимага сиз Халифат қурамиз деяётган Ҳизбларни ҳақ дейсизу, худди шу даъводаги жиҳодчиларни гапирмайсиз?! Ўз даъвоингизни қанчалик асосли эканини бир ўйлаб кўринг!

Иқтибос; БИР ФИРЪАВИНГА БИР МУСО КИФОЯ КИЛАДИ! ИНШАЛЛОХ БУ УММАТ СИЗЛАР АЙТАЁТГАН ДЕМОКРАТИЯДА ЭМАС ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИДА УЗ АЗИЗЛИГИНИ ТОПАДИ!

Анора

Яхши, топсин! Мен уммат ўз азизлигини топишига қаршимасман. Лекин, бу уммат шу каби гуруҳлар таъсирида, хали яна қанча минглаб қурбонлар беради?! Қанча минглаб аёлларни тул, болаларни етим қолдиради? Мана шуниси номаълум?! Сиз эса масалани бу томонини ўйламаяпсиз?! Ўйлашни ҳам истамаяпсиз. Начора?! Албатта Аллоҳнинг Ўзигина биз ихтилоф қилаётган нарсаларни ҳақиқатини билгувчидир!

2 декабр. 2012 йил.

«Тасаввуф» Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл эмас

Муқаддима;

21 асрда яшаяпмиз. Фан ва техника ривожланган бир давр. Дунё халқлари тараққиётда биздан анча илгарилаб кетган. Бугунги ўзбек халқи муаммоларига назар солсак, ҳар соҳада инқирозга кетаётганимиз манзараси намоён бўлади. Давлат ва халқ олдида улкан муаммолар мавжуддир. Халқимиз бошқа халқлар каби тараққиётга эришиши ва ҳар жиҳатдан равнақ топиши учун бизга қандай ғоялар зарур?! Нима қилсак бу халқ қарамликдан хору зорликдан қутулиб рўшноликка чиқаолади?! Сонсиз муаммолар ечими қаерда?! Бу муаммолар ечими асосийси мавжуд режимни ўзгартириш ва халқни иқтисодий ночор аҳволдан олиб чиқиш ва фаровон яшашни таъминлаш учун зарур бўлган ғоя ва мафкурани аниқлашдир. Бусиз келажакда қай тарафга кетишимиз даргумон бўлиб қолаверади. Бу йўналишда бугун турли тоифалар турли хил мафкуралар тақдим этишаяпти. Муҳолифат демократия қуришни иддао қилади. Диний гуруҳлар ичида ҳам сиёсий ҳаракатлар йўқ эмас. Хусусан, Халифат қуриш ғоясини кўтарган гуруҳлар бор. Бошқа баъзи маърифий гуруҳлар сиёсатга аралашмайдилар. Ўз манҳажлари бўйича фаолиятдалар. Бугунги ўзбек халқи 70 йиллик даҳрийлик тузумидан қутулиб ИАК зулмига учраган ва диний тушунчалари ўта саёз бир халқдир. Асосан 70% 80% фуқаролар ўзларини мусулмонман деб айтсада, диний илми умуман йўқ. Бугунги ўзбек режими фаолиятига рухсат бериб қўйган диний жамоалар Ханафий мазҳабига амал қилувчи расмий имомлар ва сўфийлик тариқатларидир. Бу сўфилар ва расмий имомларни бу каби муаммолар қизиқтираётгани йўқ. Улар аксинча, халқни бугунги давр учун мутлақ зарарли бўлган ва халқни сиёсий фаоллигини тўсадиган минг йиллик ғояларни кўтариб юришибди. Бугунги Ўзбекистондаги сўфий жамоалар ҳам аслида тасаввуфнинг чуқур мафкура ва ғояларидан бежабар назр олиш учун мурид овлаб юрадиган фирибгар кимсалардир.

Лекин тарихда юртимизда ҳам бошқа мусулмон диёрларида бўлгани каби, тасаввуфнинг йирик пешволари бўлган. Хусусан Темур, Навоий, Бобур, Машраб каби Саркарда, шоир ва адибларимиз тасаввуф пирларига қўл берган кимсалардир. Улар тушунган тасаввуф албатта бугунги Пирлик Муршидлик иддао қиладиганлардан кўра анча кенгроқ бўлган. Тасаввуф ҳақида қисқача гапиришни асло иложи йўқ. Ҳақиқат аралашган ёлғонни моҳиятини очишлик учун бир бошидан анча нарса ёзишга тўғри келади. Бу мавзунини ҳақиқатига етишни истаганлар сабр қилиб ўқиб оладилар деган умиддаман. Тасаввуф ғоялари тарихига қисқа бир назар;

Ваҳдатул Вужуд

Аллоҳу Таъоло ўзи танлаган охириги пайғамбари Муҳаммад А. С. га ваҳй нозил қилиш билан муқаддас динимиз Ислом ер юзида пайдо бўла бошлади. Бу ваҳй ўша пайтдаги энг саводсиз ва энг жоҳил одамларни ҳидоятига сабаб бўлди. Ўша одамлар саҳобалар деб аталдилар.

Ўша одамлар ҳақида Қуръонда «Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» (Тавба: 100). дейилган.

Бу ва бунга ўхшаган кўплаб оятлар бизга Саҳобаларнинг Аллоҳ ризосини олган ва аҳли жаннат Зотлар бўлганини исботлайди. Саҳоба –дегани мўмин ҳолда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиб, мўмин ҳолида ўлган кишидир. Уларни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамсухбат бўлганлик, бирга жиҳод қилганлик, у зотдан шариатни қабул қилиб, ўзларидан кейингиларга етказганлиги билан умматнинг энг афзали, деб эътиқод қилиш вожиб бўлади. Ана шу саҳобалар даврида қуръон нозил бўлди. Улар бу динга биринчи бўлиб амал қилган кишилар эдилар. Фазилатларида бир биридан устун эди. Лекин ҳаммаси умумла умматнинг афзали эдилар. Бу ерда тушуниш лозим бўлган асосий нарса, улар тасаввуфдан узоқ зотлар эканлигидир. Ва улар Аллоҳнинг раҳматига тасаввуфсиз ҳам эришган Зотлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тасаввуфни олиб келмаганига ана ўша саҳобалар ҳаёти яққол далилдир. Буни рад қилиш имконсиздир.

АСЛИДА МАНА ШУНИНГ ЎЗИ БИЗНИНГ ФИКРИМИЗНИ ИСБОТЛАШГА ЕТАРЛИ ЕТАРЛИ ЖИДДИЙ ДАЛИЛДИР.

Мажмуъул фатово асарида Ибн Таймия айтади; «Билинги, илмлар ва ибодатларга тааллуқли бўлган аксари бидъатлар уммат ичида хулафои рошидийнларнинг охириги даврларида содир бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек: «Мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Шунда сизлар менинг суннатимни ҳамда хулафои рошидийн ва маҳдийин (ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифалар) суннатини маҳкам ушланглар» (Абу Довуд, Термизий ривоятлари).

Бу бидъатлар иккинчи асрда пайдо бўлди, у даврда саҳобалар бор эди, улар бидъат аҳлига қарши наҳий мункар қилдилар. Асри муфаззаладан сўнг иътизол бидъати пайдо бўлди, мусулмонлар орасида фитналар юз берди, фикрларнинг хилма-хиллиги, бидъат ва хоҳиш-ҳавога мойиллик кучайди, сўфийлик бидъати, қабрларга сағана қуриш бидъати вужудга келди. Шундай қилиб вақт ўтган сари бидъатлар кўпайиб, хилма-хил тус олди.” Иқтибос тугади. Хусусан Ислом диёрлари кенгайиб дин бошқа халқлар орасида ҳам тарқала бошлагач, ўша халқларнинг шуурини эгаллаган насоролик, бутпарастлик, оташпарастлик, қадимги юнон файласуфларининг фикрлари ва бошқа турли туман ботил ақидалар ва тушунчалар улар янги ўрганган Ислом ақидасига ҳам таъсир қилди. Кўп нарсаларни аралаштириб тушуниш бошланди. Ва Ўз ўзидан Соф Ислом Ақидасига зид мафкуралар пайдо бўлди. Бидъатларнинг пайдо бўлиши жиҳатидан исломий диёрлар фарқли бўлган.

Ибн Таймия айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари яшаган ва улардан илм ва иймон тарқалган катта шаҳарлар бешта: икки ҳарам (Макка ва Мадина), икки ироқ (Куфа ва Басра) ва Шом. Қуръон, ҳадис, фикҳ, ибодат ва улар ортидан келувчи исломий ишлар барчаси шу диёрлардан чиққан. Асосий бидъатлар ҳам Мадинаи Набавиядан ташқари шу тўрт шаҳардан чиқди. Куфадан ташайюъ (шиалик) ва иржоъ (муржиалик) чиқди, кейин бошқа жойларга тарқалди. Басрадан қадар (қадарийлик), иътизол (муътазилалик), бузук носиклик-таркидунёлик чиқди, кейин бошқаларга тарқалди. Шомда носибийлик ва қадарийлик тарқалди. Бидъатларнинг энг ёмони бўлмиш тажаҳҳум (жаҳмиялик) Хуросон томонда пайдо бўлди. Бидъатларнинг пайдо бўлиши набавий диёрдан (Мадинадан) узоқлик миқдорига қараб бўлди. Усмон розияллоҳу анҳу ўлдирилгандан сўнг бўлиниш пайдо бўлгач, ҳарурия бидъати пайдо бўлди. Аммо Мадинаи Набавия гарчи унда бидъатни дилларида сақловчи кимсалар бўлган эса-да, бундай бидъатлар тарқалишидан саломат эди. Иқтибос тугади. Ўтмишдаги тасаввуф ривожланган даврнинг энг машҳур сўфилик ақидаси Ваҳдатул Вужуд эътиқодига асосланганди. Ва бу тушунча очиқ қуръон ва ҳадисдаги далиллар асосида рад қила оламиз. Лекин узоқ тарих давомида бу каби ботил тушунчалар ҳам яшаган. Ваҳдатул вужуд назариясини асосан Муҳйиддин ибн Арабий ўзининг «Ал-футуҳоту ал-Маккия» ва «Фусусул ҳикам» номли китобларида баён қилган. Қисқача айтганда; Ваҳдатул Вужуд дегани ягона Мавжудлик деганидир. Яъни, уни фикрича бутун борлиқ ягона Худодан иборатдир. Осмонлар ва ер ундаги барча нарсалар Худонинг нуридан пайдо бўлгандир. Ва барча нарса яна ўша аслига қайтади. (Қўшилади). Демак, ердаги барча мавжудот хусусан инсонлар ҳам ўша нурдан яралганлар. Ва Худонинг бир парчасидир. Ва улар Унга қайтиб қўшилидилар. Худди қуёшдан чиққан нурлар қуёшга қайтса қуёш бўлгани каби, инсонлар ҳам аслида Худонинг бир заррасидир. Ва Ўз аслига қайтса, Худо бўлади. Ва ҳаказо... Навоийнинг тили билан айтганда Фано бўлиш дегани шудир. Фано бўлиб ўзлигидан йўқ бўлиш, Ҳаққа етишиш яъни, Худога қўшилиб кетишни англатади. Ваҳдатул вужуд назарияси соҳибларининг фикрича, бу дунёда Аллоҳдан бошқа вужуд бор, деб эътиқод қилган одам мушрик бўлади. Аммо, уларнинг назарида, «Бу дунёда Аллоҳдан бошқа вужуд йўқдир. Собиқ муфти Муҳаммад Содиқ ёзади; “Ваҳдатул вужуд назариясининг дунёдаги таъсири кенгайиб борди. Суфийлар, файласуфлар ва ёзувчию шоирларнинг тўқсон тўққиз фоизи бу назарияни ўзларининг мазҳаби қилиб олдилар. Ўша вақтларнинг муҳаддислари, фақиҳлари ва катта уламолари бу назарияга қарши чиқдилар. Буларнинг ичида ҳофиз Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Аллома ас-Саховий, муфассир Абу Ҳайён, Иззуддин ибн Абдуссалом, ҳофиз Абу Заръа, Мулло Али қори номи ила машҳур бўлган аллома Нуруддин Али ибн Султон Муҳаммад Ҳиравий, аллома Саъдуддин Тафтазоний ва бошқалар бор эдилар.” Буларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ўрта асрлардаги Ислом оламидаги шу жумладан Мавороуннаҳр ва Хуросон диёридаги ўтган машҳур кишилар Фариуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, ва ҳаказолар ҳам шу тушунчада бўлганлар. Навоийнинг Лисонут Тойр асарида Шайхи Санъон қиссаси келтирилади. Қисса мазмуни шуки, Шайх майхоначи насоро динидаги кишининг қизига ошиқ бўлади. Муридлари ундан юз ўгиради. Ёнида ити қолади. Хуллас, қисса мазмунидан ўша шайх қизга ошиқ бўлгани тўғри бўлиб чиқади. Чунки, у қиз ҳам Аллоҳнинг нуридан яралган ва унда ўша нурнинг бир парчаси мавжуд бўлиб, Шайх унга ўша нурга ошиқ бўлган деган хулоса чиқарилади. Шунингдек, Навоийнинг Лисонут Тойр асарида Симурғ қушини излаб сафарга чиққан 30 та қуш воқеъасини келтиради. Ўша қушлар Симурғга етишиш учун турли хил водийлардан ўтиб боришади. Бу рамзий маънодаги водийлар Навоий фикрича “Инсоннинг комил” бўлишига олиб келадиган йўлдир. Ва бу йўлдан юриб ўта олган кишилар шунақа мукамал инсон бўлиши ва “Худого Қўшилиши” мумкин деган туб ғоя бор. Ўша Симурғ қушлар охири бориб қарашса у ерда Симурғ қуш йўқ ва ўзлари Си Мурғ яъни, 30 та қуш эканлар. Улар шуни англашлари ва ўзлари ўша айтган Симурғ қуши эканликлари мазмуни “ўзлари худо” эканликларига далил қилинади.

Жалолоддин Румийни форсча бир байтини мазмуни шундай.

Эй одамлар, сизлар оввора бўлиб Илоҳни излайсиз,
Билмайсизки, ахир чунким Илоҳий сиз, Илоҳий сиз.

Яъни, ўзингиз Илоҳсизку, нега оввора бўлиб Худони излайсиз?, дейди.

Бу фикрлар Ваҳдатул Вужудга ёрқин мисолдир. Абдурахмон Жомий бир асарида ўзини аксини сувда кўриб қолиб ўзига ошиқ бўлган бир йигит қиссаси келтирилади. Бу ерда ҳам туб мазмун моҳият ўша Ваҳдатул Вужуд таълимотига асосланади. Ўша нарсаларга мисолларни шайх Абул Ҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳининг имом Сарҳандийнинг ҳаётлари ҳақида ёзган китобларидан таржима ҳолида келтирамиз. «Тилмисоний вужудий мазҳабни амалда татбиқ қилар эди. У барча ҳаром нарсаларни ҳалол ҳисобларди. У: «Мавжуд битта бўлганидан кейин, ҳалол билан ҳаромнинг орасини фарқлашнинг нима ҳождати бор», дер эди». Бир киши бошқа бировдан Ибн Арабийнинг «Фусусул ҳикам»ини ўқир эди. У ўз устозини Аллоҳнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўқиб туриб, унинг Қуръонга хилофлигини билиб қолди ва устозига: «Бу гап Қуръонга хилоф-ку», деди. Шунда ҳалиги устози: «Қуръоннинг ҳаммаси ширқдир. Тавҳид бизнинг каломимизда, холос», деди. Бир киши ваҳдатул вужуд назариясига амал қилувчи шахс билан юриб бораётиб, сасиб ётган ўлик итни кўрди ва: «Бу ҳам Аллоҳнинг зотими», деди. Ваҳдатул вужудчи: «Ундан ташқарига чиқадиган нарса бормиди? Ҳа, ҳамма нарса Унинг зотидир!» деди. Ваҳдатул вужуд назарияси тарафдорига: «Агар вужуд битта бўлса, нима учун хотин ҳалол бўлиб, она ҳаром бўлган», дейилди. Шунда у саволга: «Бизнинг наздимизда ҳамма нарса битта. Аммо анави сўқирлар «ҳаром» дедилар ва биз сизларга «ҳаром» дедик», деб жавоб берди. Шунингдек, улар Фиравни «Мен сизларни олий Худойнингизман» деган сўзини (Нозийёт сураси 24 оят) тўғри айтган ва у айти тавҳид аҳлидандир деб эътиқод қилишади. Яъни, тавҳид улар наздида бутун борлиқни бирлигидир. Ваҳдатул вужуд тушунчаси шудир. Мана шу каби ақидага олиб келган таълимот ҳақли равишда Ислоҳ олимлари томонидан рад қилинди. Ва «анал ҳаққ» Мен Ҳақман яъни Худоман дегани учун ва бу сўздан тавба қилмагани учун Мансур Ҳаллож каби машҳур сўфи шайхлари ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Сохта кароматлар

Қуръони карим таълимотига қарасангиз Расулуллоҳ САВ ҳаётларига назар солсангиз инсонга хос бўлган оддийликни кўрасиз. Пайғамбар АС ўзларини бошқалардан устун алоҳида хусусиятга эга бир зот демаганлар. Тасаввуф таълимотида Пирлар ва Авлиёларни «Мўъжиза»ларини ўқисангиз эртақлардаги қаҳрамонларни ҳам ортда қолдиришади. Аллоҳу Таъоло ўз расулига қуйидаги оятни нозил қилиб айтишга буюради;

«(Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Роббисига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Роббига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Қаҳф 110).

Мазкур оят мазмуни дан ваҳй соҳиби бўлмиш Пайғамбар А.С.ни оддий бошқалар каби одам эканликлари ўқтирилмоқда. Гарчи у киши томонидан мўъжизалар содир бўлсада, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Пирлар каби сувда юрадиган ҳавога учадиган кимса бўлмаганлар. Ва ҳеч қачон буни иддао қилмаганлар.

Бу уммат эса етмиш уч гуруҳга бўлинади

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадис ривоят қилинган: «Яхудийлар етмиш бир гуруҳга бўлиндилар – ва улардан биттасигина жаннатга киради. Улар – Мусо алайҳиссаломга издош бўлганлардир –, насоролар етмиш икки гуруҳга бўлиндилар – ва улардан бир гуруҳгана жаннатга киради.

Улар – Ийсо алайҳиссалом издошларидир –, бу уммат эса етмиш уч гуруҳга бўлинади ва улардан биттасигина жаҳаннамдан нажот топган гуруҳдир» (Ибн Можа 3992). Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, жаҳаннамдан қутулган тоифа кимлар?», – деб савол берганларида: «Жамоат» ёки бошқа бир ривоятда: «Мен ва саҳобаларим юрган йўлда юрганлар» – деб жавоб бердилар (Термизий 2641). Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматнинг етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши ва ҳаммаси дўзахда бўлиб, фақат биттаси нажот топишини айтганларида саҳобалар бу қайси фирқа эканини сўрадилар. «Мен ва саҳобаларим юрган йўлда юрганлар» деб жавоб бердилар. Саҳобалар эса тасаввуф йўлида бўлмаганликларини аниқ биламиз. Асҳоби киром даврида бунақа тариқатлар умуман бўлмаганлиги кундек равшандир. Демак, тасаввуф тариқатлари нафақат бугунги замонавий дунё талабидан, балки, шариат тарафидан ҳам талаб қилинмайдиган йўлдир. Диндаги ҳар бир бидъат ҳаром ва залолатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар! Чунки (динда) янги пайдо қилинган ҳар бир нарсаси бидъат ва ҳар бидъат залолатдир». (Муслим ривояти). Бир ривоятда: «Ким у тўғрида бизнинг амримиз бўлмаган бир ишни қилса, у рад этилади» деганлар (Муслим ривояти).

Мазкур икки ҳадис шунга далолат қиладики, динда пайдо қилинган ҳар бир янгилик бидъат, ҳар бир бидъат рад этилажак залолатдир. Бунинг маъноси шуки, ибодат ва эътиқодлардаги бидъатлар ҳаром қилинган. Бироқ, ҳаромлик бидъатнинг навига қараб фарқли бўлади. Улардан очиқ куфр бўлганлари ҳам бор, қабрларни уларда ётганларга қурбат ҳосил қилиш мақсадида тавоф қилиш, уларга жонлиқ ва назрлар келтириш, қабрдагиларга дуо қилиш ва улардан мадад сўраш каби ёки жаҳмия ва муътазилаларнинг ғулув кетганлари айтадиган сўзлар каби. Улардан ширкка восита бўладиганлари бор, қабрлар устига бино қуриш, улар олдида намоз ўқиш ва дуо қилиш каби. Улардан эътиқодий фисқ бўлганлари бор, хавориж, қадария ва муржиъаларнинг шаръий далилларга зид сўз ва эътиқодларидаги бидъатлари каби. Улардан маъсият бўлганлари бор, тарки дунёчилик, рўзасини офтоб тифида туриб ўтказиш, жимовъ шаҳватини кесиш мақсадида ўзини бичиш каби.

Тасаввуфда икки хил қараш мавжуд

Бири биз юқорида зикр қилган Ваҳдатул Вужуд асосидаги тушунча бўлса, иккинчиси нисбатан шариатга мувофиқлаштирилган туридир. Юртимизда бу каби тариқатлардан Кубравийя, Яссавийя, Нақшбандийя каби сулуклар пайдо бўлган. Сулук ўша сўфиларнинг руҳий илмини биридан бирига ўтишидир. Сўфи лар иддаосича сулуклари Пайғамбар АС дан бошланган. Сулук ёки Силсила деб улар Расуллоҳдан САВ дан то занжир каби бир бирига ўтиб келаётган рухоний меросга айтилади. Нажмиддин Кубро Кубравийя тариқати асосчиси ҳисобланади. Аҳмад Яссавий яссавийя тариқати асосчиси дир. Бухоролик Бҳоуддин Нақшбандий Нақшбандийя тариқатига асос солгандир. Булардан Шайх Нажмиддини Кубронинг мўғуллар томонидан урушда шаҳид бўлганлиги тарихдан маълумдир. Уни ўзи ёзган асарлари бор йўқлиги маълум эмас. Аҳмад Яссавийга нисбат бериладиган Ҳикматлар деган шеърый тўплам бор. Аммо, мутахисслар уни тилини бизга жуда яқинлигига қараб, бу шеърлар минг йил олдин яшаган шайхга тегишли эмас деган фикрни илгари сурганлар. Бу китоб ҳали бугунгача сўфилар тарафида севиб ўқиладиган китобдир. Шеърларидаги тутуриқи йўқ олди қочди гапларни мазмуни умуман қуръон ва суннатга зиддир. Мен бу китобни шахсан ўқиганим учун буни аниқ ва ишонч билан айтаоламан. Шайх Нақшбандийга тегишли бирорта асар борлигини билмайман.

Аммо, унинг вафотидан сўнг сўфилар тарафидан ёзилган “Баҳоуддин Балогардон” китобини ўқиганман. Бу китоб ичи тўла сохта эртаклардан иборатдир. Унда шайхни ўлган одамни тирилтиргани, сувда юргани, ўтда қуймагани, ва ҳаказо... турли хил уйдирмалар келтирилади. Бу албатта бир жиддий китоб эмаслиги аниқ. Ўрта асрларда ўтмишдаги ваҳдатул вужуд тоифасига қарши ўлароқ бошқа турдаги тасаввуф жамоалари пайдо бўлган. Ва моҳиятан улар ўзларини Ибн Арабий ақидасига зид ўлароқ қуръон ва ҳадисга амал қилувчи сўфилар деб ҳисоблашган. Буларнинг аввалгиларидан бири Имоми Ғаззолий Тусий бўлса, охири вакилларида Сўфи Оллоёрни айтиш мумкин. Машраб билан бир вақтда яшасада, Сўфи Оллоёр ўз тариқатида унга қарши бўлган. Машраб сулуки Мансур Ҳаллож каби исёнкорлик ва тарки дунёлик руҳида бўлган. Сўфи Оллоёр ўзининг саботул ожизин китобида ўз тариқатини муфассал баён қилган. Бу кишини тасаввуфни тушуниши Ваҳдатул Вужуд тушунчасидан йироқ ва нисбатан суннатга яқин бўлган. Имоми Ғаззолий тасаввуфда энг суннатга чқин турганлиги билан алоғида ажралиб туради. Аммо, унинг асарларида фалсафий тушунчалар тасаввуф билан аралашиб кетган. У бир оятни шарҳласа, унга тегишли турли хил фалсафий фикрларни ҳам келтиради. Аммо, аксарият ҳолларда уни китоблари саҳиҳ деб тан олинади. Бу жиҳатдан уни ислом файласуфи дейиш мумкин. Баъзилар уни тасаввуф шайхи дейишади. Лекин, у ҳақиқатда жиддий олим бўлган ва турли хил бидъатчи хурофотчи сохта пир муршидлардан мутлақ ажралиб туради. Навоийнинг асарларида ваҳдатул вужуд таъсири сезилиб турса, Сўфи оллоёрда бунинг аксини кўрамиз. Сўфи Оллоёр тасаввуфни мутлақо шаръий ақида асосида баён этган. Лекин жаҳрий зикр тушиш каби амалларни шарий нуқтаи назардан исботлаш мумкин бўлмаган ишдир. Сўфиларда зикр тушишга доир антиқа бидъатлар мавжуддир. Навоий учун тасаввуфдаги асосий ғоя комил инсон бўлиш ва Аллоҳни муҳаббатига эришиш ғоясидир. Мана шу масалани у ўз давридаги тасаввуф тушунчалари билан аралаштириб жуда чуқур ва тушуниш мажҳул бўлган ва шариатга хилоф бир тушунчага айлантиради. Комил инсон бўлиш масаласи аслида шаръий нуқтаи назардан оддий ҳал қилинган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида “Одам болалари хато қилувчидирлар. Хато қилувчиларнинг яхшироғи тавба қилувчидир” деганлар. Яъни, умуман хато қилмайдиган инсон бўлмайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Мўмин киши махлуқотнинг яхшисидир. Бунга қуръони карим ояти далолат қилади.

Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, ана ўшалар, халойиқнинг энг яхшилари дир. Баййина сураси 7 оят.

Мана шу махлуқотнинг яхшиси бўлмиш мўминлар, фарз қилинган ибодатларини бажариб, ҳаромлардан сақланиб юрсалар мана шу камолотнинг чўққисидир. Шаръий нуқтаи назардан дунё ҳаётидаги инсоннинг чиқиши мумкин бўлган ахлоқий ва руҳий юксаклик мана шудир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл мана шудир.

Навоий тушунчасида инсон 7 та водийдан ўта олса камолотга эришади. Ризо водийси. Истиғно водийси. Ва ҳаказо. Навоий ўзининг замондошларидан икки кишини мана шу камолот чўққисига эришган киши сифатида зикр этади. Бу каби мезонларни шайъий жиҳатдан асоси йўқдир. Аллоҳга муҳаббат қилиш масаласи шариатда мана шундай ҳал қилинган.

«Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади», деб айт.

Оли Имрон сураси 31 оят.

Демак, Аллоҳга муҳаббат шартини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишдир. Суннатларга амал қилишлиқдир. Бу оддий ва тушунарли йўлдир. Тасаввуфчилар мана шу шаръий ўлчовларни ўзларига нисбатан кам ҳисоблашган. Ва улар Аллоҳга муҳаббат шартини жаннат учун, ёки дўзахдан нажот топиш учун эмас, фақат Аллоҳга муҳаббат қилгани учун ибодат қилишдир.

Баъзи сўфилар жаннат учун ибодат қилиш муҳаббатга зид деб тушунишган. Баъзилари мана бундай деб дуо қилардилар; Эй Аллоҳим! Агар жаннат истаб ибодат қилсам мени жаннатингдан мосиво қил! Агар дўзахдан нажот истаб ибодат қилсам мени дўзахинга туширгил! Агар фақат сени муҳаббатинг учун ибодат қилсам, унда Ўзинг биласанг мени қаерга юборишни”

Бу каби сўфиёна муҳаббат шариатга зиддир. Аллоҳу Таъоло бизга қуръони каримда қандай деб дуо қилишимизни таълим берган.

Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин», дейди.»

Бақара 201 оят.

Бу мавзуда жуда кўп нарсалар ёзиш мумкин. Соф ақидага ва суннатга зид иш ва амаллар сўфиларда етиб ортади. Мен шу билан кифояланишни маъқул кўрдим. Мен Роббимдан истагим мени ва зурриётимни мана шунақа адашган тоифалардан қилмасин! Ва адашган бандаларини Ўзи ҳидоятласин! Барча оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин!

2012 йил октябр

Мозийдан сабоқлар

Замон ва маконнинг инсон ҳаётидаги ва ислом ҳукмларидаги аҳамияти ҳақида мухтасар рисола

Кириш

Инсоният пайдо бўлибдики, тарихдан сабоқ олишни бошлаган десам муболаға бўлмаса керак. Бу сабоқ олиш шахсий ёки қабилавий ёки бутун бошли халқ мисолида бўлган. Яъни бирор шахсни ёки бирор халқни фожеъаси ёки тараққиёти кейинги шахслар ёки халқлар учун ўрнак бўлган. Қуръон ҳам бизга аввалгиларни тарихини ривоят қилиб бериб, уларни фожеъасидан ёки амали солиҳларидан ибрат олишга тарғиб этади.

Инсон ҳаёти жуда қисқалигини ҳисобга олсак, ҳар бир авлод ҳар бир нарсани ўзи бошидан ўтказиб кўриб, кейин тушуниши хатоларини тўғрилаши имконсиздир албатта. Бу нарса инсон ҳаётини ҳамма соҳасига тегишлидир. Олдингиларни ишини кейингилар давом эттириши табиийдир. Тараққиёт ҳам шу зайлда ривожланган. Бир авлод пайдо қилган бирор янгиликни кейинги авлод такомиллаштириб ривожлантирган. Хуллас, ҳар бир авлод учун ўзидан олдингиларни ҳаётида кўп ибратлар бўлган, бор ва бўлади. Дунё халқлари асрлардан бери шу тартибда яшаб келишган. Жумладан мусулмон халқлари ҳам. Шу зайлда турли хил этник миллатга мансуб исломий ёки христиан ёки бошқа ақидадаги катта кичик, заиф кучли давлатлар пайдо бўлган. Ва табиийки, нимадир сабаб бўлиб, завола топган. Инсоният ҳаётнинг ҳамма соҳасида тараққиётда ёки таназзулда бугун шу даражага етганлигида албатта аввалги ўтган аждодларнинг ҳар бир силсиласининг озми кўпми ижобийми салбийми қандайдир ҳиссаси бор. Биз учун ҳам албатта, аввалги ўтган қавмларда кўплаб ибратлар бор. Булар тараққиёт ёки таназзул бўлсин ҳаммаси бугунги авлод учун ибратлидир. Ва бизни авлодни ҳам ютуқ ва камчиликлари кейингиларга ибратдир. Асрлар давомида инсоният ичида турли хил миллатга ва динга мансуб халқлар пайдо бўлган ва уларни маданияти ёзуви тили ва ҳаказолари ҳам пайдо бўлган ва баъзилари вақтлар ўтиб йўқ бўлган.

Бу гапларни ёзишдан муддао ўқувчиларни бу ҳаётни турли хил босқичлари муайян бир даврда яшаб ўтган инсонларни ҳаётида қандай акс этиши ҳақида фикрлаб кўришга даъват қилишдир. Бу рисола вазифаси ўзбек мусулмонлари учун исломий ғояларни ҳаётга татбиқи масаласи ва бу ғоялар айна замонда бизга яъни, бошқа мусулмон халқлари қаторида ўзбекларни ҳозирги ҳаётига қандай таъсир ўтказаяпти деган, саволга жавоб топишга ва ҳозирда мавжуд диний, сиёсий, фикҳий муаммоларни ва ихтилофларни асл манбаи нимада эканлиги ҳақида фикр юритишга ундайди. Ўтмиш билан ҳозир чамбарчас боғлиқдир. Ҳозир билан келажак ҳам худди шундай. Бирисини бошқасидан ажратиб тушуниш мумкинмас. Келажакни ҳам шу бугунни воқеълигини аниқ билмасдан туриб тасаввур қилиш имконсиздир. Рисоладаги фикрлар менинг кўп вақтлар мобайнидаги кузатишларим ва турли тоифадаги шахслар билан суҳбатларим ва ўқиган китобларимдан шаклланган шахсий кўзқарашларим ифодасидир. Бу фикрлар ҳеч бир ташкилот ёки ҳаракатни расмий позицияси эмас. Менинг бу рисоладаги фикрларим хато бўлиши ва тўғри бўлиши ҳам мумкин албатта. Нима бўлгандаям бу рисола менинг шахсий хулосаларим деб қараш тўғрироқ бўлади.

Тарихга бир назар

(Ёки, ўтмишдаги мусулмон халқларнинг динни тушуниши ва ҳаётга татбиқ этишдаги ихтилофлари ҳақида)

Мавзуимиз сиёсий ислом ҳақида бўлганлиги учун ҳам тарихдаги мусулмонлар ҳаётида юз берган сиёсий воқеълар ва ихтилофлар ҳақида сўз юритамиз. Маълумки, аввалги даврларда турли хил кўринишда ва ҳудудда асрлар давомида Ислом давлати деб аталган давлат ёки давлатлар бўлган. Чунки, тарихда бир вақтда иккита баъзан учта халифа бир вақтда мавжуд бўлиб турган даврлар бўлган. Язид ибн Муовияга Хусайн ибн Али бўйсунмаган байъат қилмаган эди. Исломдаги байъат Халифани легитимлигини қонуний ҳукмдорлигини билдирувчи шартдир. Хусайн қатл қилинган, Абдуллоҳ Ибн Зубайр 687 йили Ҳижозда ўзини Халифа деб эълон қилди. Ироқ, Яман, Ҳижоз аҳли унга байъат берди. Айна дамда Шомда Язид ҳам халифа бўлиб турди. Охири Абдуллоҳ Ибн Зубайр қатл қилинди. Ўтмишдаги дин олимлар уни хаворижий (Яъни қонуний Халифага қарши чиқувчи) деб ҳисобламаганлар. Сабаби унга ҳам кўплаб мусулмонлар яшайдиган вилоятлар байъат берганди. 750 йилда Уммавийларга қарши халқ кўзғолони натижасида улар Хилофатдан ағдарилди. Ва Халифат Аббосийларга ўтди. Улар пойтахтни Дамашқдан Боғдодга кўчиришди. Уммавийлардан бўлган Абдурахмон Дохил ўз тарафдорлари билан Аббосийлардан қочиб 172 ҳижрий йили Қуртуба шаҳрига бориб, Аббосийлардан мустақил ҳолда Халифат эълон қилди. Бу давлат нисбатан кичкина ҳудудда икки асрдан ортиқ муддат Мустақил халифат бўлиб турди. 909 мелодий йили Мисрда ҳокимиятни қўлга киритган шиаларни Исмоилий гуруҳидан чиққан Фотимийлар ўз давлатларини ҳам Халифат деб эълон қилдилар. Улар уч асрга яқин муддат ҳукмронлик қилган даврларда Шом Тунис Мағриб давлатлари (Ливия, Жазоир, мавритания)ни ҳам қисман ўзларига бўйсундирганлар. Шу даврдаги аксар олимлар фақат Аббосийлар ҳокимиятини шаръан тўғри деб ҳисоблашган. Аммо, булардан бирортасини ҳақ йўлдаги халифалар деб ҳисоблашмаган. Ва шунингдек, халифага тобеъ бўлмаган аммо, шаръий ҳукм асосида яшаган подшоҳликлар ва Султонлар бўлган. Аввалги даврда Ислом дини фақат араблар орасида ёйилганлиги сабаб Халифат ва диний соҳада пешволик арабларда бўлган бўлса, кейинчалик бошқа халқлар ҳам исломни қабул қилишган, улар орасида ҳам кўплаб дин пешволари ва диний асосда ҳукм юритган Султонликлар пайдо бўлган. Кейинчалик 6 аср давом этган араблардан Хилофатни Усмонли Турклар қўлига олишди. (Бу воқеълар қатор тарихий китобларда ёзиб қолдирилган ва нафақат тарихчилар балки барча толибга ҳам маълум маълумотлардир.) Ўрта асрларда ҳам яъни Халифалик мавжуд пайтда ҳам унга тобеъ бўлмаган ўнлаб мусулмон мамлакатлари бўлган.

Ҳозирги марказий Осиё ва Эрон ҳудудидаги тарихда ўтган қатор подшоҳликлар ва Султонлар жумладан Қорахонийлар Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Темурийлар ва Бобурийлар ва Шайбонийлар ақидаси шиа бўлган Сафавийлар, Фотимийлар, ва ҳаказо каби ўнлаб сулолага мансуб Султонлар ўрта асрларда ва Аштархонийлар, Хива хонлари, Бухоро Амирлари, ва Қўқон хонлари сулолалари асрлар давомида Халифалик ўрни алмашиб Мисрда, Ироқда, Туркияда мавжуд бўлиб туришига қарамасдан унга байъат қилишмаган. Ва ўз ҳудудида Ислом шариати асосида ҳукм юритиб лекин Халифадан мустақил яшашган. Ҳатто баъзилари Халифалар билан уришишган. Баъзан бориб Халифаликни босиб олган. Мисрда мамлуклар Халифадан анча баланд нуфузга эга бўлишган. Масалан, Амир Темур ҳам Боғдодни босиб олганда Халифа Мисрга қочиб кетгани тарихдан маълумдир. Булар тарихимизни аччиқ ҳақиқатларидир. Ва бугунги кунимизни тушунишга ва тўғри хулоса чиқаришга ундовчи фактлардир. Бу ўтмишгина эмас, балки келажагимизни тасаввур этиш учун ҳам асосий омилдир. (Лекин, биз саҳиҳ ҳадисларда келган Маҳдини келиши ва Ислом ҳукмини жорий бўлиши ва ҳаказо хабарларни ҳам албатта тасдиқлаймиз) Айтиш керакки, ўша Хилофат ва Ислом ҳукми жорий бўлган пайтларда исломий халқлар бошқа Осиё, Африка, ва Европа халқларига нисбатан тараққиётда ҳар томонлама ривожланганди. Ўша пайтларда улар ҳарбий жиҳатдан ва илм фан ва маданият, тиббиёт меъморчилик ва ҳаказо., каби турли соҳаларда дунёнинг энг илғор халқлари бўлишган. Бу фактлар мусулмонларни ўз ўтмиши билан ҳақли равишда фахрланишига ундовчи фактлардир. Ва бу кўп асрлар давом этган. Вақти келиб бу давлат ва халқлар таназзулга юз тутта бошлади ва ерлари бошқалар тарафидан истеъло қилинди. Бу ўзгаришлар бир авлодни ҳаёти давомида эмас албатта, балки бир неча авлод умри давомида юз берди. Бошқа халқлар тараққиёти ривожланди ва улар кейин кўплаб мусулмонлар диёрини босиб олишди. Осиё ва Африка мамлакатлари деярли барчаси Европани мустамлакаси бўлиб қолди. Биргина Араб миллатига мансуб халқлар дини тили бир бўлишига қарамасдан турли сабабларга кўра бугунги кунда 20 дан ортиқ давлатга бўлиниб яшайпти. Аҳолисининг кўпчилиги этник мусулмонлардан ташкил топган давлатлар сони элликтадан ортиқдир. Ер юзида бир миллиард уч юз миллиондан ортиқ этник мусулмон миллатига мансуб халқлар яшайди. Шунингдек, Европа ва АҚШда ҳам миллионлаб мусулмонлар бор. Ҳозирги кунда Ислом асосида барча халқлар бирлашиб бир давлат ташкил топиши ғояси, ғоя жиҳатидан нисбатан асослига ўхшаб кўринади. Чунки, бугунги глобализация даврида турли мамлакатлар орасидаги сунъий тўсиқлар очилиши ва ҳатто Оврўпа Иттифоқи каби 30 га яқин давлатларни ўзаро келишиб бир иқтисодий ҳуқуқий яхлит ҳудуд пайдо қилишлари келажақда Исломий давлат яхлитлигини қисман тасаввур қилиш имконини беради. Аммо, бугунги воқеъликни кўриб таҳлил қилсак, бу ҳолат агар мусулмон мамлакатлари тараққиёти тўғри йўналишда ривожланса жуда жуда узоқ истиқболдаги тахмин қилишимиз мумкин бўлган вариантдир. Лекин, бу ҳолат ўтган кўп йиллик тарихимизда яхлит суратда кўрилмаган воқеъликдир. Ҳозир ҳам бунга жуда кўп ички ва ташқи диний ва ирқий ва ҳаказо., тўсиқлар мавжуддир. Ва уларни бартараф қилишлик ҳам тез орада бўладиган осон иш эмаслиги аниқ. Европа уйғониш даврига (ренессансига) энди беш аср бўлди. Ўзларини эътирофича ундан олдин улар “уйқуда” бўлишган. Аммо, тараққиётда пешқадамлик навбати ҳалигача ўша халқларда қолаяпти. Бугунги мавжуд техник ва илмий тараққиёт асосан уларни ихтиролари ҳисобланади. Аммо, ўтмишда шу бугунги мавжуд фанларни аксариятини мусулмон олимлари асос солишганди. Лекин ғарб олимлари илмларни ривожлантиришди. Ва янги янги ихтиролар билан бойитишди. Буни натижаси нафақат илм фан балки, давлатларни куч қудратини таъминловчи турли туман қурол яроғлар ҳам пайдо бўлди. Америка қитъаси улар томонидан кашф қилинди. Ва у ердаги ўнлаб давлатлар аҳолисини асосан Европаликлар ташкил этди. Ривожланган Европа қироллари ўзаро урушни ҳам тарк этмасаларда, барибир кўплаб қолоқ давлатларни жумладан мусулмонлар диёриларини ҳам мустамлака қилиб олишди. Русия томонидан Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва қўқон хонлиги босиб олинди. Ва Коммунистлар даврида бу подшоҳликлар тугатилди. Улар ўрнига бугун мавжуд бўлган бешта республика ташкил топди. Ва улар ҳам эндиликда мустақил давлат бўлиб тан олинди. Бу республикалар орасида аҳолиси сони кўпроғи, яшаш турмуш тарзи ва маданияти жиҳатидан Исломга анча яқинлиги Ўзбекистондир.

Албатта Тожикистон аҳолисини ҳам бошқа республикалардан кўра диндорлик даражаси анча юқоридир. Хуллас, бугуннинг воқеълиги шуни кўрсатадигани, Ислом умматини барча қисмида ва шунингдек, марказий осие республикаларида ҳам яна диний қадриятга асосланган сиёсий ҳаракатлар қайта уйғониш даври бошланди. СССР қулагач, бошқа Марказий Осиё мамлакатлари каби, Ўзбекистон ҳам Мустақил давлат бўлди. Бугунги даврда Ислом оламида қайта уйғониш даври бошланди. Хусусан атеизм ҳукмронлиги қулагач, мусулмон халқларда диний қадриятларга табиий интилиш кучайди. Мана шу воқеъликда турли хил диний тушунчалар бизга ҳам кириб келди. Хусусан диний ғоялар сиёсатга таъсир кўрсата бошлади. Эндига сиёсий ҳаракатлар диний ва миллий қадриятларга асосланганди. Исламий ҳаракатлар деярли ҳаммаси СССР қулагач эркинлик шабадалари эса бошлади. Ўша даврларда Ислом оламини турли қисмида турли даврда пайдо бўлиб яширин ёки очик фаолият кўрсатиб келган турли хил диний жомоларнинг ақидалари, ўшаларнинг бевосита ёки билвосита таъсири билан бизнинг диёрларга кириб келди. Қўшни Афғонистон ва Чеченистондаги диний жиҳодий ҳаракатлар ҳам Собик совет мамлакатлари ҳудудида ўз олдига глобал стратегик мақсадлар қўйиб олган ва бу йўлда мақсадга етиши учун қуролли кураш жиҳод йўлини танлаган гуруҳлар ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлди албатта. Шунингдек, бу диёрлардаги эски коммунист лидерлар деярли барчаси мустақилликдан кейин ҳам ҳукуматни ўз қўлида ушлаб қола олишди. Ва диний жомоларга кескин тазйиқ сиёсати олиб боришди. Бу омил ҳам баъзи мусулмонларни қуролли кураш йўлини ушлаган жамоаларга қўшилишига сабаб бўлди. Ва кўплаб диндорларни ўша ерга ҳижрат қилишига сабаб бўлди. Ва табиийки, Марказий Осиёлик диктаторларга (ИАКга, Тожикистон президенти ва Хитой ва Русияга хавф солиб турадиган Ислом давлатини қуриш ғоясини кўтариб чиққан қуролли жамоат (ЎИХ, Иттиҳодул ажҳад, Туркистон Исломий Ҳаракати, Тожикистон Ислом Уйғониш Ҳизби)лар пайдо бўлди. Буларни орасида биттагина Тожикистон Ислом Уйғониш Ҳизби аввалига қуролли кураш олиб бориб, кейин Тожикистон ҳукумати билан келишиб қуролларини топшириб тинч сиёсий кураш йўлига ўтди. Ва Тожикистон мустабид режими тазйиқи остида қолди. Ҳозир партия ўз нуфузини анча йўқотганига қарамай, сиёсий ва қонуний курашда. Яқин кунларда Қозоғистонда ҳам қуролли кураш олиб борадиган жамоат чиққанлигини хабарлари тарқалди. Аммо, бу жамоатни ҳали кимлиги ва мақсади менга маълум эмас. Мен учрашиб суҳбатлашган кўпгина жиҳодларда қатнашган биродарлар гувоҳлигича, бу каби жамоалар асосан ҳозирги даврдаги эмас, бюалки, ўтмиш уламоларини фатволарига суянишар экан. Чунки, мавжуд воқеъликни тушунган ҳозирги дин олимлари менича, куч жиҳатидан давлатдан анча заиф бу жамоаларга қуролли курашиш учун жиҳодий фатволарни беришмаса керак?! (Баъзилари мустасно, албатта) Ўтмишда Ислом олимлари жиҳод ва уни турлари ва қачон қандай қилиниши тўғрисида кўплаб китоблар ёзиб қолдиришгандир. Албатта, ўша даврдаги конкрет воқеъликдан келиб чиқиб, ислом уламолари у ёки бу нарса тўғрисида кўплаб фатволар беришган. Ўша даврда бу фатволарга амал қилинган ва ҳаказо.., Умнат олимлари фатволари ҳалигача кўплаб тарихий китобларда сақланиб турибди. 994 йил туғилиб 1064 йилда вафот этган Ибн Ҳазмнинг сўзини “раддул мухтор” китобида шундай ёзади; “Жиҳодни ҳар бир шахсга вожиб бўлиши; Баъзи аҳли илмлар Жиҳодни вужубул кифоядан ҳар бир жиҳодга қодир одамга вужубул айнга айланиши учун шарт бўлган ҳолатни зикр қилиб айтадиларки; Агар душманлари мусулмонлар мамлакатидан бирига ҳужум қилишса жиҳодул дафъ ҳолати пайдо бўлади. Бундай ҳолатда ҳар бир озода, балоғатга етган, ва қодир одамга жиҳодни фарз бўлишига Ижмоъ мартабасида уламолар иттифоқ қилишган. Маротибул Ижмоъ китобида; Жиҳодни шу ҳолатда ҳар бир шахсга фарз бўлишига тўртта мазҳаб фуқаҳолари иттифоқ қилишган” дейилади. Бу ва шунга ўхшаган фатволар ҳозирги даврдаги кўп жамоатлар учун асосий далил ҳисобланади. Ўша китоблардаги фатволарни бугунги воқеъликга мос ва мувофиқми? Деган, масалада бугунги кунда кўп ихтилофлар мавжуддир. Аллақачон дунё сиёсат саҳнасидан расман йўқ бўлиб кетган Ислом давлатини (Халифаликни) кўплаб ҳудудлари бугунги кунда, бошқа мусулмон бўлмаган давлатлар таркибига киргандир. Ўша пайтда бу ерларни қайтариб олиш фарз бўлганлиги ҳақида фатволар чиққан. Ва ўша пайтда демак, қайтариб ололмасдан шундайлигича мустамлакачилар қўлида қолиб кетган.

Бу эса уларни тушунчасида ўша ерни қайтариб олиш фарзини ҳалигача мавжудлигини кўрсатади. Олдингилар бу ишни қилолмадилар. Демак кейинги авлодлар буни қилишлари шарт бўлади. Бу каби тушунчалар ва тарихга қараб шундай хулоса чиқариш бугунги авлодни ҳам ўтган аждодлар давридаги воқеъликга олиб кириб кўяди. Ва бугунги авлод юз ёки уч юз йил олдинги ечилмай ўтиб кетган муаммони кўтаради. Ва шу асосда ўзаро урушлар бўлади. Ва бу урушлар шаръий далиллар билан Жиҳод деб номланади! Аслида бу тўғри. Лекин бу каби сиёсий фатволар чиққан пайтда уни ижро қилувчи конкрет бир давлат ва уни армияси ва халқи бор бўлган. Ва ўшаларни зиммасига бу фатвони ижроси юкланган. Энди бугунги авлод дунёнинг турли жойида дунёга келиб, турли хил воқеъликда ҳаёт кечирсалар. Бизни диёримиз гарчи аҳолиси мусулмонлардан ташкил топган бўлсада, Ислом ҳукми юрмаётган жойлар бўлса?! Ўша куфр деб аталадиган диёрларга миллионлаб мусулмонлар нон топиш учун ишсизликдан пул излаб бораётган бўлса?! Иккаласиям куфр ҳукми юриб турсаю, бирида иккинчисидан кўра тирикчилик имкони мавжуд бўлса?! Бутунлай бошқача воқеълик эмасми бу?! Минг йил олдинги фатво бугунги авлодни даври ва воқеълигига тўғри келаяптими?! Биз дунёга шу тушунча орқали боқсак, давримизни тўғри тушунишдан маҳрум бўлиб қолмаймизми?! Кўплаб мусулмонлар менимча, шу бугунги воқеъликни тан олмадилар. Ҳозирги имконият даражасида шариат улардан нима талаб қилишини тушунмадилар. Ва имконлари етиш етмаслигидан қатъий назар олий мақсадларни шиор қилиб кураш бошлайдилар. Биз бугун бу каби ҳолатни узоқ яқинимиздаги ўнлаб мамлакатларда бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биз дунёда Ислом давлати йўқ бўлган ва мусулмонлар дунёнинг юзлаб давлатида майда бўлақларга бўлиниб яшаётган даврда дунёга келдик. Биз яшаётган диёр номи миллий давлатчилик урф бўлган даврда Ўзбекистон деб аташган. Ва бунга халқини номи ўзбеклиги сабаб бўлган. Тарихдан маълумки, бу номли давлат юз йил олдин мавжуд бўлмаган. Ва баъзи тарихчилар таъкидлашича, беш олти асрлар чамаси олдин “ўзбек” деган халқ ҳам бўлган эмас. Тарихчилар айтишича бу туркий халқларнинг бир уруғини номи бўлиб, шу номли уруғ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва кейинчалик бошқа уруғлар ҳам йўқолиб ҳамма шу миллатга мансуб бўлиб қолган. Ҳозирда бошқа уруғ вакиллари ҳам паспортига ўзбек деб ёзилган. Биз истаймизми йўқми бугун биз шу ўзбек деган миллатга мансубмиз. Ва шу юрт бизни ватанимиздир. Ва бизни қариндош уруғларимиз шу ерда яшашиди. Барча инсон ўз ватанига ва қавмига интилиши ҳам аслида табиийдир. Ватан ва миллат тушунчалари ва туйғулари исломий қадриятга зид эмас. Аммо, динимиз талаб қилган муқаддасот ҳам эмас. Бугун юртимиздан кўплаб диний жамоалар чиқди. Уларни аксарияти (Ҳизбут Таҳрир, ЎИХ,) қайта Халифалик давлатини тиклаш ғоясини кўтариб олган бўлса, бошқа жамоалар (Сўфилар, Салафийлар (Ваҳҳобийлар Мадхалийлар,) Таблиғчилар, Акрамийлар, (Андижон адолат ва тикланиш) Нурчилар,) сиёсатга аралашмайдиган кўпроқ шахсларни тарбиясига урғу берадиган ва баъзилари замонавий тараққиётга мослашувчан шаклда намоён бўлган эди. Бу жамоатлар Ўзбекистонда пайдо бўлиши ва ривожланиши ўта табиий суратда амалга ошди. Мени фикримча бу табиий жараёндир. Бу ҳозирги расмийлар кўп таъкидлайдиган “мустақиллигимизни кўролмайдиган қандайдир ташқи қора кучлар томонидан, халқимизни тинчлигини бузиш учун атайин амалга оширилган” эмасди. Бу жамоатларга аъзо шахслар ҳам оддий ўзбек ёшлари эди. Уларни аксарияти онгли суратда бу жамоаларни ҳаммасини кўриб ўрганиб кейин биттасини қабул қилишган эмас албатта. Ҳар ким ўзига биринчи учраган ва дин деб тақдим этилган тушунчага эргашиб амал қилиб юрган. Бу табиий шаклланиш босқичи бўлганди. Ўзаро зиддиятлар юзага чиққанда ва жамоатлар расман бири бирига зид позицияни эгаллаганда аъзолар орасида қисман ўзгаришлар бўлган. Баъзилар ўзи мансуб жамоатни тарк этиб бошқасига ўтган ва ҳаказо.. Бу жамоатлар фаолияти ҳам табиий ривожланди. Бир нуқтадан туриб бошқарилмаган. (Бундан ҳизбут таҳрир мустаснодир) Бу ҳаракатлар ҳукумат томонидан тазйиққа учрагунича шу зайлда давом этди. Ҳукуматни муносабатини бундай бўлишини кутмаган кўплаб диндорлар шаръий ҳукмдан қатъий назар ИАК режимида қарши куч билан курашиш керак деган фикрга мойил бўла бошладилар. Ҳизбут таҳрирчилар эса варақа тарқатишга ўтдилар. Қуролли ҳаракат тарафдорлари (ҳукумат хабари бўлган ҳолда) у бу ерларда бомбалар портлатишди.

ИАК режими ҳам диний жамоаларга қарши ошкора репрессия бошлади. ИАК мамлакатни ташқи ва ички душмани “экстремист” ва “террористлар” борлигини дунёга намоён қилиб кўрсатганди. Шундан бери ташқи душман ролини ЎИХ бажариб келмоқда. Минглаб ўзбек ёшлари турли хил ноқонуний диний ташкилотга аъзоликда айбланиб ноҳақ қамоққа ташланди. ИАК динга қаттиқ адовати бор ва диний тушунчаси жуда бир ёқлама одамдир. Буни мен уни ўндан ортиқ китобларини ўқиган шахс сифатида биламан. Уни диний жамоаларга қилган беҳисоб даҳшатли ва ғайри инсоний зулмларини биламан. Уни зулмидан қочиб ўн минглаб ёшлар четга қочиб кетди. Ишсизлик туфайли четга чиққан муҳожирлар миллионларни ташкил этади. Аммо, улар бу мақола мавзусига кирмайди. Лекин улар орасида юқорида номлари зикр этилган турли хил диний жамоатларни вакиллари ҳам ўн мингларни ташкил этади. Булар бизни узоқ ва яқин тарихимиздир. Ва келажагимизни белгилашимиз учун ҳам уларни билиш ва тўғри хулосалар чиқаришимиз лозимдир.

Бу куннинг воқеълиги

(Халқаро рақобат ва сиёсий манфаатлар олдидан Ислом омилининг роли)

Исломий ғояларга асосланган сиёсий ҳаракатлар Собих совет республикаларида авж олиши ўтган асрда асосан дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган икки ғоя Социалистик ва капиталистик лагер орасидаги кўп йиллик кураш натижасида охири СССР бошчилигидаги гуруҳни мағлуб бўлганидан кейин бошланди. Миср ва Ливанда ва Эронда диний сиёсий жамоатлар анча илгаридан мавжуд эди. Диний сиёсий жамоалар томонидан 1948 йили Халифаликни ҳудуди бўлган Фаластин ерида бошқа Давлатлар кўмагида Исроил давлати ўрнатилгани Ислом ва мусулмонларга торроқ маънода Фаластин халқига тажовуз ва хиёнат экани уқтирила бошланди. (Бу ғоялар Мисрдаги Ихвонул Муслимин жамоасини ва ундан ажралиб чиққан Хамас ва ўша ерда пайдо бўлган Ҳизбут Таҳрир гуруҳларини ғоялари эди.

Шу ғоялар Собих совет республикалари ҳудудидаги пайдо бўлган диний сиёсий жамоаларга ҳам етиб келди. Русия ҳудудида бўлган Чеченистон, Татаристон, Бошқирдистон ва ҳақозаларни Русиядан Шарқий Туркистонни Хитойдан озод қилиш ғоялари пайдо бўлди. (Нарчи Шарқий туркистон мустамлака бўлганидан бери бундай ҳаракат ва кураш мавжуд бўлган бўлсада, кейинги даврда бу мақсадни кўзлаган диний жамоатлар ҳаракати жиддий фаоллашди) Бу каби ғоялар исломий асосга эга бўлиши билан бирга, Русия ва Хитойга қарши бўлган АҚШ ва бошқа давлатлар стратегик манфаатларига жуда мос эди. Чунки, улар динларидан қатъий назар Русияни ва Хитойни заифлашишидан ва парчаланишидан манфаатдордирлар. Биз бу бўлимда диний жиҳодий ғояларни у ё бу кўринишда у ёки бу давлатни сиёсий стратегик манфаатларига хизмат қилаётганини қисқача таҳлил қилиб ўтамиз. Ўтган асрнинг 1979 йили СССР қўшинлари Афғонистонга кирганда, унга қарши жиҳод эълон қилинган ва АҚШ, Саудия ва Покистон воситасида урушга бутун Ислом олами томонидан пул, қурол яроғ, аскарлар ва ҳаказолар билан таъминлаб турганди. Бу уруш шаръий жиҳатдан Жиҳод эди. Ва буни жиҳод муқаддас уруш эканлиги ҳақида ўша пайтларда Ислом уламолари тарафидан жумладан Саудия Шайхлари томонидан кўплаб фатволар ҳам берилганди. Аммо, айна дамда бу СССРга қарши уруш ўша пайтдаги АҚШ ва уни иттифоқдошларини манфаатига хизмат қиларди. Кейинчалик СССР қулаб, Афғонистонни Толиблар эгаллагач, ўша ердаги мужоҳидлар энди АҚШга қарши жиҳод уруш бошлади. АҚШ ҳам Иттифоқдошлари билан Афғонистонга қарши уруш эълон қилди. Лекин энди Саудия Шайхлари бу сафар бу урушни Жиҳод деб фатво бермадилар. Ал Қоидани ва Усомани бузғунчи ва адашган тоифа деб сиёсий фатволар чиқаришди. Чунки, бу мужоҳидлар Халифат қуришни мақсад қилишганини иддао қилишарди. Ва шаръан бу ғояга исломни даъво қилаётган шахс ёки давлатлар қарши бўлмаслиги керак эди.

Аммо, Халифат тикланиши нафақат Ғарб олами учун балки, Ислом оламида пешволик қилиб келаётган Саудия давлати учун ҳам ва бошқа мавжуд катта кичик турли туманмусулмонлар яшайдиган давлатлар дахлсизлиги учун ҳам жиддий хавф ҳисобланади. Дунёнинг бирор жойида Халифат тикланса Саудия қироллари учун умматга пешволик қилиши имконсиз бўлади. Эрондаги исломий шиалар ҳукуматига қарши муҳолифатга АҚШ томонидан турли йўллар билан моддий ёрдамлар бериб борилади. Эрон тузумини йўқ қилиш учун АҚШ кўп йиллардан бери ошкора ва яширин курашяпти. Эронга қарши курашда Шиа ва Суннийлар орасидаги асрий низолардан ҳам АҚШ яхши фойдаланди. Покистоннинг Балужистон вилоятидаги сунний мусулмонлар томонидан тузилган ва Эрон Суннийларини ҳам ҳимоя қилишни иддао қиладиган Жундуллоҳ жиҳодий жамоасига АҚШ томонидан пул ажратиб турилганини ва улар ўз навбатида Эрон ҳудудида кўплаб терактлар амалга оширгани маълумдир. Унинг Амири Абдулмалик 2009 йилда Дубайдан Қирғизистонга бораётган пайтда Эрон ҳарбийлари томонидан у ўтирган самолёт мажбуран ерга қўндирилиб қўлга олинди. Ва Эрон Суди ҳукмига биноан қатл қилинди. Ва у ўзини ташкилотини АҚШ пул билан таъминлаб турганлигини тан олди. Бу ҳақида ўша пайтда кўплаб интернет саҳифалари хабар тарқатганди. Эрон Ғазони назорат қиладиган Хамасни гарчи улар сунний бўлсаларда қўллаб қувватлашади. Чунки, Эрон АҚШ ва Исроилни ўзига ҳам диний ва ҳам сиёсий жиҳатдан асосий душмани деб ҳисоблайди. Шунингдек, Хамас ҳам. Мақсадлар бирлашганда диний ихтилофлар чекинди. Асад режими ҳам гарчи шиаларни алавий деган тоифасидан бўлсада, Хамасни қўллаб келади. Чунки, Сурияда Русияпараст АҚШ ва Исроилга қарши режимдир. Хамас Лидерлари Суриядан бошпана топишган. Айни дамда Хамасни Русия ҳам қўллаяпти. АҚШ ва Европа давлатлари Хамасни террористик ташкилотлар рўйхатига қўшиб қўйишган. Рус ҳукумати тан олмаган ва Чеченистонни мустақиллиги учун қуролли кураш олиб борган ва Ичкерияни бир муддат Бош Вазири лавозимида ишлаган Русия террорист жиноятчи деб ҳисоблайдиган Аҳмед Закаевни АҚШ бошчилигидаги кўп Европа давлатлари сиёсий қочоқ ҳисоблайди. Ва унга Англия қироллиги сиёсий бошпана бериб қўйибди. Бу каби ҳолат эса аслида динидан ирқидан қатъий назар Березовский ва бошқалар каби Рус ҳукуматига муҳолиф шахсларга ҳам тегишлидир. Шунингдек, Русия ҳам АҚШ ва уни иттифоқчилари террористик ташкилот деб ҳисоблайдиган, Хамас лидери Холид Машъални юқори даражада расман қабул қилиб музокара олиб борди. Мени фикримча бу мулоқот Русияни азбаройи Фаластин халқига ачинганлиги учунгани эмасди фақат. Шунингдек, Хамас ҳам Русияни мусулмонларга дўст давлат эмаслигини яхши тушунса керак?! Шу каби муносабатга мувофиқ Хамас ҳам гарчи ўзлари сунний мужоҳид мусулмонлардан ташкил топган жамоат бўлсада, Чеченистон мужоҳидларига қарши баёнотлар билан чиқишга мажбур бўлишди. Шаръан эса, кўп илм аҳлини фатволарига мувофиқ Хамасни Исроилга қарши, Чечен мужоҳидларини Русияга қарши кураши ҳақиқатда жиҳод ҳисобланади. Аммо, улар сиёсий манфаатлар сабаб бир бирини расман қўллаб қувватлай олмайдилар. Ал Қоидани, ёки Толибонни Афғонистондаги АҚШ ва НАТОга қарши кураши, кўплаб дин уламолари наздида шаръан жиҳоддир. Лекин кўплаб Покистонлик, Саудия ва Азҳарлик дин пешволари уларга қарши фатволар беришган ва ўз навбатида Хамас ҳам уларни қўллаб қувватламайди. Диний жамоалар орасида ички ва ташқи омиллар сабабли ўзаро келишмовчиликлар бор. Хамас ҳам бошқаси ҳам ўзини қўллаб турган давлатлар ва жамоатларни манфаатларига қарши юролмайди. Шинжон Уйғур вилояти ҳам ўтган аср бошларида Хитой томонидан куч билан ноҳақ босиб олинган. Бу тарихий ҳақиқат. Уйғур халқини кўпчилиги ҳали ҳануз мустамлака ҳаётдан норози. Кўпчилиги имкони борлари хорижга қочаяпти. Ақш ҳам кўп уйғурларга бошпана берган. Уйғурларни бутун жаҳон конгресси ҳам АҚШда жойлашган. Уйғурларни Хитойдан ажралиб чиқиш ғояси бор. Ва бу ғоя Ислом ҳукмларига ҳам ва АҚШ манфаатига ҳам мос тушаяпти. Тибетлик муҳожир Далай Ламани ҳам кўпгина Ғарб давлатлари дўстона қабул қилишлиги ҳам Хитойни жиғига тегиб туриш учун албатта. Чунки, у ҳам Тибетни мустақиллиги учун курашмоқда. Индонезиядан Шарқий Тиморни, Ва Суданни жануби Шарқидан ажралиб мустақил давлат бўлишини ғарб қўллаб қувватлади. Ва бу демократия ғалабаси дея нишонланди.

Русия учун охирги 20 йил ичида кўп муаммоларга сабаб бўлган Чеченистон ёки Шимолий Кавказ республикалари билан урушларда ҳам асосан миллий ва диний ғоялар етакчилиқ қилди. Ва бу урушга Ғарб томонидан инсон ҳуқуқларини поймол қилинаётгани баҳонасида аралашишлар бўлди. У ердаги Мусулмонлар гуруҳи шаръий ҳукмга асосланган давлат қуриш учун баъзилари миллий мустақиллик учун курашдилар. Ва охири бориб бу урушда руспараст жамоалар Рус Армияси кўмагида ўзлари каби дини, тили миллати бир бўлган ватандошларига қарши аёвсиз курашиб, ҳукуматни қўлга киритишди. Яъни, бугунги кунда Русия ҳукумати ўз таркибидан ажралиб чиқишни барча истаган Кавказ Республикаларини куч билан ва бошқа турли йўллар билан бостирди. Лекин Гуржистондан ажралиб чиқишни истаган Жанубий Осетия ва Абхазияни Грузия ҳам Русия каби, куч билан қайтармоқчи бўлганда Русия унга қарши уруш очди. Ва бу икки кичкина Республикани мустақил давлат деб эълон қилди. Ва Русияни ўзи расман тан олди ва у Республикаларда ўз элчихонасини очди. Саудия асосан суннийлар яшайдиган ва Ислом умматига пешволик қилишга даъвогар давлатдир. Бунга уларда қатор тарихий ва диний асослар мавжуддир. Улар ўз ички сиёсатида қисман шаръий ҳукмлар жорий қилинган. Жиноятчилар ошкора қатл қилинадилар ва ўғрилар ушланса қўллари чопилади. Лекин, ўзини демократияни ҳомийси ҳисоблайдиган АҚШ Саудия билан жуда яқин дўстона алоқа қилади. АҚШ ўзини инсон ҳуқуқларини ҳимоячиси қилиб кўрсатишга уриниб Эронни шу каби диний жазоларни қўлагани учун танқид қилиб, унга қарши турли хил иқтисодий санкциялар жорий қилсада, Саудияга нисбатан танқидий фикрлар билдиришга ва санкция қўллашга шошилмаяпти. Чунки, улардан арзон нефт олиши, ва Эронга нисбатан диний жиҳатдан муҳолиф бўлган яқин иттифоқчисини йўқотгандан кўра, инсон ҳуқуқи ва демократия ҳақида гапирмай туриши табиийки АҚШ учун манфаатлидир. Аммо, АҚШни истаги ва ҳукуматни босими остида баъзи Саудия шайхлари ҳам Эронга ва Шиаларга қарши турли хил сиёсий фатволар ва китоблар чиқариб туришади. Ислом оламида Саудияни нуфузи тушиб бораётган ва Эронни нуфузи ошиб бораётган бир пайтда, ташқи сиёсатида АҚШга қарши сиёсат олиб бораётган Эрон режимини дунё мусулмонлари наздида Эронни қадрсизлантириш, Саудияни сиёсий манфаатига мос бўлса, уларни кўплаб бидъатлари ҳақиқатда ҳам динга хилофлиги сабаб бу фатволар шариатга ҳам мосдир. Эронга қайси тарафлама бўлмасин зарба беришлик эса, АҚШнинг манфатини ифодалайди. Араб баҳори инқилоблари ҳам бу давлатларни динга нисбатан ва ички ташқи сиёсатдаги иккиюзламачиликларини очиқ намоён қилиб кўйди. АҚШ ўзига қарши режимларни қулаши учун, ўша ерларда ҳам инқилоблар бўлишига айна дамда ўзига тобеъ режимларни сақлаб ҳаракат қилди. Муборак режими АҚШпарастлиги учун уни сақлаб қолишдан АҚШ ва Исроил табиийки, манфаатдор эди. Саудия Шайхлари ва Азҳар уламолари Инқилобларни ҳаром эканлиги ҳақида сиёсий фатволар беришди. “Миср ғалаёнларида ҳеч қандай яхшилик йўқ!” дея кўп такрорлашди Саудия шайхлари. Шайх Абдулазиз оли шайх “Бу ғалаёнлар бирор мақсадга хизмат қилмайди. Бирор мақсадга эриштирмайди. Умматга манфаати йўқ. Бу фақат бақир чақир ва тартибсизлик ва бефойда вайронгарчиликга олиб келади” деганди телевиденияга берган интервьюсида. Албатта, бу фатво Саудия ҳукуматини манфаатига ҳам хизмат қиларди. Чунки, Қироллар бу каби инқилоб бўлиб, ва натижада ўз тахтларидан ажралишини истамаслиги табиийдир. Лекин, умматнинг бошқа уламолари бу фатволарга бошқача муносабатда бўлдилар. Шайх Юсуф Қарзовий Қатардаги жумъа хутбаларидан бирида, араб диёридаги халқ ғалаёнларини ҳаромлигига фатво берган Шайхларни иккиюзламачиликда ва ўз ҳокимларини рози қилишга уринганликда айблади ва уларни “Аллоҳнинг оятларини арзимас пулга сотдилар” деган оятни таҳтига дохл кимсалар деб атади. “Бу шайхлар динни буздилар. Уларни фатволари араб халқларини зулм ва қуликдан озод қилган тўғрилобларни тўхтатиб қолиши мумкин эди” деди. Шунингдек, Қарзовий уларни “Бу ғалаёнлар Валийюл Амр (Мусулмонларни амирига) қарши чиқишдир” дея берган фатволарни қоралаб, “Қанақа Валийюл Амр?” Дея, истехзоли савол берди. “Зулм истибдод омматан тарқатаётган шуларку?! Шариатда, Агар кичик зарар катта фойда келтирса қилиш мумкиндир” дея, таъкидлади Қарзовий. “Бу инқилоблар эса, улуғ неъматдир! Ва Аллоҳнинг мўъжизаларидан бўлган бир мўъжизадир! Мен уларга Аллоҳдан нусрат ғалаба сўраб дуолар қиламан” деди Шайх.

Баҳрайнда суннийлар ҳокимиятига қарши Араб баҳоридан руҳланган ва Эрон руҳий ёрдами билан шиалар ғалаён кўтарганда, Саудия АҚШни маслаҳати билан у ерга ўз ҳарбийларини киритди. Ва суннийлар ҳокимиятини ва АҚШпараст ҳукуматни сақлаб қолди. Суннийларга ёрдам бериши уларга шаръан жоиз бўлган амал эди. АҚШпараст ҳокимият қулашини АҚШ истамаслиги ҳам табиийдир. Бунақа пайтда улар учун инсон ҳуқуқи демократия ҳақида гапириш эса ортиқча. Ўз навбатида Эрон ҳам ўзидаги ички муҳолдифат ҳукуматни истеъфосини талаб қилиб чиққанда, уларни куч билан бостирди. Ва Ахмади Нажд буларни Эронга қарши ташқи кучлар қилаётган фитналар деб атади. Ва бу гап аслида тўғри ҳам эди. Сурияда АҚШга қарши режим бўлгани учун, у ерда демократия бўлиши кераклиги гапириш айти муддаодир. Асад режими Руспараст режимдир. Уни қулатиб АҚШпараст режим ўрнатиш АҚШни манфаатига хизмат қилади. Лекин Асад режими Эрон ва Россия билан ҳамкорликда Хамасни қўллаб қувватлаяпти. Асад режимини қулаши Россия, Хитой, Эрон каби АҚШга қарши коалицияга ва Хамасга ҳам зарар бўлиши аниқ. Шунинг учун БМТ хавфсизлик кенгашини Сурияга бағишланган мажлисида Россия ва Хитой аввалги хатоларини такрорламасдан тезликда вето ҳуқуқидан фойдаланишди. Бу эса Асадни НАТОни бомбардимон қилувчи самолетларидан асраб қолди. Ўзбекистондаги мустабид режим АҚШ билан ҳамкорлик қилар экан, инсон ҳуқуқи демократия ҳақида гапирмасдан ИАК билан дўстона алоқа қилишлари мумкин. Агар ИАК режими Руспараст режим бўлганда, ва Афғонистонда қўшинларини таъминотини муаммоси бўлмаганда АҚШ Ўзбекистондаги демократия ва инсон ҳуқуқларини топталаётганини бош масала қилиб кўтариши эҳтимоли жуда яқин эди! Булар сиёсий манфаатлар олдида, диний жамоатлар учун ҳам Ислом омилини иккинчи даражада туришини кўрсатувчи далиллардир. Айти дамда инсон ҳуқуқлари ва демократик ғояларни тарқатиш Ғарб давлатлари учун ҳам конкрет сиёсий манфаатлардан кейин туради. Ва Исломий ғоялар ҳам у ёки бу жамоат ёки давлат учун конкрет манфаатлар олдида иккинчи даражали бўлиб қолиши мумкин. Булар халқаро майдондаги бугунги воқеъликдир. Мени фикримча бугунги реалликдир.

Кутилаётган эҳтимоллар

(Ёки замон ва маконнинг инсон ҳаётидаги ва шаръий ҳукмлардаги ўрни ва аҳамияти ҳақида)

Бу ерда фикр юритмоқчи бўлган мавзу асосан юқоридаги гуруҳларни Ўзбекистон доирасидаги фаолияти келажакда тахминан қайси йўналишда кетишини ва мамлакат учун мусулмонлар учун таъсири қандай бўлишини таҳлил қилишдир. Бу каби таҳлил мантиққа ва бугунги воқеъликга асосланади. Ва бу тахминлар айти ҳақиқат бўлмасада, қисман яқин келажакдаги воқеъликни тасаввур этишга имкон беради. Биз воқеъларни таҳлил қилганда таянч марказимиз Ўзбекистон бўлади. Ва воқеълар ривожини уни атрофида яъни унга бевосита таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Биз бугунги воқеъликдан келиб чиқиб фикр юритишга мажбурмиз. Бугун эса дунёда Ўзбекистон деган давлат мавжуддир. Ва у бизни ватанимиздир. Ва биз ўша ерга Аллоҳнинг иродаси билан кўп жиҳатдан боғланганмиз. Ва уни келажакдаги ўйлашимиз беихтиёр бизни вазифамиздир. Ва келажак авлодларимизни қайғурашимиз ва уларни ҳаётида биз қилган хатолар бўлмаслигини истаймиз. Буни учун келажакда қиладиган турли ишларни режалар қиламиз. Ва шу масалада динда миллат ва ватан тушунчалари йўқ деб, кўп хатоларга тушуниб тушунмай йўл қўйиб қўямиз. Аслида, бизни ҳар биримизни ўз ватанимизга ва миллатимизга бўлган интилишимиз табиийдир. Муҳими бу асослар Ислом муқаддасотларидан устун қўйилмаслиги ва уларнинг талабига тўсиқ бўлмаслиги керак. Биз ўзбек халқига мансуб эканмиз ва аجدодлар хоки ётган ватанимизни келажакдаги қайғуриш бизни зиммамиздаги масъулиятдир. Мени айтмоқчи бўлганим вақтни инсон ҳаётидаги ўрнини муҳимлиги ҳақидадир. Замон ва маконга қараб шаръий ҳукмлар ўзгаради.

Ҳалол нарса ҳаром ва ҳаром нарса ҳалол бўлиши мумкин. Бунга оддий мисол бир киши очликдан ўлиши мумкин бўлиб қолса, ва бошқа ейишга нарса бўлмаса, чўчка гўштини ҳаётини сақлаб қоладигандаражада ейиш унга ҳалолдир. Худди шу одам шу макон ва замондан ташқарига чиқса, яъни бошқа имкониятга эга бўлса унга ўша ҳалол нарса ҳаром бўлади. Вақт ва маконнинг аҳамияти нафақат исломий диний балки инсоният ҳаётининг барча соҳасида ҳам жуда каттадир. Вақт ва макон баъзи нарсаларни қадрини туширади ёки кўтаради. Бу баъзи ваъдага вафо қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик ва ҳаказолар каби маънавий қадриятлардан ташқари ҳамма нарсага тегишлидир. Зарурат ҳаромни мувоҳ қилиши фикрда машҳурдир. Биз бунини бу каби оддий масалаларда тушунамиз. Худди шунга ўхшаган бошқа каттароқ жиддийроқ сиёсий ижтимоий ва иқтисодий масалаларда кўп ҳам тушунавермаймиз. Бу ҳақида Шайх Юсуф Қарзовий “Замон, макон ва вазиятларга қараб фатво ўзгаради!” номли мақоласида шуларни ёзади. Аллома ибнун Қоййим шундай ёзади:

“Маконлар, замонлар, вазиятлар ва одатларнинг ўзгаришига қараб фатво ўзгариши ҳақидаги фасл”. Сўнг бундай деган: “Бу жуда ҳам фойдали бир фаслдир. Уни билмаслик оқибатида шариятда улкан хатолар содир бўлди. Манфаатларнинг энг юқори мартабасида турган ажойиб шарият бундай ишларга буюрмаслигини билиб туриб ҳараж, машаққат ва иложи бўлмаган ишларни мажбурият қилиб қўйилди. Чунки шарият ҳукумат ва одамларнинг дунё ва охирадаги манфаатлари асосига барпо қилингандир. Унинг барчаси адолат, барчаси раҳмат, барчаси манфаат ва барчаси ҳикматдир. Адолат жаврга, раҳматдан унинг аксига, манфаатдан зиён-заҳматга ва ҳикматдан бекорчиликка дахл қилган ҳар қандай масала гарчи минг бир таъвил билан киргазилса ҳам шариятдан эмасдир. Зеро шарият Аллоҳнинг бандлари орасидаги адолатидир, уларнинг орасидаги раҳматидир, ер юзидаги соясидир, Унинг ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростликларига тўла-тўқис ҳужжат бўладиган энг рост ҳикматидир”. Моликийлардан имом Қарофий ўзининг “ал-Иҳком” номли китобида кўйидагиларни айтганлигини кўрамыз: “Ҳақиқатда урф-одатлар ортида қолдириб кетадиган ҳукмларнинг ўша одатлар ўзгарса ҳам ўзгармасдан бир хилда бардавом қолишлиги Ижмоъга ҳилоф ва динни билмасликдир. Аксинча шариятдаги барча ҳукмлар одатлар билан ёнма-ён юради, одат ўзгарганида янги одат тақозо қилган тарафга қараб ўзгаради. Бу муқаллидларнинг янги ижтиҳодлари эмаски уларда мужтаҳидликка лойиқ бўлишлик шарт этиб қўйилса. Аксинча булар уламолар ижтиҳод қилиб қўйган ва ўзлари ижмоъ қилиб кетган бир асосдир. Бас, бизлар ана шу масалаларда ижтиҳодни янгиламасдан туриб уларга тобеъ бўламиз.” Иқтибос тугади.

Ҳозирги даврда истаймизми йўқми Миллий давлатлар ва сунъий чегаралар мавжуддир. (ҳақиқий ва сунъийлик каби ўлчовлар ҳам нисбийдир) Одамларни у ёки бу давлатни фуқароси деган тушунча одамлар онига қаттиқ ўрнашиб олгандир. Биз бугун исломда миллатчилик ва ватанийлик йўқ деб қанча гапирмайлик, бу тушунчалар реал мавжуддир. Ва улар бир кунда шаклланмагандир ва уларни бир кунда йўқотиш ҳам асло мумкинмасдир. Асосийси, бу асосда яъни, миллатчилик ирқий қарашлар асосида қон тўкишларгача етиб бормаслик муҳимдир. Мана шу аслида ноҳақ қон тўкишликга олиб боради ва қатъий ҳаромдир. Бунини шу кунги ҳаётимизда ҳам кўриб гувоҳ бўлиб турибмиз. Ирқчилик инсоният бошига кўп қиронлар солгандир. Бутун бошли халқлар ўзаро қирғин баротларда йиллар ва асрлар жанг қилганлар ва кўпминглаб одамлар қирилиб кетганлар. Ва уларни кўплари ўз келгуси авлодларига бошқа бир миллатга нисбатан адоват ва нафратни ҳам мерос қўйиб кетганлар. Баъзи минтақаларда ўшаларни бугунги авлодлари эса ўша отамерос адоватни ва қирғинни бугун ҳам давом эттираяпдилар. (Турли халқлар орасидаги мавжуд кўп йиллик миллий низолар назарда тутилаяпди) Вақт аслида ватан ва миллат тушунчасини йўқ жойдан пайдо қилади ва вақти келиб йўқ қилади. Яъни бу нарсалар табиий жараёндир. Бу орада кўплаб йиллар ўтади. Ва кўп авлодни умри шу орада поёнига етади. Биз ўз умримиз қисқалигини ва режалар қилаётганда шу қисқа умрни ва қодирлигимизни ҳам ҳисобга олиб қилиш лозим бўлади. Лекин ҳаётнинг бугунги глобаллашув жараёни келажақда турли хил исломий жамоалар орасидаги (албатта ҳаммасини эмас) ихтилофларга барҳам бериб ўзаро бирлашувга олиб келишини эҳтимоли ҳам йўқ эмас албатта. Бу жараён диний қарашлари турли халқлар орасида ҳам авваллари кўрилмаган илиқ муносабатларни пайдо қилиши мумкин.

Бу каби ақидалар ва маданиятлар ўзаро тенг шароитда учрашганда (тинч рақобатда) Ислом сақофати ғолиб бўлади иншааллоҳ. Бу ҳулосалар натижаси шахсан мени аввалги тушунган кўп нарсаларни моҳиятини қайта фикрлаб кўришга ундади. Ва мен учун баъзи нарсалар мантиқсиз ва шаръан ҳам хато деган фикр ғолиб бўлди. Валлоҳу аълам!

Ҳизбут Таҳрир Исломий Сиёсий Партияси келажакдаги фаолияти қуйидагича бўлиши мумкин.

Улар ИАК режими даврида бошқа жамоалар каби фаолият қилолмай тазйиққа учрадилар. Ва бундан кейин ҳам уларга нисбатан тазйиқлар тўхтамайди. Агар ИАК ўрнига бошқа нисбатан либерал режим келса, турмалардаги аъзолари озодликка чиқишлари мумкин. Ва ташқарида ўша режимга қарши курашни ошкора ва яширин давом эттиришади.

Агар шароит шунга йўл берса Англиядаги каби ўз партияларини расман ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказишлари ва мамлакатда идорасини очишлари мумкин. Лекин улар мамлакат сиёсий ҳаётига аралашмайдилар. Сайловларни бойкот қилишади. Халқни Халифат қуришга чақиришади ва ҳаказо.., Улар Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида тараққий топишини ва шу аснода яшашни истамайдилар. Улар мавжуд воқеъликни яъни, макон ва замонни тан олмайдилар. Ва ҳукмларни бошқа замон ва макондаги шаръий ўлчов (стандарт) асосида қабул қилишади. Худди, шу масала менимча уларни аъзолари чуқурроқ ўйлаб кўришлари лозим бўлган масаладир. Лекин, умуман олганда келажакда Ҳизбут Таҳрир Халифат масаласида бошқа гуруҳлар билан келишолмай қолиши ва Ислом умматини ичидаги кучли ихтилофларга сабаб бўлиши ва ўзи мансуб умматга катта моддий ва маънавий зарарлар келтириши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Валлоҳу аълам! Шу билан бирга айтиш жоизки, Ҳизбут Таҳрир умматни кўпминг сонли вакиллари сиёсий онгли ва ўзга сақофатларга кўр кўрона эргашиб кетмайдиган, фикрли онгли одамлар қилиб тарбиялади. Бу уларни Ислом умматига қилган ва кўриниб турган улкан фойдасидир. Салафий жамоаларни радикал бўлмаган қисми, Ўзбекистон воқеълигида нисбатан анча ижобий рол ўйнашлари мумкин. Тан олишимиз керакки, ўша Мадхалийя гуруҳи ҳам сиёсатга аралашмасликни ва ҳукуматни танқид қилмасликни тарғиб қилсада, оддий халқни дин арконлари билан таништиришда ва исломий тарбияда яхши ижобий рол ўйнай олади. Лекин улардан сиёсий фаолликни кутиш хато бўлади. Шунингдек, бу ҳулоса, мазҳабчи расмий дин пешволарига ҳам тааллуқлидир. Яна Салафийларни сиёсий ислом тарафдори бўлган оз сонли қисмига келсак, улар бугун сиёсатга аралашиш тарафдори. Ва улар мавжуд реалликни тан олишади. Яъни улар Ўзбекистон деган давлатни ва уни қонунларини чегарасини ва шу ватани эканини ва шу халқга мансублигини эътироф этишади. (Бугунги реалликда яшашади) Бу тан олиш уни Аллоҳ туширган деб эмас албатта, балки ўша нарсалар ҳозирги реаллик деб тан олишади. Бу гуруҳ ҳам келажакда кўп ижобий ишлар қилаолишига умид бор. Худди шу позициядаги салафий жамоати Мисрда парламент сайловида қатнашиб, Ихвонлардан кейинги ўринни эгаллашди. Бу дегани икки мусулмон жамоат Миср ҳукуматини ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ва атиги 9% мандат олган либерал демократлардан мутлақ устунликка эришишди. Бу салафийларни фаолияти ҳам бизни ўзбек салафийларига ўртак бўлиши мумкин. Энди Ватан ичкарасидаги ва ташқарисидаги Салафийлик даъвосидаги жиҳодий ҳаракатга тарафдор шахсларга келсак, (Иттиҳодул ажҳад) Бу тоифа токи Афғонистонда уруш мавжуд экан ўша ерда иштирок этишади. Ва қачонлардир бу уруш тугаса, Толибон яна иқтидорга келса, яъни, шунгача ўз ўзидан йўқ бўлиб кетишмаса, қуйидаги икки вариантдан бири бўлиши мумкин.

1. Бири Толибон ҳукумати уларни ўз ҳудудида қолиб яшашга рухсат беради. Ва улар ўша ерда қолиб кетишади.

2. Бири Ўзбекистонда эркин жамият қурилса, уларга қайтишга рухсат берилиши мумкин. Булар яқин келажакдаги яъни бугунги авлодни ҳаёти давомидаги бўлиши мумкин бўлган эҳтимоллардир.

(Бу гаплар Салафий бўлмаган мазҳабчилардан иборат жиҳодий жамоа бўлмиш ЎИХга ҳам тегишлидир)

Яқин келажакда кутиладиган хавф Халифат тиклаш иддаосидаги салафий гуруҳлар билан Ҳизбут Таҳрир орасида (ташқи кучларни бевосита ёки билвосита таъсирида) катта фитналар юз бериши эҳтимол. Аллоҳ асрасин. Чунки, бу иккаласи ҳам Ислом умматини етакчиси бўлишига ва Халифалик қуришга даъвогар жамоалардир. Ва шунингдек, ҳар иккала жамоат ҳам кўплаб мусулмон мамлакатларига ёйилган ва деярли барча жойда эргашувчилар бор бўлган жамоалардир. Ихвон ал Муслимин жамоаси гарчи Ўзбекистонда мавжуд бўлмаса ҳам ўрни келганда айтиб ўтиш керак, улар жуда сиёсий фаол жамоатдир. Ва ташкил топганидан бери ўтган сал кам бир аср муддат мобайнида улар ҳозир Мисрда парламентни қарийб ярмини эгаллашди. Яъни, улар қонуний йўл билан ҳукумат тепасига келдилар. Тунис ва Ливияда ҳам айтиш мумкин, улар сиёсий исломий жамоатлар ҳукумат тепасига келди. Бу дегани ўша минтақадаги учта давлатни бундан кейин маълум муддатгача мусулмон жамоалар бошқаради иншааллоҳ. Келажакда улар минтақада кўп яхши халқ учун манфаатли ишларни амалга оширишларини умид қиламиз. Бу жамоатлар ҳаётида ва қилган ишларида биз учун ҳам ва кўп йилдан бери глобал мақсадларни олдига қўйиб олиб ҳалигача эришолмай юрган жамоалар учун кўп яхши ибратлар ва ўрнаклар бор. Чунки, улар тинч йўл билан кам зарар билан мустабидлар тузумига зулмига чек қўйишга ва ҳатто ҳукумат тепасига келишга эришдилар. Аллоҳ уларни турли хил фитналардан саломат сақласин! Энди Ихвонларни кейинги фаолияти Мисрда нормал ҳаётни изга туширишдан иборат бўлади. Кейин эса, ўзларини бир қачонлардир бўлими бўлган, Ғазодаги Хамасга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилишади. Бу билан Исроил давлатини минтақадаги имконияти ҳам маълум даражада чекланади.

Шунингдек, минтақадаги бошқа исломий жамоаларни ҳам имкон қадар қўллаб туришларини кутиш мумкин. Аллоҳ уларга ички ва ташқи душманлар тарафидан бўладиган хуружлардан паноҳ берсин! Ўзбекистон Исломий Ҳаракати асли ўз низомига ва дастурига эга бўлмаган ва бирорта қурултой томонидан йиғилиб ташкил этилмаган ва бирорта жойда рўйхатга олинмаган жамоатдир. Ҳизбут Таҳрир ва Ихвонлар каби юридик ва бошқаруви жиҳатидан мукамал структурага эга эмас. Ўзбекистондан Тожикистонга бориб қолган асосан Наманганлик диндорлар тарафидан асос солинган. Ва кейинчалик сони кўпайиб кетгач, Афғонистонда Ўзбекистон Исломий Ҳаракати деб номланган. Уни ташкил топганидан 1996 йилдан то вафотига қадар (27 август 2009) Тоҳир Йўлдошев раислик қилди. Кейин куёви Усмон Одил амир бўлди. Бу ҳаракатни қўмондони Жума Намангоний бошчилигида 1999 йил Ўзбек Режими билан урушиш учун Қирғизистоннинг Боткен шаҳрига келишди. Ва киролмай орқага қайтиб кетишди. Шу уларни ИАК режимида қарши қилган жиддий бир хуружи бўлди. Бу гуруҳ Толибон қўшинига қўшилиб Аҳмадшоҳ Масъуд бошлиқ Шимолий Альянсга қарши урушларда қатнашди. Ва АҚШ бошчилигидаги НАТО қўшинлари Афғонистонни ишғол қилишгач, Покистонга ўтиб кетишди. Ва то ҳозиргача “Озод Қабиалар” дея, номланадиган ва Покистон ҳукуматига деярли бўйсунмайдиган ҳудудларда яшашади. Диний жиҳатдан мазҳабчи ва Ҳанафийя мазҳабига амал қилишади. Озодлик радиосининг уларга бағишланган бир қурултойида таъкидланишича, Ҳаракат сафида Ўзбекистонликлар кам қолган. Уларни аъзоларини кўпчилиги бошқа миллат вакиллари билан иборатдир. Ҳаракатни номи ва Интернетдаги ўзбек тилидаги расмий сайтидан бошқа, Ўзбекистонга алоқадорлигини билдирадиган аломати қолмаган. Сайтда эса, Келажакда қилишни режаллаган мақсадлар ва Қурмоқчи бўлган давлатлари ҳақида эмас, асосан у ёки бу шахсни шахид бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бор халос. Улар миллий қавмий ва ватаний алоқаларни куфрий деб ҳисоблашади. Ва бу билан табиийки, Ўзбекистонга бориш, ИАК режимида муҳолиф бўлиш каби, масалалар улар учун ўз моҳиятини йўқотган ҳисобланади. Айтиш мумкинки, улар учун энди ўша ердаги вазият ва шароит талаб қилган душман билан уриш олиб боришдан ўзга чора қолмаган. Улар қабиалараро қирғинларда қатнашганлар ва Покистон ёки Афғонистон ҳарбийларига қарши уришлар олиб боришган.

Келажакдаги глобал мақсадлари Толибон ва ал Қоида ва бошқалар билан биргаликда аввал Афғонистонда Исломий Амирликни тиклаш ва кейинчалик бутун дунёга ягона Халифат қуришлик, ва Ўзбекистон ҳам уни таркибида бўлишни таъминлаш ва Исроил ва АҚШни йўқ қилишлик ҳаказо..(Бу маълумотлар ҳаракатни собиқ амири Тоҳир Йўлдошни видеодаги нутқларидаги мазмундир) Улар мавжуд халқаро қонунларни ва давлатларни ҳеч бир шаклда тан олишмайди. Ҳаммасини йўқ қилиш ва улар устига Исломни олий қилишни мақсад қилишган. Демократияни мутлақ куфр деб билишади. Ва араб баҳорини мутлақо рад қилишади. Ҳизбут Таҳрирга ўхшаб, “бу инқилобларни АҚШ уюштираяпди ва уммат учун ҳеч қандай фойдаси йўқ” деб ўйлашади. Валлоҳу аълам! Замон ва макондаги мавжуд воқеъликни кўриб билиб туриб инкор қилишади.

Улар келажакда ҳам ўз тор мазҳабий қарашлари ва ўзларидан бошқа манҳаждаги мусулмонларни куфрга чиқаришлари ва Диндаги турли фикрлиликга тоқатсизликлари жиҳатидан кўп нохушликларга сабаб бўлишлари эҳтимоли йўқ эмас. (Адашган бўлсам, хурсанд бўлардим) Акрамийлар (Андижон Адолат ва Тикланиш) ташкилоти ҳозир ИАК режимига қарши муҳолиф бўлган сиёсий фаолиятдан бутунлай тўхтаганлар. Улар ҳозир инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланишяпти. (Аниқроғи ўзларини қамоқдаги биродарларига моддий ва бошқа ёрдамлар етказиб бериш билан шуғулланаяптилар.) Бу ҳам албатта, улуғ ишдир. Балки, келажакда ИАК режими қулаб ўрнига бошқа либерал режим бўлиб қолса Ўзбекистонга қайтишлари ва ўз ташкилотларини рўйхатдан ўтказиб яна сиёсий фаолиятга қайтиш эҳтимоллари ҳам бор. Аммо, келажакда уларни ташкилотлари янги аъзолар ва мутахассислар билан тўлдирилмаса, фақат ўзлари жиддий исломий сиёсий жамоат бўлишлари даргумон. Улар Ватанга қайтишса, халқ учун иқтисодий ижтимоий жиҳатдан кўп фойдали ишларни амалга оширишлари мумкин. Агар ИАКдан кейин ҳам мустабид режим сақланиб қолса, улар яна кўп йиллар Европа ва АҚШда қолиб кетишлари мумкин. Ва ўзлари ташкил қилган кичик бизнеслари ҳисобидан ватанда қолган сафдошларини моддий таъминлаб турадилар халос. Яқин келажакда уларда бу икки эҳтимолдан бошқаси кўринмайди. Валлоҳу аълам! Лекин улар мавжуд воқеъликда яшашади. Ва уни ривожлантиришга интилишади. Уларни мени фикримча шаръий ва жиддий хатолари, шаръий ҳукми аҳли бўлмаган шахслардан олишларидир. Бу энди уларни ўз ихтиёрлари бўлиб, бунга албатта ўзларигина масъулдирлар. Ўзбекистонлик Нурчилар эса Ўзбекистонда сезиларли куч қувватга эга бўлишган эмасди. Шунингдек, уларни ташқарида ҳам ташкилот бўлиб бирлашганлиги маълум эмас. Улар вазиятга қараб яширин ёки ошкора суратда кўпайиб бориши мумкин. Улар ИАК режимидан кейинги даврда эркинлик бўлса, анча фаоллашиши эҳтимол?! Ҳозирги шароитда уларни истиқболларида бирор натижа бўлиши даргумон. Лекин улардан умматга фитна ва зарарлар бўлмаслиги кутилади. Валлоҳу аълам!

Хулоса

Бу рисолада мен асосан инсон умрини қисақалигини ва бу қисқа умр давомида инсон Роббисига лойиқ ибодат қилиб кетишини ва бу умр давомида имкон қадар тинч тотув оиласи билан фаровон яшаши ҳам лозимлигини ва булар учун биз бир тинч ва эркин ватанга эга бўлишга муҳтожлиги бунга эса ўзимиз биргаликда барпо қилишимиз лозимлиги каби оддий ҳақиқатни яна бир бор тушунтиришга уриндим. Ҳозирча эса булар бизда Ўзбекистонликларда мавжуд эмасдир. Ва кўпчилигимиз уни барпо қилишга ҳаракат ҳам қилмаяпмиз. Диндорлар ва диний жамоалар кўп. Лекин манҳажлар ва мақсадлар турлича. Ихтилофлар кўп. Умр эса қисқа. Айтишга уринган фикрларим, умримиз қисқалиги, бугунги воқеълик, уни қандай бўлса шу ҳолда тушуниш ва олдимизга шу ҳолатга мувофиқ мақсадлар қўйиш, Хилофат масаласидаги ихтилофлар, ва кураш услубларини (Шаръий фатволарни) бугунги замон ва маконга қараб мослаштириш зарурат экани, халқаро майдонда фаолиятдаги жамоалар ва давлатлар курашида диний омиллар сиёсий манфаатлар олдида иккинчи даражали бўлиб қолаётгани, ҳозирда

юртимизда мавжуд диний жамоалар ва уларни манҳаж ва мақсадлари ва яқин келажакдаги эҳтимоллари ва бу жамоаларни мени назаримдаги ижобий ёки салбий тарафлари ҳақида бўлди. Мен айтмоқчи бўлган фикримни етказолдимми йўқми билмайман. Буни албатта ўқувчилар баҳолайди. Албатта, булар мени шахсий хулосаларимдир. Ва мен буларни хато бўлиши мумкинлигини эҳтимолдан соқит қилмайман. Шунингдек, булар тўғри бўлиши мумкиндир. Тўғри бўлса Аллоҳга ҳамд агар хато бўлса истиффор айтаман. Ва бу жамоатлардан унчалик хабардор бўлмаган бирор киши ўқиса, ўзи учун бирорта фойдалиқ хулоса чиқариб олиши эҳтимол?! Биз яъни Ўзбекистонлик муҳожирлар ўтган йили май ойида Берлинда тўпланиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини туздик. Унга 7-та ташкилот аъзо бўлди. Шулардан бири мен котиблик қилаётган Таянч Жамиятидир. Таянч ҳам Швецияда рўйхатга олинган Ўзбекистонлик диндор қочоқларнинг тўпланган жамоасидир. ЎХХнинг мақсади “Араб Баҳори” каби Баҳорнинг Марказий Осиё минтақаларига хусусан Ўзбекистонга ҳам келишидир. Бу “баҳор” келса ИАК зулмига чек қўйилади иншааллоҳ! Ва қамоқда ётган минглаб биродарлар озод бўладилар. Ўзбекистонда мустабидликга барҳам берилади. Халқга сиёсий ва диний эркинликлар берилади. Мусулмонлар ўз сиёсий партияларини тузиб Парламент ёки Президентлик сайловларида иштирок эта оладилар. Бу кунларга эришаолсак, юртимизда Исломиё қадриятлар ривожланади. Халқимиз дин арконларини тушунишга имкониятлар бўлади. Ва иншааллоҳ юртимиз вақти келиб, ҳам диний жиҳатдан ҳам иқтисодий жиҳатидан тараққий этган давлатга айланади. Асосийси, у мамлакатда мусулмонлар тазйиққа учраб бошқа жойларга кетишга мажбур бўлмайдилар. Ва мен шу кунларни келишига ва Аллоҳ насиб қилса ўз кўзларим билан кўришимга ишонч билан яшаяпман. Ва Роббимдан шу ёруғ кунларга барча мўминларни етказишини сўраб ва охиратимизни обод этишини умид қилиб дуолар қилиб қоламан!

22 январь 2012 йил.

ЎИХдаги ватандошларга даъватим

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Азиз Диндошлар ва Ватандошлар!

Сизларга расмий бир мактуб йўллаш ниятим бор эди. Ва уни шу бугун Аллоҳ насиб этди. Маълумки, АҚШ ҳарбийлари ашаддий жиноятчи сифатида ушлаб Гуантанамо қамоғига жойлаштирган минглаб мусулмонлар орасида уйғурлар ва ўзбеклар ҳам бор эди. Ўшаларни аксариятини бир неча йиллар Судсиз терговсиз қамоқда ушлаб тургач, АҚШ халқаро инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилотлар босими остида уларни БМТга топширди. Ва БМТ қочқинлар қўмитаси воситасида уларни аксарияти турли мамлакатлардан қочоқ сифатида бошпана олдилар. Халқаро қонунлар бунга йўл берди. Чунки, уларни аксарияти Афғонистонга АҚШ билан урушиш учун эмас, балки ўз юртларидаги мустабид тузумлардан қочиб борган одамлар эди. Аслида ЎИХ ҳам ИАК зулмидан қочиб борган Ўзбекистонликлар томонидан асос солинган бўлсада, кейинчалик уни таркибига бошқа турли мамлакат вакиллари ҳам қўшилиб, ИАК режимига муҳолиф куч эмас, бошқа ғояларни мақсад қилиб олган ҳаракатга айланди. Мен ғояни хато ёки тўғрилиги ҳақида гапирмоқчимасман. Аммо, имконият ва қудратга қараб мақсад қўйишлик ёки зиммага вазифа олиш айни шарият талаби деб биламан.

Хуллас, бу кураш жараёнларига аралашиб қолган жамоа охир оқибат баъзи давлатларнинг “қора рўйхат”ига тушди. Бугун “Озодлик” радиоси тарқатган хабарга қараганда ЎИХ аъзоларини кўпчилигини бошқа халқлар вакиллари ташкил этаётган экан. Бу нарса шунингча, Англатадик, Ҳаракат сафида Ўзбекистонликлар кам. Бу нуқтада ЎИХ сафидаги биродарларга таклифим бор эди. Биз Таянч Жамияти аъзолари сизлар каби ватандан тазйиқга учраб чиқиб кетган мусулмонлармиз. Сизларни кўпчилигингиз фаолиятдан чиқиб, чет элларда бошпана олганлар. Кўпчилигингиз шунга ҳаракатда. Ораларингизда аёллар ва аксарияти етим ўсаётган ёш болалар бор. ИАК режими мавжуд экан, сизлар ватанга қайтолмайсизлар. Шунингдек, бизлар ҳам. Биродарлар, сизлар афғон тупроғидаям беҳавотир эмассиз. Доимий кўчиш ва саргардонлик ва йўқотиш орасида яшайсиз. Валлоҳи, сизларнинг аҳволингизни тушунаман. Ва бундан изтиробдаман. Араб баҳори дунёда қанақа ўзгаришларга олиб келганини кўрдингизлар. Халқлар ўз мустабид ҳокимларига қарши кўтарилиб Аллоҳнинг ёрдами билан натижаларга эришдилар. Ўзбек халқи ҳам ИАК ва режимидан ўзи ҳаракат қилмаса биров келиб қутқармайди. Буни тушуниш учун 20 йил етарли бўлмадимиз? Ҳозирги кунда уни қонхўр диктаторлигини бутун жаҳон билади. Уни қўллаб қувватлаётганлар ҳам ҳозир у иқтидордалиги учунгина муомала қилишяпти. Халқ намойишга чиқса, уни қўллаётганлар юз ўгирадилар. Бунга исбот далили етарли кўрдик. Биз мавжуд халқаро қонун қоидалар воситасида кураш йўлини танлаганмиз. Ва бу каби кураш ҳам динимизга зид эмас. Шу йўлда барча кучларни бирлашиш вақти келмадимиз? Биз легитим ташкилотмиз. Қора рўйхатдамасмиз. Сизлар ҳам сафимизга кириш. Ва легитим кураш йўлини танланг. Ватанимизни Зулмдан озод этайлик. Минглаб бегуноҳ қамоқларда ётган маҳбусларни озод қилайлик. Юртимизда ҳамма эркин ва фаровон яшайдиган бир жамиятни барпо қилайлик. Бор кучимизни шунга қаратайлик. Сизлар ҳам бизлар ҳам режим қурбонларимиз. “Глобал” мақсадларни ўз ватанимизни озод этмай туриб мақсад қилолмаймиз. Имкони бўлмаган ишни динимиз зиммамизга юкламайди. Бу гапларим сизларга холис биродарлик даъватимдир. Хато бўлса, мендан. Тўғри бўлса Аллоҳдандир.

2012 йил

.....

Бу мактубга улар томонидан ва бошқа уларнинг тарафдорлари томонидан анчагина қўпол ва ҳақоратли жавоблар берилди. Кейин, уларга жавобан қуйидагича раддия ёзилди.

ЎИХга жавобан:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Аллоҳга ҳамд ва расулига саломлар бўлсин.

Мени ЎИХга мурожаатим Таянч жамияти сайтида эълон қилинганди. Ва уни нусхасини мен <http://furqon.com/> сайтига кириб сайт мутасаддиларига ҳам юборгандим. Аммо, нимагадир менга ЎИХдан эмас, Тошкентлик ўз радикал фикрлари билан менга яхши таниш Мўътабар опа Ахмедова томонидан жавоб берилгани тушунарсиз бўлди. Менимча опани жавоби ЎИХга маъқул келган бўлса керакки, ўшани менга жавоб сифатида ўз сайтларида эълон қилишибди. ЎИХ ўз номидан жавоб бериши керак эди. Ва агар мурожаатимда хато бўлса кўрсатиши лозим эди. Улар бундай қилишмади. Ва диний илми деярли йўқ бўлган опани мақоласини жавоб сифатида сайтга қўйишган. Мен опага жавоб ёзишни лозим топмадим.

Чунки, уни муставосига тушмоқчимасман. Аммо, сайт мутасаддиларини мақолага ёзган сўзбошисига жавоб ёзмоқчиман. Уларнинг ўзлари жавоб ёзишга ҳам қудрати етмаганлари ва шу кампирни жавобини ўзлари номидан жавоб ўрнига тақдим этишларига келсак, ўзимга ва уларга ҳам Аллоҳни Ҳакам деб биламан. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, мен ўша мурожаатни куфр диёридаги кимнидир талаби билан ёзмадим. Мен куфр диёрида алҳамдулиллоҳ тўла эмин эркин яшайман. Ҳеч ким мендан кимга қачон нима ёзишни талаб қилмайди.

Сайт мутасаддилари ёзган сўзбошида шундай дейилади;

“Ушбу мактубда Европа куфр диёрига бориб олиб кофирлар паноҳига кириб олган шахслардан бири Муҳаммад Солиҳ Абутов томонидан охири пайтда интернет саҳифаларида Ўзбекистон Ислоний Ҳаракатига қилинган мурожаатига раддия берилган.”

Матндаги “куфр диёрига келиб кофирлар паноҳига кириб олган шахслардан бири” иборасига келсак, мен қуйидагиларни айтмоқчиман;

1. Албатта ер юзини барчаси Аллоҳнинг мулкидир. Кофирлар ҳам Аллоҳнинг бандаларидир. Кофирлар ичида Ислонга ва мусулмонларга қаршилариям бор. Ва аксинча, динимизга ва бизга ёрдам берувчилариям бор. Ҳаммасини бир кўзда кўриш керакмас. Огоҳ бўлингки, Аллоҳнинг ўлчови сизларники билан айна бўлмаслиги мумкин!

2. Бугунги кунда ер юзида куфр ҳукм сурмаган диёрни ўзи йўқ. Қаерга боришдан қатъий ё мусулмонлар яшайдиган ёки кофирлар яшайлиган куфр куфр диёрига борасиз. Сизларга мақола юборган опа ҳам куфр диёрдан туриб ёзаяпти. Ўша куфрга бутун умр хизмат қилган ва бугун ҳам ўша куфр ҳукуматини пенсиясини олиб яшаяпти. Уни мақоласини тепасига куфр диёрдан туриб жавоб берган деб ёзсанглар тўғрироқ бўларди. Аммо, сизлар қайси диёрда эканлигингизни ёзмабсиз. Қарзай ҳукумати Ислон ҳукумати бўлмаса керак?! У Авғонистоннинг дунё тан олган ва авғон халқини аксарияти сайлаб қўйган раҳбаридир. Сизлар у ерда озчиликку. Ҳукм сизларда эмаску?!

3. Куфр диёрлари ҳам турлича. Мусулмонлар яшайдиган куфр диёрдан кўра кофирлар яшайдиган сизлар айтаётган Европа куфр диёрлари анчагина адолатлидир. Бу сўзимга қўп далиллар келтиришим мумкин. Бунга бу мамлакатларда яшаётган юз минглаб мусулмонлар ҳам гувоҳдир. Бу ерда сизни инсон сифатида қадрингиз бор. Ҳақ ҳуқуқларингиз бор. Сиз бу ерда бошқалар билан тенг ҳуқуқли яшай оласиз. Бу ерда раҳбарлар ўзини катта тутмайди, оддий инсоний муомала қилишади ҳамма билан. Динингиз буюрган амалларни бемалол қилаоласиз. Шу шароитлар Ўзбекистон деб аталган куфр диёрида борми?! Аслида икковиям куфр давлатику?! Бу ердаги муомалани кўрсангиз ва мусулмонларга солиштирсангиз ўзингиз амин бўласиз бизни баъзи ахлоқ бобида куфр аҳлидан анча пастлигимизни. Бу ерда; бирор нарса сотиб олсанг, мусулмондан олма, шведдан ол! Чунки, швед алдамайди” деб маслаҳат беришади сизга мусулмонлар. Мен ислон аҳлини ахлоқини нимага бу қадар пастлигини ҳеч тушунаолмайман.

4. Мусулмонлар яшайдиган куфр диёрларида ҳукуматлар тарафидан хоҳ араб бўлсин хоҳ ажам бўлсин мусулмонларга бўлаётган тазйиқларни бутун дунё билади. Ва ҳатто ўша куфр диёрларидаги инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар уни айтиб оламга жар солишади ҳимоя қилишади. Қайси Европа мамлакатада мусулмонларга шу каби зулм қилинаяпти?. Баъзи миллатчилар ва сўлчи партияларни мустасно қилганда, Европани бирор давлатида ҳукумат тарафидан мусулмонларга қарши сиёсат олиб борилмайди. Адолат талаби оқни оқ қорани қора дейишлик эмасми? Нимага буни тан олмаслигимиз керак? Мен ҳар нарсани ўз номи билан айтаяпман. Бу Европа давлатлари ҳам куфр давлати. Худди, Марказий Осиё республикалари каби.

Нимага энди, мен шунча йил қамоқда ўтириб чиқиб, яна ўша ерга қамоққа боришим керак эди? Адолатли куфр давлати яхшимасми, сизлар айтаётган зулм куфр давлатидан?! Майли, Европада яшаётган минглаб дин олимларини айтмай қўяқолай лекин нимага мени бу учун маломат қиласизлар?!

5. Сизлар Ислом давлати қуришдек улуғ ғояни кўтариб олгансиз. Бу ғоя фақат сиздамас, Ҳизбут Тахрирдаям бор. (Агарчи бир бирларинг инкор қилсангларда, ҳар икки томонни ғояси шундай) Аммо, буни қандай бўлишини ўзларингиз ҳам аниқ тушунмайсизлар. Яъни фақат Ўзбекистонга чекланмайдику Ислом давлати ҳудуди?! Бу каби глобал мақсадлар қўйиш яъни бутун уммат учун қайғуриш, фаластинни озод қилиш ва ҳаказо.....Сизларни ўз йўлларингиз ҳақлигига бўлган ишончни орттиради эҳтимол?. Аммо, реал ҳаётда нима қиляпсизлар?

Кундузи қаергадир бекиниб ётиш, кечаси чиқиб қандайдир амалиёт ўтказиб келиш. Бошқа нима? Ўзларингиз ҳам Ислом давлати қуришдан кўра шаҳид бўлиб кетишларингизга кўпроқ ишонсанглар керак валлоху аълам?! Менимча сизлар ўзларингиз тушуб қолган воқеъликни асирисизлар. Уни ўзгартириш имконияти йўқ сизларда. Ичларингизда фикрлироқ одамлар бор эканку, алоҳида бўлиб чиқиб кетишган. Сизлар аччиқ ҳақиқатни тан олмайпсизлар.

6. Менга сизларни ғоялар яхши таниш. Ва ақидаларингиз ҳам. Аммо, дин фақат сизларниақидангиздангина иборат эмас. Мен ҳам динни олдин худди шундай тушунганман. Халифат яхши бошқа ҳаммаси ёмон ва ҳаказо...Оддий ва содда. Ақидамда намоз ўқимаганлар кофир умуман арконларга амал қилмаганлар исломдан чиқади деб тушунардим. Бу Ибн Боз ва Ибн Солиҳлар ақидаси эди. Шу маънода Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм этмаганлар кофир деб тушунардим. Яъни уни шарт шароитига, имкону вазиятига қарамасдан. Бугун шуни тушундимки, дин менинг тор фикримдангина иборат эмас экан. Шунингдек, сизларнинг ҳам. Дабдабали гаплардан кўра, ўзимиз ҳам тасаввур этолмайдиган тузумни қуришни шиор қилиб олгандан кўра, бугун қўлимиздан келадиган ишни қилганимиз тўғри деб тушундим. Шунинг учун зулмни йўқотиш ва ўрнига озодлик динимизга эркинлик берадиган ва ҳаракат қилсак иншааллоҳ, қилиш мумкин бўлган тузум қуришни мақсад қилиб олдим. Шу маънода сизларга мурожаат ёзгандим.

7. Сизлар дин учун мусулмонлар учун шу пайтгача нима фойда келтирдинглар Худо билади?! Аммо, сизлар туфайли (Яъни сабабли) юртимиздаги мусулмонларга кўп зарарлар етгани аниқ.

1. Сизлар қурул билан ИАКга пўписа қилган сари, у ҳам дунё жамоатчилига мана қаранглар мусулмонлардан қандай хавф хатар бор? деб, ўзини репрессив сиёсатини оқлай олди. Ва минглаб диндорларни қамоққа ташлади ва қийнаб ўлдирди.. Ва ҳали бугунгача шу сиёсатни тутиб турибди.

2. Сизлар ИАК режими қолиб, у ёқларда Афғонистон ва Покистон армияси билан уришяпсизлар. Яъни сизларни ақидада улар муртад аммо, мен ақидамда улар мўминлардир.Яъни мўминлар мўминлар билан урушяпди. Турли хил қабилалар аро фитналарда қатнашгансизлар. Ваҳолонки, мўминлар бир бирини ўлдириши жиҳод ҳисобланмайди.

3. Сизлар ташқарида туриб қуруқ пўписа қиласизлар. Шу пайтгача ҳеч нарса қилмадинглар ИАК режимига қарши. Ўша бир марта Қирғизистонга келиб кетдинглар халос. Ўша Боткентга келган пайтда турмадагиларга қандай тазйиқлар бўлганини билсанглар эди.Мен турмада ўтирганман ва биламан. Агар ҳозир сизларни ораларингиздаги энг ўзини мард санайдиган кимса уларни қўлига тирик тушиб қолса борми, мен тасаввур қилаолман қанақа бўлишини мардликни. Худо асрасин. Бомбани белига боғлаб олиб ўлиб кетиш анча осон у ерга тушиб ўтиришдан менимча.

4. Сизлар сабабли ҳалигача ИАК режими мусулмонларга қарши репрессив сиёсат олиб бораёпти. Шу оддий ҳақиқатни тан олиш керак.

Нима фойда берганларинги Аллоҳ Ўзи билади?! ЎХХга қўшилиб зулми бартараф қилайлик деганимга мана қанақа жавоб бердинглар. Худди шунга ўхшаш жавобни Иттиҳодул Ажҳод гуруҳидан ҳам олгандим. Аммо, улар ўзлари жавоб беришганди. Сизлардан кўра анча одоблироқ эканлар. Худди шунга ўхшаш гап Ҳизбутлардан ҳам эшитгандим. Мана Ўзбекистондаги диний жамоатлар ақидаси ва йўли! Таблиғчилар эса умуман сиёсатга аралашмасликларини айтишганди. Аммо, улар анча мулойим жавоб беришганди. Салафийлар эса на у ёқли на бу ёқли бўлмай юришибди ҳалигача. Мен ҳамма тоифа бирлашсак ИАКни зулмига тезроқ чек қўямизми дегандим. Лекин афсус ИАК ҳали бери тахтидан қуламайдиган кўринади. Уни бахти кулгани мана шу бизнинг орамиздаги ихтилофлардир.

Қатағон қурбонларини хотирлаб

1999 йил 16 феврални Ўзбекистонда оммавий қатағонлар бошланган кун, дейишимиз мумкиндир. Чунки айнан ўша кундан бошлаб бутун Республика бўйлаб, оммавий равишда диндорлар қамоққа олина бошланди. Ваҳҳобийлик, Салафий, Таблиғчи, Нурчи, Акрамий, Жиҳодчи, Ҳизбут Таҳрир ва ҳаказо номли "экстремистик террористик" гуруҳларга аъзоликда айбланиб ўн мингдан ошиқ диндорлар қамоққа олинди. Шунингдек, Эрк ёки Бирлик каби мухолиф партияларга аъзо сиёсатчилар ва ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам ҳибсга олинди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159 ва 244 моддалари билан "Ўзбекистон Республикасига тажовуз қилишда, Конституциявий тузумни ағдаришга уринишда ва ноқонуний диний гуруҳлар тузишликда" ва ҳаказоларда айбланишди. Мана 12 йил бўлди шу қатағон машинаси ишлаб турибди. Ҳали ҳануз ўн минглаб диний ва сиёсий маҳбуслар турмаларда ётишибди. Бегуноҳ қамалган қанча одамларнинг турмалардан ўлиги чиқди. Каримов режимининг ўз халқига нисбатан бундай қатағон сиёсатини юритишда айнан 1999 йил 16 февралдаги Тошкент шаҳрида портлашлар бомба сабаб бўлди. Кейинчалик бу портлашларни режимнинг ўзи амалга оширгани ёки унга кўриб билиб туриб шароит яратиб бергани ҳақида маълумотлар ўртага чиқди. Айни сабаб унга қатағон сиёсатини оқлашга имкон яратди. Диктатор ўз режимини мустаҳкамлаб олди. Ва ўзига мухолиф бирорта ҳаракатни фаолиятига имкон қолдирмади. Шу маънода айтиш мумкинки, 16 феврал Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги тарихидаги энг қаро кунлардан биридир. Яъни, оммавий репрессия бошланган кундир. Диктатура режимини кучайтирган кундир. Шу муносабат билан Ўзбек мухолифати вакиллари томонидан шу кунни айнан қатағон қурбонларини хотирлаш кунини сифатида эълон қилиниши ва бу кун ҳар йили мухолифат томонидан ноҳақ қатағон қилинганларни хотирлаш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода бу кунги таклифимизга мухолифат вакиллари муносабат билдиришларини ҳам кутиб қоламиз. Каримов режими тугатилган кейин ҳам бу кун яқин тарихимиздаги қонли қора кун сифатида эсланиши лозим. Бу каби қаро кунларни эслашлик ва уни қайта такрорланмаслигига ҳаракат қилишлик ҳаммамизнинг бурчимиздир. Биз шу кун муносабати билан Каримов даврида турмаларда азоблаб ўлдирилган барча мўмин мусулмонларни Аллоҳ раҳматига олишини сўраб дуолар қиламиз. Ва турмаларда ётган минглаб биродарларимизни Аллоҳу Таъоло тез кунларда ёруғ кунларга етказсин, деб сўраймиз. Бу каби қонли қаро кунлар халқимиз бошига ва умуман ҳеч бир халқ бошига тушмасин деб дуолар қилиб қоламиз!

2012 йил феврал

Қатли нафс (Худкушлик) ҳукми нима?

Мен Абдуллатиф Аҳмадийнинг “ Фидоий амалиётлар шариат тарозусида” китобини ва бу каби амалиётга доир бошқа фикрларни имкон қадар ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келдим. Муаллиф 7 бобдан иборат 85 варақли рисолада турли замонларда яшаган олимлар китобларидан ва саҳобалар тобеинлар ва улардан кейинги даврда яшаб ўтган Исломот тарихидан кўплаб мисоллар келтириб, охир оқибат ўзини ўзи ўлдиришни жоиз деган хулоса чиқаради. Эътибор беринг айнан хулоса чиқаради, фатво эмас. Бизнинг эътирозимиз ҳам шу ҳақидадир. Зеро китобда келтирилган бошқа кўплаб ҳолатларга доир ҳужжатлар асослидир. Биз жиҳодни шариатда мавжудлигига ва душман билан бўлган урушда то ҳалок бўлгунча қочмасдан туриб мардона урушиб ҳалок бўлиш яъни шаҳид бўлиш шариатда бор эканлигини инкор қилмаймиз . Бизни мақоламиз мавзуси ва ихтилофимиз фақат, кейинги даврда пайдо бўлган фидоилик амалиёти ҳақидадир. Чунки, муаллиф фидоилик амалиёти ҳақида, “ фақат сирларни фош бўлмаслиги учун ўзини ўлдириш жоиз бўлар экан, ҳозирги замонамиздаги кўплаб жиҳаддан мусулмонларга фойда бўлган, кофирларга руҳий. Моддий зарар етказадиган фидоий ҳамлаларнинг шаръийлигига ҳеч шак шубҳа йўқдир.” Деган, хулоса чиқаради. (83 бет) У олиб келган далиллар ўзини ўзи портлатиб ўлдиришга (яъни фидоий амалиётга) очиқ ойдин ҳужжат бўлолмайди. Чунки, бундай ишни қилишга на бир оят ва на бир ҳадисда ва на саҳобалар ҳаётида очиқ далил бор?! Барча далиллар билвосита ва турли тарихий воқеаларга қийслаш билан олинган. Бу каби хулоса чиқаришга асос далил сифатида фақат битта ҳадис келтиради. У ҳам бўлса қуйидаги ҳадисдир. Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Сизлардан олдин яшаб ўтганларда бир шоҳ бор эди. Ун(инг хизмати)да бир сеҳргар бор эди. Қариб қолиб у (сеҳргар) шоҳга айтди: “Дарҳақиқат, мен қариб қолдим. Менга бирон бир (зукко) ғулом-ёш болани, унга сеҳрни ўргатишим учун юбор”. Шунда (шоҳ) унга бир ғуломни (сеҳргар сеҳрни) ўргатиши учун юборди. (Ғуломнинг сеҳргарнинг уйига бўлган) йўлида бир роҳиб бор эди. (Ғулом роҳибнинг) олдида ўтириб, у (роҳиб)нинг сўзларини тинглаганда бу унга (ғуломга) ёқиб қолди. Ва (бундан кейин) ҳар гал ғулом сеҳргарга бораётганида шу роҳиб олдида у билан ўтириш (учун тўхтаб) ўтар эди. Сеҳргарнинг олдида келганида эса, у (сеҳргар) уни (кеч қолгани учун) урар эди. (Ғулом) бунга роҳибга шикоят қилди. Роҳиб: “Сеҳргардан кўрқсанг, мени уйда ушлаб қолишди, дегин. Яқинларингдан кўрқсанг, мени сеҳргар ушлаб қолди, деб айт”, деди. Бир куни шундай ҳолат юз берди. (Ғулом) йўлда одамларга (шу йўлдан бемалол юришга) бермаётган ҳайвонга йўлиқди ва айтдики: “Бугун мен ким афзалроқ эканлигини билиб оламан, сеҳргарми, роҳибми”. Сўнгра у тош олиб айтди: “Эй Аллоҳ, агар Сен роҳибнинг ишларини сеҳргарнинг ишларидан кўра кўпроқ яхши кўрсанг, бу ҳайвонни одамлар (бемалол) юришлари учун ўлдир!” Ва у (тошни) ҳайвонга отиб уни ўлдирди. Одамлар эса (бу йўлдан) юриш (имкониятига эга бўлди). Кейин (ғулом) роҳибга келиб бўлган воқеанинг хабарини берди. У (роҳиб) унга айтдики: “Ўғлим, бугун сен мендан ўзиб кетдинг, чунки етган мартабаларингни кўраяпман. Дарҳақиқат, яқинда сен синовларга дуч келасан. Синалганимда мени (устозинг эканлигимни) айтма”. Бундан сўнг ғулом (туғма) кўр ва мохов (пес) ва бошқа касалликларни даволашни бошлади. (У ҳақда) шоҳнинг яқин (аён, вазир)ларидан бўлган бир кўр киши эшитиб қолди. У кўпгина совғалар олиб келиб у (ғулом)нинг олдида келиб айтдики: “Агар сен менга шифо берсанг, мана буларнинг барчаси сеники бўлади”. (Унга жавоб қилиб ғулом айтди): “Ҳақиқатан, мен ҳеч кимни соғайтирмайман – фақатгина Буюк Аллоҳ соғайтиради. Агар сен Аллоҳга иймон келтирсанг, мен Аллоҳга дуо қиламан, сенга шифо беради”. Шунда у Аллоҳга иймон келтирган эди ва Аллоҳ Таоло унга шифо берди. Кейин эса у шоҳга келиб одатдагидек олдида ўтирди. (Шоҳ) ундан: “Ким сенга кўриш ҳиссиётини қайтарди?” деб сўради. У: “Роббим” деди. Шоҳ: “Нима, сенда мендан бошқа Робб борми?” деб сўради. У: “Менинг Роббим ва сенинг Роббинг – Аллоҳ”, деди. Шунда шоҳ уни олиб ғуломни айтгунига қадар уни қийнади. Кейин (ғулом) шоҳ олдида келтирилди. Шоҳ унга айтди: “Эй ўғилгинам, сен сеҳрингда туғма кўрларни ва моховларни соғайтира оладиган ва (бошқа кўп ишларни) қила оладиган (шундай чўққиларга) чиқдинг деб (менга хабар) етди”. (Бунга ғулом) айтдики: “Дарҳақиқат, мен ҳеч кимга шифо бермайман – фақатгина Буюк Аллоҳ шифо беради”. Шунда шоҳ уни ушлаб у роҳибни айтгунига қадар қийнади. Кейин унинг олдида роҳиб келтирилиб: “Динингдан қайт!” дейилди.

У эса рад қилди. Шунда (шоҳ) аррани (олиб келишни буюрди), (аррани роҳиб) бошининг ўртасига қўйишди-да, бошини арралаб ташлашди – у (боши)нинг ярмиси (ерга) тушиб кетди. Шундан сўнг (шоҳга) унинг яқинини олиб келишди. Унга (ҳам): “Динингдан қайт” деб айтилди. Бироқ у ҳам рад этди. Шунда аррани унинг боши ўртасига қўйиб, бошини токи ярми (ерга) тушгунича арралашди. Сўнгга (шоҳ олди) ғулом келтирилди ва унга (ҳам): “Динингдан қайт!” дейилди. У ҳам бош тортди. Шунда (шоҳ) бир нечта хизматчиларига уни топшириб: “Фалон тоққа уни олиб боринглар, тепасига чиқинглар-да, чўққисига етганингларда, агар у динидан қайтса, (уни қўйиб юборинглар), йўқса, пастга ташлаб юборинглар!” Улар уни ўша ерга олиб боришди ва тоққа уни кўтаришди. У (ғулом у ерда): “Эй Аллоҳ, қандай хоҳласанг, менга шулардан етарли бўлгин!” деди. Шунда тоғ силкиниб улар пастга қулаб тушишди. (Ғулом эса яна) шоҳ олдига келди. Шоҳ сўрадики: “Сен билан бирга бўлганлар нима қилишди?” (Ғулом) айтдики: “Буюк Аллоҳ улардан менга етарли бўлди!” Шунда (шоҳ бошқа) хизматчиларига уни топшириб айтдики: “Уни кемага ўтказиб денгиз ўртасига олиб боринглар. Агар у динидан қайтса, (уни қўйиб юборинглар), йўқса, (сувга) ташланглар!” Ва улар уни (уларга буюрилган жойга) етказишди. (У ерда ғулом) айтди: “Эй Аллоҳ, қандай хоҳласанг, менга шулардан етарли бўлгин!” Шундан сўнг кема ағдарилиб кетди ва (шоҳ хизматчилари) чўкиб кетишди. (Ғулом) эса (яна) шоҳ олдига келди. Шоҳ: “Сен билан бирга бўлганлар нима қилишди?” деб сўради (Ғулом жавоб бердики): “Аллоҳ Таоло улардан менга етарли бўлди!”, сўнгга шоҳга айтдики: “Ҳақиқатан, сен мен сенга буюрган нарсани қилмагунингча, мени ўлдира олмайсан!” (Шоҳ) сўрадики: “У нима?” (Ғулом) жавоб берди: “Одамларни бир майдонда йиғиб мени дарахт танасига боғла. Кейин эса менинг ўқдонимдан ўқни олиб камон (ёй) ўртасига қўйиб: “Шу ғуломнинг Роббиси бўлмиш Аллоҳ номи билан!” деб айтиб от. Дарҳақиқат, сен мени фақат (шуларнинг барини) қилсанггина, мени ўлдира оласан. Ва (шоҳ) одамларни бир майдонда йиғиб (ғуломни) дарахт танасига боғлади, унинг ўқдонидан ўқни олди, ёйнинг ўртасига қўйиб: “Шу ғуломнинг Роббиси бўлмиш Аллоҳ номи билан!”, деб айтиб отганди, ўқ (ғуломнинг) чакасига тегди. У (ғулом) чакасини ушлаб ўлди. Шунда одамлар: “Биз ғуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”, “Биз ғуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”, “Биз ғуломнинг Роббисига иймон келтирдик!” деб юборишди. Сўнгга шоҳнинг олди (унинг яқинлари) келиб: “Сен қўрққан нарса ҳақида нима дейсан? Аллоҳга қасам ичиб айтаминки, сен қўрққан нарса юзага келди – одамлар ҳақиқатда иймон келтиришди!” дейишди. Шунда шоҳ (шаҳар) дарвозалари олдида катта чуқурликлар қазилгани буюрди. Чуқурлар қазилиб, ичларида ўтлар ёқишди. Сўнгга (шоҳ) айтдики: “Ким динидан қайтмаса, уни ўтга ташланглар!” Хизматчилар (унинг буйруғини) токи (ўтга) ёш боласи бор аёл келмагунича бажаришди. У (аёл) ўтга тушишни ёмон кўрганидан жойида тўхтаб қолди. Шунда боласи унга айтди: “Онажон, сабр қилинг, дарҳақиқат, сиз ҳақ (дин) устидасиз!” (Имом Муслим ривояти). Муаллиф ўша китобни 83 бетиде қуйидагиларни ёзади. “Ушбу ҳодиса яъни, “Бола” қиссаси тўлиғича барча фидоий ҳаммаларнинг шаръийлигига мукамал асос бўла олади.” Демак, бу ҳадисдаги қисса “фидоийлик амалиётлари” учун далил қилиб олинган ягона ҳужжатдир. Бу китобда бошқа далил келмаган. Бошқа турли Уламоларнинг фикрлари ҳам шу ҳадисга асосланган бўлиб, турли хил вазиятларда асосан мусулмонларга фойда етса, ёки бундай қилмаса мусулмонларга зарар етиши мумкин бўлса, улар ўзини ўзи ўлдириш жоиз” деганлар. (83 бет) (Шайх Муҳаммад Иброҳим ва Ҳасан Айюб) Аммо, бу Шайхлар ҳам шу шартлар топилса ўзини ўзи ўлдириш жоиз дейишган. Аммо, бориб бир жойда ўзини портлатиш ҳақида ҳеч кимдан ҳеч қандай далил келтирилмаган. Фақат Муаллиф А.Ахмадий ўзи хулоса қилиб мумкин дейди халос. Менимча, бу масалада бирорта олимни фатвоси бўлса А. Ахмадий келтирган бўларди албатта. Биз учун бу хусусдаги Олимларни сўзи фатвоси А. Ахмадийни хулосасидан муҳимроқ эди. Лекин бунақа далил йўқ. Салафийларга тегишли Анти ирҳоб сайтида фидоийлик амалиётлари ҳақида шундай маълумотлар бор. “Бироқ айрим одамларнинг ҳаракатларига келсак, буларнинг ичида ўзини ўлдириш, ўзига портловчи моддаларни бойлаб олиб, кофирларга яқинлашиб, кейин ўзини уларнинг ичида портлатиш, бу ўз-ўзини ўлдиришдир, бундан бизни Аллоҳ сақласин. Шундай қилиб, кимки ўзини ўзи ўлдирса, дўзахга абадий (мангу) кетади.

У ерда абадий қолади, худди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида айтилганидек (яъни Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари: “Кимки ўзини темир билан ўлдирган бўлса, ўша темир унинг қўлида қолади ва у дўзах ўтида тўхтовсиз абадий, доимо, мангу ўзини-ўзи шу темир билан азоблаб туради” (Бухорий (№ 5778) ва Муслим (№ 109), “Китобул-Иймон”) Бу одам ўзини ўлдириб Исломга фойда келтирмади. Бунинг сабаби шуки, у ўзини ўн, ёки юз, ёки икки юзта бошқа одам билан ўлдирса, бунда ғулом қиссасидан фарқли ўлароқ, Исломга ҳеч қандай фойда йўқ. Чунки одамлар ғулом қиссага хилоф равишда Исломни қабул қилмайди. Балки бу душманни дадилроқ қилади ва бу иш душманнинг юрагида мусулмонларга зиён етказишга ҳаракат қилишгача олиб борадиган даражада ғазаб ва аччиқланишни келтиради. Бу нарса яҳудийлар ва Фаластин халқи муносабатлари билан тасдиқланади: Фаластинликлардан бир одам ўзини портлатиб олтита ёки еттита одамни ўлдиради, улар эса ўч олиш учун олтмишта ёки ундан кўп одамни ўлдириб юборади. Шундай қилиб бу мусулмонларга ҳеч қандай фойда келтирмайди ва уларнинг ичида портловчи моддалар портлатилаётган одамларга ҳам фойда олиб келмайди. Демак, биз шу фикрдамызки, ўзларини бундай (портлатиб) ўлдираётганлар, ўзларини ноҳақ ўлдирадилар ва бу дўзахга киришга олиб келади, Аллоҳ бизни бундан сақласин, ва бу одам шаҳид эмасдир. Бордию бир одам нотўғри тушунчага асосланиб, буни ҳалол деб ўйлаб қилган бўлса, унинг гуноҳкор бўлмаслигига умид қиламиз. Лекин унга нисбат берилаётган шаҳидликка келсак, унга шаҳид дейилмайди. Чунки бу одам шаҳидлик йўлидан бормади. “Кимки ижтиҳод қилиб хато қилса, бир савоб олади” (агар у ижтиҳод қилишга лаёқатли одам бўлса). Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

“Кимки (қасддан) тоғдан ташланиб ўзини ўлдирса, доим дўзах (ўти)да пастга қулаб (тушиб, йиқилиб) туради, (у ерга у) абадий (солинади). Кимки (қасддан) заҳар ичиб ўзини ўлдирса, бу заҳарни қўлида ушлаб дўзах (ўти)да уни ичиб доим туради, (у ерга у) абадий (солинади). Кимки ўзини темир билан ўлдирса, бу темирни қўлида ушлаб дўзах (ўти)да у билан ўзини уриб туради, (у ерга у) абадий (солинади)” (Бухорий ва Муслим ривояти).” Шайх Абдулазиз Рожиҳий ўзини портлатиш зарарлари ҳақида шуларни ёзади. Портлатишлар – бу фисқ ва жиноятдир! Фисқ ва жиноятдир! Ўзини портлатувчи инсон эса, Аллоҳ бизни бундан сақласин, уйларни вайрон қилиш ва бегуноҳ инсонларни ўлдириш билан кўпгина жиноятларни содир этади: Биринчи жиноят – у ўзини ўзи ўлдиради, бу эса содир этган кимсани Дўзахга гирифтор қилувчи гуноҳи кабирадир! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Кимки ўзини бирон нарса билан ўлдирса, қиёмат кунда ўша нарса билан азобланади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Иккинчи жиноят – у иймон келтирган мусулмонларни ноҳақ ўлдиради. Бу ҳам гуноҳи кабиралар сарасига киради. Аллоҳ бу ҳақда айтади:

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатида дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93).

Учинчи жиноят – аҳд-шартномада бўлган кофирни ўлдириш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким муоҳидни[1] ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди» (Бухорий ва Муслим ривояти). Бу ҳатто мусулмонлар билан урушаётган бўлсада, хавфсизлик кафолати остида мусулмонлар ерига кирган кофирга ҳам тааллуқлидир!

Тўртинчи жиноят – мол-мулкларни вайрон қилиш ва бузиш. Улар портлатаётган бино ва иншоотларга қанча миллионлар сарф қилинган?! Ахир бу катта пулку!

Бешинчи жиноят – ер юзида фасод тарқатиш. Аллоҳ таоло эса айтади:

«Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси – ўлдирилиш ё дорга осилиш, ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ) кесилиши, ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик— шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордир» (Моида: 33).

Олтинчи жиноят – мўминларда қўрқувни пайдо қилиш.

Еттинчи жиноят – хавфсизликнинг бузулиши.

Саккизинчи жиноят – ушбу ҳаракатлар фосиқ ва мунофиқларга солиҳ мусулмонларга қарши ёмон гапларни гапиришига баҳона бўлади.

Мусулмон бундай ҳаракат орқали нимани истайди ўзи?! У Аллоҳ йўлидаги жиҳодни истайдими?! Баъзилар шундай дейишади. Ахир бу жиҳодми?! Бу қандай жиҳод бўлсин?! Наҳотки ўз жонини ўлдириш жиҳод бўлса, ҳатто у ўзини кофирлар орасида портлатган бўлса ҳам? Бу жиҳод эмас! «Шарҳ Усул ас-Сунна»

Менинг кузатишим шуки, “фидойилик амалиёти мумкин” деючилар ҳам салафийлардир. Улар томонида туриб фатво бераётган Олимлар ҳам етарли. Бу тоифани сайтини ўзбек бўлимини шу линкдан топиб ўқишингиз мумкин. <http://sodiqlar.com>

Албатта бунга ҳозирда Ҳанафий Мазҳабида эканлигини даъво қиладиган Толибонлар жамоаси ҳам қўшилишган. Шунингдек, бунга қарши чиқаётганлар ҳам салафийлардир. Улар орасида кўп асосан Саудиялик машҳур олимлар жумладан марҳум шайхлардан Аллома Албоний, Ибн Боз, Ибн Солиҳ ал Усайминлар, ҳозирда ҳаёт Робий ибн Мадҳалий ва Шайх Муқбил ва Фавзон ва ҳоказолар бор. Буларга эргашувчиларни ўзбекча сайтини шу линкдан топиб ўқишингиз мумкин. <http://uz.antiirhab.ru/page/6/> Бундан бошқа ҳам буларга тегишли ўзбекча саҳифалар мавжуддир. Хуллас, бу мавзуга киришишга сабаб “байъат ҳақида” деган мақоламда ёзган “фидойилик амалиёти” қилишга амирга байъат бериш нотўғри деган фикрни билдирган эдим. Ва бу каби “фидоилик амалиёти” ихтилофи нарса бўлиб, тўғрилигига шубҳали бўлган амалга байъат бериш нотўғри деган фикрни билдиргандим. Бу мақолада шу амални ихтилофи эканига Уламолар орасидаги мавжуд баъзи далилларни келтириб ўтдим.

Аллома Муҳаммад Султон ал-Маъсумий ал-Хўжандий раҳимаҳуллоҳни қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир. “Билинги, мужтаҳиднинг ижтиҳоди ва раъйи ҳеч қачон Аллоҳнинг ҳукми бўлмайди. Агар у айни Аллоҳнинг ҳукми бўлсайди, Абу Юсуф, Муҳаммад ва бошқалар Абу Ҳанифанинг ижтиҳоди ва раъйларига муҳолиф бўлишлари асло мумкин бўлмасди. Шунинг учун ҳам Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтганки: «Бу менинг раъйим, ким ундан яхшироқ фикрни олиб келса, мен уни қабул қиламан». Бошқа имомлар раҳимаҳумуллоҳ ҳам айтишардики: «Биз ўз раъйимизни ижтиҳод қилдик, истаган киши қабул қилади, истаган киши қабул қилмайди». Шундай экан, байъат беришни ўзига лозим тутганлар бераётган байъатини мазмунига эътибор қилсалар, уни китобу суннатга қанчалик мувофиқлигини текшириб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди. Валлоҳу аълам! Роббим ҳаммамизни имонни саломат олиб ўтишимизни насиб этсин.

2012 йил

Сиси Миср халқига хиёнат қилди

Шубҳасиз Ақшнинг хуфёна мадади билан давлат тўнтаришини амалга оширган Генерал Абдулфаттоҳ ас-сиси ўз давлатига, Президентига ва халқига хиёнат қилди. Конституцияни амалдан тўхтатиб, қонуний сайланган Президентни қамоққа олишга унга ҳеч қандай ҳуқуқ берган эмасди. У катта жиноят қилган том маънодаги жиноятчидир.

Бу манфур кимса, давлат тўнтариши қилгандан сўнги 10 кун ичида 200га яқин кишини ўлдимиға сабаб бўлдилар. 621 киши Ихвонлардан кўзга кўринганлари қамоққа олинган. Яраланганларни сонини Худо билади. Мамлакатдаги телеканаллар ёпилди ва мухбирлари ўлдирилди. Баъзилари қамалди. Миср Бош Прокурори Ихвонларни банк ҳисобларини музлатиш ҳақида қарор чиқарди.

Шунча воқеъаларга қарамасдан Ақш маъмурияти Миср генералларига ҳарбий ва моддий ёрдам бериш ҳаракатига тушиб қолишди. Аммо, Ихвонларни ҳали руҳи тушмаган. Улар рамазон келганига қарамасдан кечалари бўлсада чиқиб, ўнлаб шаҳарларда намоёишлар қиляпдилар. Қўшни Фаластинда, Қатарда ва бошқа давлатларда Мурсийни қайтарилишини талаб қилиб намоёишлар ўтказилди. Фақат Саудия, Қувайт давлатлари Хоин генерални жиноятини қўллаб қувватлашди. Дунё Уламолари Иттифоқи расмий саҳифасида қўллаб уламоларнинг Ҳофизул қуръон халқ сайлаган Президент Мурсийни қўллаб қувватлаб гапирган хутбалари матнлари чиқаяпти. Азҳар Имоми Аҳмад Тоййиб ўзини шу фитнага аралашганига афсуслар қиляпти. Энди Азҳарнинг бошқа уламолари уни истеъфоси талаб қиляпдилар. Салафийлар Нур партияси ўзларини хато қилганларини тушунгач, фитнага аралашмасликга қарор қилишди. Улар янги ташкил қилинаётган ҳукуматда қатнашишдан бош торганлар. Ихвонлар ҳам бунга қўшилмасликларини маълум қилдилар. Энди либераллар ва насронийларнинг ўзларигина ҳукумат ташкил қиляпдилар. Аммо, бу аҳволда қаергача бориш мумкин?! Яна кўпчилик асосий кучлар четда қолиб кетди. Энди улар бу янги муваққат ҳукуматга имкон берармиканлар?! Ёки, яна инқилоб бўлиб, уларни Президентини ҳам ағдариб ташлашадими?! Кеча СНН телеканалига Мурсийнинг ўғли Усома интервью берди. У тез орада отасини қайта ўз ўрнига келишини ва бунга ишонишини айтди. У отаси билан фахрланишини ва уни қилган ишини тўғри деб билишини таъкидлади. Мурсий иқтидорга келгач, Муборак давридаги амалдорларга зўравонлик қилмаганди. Уларни мансабидан бўшатиб, қамоққа ташлаш каби ишларни қилмади. Бундан қилиш яна бир халқ вакиллари орасига адоват солишини ва бу адоват ўзаро қирғинбарот миллатни парчалашини тушунганди. Қанчалик аччиқ бўлмасин у эски жиноятчиларни жазоламади. У Адолат тиклашни истарди. Аммо, улар энди буни қамаб йўқ қилишди. Албатта, хоинлар ҳам жазосиз қолмайди. Буларни жазоси шу дунёда ҳам, охирада ҳам берилади иншааллоҳ! Бу улуғ айёмларда ихвонларга ва барча мўминларга Аллоҳнинг нусратини тилаб қоламиз.

2012 йил июн.

Иқтисоди ночор давлат барибир келажаги йўқ давлатдир

Менга берилган бир саволга ёзган жавобларимни саҳифамиз ўқувчилари эътиборига ҳам ҳавола қилишни лозим топдим.

Савол; Ҳозирги мавжуд тузим кетиб ўрнига эркинлик ва кенг имкониятлар замони келса, Ўзбекистон келажагини қандай бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз? Яъни, сизнингча, қуйидаги масалаларда давлат позицияси конкрет қандай позиция бўлишини тўғри деб баҳолайсиз?!

1. Мафкура?
2. Сиёсат?
3. Ҳукуқ?
4. Иқтисод?
5. Таълим?
6. Ижтимоий адолат?
7. Оила ва мерос? Ва ҳаказо...,

Жавоблар; 1. Мени фикримча келажакда Ўзбекистонда қуриладиган тузим бугунги воқеъликга асосланган ва шу бугунги воқеъликда диний ва дунёвий тушунчаларда шаклланган тафаккуримиз рухсат берган яъни жоиз деб билган амаллар доирасида бўлиши керак. Бу дегани, тузим фуқаролик мақоми асосига қурилиши керак. Яъни давлатни барча фуқаролари дини, жинси ва миллатидан қатъий назар бир хил ҳуқуқга эга бўлиши лозим. Ва барча сиёсий, маданий ва ижтимоий, эътиқодий ҳуқуқлар таъминланиши керак. Давлатнинг шу асосларда бўлиши давр талабидир. Бу ўлчовлар бугун дунёдаги барча давлатларда мавжуддир. Ва тан олингандир. Ва буларни амалда қўллаш учун динимизда ҳам қатор далиллар мавжуд. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Давлат мафқураси эса миллий ёки муайян диний қолипда бўлмаслиги керак. (Масалан, ўзбек халқини улуғлаш, ва Эрон ёки Саудиядаги каби, бир диний тушунчани устунлиги) Чунки, диний жамоатларни тушунчалари бир биридан фарқли бўлиб, келажакда улар орасидаги ихтилофлар бўлмаслиги учун ҳам уларни бир тоифасини устун қўйилмаслиги керак.

2. Сиёсат икки хил бўлади. Ички ва ташқи. Ички сиёсатда, фуқароларни эркинлигини яъни, уларни қонунларда белгиланган барча ҳуқуқларини таъминлаш керак. Давлат халқни иқтисодий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилиши шарт. Ташқи сиёсат юритишда ҳам давлатни ички имкониятидан келиб чиқиб иш кўриш лозим. Ўзбекистон нисбатан кучли давлат эмас. Ва у Эрон Саудия ёки АҚШ каби ўзидаги мафқурани четга “экспорт” қилиш имкониятидан жуда узоқ. Шунингдек, миллий асосдаги туркий халқлар қатнашадиган турли хил йиғинларига қўшилиш ва яхши қўшничиликни йўлга қўйиш давр талабидир.

3. Ҳуқуқ масаласида агар келажакда Ўзбекистонда эркинлик даври бўлса, қонунларни қайта кўриб чиқиш ва халқни манфаатига шунингдек, динимиз талабига ҳамоҳанг қонунлар қабул қилиниши мумкин. Бу халқни иродасига боғлиқдир. Мавжуд қонунчилик жуда репрессив ва уни амалда ижро этиш механизмлари жуда тартибсиздир. Бугунги қонунлар ўзбек халқига манфаатли деб ўйламайман. Суд ва прокуратура ва ички ишлар тизимини либераллаштириш керак. Ва уларни ижро ҳокимиятидан тўла мустақиллигини таъминлаш зарур.

4. Иқтисодий муаммо, келажакдаги ҳукумат учун энг катта балки, асосий муаммолардан биридир. Халқимиз 30 млн.га яқинлашиб қолди. Ўсиш кўрсаткичи ва шунга яраша турар жойлар қуриш, экин майдонларини ҳам адолатли тақсим қилиш ва халқни ўз ўзини боқиш имкониятларини яратиш давлатни вазифаси бўлиши керак. Буларни аниқ ҳисоб китоблар воситасида, ва имкониятлар доирасида олиб бориш керак. Асосийси, янги ҳукумат ўзбек халқини умумий бойликларини, олтин, газ, нефт ва бошқаларни аввало шу халқни ўзига бериши ва ортиқчасини четга сотиши керак. Иқтисоди ночор давлат барибир келажакда йўқ давлатдир. У барибир бошқа халқларга қарам бўлиб қолишга маҳкумдир.

5. Таълим соҳасида ҳам катта ислохотлар ўтказиш зарур. Масалан, диний ва дунёвий фанлар баробар ўқитиладиган лицейлар очиш ва ўқитишни давлат тизимидан ташқари муқобил хусусий шаклини пайдо қилиш мақсадга мувофиқдир. Пул тўлаб ўқиладиган диний ёки дунёвий мактабларда талабалар истойдил ўқиши маълум. Шу ерда айтиб ўтай, масжидлар ва диний таълим даргоҳлари давлат томонидан тузилган диний бошқарма тасарруфидан чиқарилиши лозим. Уларни ҳар бири ўзи алоҳида ташкилот сифатида мустақил фаолият олиб бориши қонунан белгилаб қўйилиши лозим. Ана шу каби мактабларда ўқишни истаганларга давлат томонидан маълум миқдорга узоқ муддатли фоизсиз қарз беришни жорий қилиш керак. Асосийси, таълим жаҳон стандарти талабида бўлиши керак. Ва алфавитларни крилча, лотинча, ва арабча шакллари ҳам умумий суратда ўқитилиши керак. Буларнинг ҳаммаси давр талабидан келиб чиқаётган заруратлардир.

6. Давлат томонидан ижтимоий нафақа бериладиган тоифадаги шахсларни қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб биламан;

1. Пенсия ёшига етганлар.(пенсия ёшини ҳам тартибга солиш керак.)

2. Ногиронлар.

3. Ишсизлар. (вақтинча нафақа олади)

4. Талабалар. (илм олишни истаганларга кейин қайтариш шарти билан қарзга пул бериш)

5. Қочоқлар (вақтинча яшаб турган ишсизлар) ва ҳаказо..

Шуларга етарли миқдорда нафақа тайинлаш давлатни вазифаси бўлиши керак. Ва бунга бюджетни камида 5% миқдорида пул ажратилиши керак. (Ҳозир эса Ўзбекистонда бунга 05% Швецияда 8% ажратилади)

7. Оила ва мерос масаласида юқоридаги ҳуқуқ соҳасида айтиб ўтилгандек, халқ истагига мувофиқ мавжуд қонунчиликга зарурий ўзгартиришлар киритилиши ва ўша асосда ижросини таъминлаш керак. Масалан; маҳалла кўмиталари деб аталадиган қурилма шаклини ўзгартириб, уни ваколатига шу каби масалаларни кўриб ўша жойида ҳал қилиш ҳуқуқини бериш керак. Бу албатта, шу соҳа мутахассисларини ҳам шу ерга жалб қилишни тақозо қилади.

Бу каби кўплаб майда ва нисбатан аҳамиятсиз масалаларни кўриб чиқишни, Суд ва Ички Ишларни бошқармасини ваколатидан чиқариш керак. Маҳалла кўмиталарига кўпроқ ҳуқуқлар бериш ва турли майда безорилик ва жиноятларни, улар жойида ҳал қилиши мақсадга мувофиқ деб биламан. Шунда Суд ва ИИВ ходимларига ҳам пора олиш имкониятлари камайган ва халқ улардан қўрқиб қочиб яшамаган бўларди. Умуман олганда бу зикр қилинган соҳаларда кўпроқ ва чуқурроқ ўйлаб кўриш ва келажакда халқимизни эркин озод тўқ ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш устида бош қотириш ҳар биримизни бурчимиздир. ИАК режими абадий эмас. Муҳими ундан кейин биз қанақа тузим қуришимизни ҳозир тўла тасаввур қилаолишимиз муҳимдир! Бу борада бошқа мутахассис ватандошларни фикр мулоҳазаларини ҳам кутиб қоламан.

2012 йил.

ИАК ва уни қизлари қисмати Жаслиқ зонасида бўлиши эҳтимол?

3 август куни Қоҳирада Миср собиқ президенти мамлакатни 30 йилдан бери бошқариб келган диктатор Ҳусни Муборак устидан маҳкама жараёни бошланди. Мисрни 30 йилдан ортиқ вақт давомида бошқарган 83 яшар авторитар ҳоким Муборак коррупция ва тинч намоийишчиларга ўт очиш ҳақида буйруқ берганликда айбланмоқда. Январ-феврал ойларида Мисрда юзага чиққан халқ исёни чоғида 850 одам ҳавфсизлик кучлари томонидан ўлдирилган ва тўхтовсиз давом этган норозилик намоийишлари босими остида 18 кунлик тинимсиз қаршилик намоийишидан сўнг 11 феврал куни Муборак ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлган эди. Ҳокимиятдалиқ пайтида диктатор Муборак Миср халқини доимий репрессия ва қўрқув остида ушлаб келганди. Уни даврида Ихвонул Муслимин диний сиёсий жамоаси фаолияти таъқиқланди. Ва жамоанинг қатор фаоллари кўп йиллик қamoқ жазосига ҳукм қилинди.

Кўп минглаб мусулмонлар миср турмаларида ўлиб кетишди. Ташқи сиёсатда ҳам Муборак мусулмонларга душманлик позициясида турди. 2008 йилги Фаластин ва Исроил урушида Исроил томонида турди. Исроил билан алоқаларини дўстона тутиб, Миср орқали дори дармон ва озиқ овқат ўтиб турган Ғазо сектори билан орасидаги чегара ўтиш постини бутунлай ёпди. Шу каби ишлари билан диктатор Муборак кўпгина уламолар томонидан ҳақли равишда Ислом миллатига, Ислом умматига хиёнат қилганликда айбланади.

Мана шу диктатор энди икки ўғли ва қўл остидаги амалдорлари билан суд қилинмоқда.

Мамлакатнинг каттаю кичик шаҳарлари марказий майдонларига ўрнатилган улкан экранлар орқали мисрликлар бу маҳкамани жамоат бўлиб кузатишди. Мамлакатни 30 йил давомида қўрқув искажасида ушлаб келган Муборак, унинг яқинларгача қудратли ўғиллари ва режим амалдорларининг маҳкамага тортилишини нафақат Мисрликлар, балки аксарияти авторитар ҳукмдорлар қўл остида яшаётган араб ва араб бўлмаган халқлар ҳам катта қизиқиш билан кузатмоқда. Бу каби диктаторлар тахтдан тушса фақат халқ нафратигша учраши табиийдир. Уларга қулдек хизмат қилган амалдорлари энди уларга қарши кўрсатмалар беришмоқда. Шу каби оқибат Қаддафи ва Асадни кутиб турибди. Иншааллоҳ бошқа диктаторлар ҳам Аллоҳнинг адолати таҳтига тушиб ўз жазоларини оладилар! Каримов ўз қизлари ва амалдорлари билан тез кунларда шу аҳволга тушади деб умид қиламан. Агар ўзига қўйилаётган айблар маҳкама жараёнида тасдиғини топса, Хусни Муборак ўлим жазосига ҳукм этилиши мумкин, деб ёзди ОАВ. Бу жазо Ўзбекистонда бекор қилинган. Демак, ИАК ва унинг қизлари қисмати Жаслиқ зонасида бўлиши эҳтимол.?

2012 йил

Ҳизбут Таҳрир ваъда қилган “адолат”

Ҳизбга қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқишлик эмас деган мақоламни охирида Ҳизбут Таҳрирни марказий офисидаги расмий матбуот вакили Усмон Баҳошнинг “Халифалик давлати барча инсонлардан қуллик занжирини ечиб ташлайди ва ҳар бир инсонларга иззат ва шарафни қайтариб беради. Ҳақиқат қарор топишлиги учун одамларнинг ранги ва этиқодига қарамай инсоф ва адолат билан ҳукм қилади.” деган иборасига алоҳида тўхтаб ўтишимни маълум қилгандим. Бугун мана шу иддаони атрофида мулоҳаза юритамиз. Мен Ҳизбутлар каби, “юксак сиёсий онг эгаси” бўлмасамда, лекин, уларнинг айтган ҳизбий Халифалик тикланса, уммат учун қандай “адолат” ва “иззату шараф” бўлиши эҳтимоли хусусида фикр юритиб таҳлил қилишга уриниб кўраман. Бу таҳлилим мантиқ ва мавжуд маълумотларга таянади. Ва асло ва асло илми ғайбга даъво эмас. Албатта, мени тахминларим хато бўлиши мумкин ва тўғри бўлиши ҳам мумкин. Валлоҳу аълам! Маълумки, бугунги кунда Ислом уммати ўнларча турли туман, катта кичик жамоаларга ажралиб турибди. Ва ҳар бири ўзини энг тўғри йўлда эканлигини иддао қилади. Ва улар орасида асосан 3 та жамоат Халифат қуриш ғоясини расман кўтариб олгандир. Бошқа диний жамоалар эса умуман бу ғояга қарши бўлмасада, ҳали мавжуд лойиҳаларга қўшилмай, лекин ўзлари ҳам бирор йўл таклиф этолмайдиган гуруҳлардир. (Сўфилар ва Таблиғчилар ўз олдиларига бунақа мақсад қўйишмаган) Бу гуруҳларни ҳеч бири бошқасини тан олмайди. Агар бирортасидан Халифа сайланиб қолса, бошқалари уни тан олишмайди. Умнатнинг бошқа гуруҳлари ҳам бу масалада худди шундай. 3 та гуруҳни Биринчиси; “ал Қоида” тармоғига кирувчи гуруҳлар ёки бутун дунёга таралган жиҳодий ҳаракат қилувчи мусулмонлар жамоасидир. Булар мавжуд дунёвий тузимлар ва қонунларни тан олишмайди ва ҳаммасига қарши оммавий кураш эълон қилган.

Ва бутун дунё ҳам уларга қарши уруш эълон қилганлар.

Иккинчиси; Ихвонул Муслимин бўлиб, улар ҳам кўп давлатларга ёйилган исломий сиёсий жамоадир. Ва улар мавжуд халқаро қонунларга амал қилишни жоиз деб биладилар. Ва ўз мақсадларига эришишда масалани глобал ҳал қилмасдан, ҳар бир ўлка ўз муаммосини ўзича ҳал қилишини тарафдоридирлар. Ва бу курашда жиҳодий бўлсин, сиёсий бўлсин барча кураш туридан фойдаланиш мумкин деб биладилар. Лекин, улар анча мўътадил манҳажлик жамоадир. Дунёнинг кўп давлатлари уларни экстремистик деб ҳисоблашади. Кўп давлатлар уларни тан олади.

Учунчиси; мана Ҳизбут Таҳрирдир. Ҳизбут Таҳрир ўзи иддао қилганидек, 50 тадан кўпроқ мамлакатда фаолият юритаётган бўлса, ва ўзлари таъкидлаётганлари каби, Халифат қурилишига оз қолган бўлса, энди бир фараз қилайлик улар бирорта мусулмонлар яшайдиган давлатдаги “куч эгалари”дан ёрдам сўраб уч тўртта Генерални ўз ғояларига қўшилишга ва Ҳизбга ёрдам беришга кўндирдилар. Ва ўша Генераллар ўз давлатида ҳарбий тўнтариш уюштириб, ўз ҳукуматини Президенти ва Парламентни ҳибсга олди. Ҳизбни чақириб, улардан бирини бутун дунёга Халифа деб эълон қилди. Ўша мамлакатдаги Салафийлар, Ихвонлар, Сўфилар, демократлар ва ҳаказо.. тоифалар бу Ҳизбий Халифага Халифага байъат беришдан бош тортадилар. Янги Халифа ўзи ўтирган давлат ҳудудидаги мусулмонларни ўзига тобеъ қилишга ҳаракат бошлайди. Уларни олимларини ва раисларини ушлаб қамоққа олишади. Агар итоат этмаса Халифага байъат қилмагани учун ўлим жазоси берилади. Турли жамоалар вакиллари ё мамлакатдан қоча бошладилар ёки жон сақлаш учун Халифага байъат беришга мажбур бўлишади. Шундай қилиб, ҳали ташқи давлатлардан, АҚШ ва ОИ, ёки Хитой ва Русиядан Халифага қарши уруш бошлаш хавфи бўлмай турса, улар тезлик билан ўзи ўтирган мамлакат аҳолисини ўзига тобеъ қилиб олади. Ва бутун дунё мусулмонларига мурожаат қилиб, кофирларни қўл остида яшаш ҳаромлигини ва Халифатга қўшилишини, бунинг учун ўз ҳукуматларига исён қилиб, ағдаришни талаб қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳизбийлар ўз маҳаллий ҳукуматларига ҳужум уюштира бошлайдилар. Халифа эса тезда атрофидаги қўшниларига қарши урушиш учун қўшин тўплай бошлайди. Агар юқорида айтган катта давлатлар бунга тегмай туришса, у ўз қўшниларига қарши уруш бошлайди. Албатта, у қўшни давлат бирорта мусулмон давлати бўлади. Чунки, куфр билан қўшни ҳудудда Халифат тикланиши катта хавфу хатарга олиб келади. Шунинг учун Халифалик эълон қилиниши эҳтимоли бўлган давлат атрофида куфр давлати бўлмаслиги ва қуруқликдан ва сувдан қамал қилиш имконсиз бир ҳудуд бўлиши лозим. Хуллас, Халифат қўшини ўз халқи ичидаги ўзига қаршиларни тинчитиб бўлгач, қўшни давлатни ҳудудини босиб олиб ўз ери деб эълон қилади. Ва Туркиядаги Усмонли Халифатнинг ерларида жойлашган барча давлатларга мустақиллигини бекор қилиб ўзига қўшилишга даъват қилади. БМТга аъзо бўлган у давлатлар эса буни истамайдилар. Халифат эса, бу давлатларга уруш эълон қилади. Ва (яна такрорлайман, БМТ, ОИ АҚШ, Россия ва Хитой индамай қараб турсалар) у ён атрофидаги бир ё икки қўшнисини ерини босиб олади. Қанча одамлар мусулмонлар бу урушларда ўлади. Халифа эса, уларни шаҳидлар деб эълон қилади. Нариги тарафдан ўлганларни Аллоҳга қарши чиққанлар деб айтади. Бу аҳволни кўрган БМТ Хавфсизлик кенгаши ва унга аъзо давлатлар ҳимояланиш учун маслаҳат қила бошлашади. АҚШ ва ОИ Халифат устига Натони юборишга рози бўлади. Россия, Хитой ва Ҳиндистон ҳам урушга ўз ҳарбийларини юборишга келишадилар.

(Агар Халифани армияси шунчалик кучли бўлса) Бошқа давлатлар эса, буларга озиқ овқатлар, дори дармон ва маблағ билан ёрдам беришга ваъда беришади. Саудия, Эрон, Афғонистон, Туркия ва яна баъзи давлатлар бетарафлик позициясига ўтишади. Шундай қилиб, пайдо бўлганига икки йил бўлмаган ва шу муддат ичида қўшнилари билан урушиб, иқтисоди издан чиққан, Халифалик ҳудудига Нато, Россия ва Хитой аскарлари йиғилиб кела бошлайди. Халифа эса бутун дунё мусулмонларига жиҳодга чақириқ эълон қилади. Нариги тарафда яшайдиган мусулмонлар уламолари йиғилиб, Халифани ноқонуний ва қуръон ва ҳадисга номувофиқ эканлигини ва унга итоат этиш вожиб эмаслигини айтиб фатво чиқарадилар. Ҳизб бошчилигидаги Халифалик қўшинлари устига Россия ва Нато учқичлари бомба бўрон бошлайди. Халифалик тикланган мамлакат аҳолиси саросимага тушиб, қоча бошлайди.

Минглаб одамлар ўлиб кетади. Хонавайрон бўлади. Халифа эса ҳизбутларни мужтаҳидлари босими остида урушдан қайтмасликга ва шаҳид бўлиб ўлгунча ёки ғалабагача жиҳод қилишни эълон қилади. Албатта, Халифалик ҳудудида яшамасада, Нато, Россия, ва Хитой мусулмонларни бомбардимон қилаётганини кўриб, баъзи мусулмонлар Халифаликга ёрдамга ошиқадилар. Уларни ўз мамлакатлари ҳарбийлари ушлашга ҳаракат қилади. Шундай қилиб ўзаро қирғинлар у мамлакатларда ҳам бошланади. Деярли дунёнинг барча мусулмонлар яшайдиган давлатларида ички ғалаёнлар бўлади ва минглаб одамлар қирилиб кетади. Ғарбда яшаётган мусулмонларга эса, ўша давлатлар тарафидан қаттиқ босимлар бошланади. Демократия даври тугаб ҳаёт мамот даври бошланади. ??? Бу эртакни қуйидаги каби икки хил шаклда тугатиш мумкин.

1 вариант

БМТ га аъзо давлатлар тарафидан Халифалик яксон қилиниб, бу жанглarda минглаб одамлар, мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар ўлиб кетади. Урушдан ўлмай тирик қолган Ҳизбутларни ҳаммасини “инсониятга қарши жиноят қилган киши сифатида” ГААГА судига топширилади. Ва бутун дунёда куфр ўзини устунлигини ўрнатади. Ва дунёдаги мусулмонлар яшаётган ҳудудлари оғир иқтисодий бўҳронда қоладилар. Ва кўп йилгача ўздарини тиклаёлмай қаттиқ таназзулга юз тутадилар. Ва бу фитнани эслаб, уни уюштирганларни лаънатлаб юрадилар.

2 вариант

Халифа Нато, Россия ва Хитой армияси умуман БМТ устидан ғалаба қозонади. Улар Халифага қарши ядερний бомба ишлатолмайдилар. Ва ниҳоят урушни тўхтатиб, сулҳ таклиф қилишади. Халифа улардан товон пули эвазига сулҳга рози бўлади. Туркияда Халифалик мавжуд даврдаги ҳудудларни барчаси Ҳизбий Халифалик таркибига киради. Барча майда мусулмон давлатлар йўқ бўлади. Исроил тугатилиб, уни ерлари ҳам Халифалик ҳудудига киради. Россиядан Татаристон, Бошқирдистон, Крим, Кавказ Республикалари тортиб олинади ва Халифаликга қўшилади. Хитойдан Шинжон Уйғур Республикаси тортиб олинади. Халифалик катта ҳудудда барқарор бўлиб, дунёдаги энг катта Империяга айланади. Ақш, Хитой, Россия, Ҳиндистон ва ОИ мамлакатлари Халифага йиллик товон пули тўлаб туришади. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар йўқ қилинади. Халифаликга бўйсунмаган барча давлат йўқ қилинади. Дунёга ҳукмрон давлат ягона Халифалик бўлиб туради. Халифалик ичида яшовчи ғайридинлар эса жузъа солиғи тўлашади. Шунда (эҳтимол) “Россия зулмида қийналиб ётган мазлумларга” Усмон Баҳош айтган “Иззат ва шараф” келади. (Улар шу урушлардан ўлмай чиқсалар албатта)

Эртак тугади.

Агар ўша Ҳизбутлар айтаётган Халифат тикланса мен бундан бошқа нарсани тасаввур қилолмайман. Адолат ҳақида эса...???

Бу ҳақда яхшиси ўша ваъда бераётганларни ўзлари гапирсинлар. Қанақа адолат кутади бизни, шуни тушунтирсинлар. Уммат ўз “пешво”ларидан бунга талаб қилишга ҳақли. Мана, мен сўраяпман умматни бир вакили сифатида. Агар улар жавоб беришса, демак шу баҳона ўқувчиларимиз ҳам яқин келажакда бўладиган ҳизбий “адолат”ни билиб оладилар.

Мен ўз тасаввуримни ёздим. Турмадалигимда бир Ҳизбий менга “агар Халифалик тикланса, Халифага бўйсунмаган жамоаларнинг раҳбарлари қатл қилинади” деганди. Мен ҳайрон бўлиб, Ҳизбутларни нотўғри йўлда деб, эргашмаган олимларни қатл қиласизларми десам, у “ҳа, Халифа уммат ичида фитна чиқармаслиги учун уларни қатл қилади” деганди. Шунда мен унга, “унда сизларни Халифани ИАК дан фарқи нимада?” дегандим. У эса “Халифага ҳамма бўйсунуши шарт” деганди. Мен унга “агар ўша сен айтган Халифа келса, мен бўйсунмайман! Чунки, сизларни ақидада адашган деб биламан” дегандим.” Мен ҳалиям шу сўзимда турибман. Чунки, Халифага бўйсунуш ҳам уни куфрга кетмаганлиги шарт билан бўлади.

Ва Аллоҳга осий бўладиган ишга буюрса, ким бўлсада итоат қилинмайди. Бу энди умуман бошқа мавзу.

26 ноябр 2012 йил

Ҳизбутларнинг ҳақиқати

Ҳизбут Таҳрирга умматнинг муносабати

Ислом оламида жуда кўплаб жамоалар ва гуруҳлар бор. Шулардан бири Ҳизбут Таҳрир партиясидир. Бугунги кунда бу жамоа ўзини иддаосича дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатиди ўз бўлимига эгадир. Уларга нисбатан дунё мусулмонлари турлича мавқеъга эгадирлар. Баъзилар уларни куфрга чиқарса, бошқалар адашган жамоат дейишади. Яна баъзилар уларни Ғарб томонидан қўллаб қувватладиган ва уларни манфаатига хизмат қиладиган гуруҳ деган фикрдалар. Булардан қатъий назар уларга энг тўғри йўлдаги тоифа деб биладиганлар ҳам йўқ эмас. Айни ана шулар унга эргашдилар. Ва шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, улар шундай фикрда бўлишга ҳақдордирлар. Худди, уларни муҳолифлари уларни адашган деган фикрда бўлишга ҳақдор бўлгани каби. Ким ҳақ ким ноҳақ Аллоҳни Ўзи қиёмат куни баён қилажак. Лекин, Ҳизбут Таҳрир гуруҳи ўзларини умматнинг етакчиси мақомига кўтаришни хуш кўришади. Ва аксарият даъватларида шунга алоҳида урғу бериб гапиришади. Мана шунга эътирозим бор. Ҳизбут Таҳрир партиясига аъзолар бир ярим миллиардга яқин умматдан 1% ҳам ташкил қилмайдилар. Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлсак, 30 миллионлик аҳолидан 30 мингта Ҳизбут Таҳрирга аъзо одам йўқ. Агар бўлса ҳам бу 0,01 % ҳам ташкил қилмайди. Бу бугунги воқеъликдир. Марҳамат сўзларимда хато бўлса менга раддия беришлари мумкин албатта.

Ҳизбут Таҳрир ОАВдаги тарғиботлари

Бугунги кунда кўплаб тилларда хусусан араб, рус ва ўзбек тилларидаги Ҳизбут Таҳрир томонидан тарқатилаётган маълумотлар интернетда тўлиб кетгандир. Уларни видео мурожаатларини йотуб порталидан, фаесбоокда ва турли сайтларда учратиш мумкин. Бу албатта, бошқа жамоаларга ҳам тегишлидир. Мен бугун Ҳизбут Таҳрир партиясини ўзбек бўлими фаолиятига аниқроғи ўша бўлимни сайтидаги мақолаларга ўз муносабатимни билдирмоқчиман. Бугунги кунда “Ҳизбут Таҳрир Ўзбекистон” номли ўзбек тилидаги сайт пайдо бўлган. Бу фикримча Швецияда яшайдиган ва аллақачон швед фуқароси бўлиб олган уч тўрт киши тарафидан бошқарилаётган сайтдир. Ва айни шу тоифага, бугун Ҳизбут Таҳрир ўзбек бўлими номидан гапиришга “рухсат” берилган бўлиши мумкин. Булар ҳам муҳиммас, аммо, мен айни шу “Ҳизбут Таҳрир Ўзбекистон” саҳифасидаги мақолаларга муносабат билдирмоқчи бўлганим учун буни эслатиб ўтдим.

Мақолага муносабат

“Uznews.net саҳифасида ва BBC ахборот агентлигида Ҳизб ут – Таҳрир хусусидаги чоп этган мақоласига раддия” деб номланган мақола “Ҳизбут Таҳрир Ўзбекистон” саҳифасида мана шу линкда турибди.

<http://hizb-uzbekistan.info/index.php/multimedia/khosreportazh/zbekiston/313-uznews-net-sa-ifasida-va-bbc-a-borot-agentligida-izb-ut-ta-rir-khususidagi-chop-etgan-ma-olasiga-raddiya>

Автори кимлиги кўрсатилмаган мақола шундай бошланади; Биз бу каби мақола ва баёнотларга ўз эътиборимизни қаратмоқчи эмас эдик, бироқ бу мақола ортида турган ҳақиқатни ва Ўзбекистонда ҳозирда ва келажакда рўй бериши мумкин бўлган сиёсий ўйинлар ҳусусидаги фикрларимизни ўз ҳалқимиз билан бўлишмоқчимиз. Демак, мақолани ўқиётганлар “Ҳизбут Таҳрир ҳақиқати”ни ўқишга тайёрланишсин.

Иқтибос” “Эрк” партиясини етакчиси Мухаммад Солих Европа Иттифоқи давлатларнинг бирида узоқ йиллардан бери истиқомат қилиб келади, у Европа Иттифоқида сиёсий қочқин мақомига эга бўлиб, Европа Иттифоқининг химоясида. Бу ҳолатда Европа Иттифоқи Мухаммад Солихни химоясига олишлиги, келажакда ўз геосиёсий режаларига мувофиқ, ҳусусан, Ўзбекистонда Мухаммад Солихни президентликка олиб келиб, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришликдир.”

Мана ўша “ҳақиқат” Мен агар бу “ҳақиқат” Ҳақиқатдан ҳам ҳақиқат бўлганда, тўғриси хафа бўлмасдим. Бундан мен ўзбек халқига фақат манфаат бўларди деган фикрдаман. Мени дин ва дунёни тушунишим мана шу фикрга олиб келади. Лекин, бу “ҳақиқат” хали ҳақиқат эмаслигини яхши биламан. ОИ учун ўз манфаати ўзбек режимини ўзгартиришдан кўра анча муҳимроқ. Ўтган йили ИАКни Брюсселга таклиф қилингани фикримиз далилидир. Шунингдек, мана шу мақолаларни ёзаётган ҳизбутларга Швеция бошпана бергани каби, Мухаммад Солихга Норвегия бошпана берган ва “Европа Иттифоқининг химоясида” деган ибора аслида барча бошпана олган қочоқларга тегишлидир. Бу бир кишининг алоҳида мақоми эмас. Мақолада битта тўғри гап бор. “Бугунги кунда Марказий Осиёдаги АҚШнинг стратегик манфаатларини Каримов тўла-тўқис бажариб келмоқда” Лекин автор мана шу гапини ҳам кейин ўзи инкор қилади. Иқтибос; Лекин Каримовнинг репрессив режими, ўз халқини ёвузлик билан зулмлаш бўйича араб ўлкалари диктаторларидан ўтса ўтаяптики лекин асло қолишмаяпти. Шунинг учун АҚШ давлати билан геосиёсий манфаатлар устида рақиб ҳисобланган Европа Иттифоқи ва шунга ўхшаш кучларнинг “араб баҳори” инқилоби туфайли ағдариб ташланган Тунис тоғути Зайнулобиддин, Миср тоғути Хусни Муборак, Ливия тоғути Каззофий, Яман тоғути Али Абдуллоҳ Солих ва Сурия тоғути бўлмиш Башор Асадларга ўхшаб, Каримовни ҳам ағдариб ташлашликка чақирмоқдалар.” Бу ерда “араб баҳори”га Ҳизб ут – Таҳрир муносабатини тушуниш мумкин. Худди, Русия ва бошқа авторитар режимлар каби, улар ҳам “араб баҳори” Ғарбнинг сценарияси асосида таёрланган деган фикрдалар. Ва шу сабабли ўз давлатларида Мисрнинг ихвонлардан бўлган ҳукуматини танқид қилиб келишади. Лекин, АҚШ учун айтилган муддао бўлган Муборак режимини қулатиш АҚШга нима учун зарур эди деган мантикий саволни ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Бу масалада биз бу инқилоблар ҳеч қандай ташқи кучларни эмас, аввало Аллоҳни ва кейин ўша мазлум халқларни иродаси билангина пайдо бўлган воқеъликдир. Энди кейинги жумладаги мантиқсизликга эътибор берайлик. Иқтибос; Аммо АҚШ давлати, Каримов сингари Америка манфаатларини тўлалигича таъминлаб бера оладиган Ўзбекистон сиёсатида бирорта малайни топмагунча, Каримовни ўз лавозимидан кетгазишлиги унинг манфаатларига зиддир. Шунинг учун Каримовнинг ўрнига келиши мумкин бўлган эхтимолий сиёсатчиларидан бири бўлган Мухаммад Солих, Европа Иттифоқининг манфаатларини рўёбга чиқариб бера оладиган сиёсатчилардандир” Бундан чиқди, Мухаммад Солих ИАК ўрнига АҚШ ва ОИ томонидан тайёрланаётган одам бўлиб чиқадими?! Унда АҚШ ва ОИ рақиблиги қаерда қолади?! Ва юқоридаги айтилган “Бугунги кунда Марказий Осиёдаги АҚШнинг стратегик манфаатларини Каримов тўла-тўқис бажариб келмоқда,” деган гап қаерда қолди?! Автор ўзини ўзи инкор қилаяпти. Иқтибос; “Эндиликда бўлса АҚШ давлати, Каримовнинг мана шундай репрессив сиёсати билан ҳокимият устида ушлаб туришлиги осон кечмаяпти. Шунинг учун ҳам АҚШ, Каримовни ҳокимият тепасида ушлаб туришлигини оқлашлик ва фақат Каримовгина Ўзбекистонда тинчликни сақлаб туришлиги мумкин бўлган шахс сифатида намоён қилиш учун, бутун дунёга “террорист” ва “экстремист” қилиб кўрсатишликка уринаётган Ислоҳ ва мусулмонларни “сиёсий сахна”га чиқаришликка

уринмоқда.” Усмон Ҳақназаровнинг ИАК режими билан АҚШ орасидаги ёзишмаларида ИАК ўрнига қизини қўйишга тайёрлаётгани ва бошқа қўплаб маълумотлар бугун АҚШ билан ИАК режимини яқинлашганини кўрсатаяпти. Агар АҚШ инқилоб уюштироқчи бўлса ва ИАК ўрнига “бутун дунёга “террорист” ва “экстремист” қилиб кўрсатишликка уринаётган Ислом ва мусулмонларни “сиёсий сахна”га чиқаришликка уринаётган, яъни, Муҳаммад Солиҳни олиб келмоқчи бўлса, Ўзбекистонга серқатнов бўлиб қолган АҚШ мулозимларини ва улар билан ораларидаги махфий ёзишмаларни ЎХХ сайтида Усмон Ҳақназаров имзосида нашр қилинганини қандай тушуниш мумкин?! Қани бугунги АҚШ ҳукуматини ЎХХ билан ёки Муҳаммад Солиҳ билан бирор алоқаларини тасдиқлайдиган факт борми?! Наҳотки, ўз уйдирмаларини “Ҳақиқат” деб айтишдан уялмаган бу номсиз муаллиф?! Мақолани бу қисмида номсиз автор Ҳизб ут – Таҳрир ҳақида мақтаб гапирди. Иқтибос; Бугунги кунда Ҳизб ут – Таҳрир дунёнинг қатор давлатларида ўтказаятган долзарб муаммоларни ечимларига бағишланган конференциялар ўтказишлиги ҳам, бунинг ёрқин далилидир” Бу ерда айнан қайси мамлакатларда халқаро конференциялар ўтказиши айтилмаган. Лекин, буни биламизки, бирортаси бирорта мусулмонлар яшайтган давлатларда ўтмагани аниқ. Чунки, дунёнинг аксарият давлатида уларни фаолияти таъқиқланган. Европа давлатларида яшайтган Ҳизбутларгина бундай конференциялар ўтказмоқдалар. ВА ўзларини ОИ манфаатини ифодаловчи ҳисобламайдилар. Ва айни пайтда шу ОИ давлатларида яшайтган ўзбек муҳолифатига ва уни Лидери Муҳаммад Солиҳни эса “Европа Иттифоқининг манфаатларини рўёбга чиқариб бера оладиган сиёсатчилардандир”деб таъкидлашади. Қани мантиқ?! Мана бу иддао эса янада тушунарсиз. Иқтибос; “Ҳизб ут – Таҳрир 1953- йилда илк бор ўз фаолиятини бошлагандан то ҳозирги кунга қадар, турли хил тухмат ва бўхтонларга учраб келади. Бунинг мисоли; Ўзбекистонда 1999- йили 16- февралда Тошкентдаги портлашлар, 2004- йили март ойининг охири кунларида Тошкентнинг Қибрай туманида ва Бухоро шаҳарларида содир этилган терактлар ва нихоят 2005- йилнинг 13- май куни Андижонда бўлиб ўтган қонли воқеалар ортида Ҳизб ут – Таҳрир турибди деб, каззоб Каримов жаҳон ОАВ журналистлари учун пресс-конференциялар уюштириб бутун дунёга жар солган. Аммо бутун дунё эксперт ва таҳлилчилари, Ҳизб ут – Таҳрирни моддий иш билан шуғулланмаслигини ва ўз тариқати бўлмиш фикрий ва сиёсий курашдан воз кечмаганлигини бир овоздан эътироф этишган.» Маълумки Ҳизб ут – Таҳрир 1953 йилда Фаластинда ўз фаолиятини бошлаган. Ўзбекистонга эса келганига 20 йил бўлгандир. У Ўзбекистонга тегишли бўлмаган халқаро партиядир. Лекин бу муаллиф Ҳизб ут – Таҳрирни ўзбек бўлимига тухматлар бўлди демасдан, умумий қилиб айтган. Дунёнинг бошқа 50 та мамлакатида демак уларга ҳеч нарса бўлмагандирда эҳтимол?! Аммо, юқорида айтилган қўплаб қонли воқеаларни уюштирганликда айбланиб минглаб мусулмонлар қамалди. Хусусан Эркчилар ҳам. Мен 1999 йилдаги портлашларда айбланиб қамалган Мамадали Маҳмудовни ва Муҳаммад Бекжонни тутқунликда кўрганман. Бу портлашга алоқадорликда айбланиб Муҳаммад Солиҳни ўзи ҳам сиртдан 15 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ҳизбутларни жиҳодий ҳаракатлар қилмаслигини ўзлари ҳам тасдиқлашади. Уларни аксарияти варақа тарқатиб қамалишганди. Мен варақа тарқатиб қамалган мингларча ҳизбутларни кўрганман. 1999 йилда портлашга алоқадорликда айбланиб қамалган ҳизбни кўрмаганман. Номсиз муаллиф яна “Ўзбекистон халқининг аксарияти воқиф бўлмаган” фақат “узоқни кўра оладиган Ҳизбийлар”гина воқиф бўлган ажиб ҳақиқат”ни баён қилади. Иқтибос; Андижон воқеаларида эса, Ўзбекистон халқининг аксарияти воқиф бўлмаган Каримовнинг хийлаларидан айрим жихатларига тўхталиб ўтсак. Собиқ Иттифоқ республикаларида, хусусан Украина, Грузия ва қўшни Қирғизистонда бўлиб ўтган рангли инқилоблардан сўнг, бу силсилалар занжири Ўзбекистонга яқинлашиб кела бошлагач, Каримов бундай воқеалар Ўзбекистонда содир бўлмаслиги учун халқнинг қалбига кўркув ғулғуласини солишлик ҳаракатига тушиб қолди. Бунинг учун эса, сунъий равишда Ўзбекистон фуқаролари орасида норозилик кайфиятини пайдо қилишликка ҳаракатлар бошланди. Бу йўлда у МХХни ишга солиб, гўёки МХХ иккига бўлингандек қилиб кўрсатишлик орқали, бир гуруҳи Каримов тарафдори, иккинчи гуруҳ эса унга қаршидек қилиб кўрсатиб, одамларни хусусан диний айбловлар билан қамалганларни хонадонларига Каримовга “қарши” бўлган МХХ ҳодимлари

бирма-бир кириб, оила аъзоларини Каримовга қарши кўтарилишликка, уларнинг озод қилишлик учун ҳаракат қилишликка, бошқа фуқароларни эса иқтисодий, ижтимоий адолатни тиклашлик учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишлигига тарғиб қила бошлашди. Ишни кўламини кенгайтиришлик учун ва имкон қадар кўпроқ одамни йиғишлик мақсадида инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва турли хил жамоаларни ҳам бу ишга жалб қилишди. Бу ишнинг фитна эканлигини юқорида тилга олинган ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳалқни Бобур майдонига олиб чиққан жамоалар билишмас эди.” Қизиқ, бу ишни қилган гуруҳ (Акрамилар)ни ўзлари тан олиб турсада, “узоқни кўраоладиган ҳизбий” муаллиф ўз уйдирмаларини “Ҳақиқат” деб баён этади. “Каримовга “қарши” бўлган МХХ ҳодимлари бирма-бир кириб, оила аъзоларини Каримовга қарши кўтарилишликка, уларнинг озод қилишлик учун ҳаракат қилишликка, бошқа фуқароларни эса иқтисодий, ижтимоий адолатни тиклашлик учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишлигига тарғиб қила бошлашди.” Бу гапга кулишнинг йиғлашнинг билмайсан одам. МХХлар уйма уй кириб ҳалқни қўзғолонга даъват қилсая?! Қоил! Ўзини ҳаддан ташқари онгли сиёсатни тушунадиган деб ҳисоблашлик бу ҳизбутларга теккан касалликдир. Мўмин киши сал пастфеълроқ бўлгани афзал. Ҳаммадан зўрман ва ҳаммадан кўп нарсани билмаган деган иддаодан уялиш керак одам. Иқтибос; Аммо Ҳизб ут – Таҳрир, фикрлаш тариқатига мувофиқ равишда бу воқеликдан юқорилаб, фикр юритиши натижасида, бунинг фитна эканлигини кўра олди” Қойил Ҳизб ут – Таҳрирга. Офарин! Бошқа изоҳга ҳожат йўқ.

Иқтибос; Ўша қонли воқеанинг яна сценарийларидан бири, Андижон шаҳрининг турмаҳонасига, Каримовнинг қора ишларини амалга ошириб берадиган кимса полковник Махмуд Худойбердиев ва унинг каллакесарлари ҳужум уюштиришиб, гўёки ўзларини исломий жангчи қилиб кўрсатишиб, турмаҳонадаги барча маҳбусларни озод қилгандек бўлиб, қўлларига автоматларни тутқазган ҳолда ташқарига чиқишларини айтганлар. Бунинг натижасида бир ярим минг маҳбус қочиб чиқиб кетган. Лекин ўша пайтда турмаҳонада Ҳизб ут – Таҳрирнинг етмиш аъзоси ҳам ҳибсда сақланаётган бўлиб, улар сиёсий онг эгаси бўлганликлари учун, бу нарсани фитналигини билдилар ва ўз камераларидан ташқарига чиқмадилар ва ўз яқинидаги камерадагиларга ҳам чиқмасликни айтганлар.” Бу сатрларни изоҳлаш учун сабр тоқатим етмайди. Акрамийлар турмани очишган ва ўз дўстларини шунингдек, бошқаларнинг озодликка чиқаришган. Бу факт. Ҳизбутлар сиёсий онглари юқори бўлган учун чиқмаган бўлсалар бу менга ўхшаган сиёсий онгли бўлмаган киши учун тушунарсиз ва ғайри оддий нарсалар. Мен бунақа маълумотни энди эшитишим. Ўша ердан чиққанлар ҳозир Швецияда яшайпти. Тўғри қилди чиқиб. Нима у ерда ўтириб ўлиб кетиш керакмиди?! Шу нарсани нимасини мақтаниб ёзади бу муаллиф ҳайронман?! Ўша Ҳизбутларга ИАК раҳмат айтганмикан чиқмаганига?! Аксинча, “Маълум вақт ўтгандан сўнг, ўша йигитларимизни бошқа қамоқхоналарга этап қилишди ва МХХ ҳодимлари қамоқхонани тарк этмасликни ким буларга етказганини билишлик учун, турли хил қийноқлар билан азоблашган” Шу керакмиди уларга?! Хуллас, бу мақолага қисқача муносабат билдирдим. Ва яна бошқа мақоаларга фикр билдириш ниятим бор. Бу фикрлар менинг шахсий фикримдир. Ва бу фикрларга фақат ўзим масъулман. Фикрларим тўғри ва хато бўлиши мумкин. Мен ўз фикримни далиллар баён этишга ҳақлиман. Ва ўзгаларни ҳам шундай ҳаққини эътироф этаман. Шунинг таъкидлаб ўтайки, Ҳизбутлардан фарқли ўлароқ мен динда бирорта шайхга ё мазҳабга мутлақ эргашувчи эмасман. Ва бирорта мазҳаб, ёки шайх ҳеч ким мени Амир, Президент ким бўлмасин ўзига тобеъликка мажбур қилолмайди. Бу мен танлаган йўлдир. Ва ягона Роббим бандалар учун Олий Ҳакамдир!

М. Абутов.

2012 йил

Салафийлашиш жараёнлари табиийми?

Бу мақоладаги фикрлар менинг шахсий кузатувларимдан келиб чиққан хулосалардир.

Бугунги Ислом олами бир бирига қарши кучли қарама қарши мавқеъни эгаллаган икки қутб орасида қолмоқда. Бир тарафда салафийлик кенг ривожланиб, тобора кўп мусулмон мамлакатларига ўз таъсирини ўтказаяётган бўлса, иккинчи томондан мазҳабчилик, ёки бирорта мазҳабга тобеъ бўлиш шарт деб билувчилар ва уларнинг тарафдорлари туришибди. Шиаларни ҳисобга олмаганда дунёдаги мусулмонларни 70%га яқинини мазҳаб доирасида эътиқод ва амал қилувчилар ташкил этади. (Албатта, бунга ўзларини ,Шофийий, моликий, ҳанафий ҳисобласада, қилаётган амалларида ҳанафийликка, умуман мазҳабга мутлақо алоқаси йўқ кимсалар ҳам киради) Қолган 30 % Салафийларнинг турли тоифасига мансубдир.

Мазҳабчилар орасида ҳам яна турли хил тоифалар бўлишига қарамай уларнинг барини мазҳабга муносабати жиҳатидан бир тоифага (мазҳабчиларга) ажратиш мумкин. Шунингдек, салафийлар ҳам турли масалаларда бири бирига зид қарама қарши мавқеъда турсаларда, мазҳабга муносабати жиҳатидан бир гуруҳга ажратиш мумкин. Бу мақола мавзуси дунё мусулмонларини мавжуд мазҳабларга муносабатини қисқача таҳлил қилишлик бўлгани учун, асосан шу икки Мазҳабчилар ва салафийлар (ёки бемазҳаблар) тоифасини зикр қилдим.

Бугунги кунда бу икки тоифага мансуб дунёга машҳур Ислом уламолари бордир. Улар ва уларга эргашувчилар орасидаги таъбир жоиз бўлса, қуръон ва ҳадисга асосланган ҳолда мафкуравий “ғоявий кураш” кенг миқёсда давом этаяпти. Бу кураш энди масжидлардаги маърузалар, мадрасалардаги дарслардан ошиб, интернет саҳифаларига кўчди. Ўз навбатида бу очиқчасига кўзга кўринмас курашнинг ҳар иккала жабҳасида ҳам “ўзбек бўлими” мавжуд бўлиб, улар ҳам бу глобал кураш майдонида фаол ҳаракат қилаяптилар.

Ўзбек халқининг таниқли шайхларидан бири Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзбек мазҳабчиларнинг забардаст вакили ҳисобланади. Шунингдек, расмий Диний Бошқарма ва бошқа баъзи жамоалар вакиллари ҳам шулар жумласидандир. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга тегишли бўлган бир неча сайтлар бу йўналишда фаол ҳаракат қилмоқда. Шайхни сайтида бошқа мамлакатларда яшайдиган у билан мазҳаб масаласида ҳамфикр шайхларнинг асарларига ҳам кенг ўрин берилган. Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг “Мазҳабсизлик шариати исломга таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир” асари шулар жумласидандир.

Салафий йўналишидаги саҳифалар ҳам ҳозирги кунда араб,инглиз, рус, ўзбек каби бошқа ўнлаб тилларда кенг миқёсда тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг ўзбек тилли саҳифаларидан бири <http://www.islamnuri.com/> сайтидир. Салафийликнинг авом тилида "мадҳалийя" деб аталадиган бир тармоғи бўлиб, Шайх Рабиъ ал Мадҳалий шогирдлари бу йўналишда фаолият олиб бормоқдалар. Бу йўналишнинг "ўзбек бўлими" томонидан очилган сайт <https://tavhid.com> деб номланади. Айтиш мумкинки, бу икки йўналишни ўзаро ихтилофларини жадаллаштириб турувчи ташқи омиллар ҳам йўқ эмас. Булардан бири сиёсий тузумлардир. Мусулмон мамлакатларидаги аксарият тузумлар мазҳабчиликга кўпроқ урғу беришади. Жанубий ва марказий осийёдаги мусулмон мамлакатлар аҳолиси аксарияти тарихдан Абу Ҳанифани Ҳанафийя мазҳабига биноан эътиқод ва амал қилиб келишган. Шу сабаб бу мамлакатлардаги сиёсий тузумлар ҳам ҳукмлари анча кенг ва нисбатан мўътадил бўлган шу мазҳабни ўз ҳудудларида ривожланишидан манфаатдордирлар. Саудия давлатидан бошқа бирорта мусулмон мамлакатда салафийлик йўналиши давлатни ички сиёсатига таъсир этаоладиган даражада ривожланмаган. Салафийларнинг жиҳодий радикал йўналиши эса, бугун дунёга “Ал Қоида” номи билан машҳурдир.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий Ўзининг «раддус салафийя» китобида шундай ёзади; “Масдари Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу орқали икки шайх ривоят қилган Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларидир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Инсонларнинг хайрлиси менинг асрим аҳли, кейин уларга яқин бўлганлар, сўнгра уларга яқин бўлганлар. Сўнгра шундай қавмлар келадики, уларнинг гувоҳликлари қасамларидан, қасамлари эса гувоҳликларидан ўзиб кетади.» (Яъни, гувоҳлик бериш ва қасам ичиш масаласига шу қадар масъулиятсиз ёндашадиларки, улар гувоҳликни енгил санаб қасам ичаверадилар.)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кетма кет, тартиб билан зикр қилиб, уларга “хайрли” дея гувоҳлик берган уч аср (аҳли) дан мурод кимлардир? Улардан мурод, ўша асрларда яшаган мусулмонлар мажмуасими, “Хайрли” ҳукми, улар орасидаги баъзи бирларининг ёки уларнинг кўпчилигининг ҳолатидан қатъий назар, ўша асрдагилар мажмуаси ҳақида айтилганми? Ёхуд “хайрли”лар дея, уларнинг бирортаси ҳам истисно қилинмаган ҳолда уларнинг барчаси дохил бўладиган, ана ўша (аср) мусулмонларидан бўлган ҳар бир шахс эътибор қилинадими?! Бу ҳақидаги ихтилоф маъруф ва машҳурдир. Жумҳур уламолар наздида, салоҳият ҳамда истиқоматдаги даражаси ҳамда тафовути турлича бўлишига қарамасдан “хайрият” баҳоси бу уч аср аҳлидан бўлган ҳар бир шахс ҳақида собитдир.” Яъни, Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий фикрича Аввалги уч асрда яшаган мусулмонларни ҳаммаси эргашишга лойиқ бўлган кишилардир. Муаллиф фикрича салафийлар деганда фақат саҳобаларнигина тушиниш хатодир. Кейинги даврда эса биламизки, фикҳий мазҳаблар пайдо бўлди. Ва демак ўша мазҳабларга эргашишлик айни салафларга эргашишлик бўлади, деган фикрни уқтиради. Салафий уламолар эса аксинча мазҳаблар пайдо бўлгач, мусулмонлар орасида тафриқа бўлиниш пайдо бўлгани ва мусулмонларнинг куч қувватлари заифлашиб парчаланиб кетганини уқтиришади. Аллома Муҳаммад Султон ал-Маъсумий ал-Хўжандий раҳимаҳуллоҳ “Мусулмон киши тўрт мазҳабдан муайян бир мазҳабга эргашишга мажбурми? Номли китобида шундай деб ёзади. “Хос мазҳабларни лозим тутиш ва уларга гарчи ботил билан бўлса-да, таассуб қилиш улар ўзгартирган буйруқлар жумласига киради.

Бу мазҳаблар дастлабки уч асрдан кейин пайдо бўлган бидъат ишлардан эканига шак-шубҳа йўқдир. Дин ва савоб деб эътиқод қилинган ҳар бир бидъат залолатдир! Салафи солиҳлар Китобу Суннатни ва бу иккисининг йўлланмаларини ҳамда уммат ижмоъ (иттифоқ) қилган нарсани маҳкам ушлар эдилар ва Аллоҳнинг раҳматига сазовор, Аллоҳ рози бўлган ва уларни ҳам рози қилган мусулмонлар бўлгандилар. Аллоҳ бизни ҳам улардан қилсин ва охиратда улар қаторида тургизсин. Лекин, мазҳаблар бидъати ёйилгач, бунинг ортидан бирликнинг парчаланиши ва мусулмонлар бир-бирларини залолатга нисбатлашлари келиб чиқди. Ҳатто, масалан, ҳанафийнинг шофийий имом ортида намоз ўқиши жоиз эмаслиги ҳақида фатво бердилар. Гарчи тилларида тўртала мазҳаб аҳли ҳам аҳли сунна деб айтишса ҳам, амаллари сўзларининг ёлғон эканини исботлар, амаллари сўзларига зид эди. Масжидул Ҳаромдаги мана бу тўртта мақом (яъни, имом учун қилинган махсус ўрин, меҳроб) ана шу бидъатларга яққол мисол бўлади. Шу билан мусулмонлар бир неча жамоатга бўлиндилар, ҳар бир мазҳаб кишиси намоз учун ўз мазҳабининг жамоатини кутиб турадиган бўлди! Шу каби бидъатлар сабабли Иблис ўз мақсадларидан бирига, яъни мусулмонлар жамоатини бўлиш ва бирлигини парчалашга эришди. Бу каби ишлардан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ сўраймиз.”

Ислом тарихида бу муаммо асрлар давомида мавжуд бўлиб келган. Ва бугун бизни даврда ҳам шиддат билан давом этаяпти. Бу улкан дунё миқёсида кетаётган глобал муаммо ўзбекистон мусулмонлари орасига ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб кириб келди. Ва ҳозирда очиқ ё яширин кўринишда давом этмоқда. Салафийлар далиллари анча жиддийлиги билан ажралиб туради. Мисол; “Сиздан Улуғ Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, инсон вафот этгач, қабрида ёки ҳисоб кунда: «Нима учун фалон мазҳабда бўлмадинг?» деб, ёки «Нима учун фалон тариқатга кирмадинг?» деб сўраладими? Аллоҳга қасамки, сиз бу ҳақда асло сўралмайсиз. Балки, «Нега фалон мазҳабни лозим тутдинг?» деб, ёки «Нима учун фалон тариқатга кирдинг?» деб сўраласиз. Чунки, бу шубҳасиз, Аллоҳни қўйиб, руҳоний ва роҳибларни парвардигор деб билиш жумласига киради. Чунки, бу хос мазҳаблар ва машҳур тариқатлар диндаги бидъатдир, ҳар бир бидъат эса залолатдир.” дейди аллома Муҳаммад Султон ал-Маъсумий ал-Хўжандий. Бутий наздида эргашишда фақат саҳобалар даврига чекланиш хато бўлади. Чунки, саҳобалар даври тараққиётнинг бир босқичи бўлиб, у пайтларда кўп муаммолар мавжуд бўлмаган эди. Турли хил муаммоларни пайдо бўлиши эса, шуларга жавоб топишни тақозо этди. Ва шу тарихий вазият тақозоси мазҳабларни келтириб чиқарди. “Саҳобалар розияллоҳу анҳум Куръон ва Суннат нассларига таслим бўлмоқликка қаттиқ ҳаракат қилар эдилар. Айниқса ақидага доир бўлган масалаларда улар нассларни мунозара ила муҳокама қилиб ўтирмасдан тўғридан тўғри қабул қилар эдилар.

Улар, ақида борасида журъат қилган, тортишган, ногаҳон ақлига келиб қолган шубҳани ўзгаларга ҳам улоқтириш ҳаракатини қилган кимсаларни бундан қайтарар, унга нисбатан кўпол гаплар айтишар ва уни бидъатчиликда айблашар эди. Сўнгра тобеъийнлар асрининг гуллаган даври бошланди. Уларнинг фикр ва шу каби “илмий бозори” ривож топди, аммо саҳобалар адади камайиб кетди. Исломий футуҳотлар доираси кенгайди. Яҳудийлик, насронийлик, монавийлик ва зардуштийлик каби ўзга дин эгаларидан бўлмиш кўпчилик исломни қабул қилди. Бироқ уларнинг баъзилари ҳали ҳам зехнларида эски динларининг шубҳалари ва бузуқликларини кўтариб юрган эдилар. Уламолар зиммасида эса, уларнинг ана шу шубҳалари ва тушунмовчиликларини тинглаш ва илмий мантиқ асосида уларнинг ақлларидаги бузуқликларни кетказишдек муқаддас вазифа турарди. Саҳобаларнинг кўпчилиги худди мана шу тарзда иш тутар эдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху, бошлари гумону ваҳималарга тўлиб тошган ва улардан шубҳаланиб келган шахслар билан неча маротабалаб мунозаралар ўтказмаган дейсиз. Али ибн Абу Толиб эса, қазою-қадар, инсоннинг тақдири борасида мажбурлиги ва ҳурлиги масалаларида қанчадан қанча мубоҳаса қилганлар. Бу айтиб ўтганларимиз, тобеъийнларнинг кўплари енгиб ўтган мунозарали ёзишмалар ва илмий тортишувлардан хориждир. Ҳасан ал-Басрий, Умар ибн Абдулазиз, Ато ибн Абий Рабоҳ, Сулаймон ибн Ясор, Товус ибн Кайсон розияллоху анхум ва улар кабиларнинг қилган мунозараларидан мақсад – инсонлар қалбидан ақидага доир шубҳаларни даф қилиш ва мусулмонлар ақлига сохта нарсалар кириб қолмаслиги учун уларнинг ақлини ҳимоялаш эди. Имом Байҳақийнинг “ал-Асмо ва ал-Сифот” китобларига мурожаат қилган киши, унда кўплаб мунозара, мантиқий далиллар ва мажозий таъвилларга дуч келади. Ваҳоланки илк асрда саҳобалар мазкур нарсалар хусусидаги мунозара қилишликни ўзлари учун ор санар эдилар.” деб ёзади Бутий. Салафийлар наздида барча муаммоларга аввалги давр яъни саҳобалар даврида жавоб топилади. Бунга далил қилиб қуйидаги ҳадисни келтиради.

“Имом Термизий «Сунан»ида Ирбоз ибн Сория розияллоху анхундан ривоят қилган ҳадис сизга кифоя қилади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намоздан сўнг бизларга юзланиб, ғоят таъсирли мавъиза қилдилар, бундан кўзлар ёшланиб, дилларга (Аллоҳдан) кўркув тушди. Шунда бировимиз: «Ё Расулуллоҳ, бу сўзларингиз гўё видолашувчининг насиҳатига ўхшайди, бизларни нимага тавсия қиласиз?», деб сўради. «Сизларни Аллоҳдан тақво қилишга ва ҳабаш қул (амир қилинган) бўлса-да қулоқ солишга ва итоат қилишга васият қиламан. Чунки, мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар. Динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар».

(Ушбу ҳадисни Термизий (2676) ривоят қилиб, «ҳасан, саҳиҳ» деган, уни Абу Довуд (4607), Ибн Можа (43, 44), Доримий (1/44-45), Аҳмад (4/126), Ҳоким (1/95) ва бошқалар ҳам ривоят қилганлар). Модомики, иш шундай бўларкан, тош қотган тақлиддан қаттиқ ҳазар қилинг! Чунки, ҳеч шубҳасиз, ким барча масалаларда айнан биргина мазҳабга кўр-кўрона тақлид қилса, табиийки, кўплаб саҳиҳ ҳадисларга амал қилишни тарк қилади ва уларга хилоф қилади. Шубҳасиз, бу залолатдан бошқа нарса эмасдир! Шунинг учун кўплаб ҳанафийлардан ва бошқалардан бўлган муҳаққиқ уламолар айнан бир мазҳабга тақлид қилиш лозим эмаслигини очиқ айтганлар. Камол ибн Ҳумом «Таҳрир»да, Ибн Обидийн аш-Шомий «Раддул-мухтор»да айтганлари каби, айнан бир мазҳабни лозим тутиш шартлиги ҳақидаги сўз заифдир.” Бутийни қуйидаги фикрлари юқоридаги фикрни инкорига ўхшайди. Бутий қуйида салафларга эргашиш деган йўл манҳажни ушлашликни бидъат дейди. “Қисқача хулоса шулки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳар бир асрни кейингисига нисбатан “хайрли” дея сифатлаганларидек, ўша илк асрларни ҳам кейин келадиган асрларга нисбатан “хайрли” деб номлаганлар. Бордию сиз “салафийлик”дан уни хоҳлаган киши қабул қилиб унинг аъзоси бўлаверадиган, ўзига хос муайян манҳажга эга бўлган исломий жамоатни назарда тутаетган бўлсангиз, билингки бу иш Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дан сўнг янги пайдо бўлган бидъатлардан бири ҳисобланади.”

Валийюллоҳ Деҳлавий «Ал-инсоф» рисоласида мазҳабнинг бидъат эканини исботлашга ҳаракат қилади. Валийюллоҳ Деҳлавий) раҳимахуллоҳ юқоридаги сўзини ўзининг «Хужжатуллоҳил-болиға» деб номланган қимматли асарида (1/153) ҳам айтади ва Ибн Ҳазм раҳимахуллоҳнинг сўзларини нақл қилади: «(Кўр-кўрона) тақлид ҳаромдир, бирон киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа бировнинг сўзини ҳужжатсиз олиши дуруст бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз!» (Аъроф: 3).

«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади» (Бақара: 170).

Салафийлар наздида ҳар бир мусулмон киши қуръон ва ҳадисдан ҳужжат олиб амал ва эътиқод қилмоғи лозимдир. Бошқа бировга эргашишлик заллат гаровидир. Чунки, ҳеч бир имом ўзини мазҳабига бошқалар эргашиши шарт деб билмаганлар. Мазҳабларга эргашиш кейинчалик зўравон амирлар, жоҳил ҳукмдорлар ва адаштирувчи уламолар томонидан жорий қилингандир. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар!», деганлар.

На имом Абу Ҳанифа, на Молик, на бошқа имомлар: «Менинг сўзимни олинглар» ё «Менинг мазҳабимни ушланглар», деб айтганлар, балки на Абу Бакр ва на Умар розияллоҳу анҳу бундай деганлар. Аксинча, улар бундан қайтарганлар. Асл шундай бўлган бўлса, бу мазҳаблар қаердан келиб чиқди? Нима учун улар кенг тарқалди ва мусулмонлар зиммасига уларга эргашиш фарз қилинди? Ўзингиз ўйлаб кўринг, улар энг яхши асрлардан сўнг ёйилди ва зўравон амирлар, жоҳил ҳукмдорлар ва адаштирувчи уламолар томонидан фарз қилинди!"

Бутий ва бошқа мазҳабчиларнинг ақлий далилларида бири шуки, "Диний саводи йўқ мусулмон Қуръонни тушунишда ўз «шахсий фикри»га суяниб, намозни бутун мусулмонлардан фарқли – Каъбадан бошқа тарафга қараб ўқиса-ю, унинг намози дуруст ҳисобланса!.. Оддий одам ўз шахсий фикрига суяниб, ҳоҳлаган одамани ҳоҳлаганча даволаса, унинг айби билан бемор вафот этса-ю, бу «табиб»га «Аллоҳ сени мағфират қилсин!» дейишдан нарига ўтилмаса!.. (бу қанақаси бўлди?) Ундай бўлса, нима учун бу одамлар бизнинг «Дин аҳкомларидан ва ундаги далил-ҳужжатлардан беҳабар одамлар мужтаҳид имомлардан бирининг мазҳабига эргашиши лозим, чунки у имом Аллоҳнинг Китоби ва Унинг Росули соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг суннатини яхшироқ билади», деган шахсий фикримизга суянишимизга қўйишмайди?!

Агар улар бизнинг фикрларимизни хато деб ҳисоблашса, бу ҳам уларнинг «шахсий фикр»лари эканлигини эсдан чиқаришмасин. Улар учун юқоридаги – Каъбага орқасини қилиб намоз ўқувчининг намози дуруст, боланинг ўлимига сабаб бўлиш эса ижтиҳод ва даволашдир, деб ҳисоблаётган кимса яхши ибрат бўлсин!.." Бу ерда диний саводи йўқ омиё кишиларнинг бирор мазҳаб соҳибига эргашишини лозимлигини ақлий далил билан уқтирмоқчи. Ва бу зоҳиран тўғридир. Хуллас бу ихтилофни бу мақолани ҳажми қамраб ололмайди албатта. Бу каби тортишувлардан умумий хулоса сифатида ҳозирги диний илмсизлик оммавий авж олган бир даврда менимча тўғри йўл шуки, бирорта мазҳаб аҳлини ижтиҳодига суяниш мумкин. Асосийси одамлардаги таассубни йўқотиш керак. Мазҳабга ва таъбир жоиз бўлса суннатга ўта таассуб қилиш адоватни келтириб чиқаради. Бунга яқин тарихимизда кўп гувоҳ бўлганмиз. Салафийлик йўналиши жуда кучли тарихий метин асосга эгадир. Шу сабабли бугунгача бу даврга қайтиш ва шу даврдан амал ва эътиқодга ҳужжат олишга эҳтиёж сезилмоқда. Демак салафийлашиш табиий жараёндир. Лекин мазҳаблар ҳам кейинги минг йиллик тараққиёт даврининг талаби самарасидир. Мазҳабларни аҳкомларини тўғри деб билишлик ва амалда уни ушлашлик бугунги шароит тақозосидир. Ва жоиздир. Аммо, бу дегани баъзи мазҳабчилар айтгандек, бир мазҳабни ушлашлик шарт деганимас. Фақат битта мазҳабни ушлаш шатлигига мазҳабчиларни нима далиллари бор билмайман. Менимча ҳамма мазҳаб фатволарини олиш амал қилиш мумкин. Ва айни дамда кимки қуръон ва ҳадисни ўқий оладиган салоҳияти бўлса, албатта ўзи ўқиган оят ва ҳадисга тўғри суратда амал қилиши мақсадга мувофиқдир. Ундай одамга бирор мазҳабга эргашишинг шарт дейиш тўғримас. Менимча ҳақиқат шу икковини ўртасидадир.

Мен шу мавқеъни тўғри деб биламан. Яъни мен ўзим учун айни йўлни ушлаганман. Қуйидаги рубоийда мен шу мавзуга мос бўлган ўзимни ҳаёт манҳажимни баён этиб ўтгандим.

Салафларга тобеъ, салафийман мен,
Халафларга тобеъ, халафийман мен.
Китобу суннатдир йўлим! Мазҳабим..,
Шофий, Молик, Ҳанбал, Ҳанафийман мен!

2012 йил 26 декабр.

Сиёсий Исломнинг ғоявий асослари

Бу мавзуда сўз юритар эканмиз эканмиз 19 асрда яшаган диний сиёсий мутафаккир Саййид Муҳаммад Жамоладдин ал Афғоний (1839—1897.) ҳақида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ислом оламидаги кўп асрлик (таъбир жоиз бўлса) турғунлик давридан кейин, сиёсий Исломни Ислом дунёсига тарқатган олим эди. Унинг даврида Туркиядаги Халифат жуда заифлашган ва кўплаб мусулмон ўлкалари жумладан Халифатнинг ҳудуди ҳисобланган Миср ҳам Ғарб давлатларига аксарияти Англияга мустамлака бўлган давр эди. Бундай таназзулдан чиқиш йўли унинг фикрича диний ва дунёвий таълимни ислоҳот қилиш эди. Бу ҳаракати билан машҳур шайх ўз даврининг сўфилик тариқатлари ва расмий уламолари тарафидан катта қаршиликка учрайди. Жамоладдин ал Афғоний барча мусулмон ўлкалари илмий иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва Ғарбга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарамликдан мутлақо озод бўлиши ва кейин ўша ўлкалар ўзаро келишиб Федератив давлат тузиши ғоясини кўтариб чиққан. Мана шу Федератив давлат ўша мамлакатлар вакиллари тарафидан сайланадиган Халифа тарафидан бошқарилиши мумкин деб ҳисоблаган у. Ўша пайтларда Халифатни ичидан парчалаш учун Ғарб тарафидан кўпгина мусулмон ўлкаларига панарабизм ёки пантуркизм каби миллий озодлик ғоялари кирита бошланганди. Бу ғоялар эса ўз навбатида Турк Султони салтанатига катта хавф соларди. Хилофатни сақлаб қолиш учун ҳам Афғоний ислоҳотини амалга ошириш Халифа учун айни муддао бўларди. Лекин Халифа атрофидаги шайхлар бунга йўл қўймадилар. Бунинг натижаси эса охир оқибат Хилофатни тугаши билан якун топди. Афғоний ғояси ўз моҳияти жиҳатидан бугун ҳам ўз муҳимлиги йўқотган эмас. Ва ҳозирги кунда ҳам Хилофат қуришни иддао қилувчи гуруҳларнинг дастурларидан кўра менинг фикримча энг воқеъликга мувофиқроғи, амалда татбиқ қилиш мумкинроғи ҳисобланади валлоҳу аълам. Бугунги кунда Марказий Осиёда ҳам сиёсий ислом ғоялари куртак ота бошлаган экан, “Бу ҳаракат қайси йўналиш ва манҳаж асосида фаолият юритади” деган савол пайдо бўлади. Бу йўналишда шу пайтгача мавжуд бўлган жамоалардан бири Ҳизбут Таҳрир ал Исломий Партиясидир. Бу партия манҳажини кўп жиҳатдан Афғоний ғояларига яқиндир. Хусусан, қазою қадар масаласида булар бир бирига яқин мавқеъни эгаллашган. Лекин стратегик мақсадларда бошқа бошқа позицияда туришади. Ихвонул Муслимин жамоаси бу борада Афғонийга анча яқиндир. Декин ақида масалаларида масалан тақлидий имон масаласида Ихвонлар Афғоний ва Ҳизбут таҳрирга муҳолифдирлар. Дунёда булардан бошқа ҳам Халифат тиклашни мақсад қилган жамоалар бор. Хусусан, шу мақсадга қурол билан курашиб эришиш мумкин деган фикрдаги гуруҳлар бугун кўплаб топилади. Шулардан бири ЎИХдир. Энди сиёсий ислом масаласига қайтайлик. Агар бизни минтақада сиёсий ислом ривожланар экан бу мавжуд йўналишлардан қай бири мақсадга мувофиқроқ ва амалга ошиши реалроқдир?! Менинг фикримча Федерация варианты бугуннинг талабига жавоб бераоладиган йўлдир. Яъни, бунда ҳар бир мусулмон ўлкаси аста секинлик билан (радикал ислоҳотларсиз) ўз миллий ҳудудида ривожланади. Лекин, миллий ғоя давлатни асосий ғояси бўлмаслиги лозим.

Агар бугунги Туркия каби миллий ғоялар етакчилик қилар экан, федерация тузилиши шунчалик орқага сурилади. Миллий ғояни умуман тарк этиш ҳам керакмас. Бу ерда чегарани билиш лозим бўлади. Пантуркизм ва панарабизм ғоялари мусулмон халқларини ўзаро интеграциялашиш жараёнини орқага суриши мумкинлигини унутмаслик керак. Хусусан, мамлакатдаги диндорлар гуруҳини ижтимоий маданий жиҳатдан фаол бўлишга чорлаш ва уларга Пайғамбар алайҳиссалом давридаги миллий ёки ирқий ғоялардан узоқ бўлган ҳолда декин ҳаётда ҳар жиҳатдан фаол мусулмонларни ўрнатқилиш мақсадга мувофиқдир. Аммо, бу давлат ғояси бўлмаслиги керак. Ва бошқа миллат ва диндаги фуқароларга ҳам мана шундай фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар берилиши замон талабидир. Дини бошқа фуқароларни мусулмонлар билан бир хил ҳуқуқга эга бўлишлари давр талабидир. Бундай пайтда миллат тушунчасини ҳам кенг қамровли қилиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, миллат дегани бу фақат ирсийят асосидаги омил деб тушуниш бугун ўз қадрини йўқотган. Ва бу каби тушунчалар миллатлараро можароларга олиб келиши муқаррар. Бу масала кўпмиллатли республикалар учун айна замон талабидир. Агар биз умуминсоний қадриятларни миллий қадриятлардан устун қўйолмас эканмиз, бу йўлимиз бизни боши берк кўчага олиб кириб қўйиши аниқдир. Валлоҳу аълам! Бугунги дунёдаги кўп миллатли давлатларни сиёсатини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги ўзбек режими мамлакатдаги титул миллат бўлган ўзбек фуқароларда миллий руҳ ва ундан ғурурланиш ҳиссини ўстираолмади. Лекин айна дамда бу давлатда Ўзбек тили давлат тили ҳисобланади. Ва давлатнинг мафқураси смллий асосда ташкил топгандир. Миллий ғурурни ажралмас қисми бўлган диний ғояларни тўсиш билан миллатни руҳини тетик қилиш мумкинмас асло! Миллий асосдаги диний ғояларни умумлаштириш эса бошқа миллатдаги ва диндаги инсонларни ҳам ҳурмат қилишга уларга нисбатан толерант бўлишга олиб келади. Ўзбекистондаги сиёсий ислом ривожланар экан мана шу муҳим қирраларга эътибор бериш ва миллий асосдаги диний ақидани умуминсоний қадриятлар билан ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Мана шу йўл эса, иншааллоҳ, биз амалда қилишимиз мумкин бўлган ва асосийси қурбонларсиз эришиш мумкин бўлган мақсаддир.

19 август 2012 йил

Сиёсий Ислом ҳақида

Бугунги кунда Сиёсий Ислом ҳақида дунё матбуотида тез тез гапирила бошланди. Жумладан, баъзи ўзбекзабон сайтларда ҳам. Бу сиёсий ислом термини баъзи Ғарб тадқиқотчилари тарафидан (нафақат Ғарб, балки Шарқ ҳам) худди бир янгиликдек қабул қилина бошланди. Ва бунга турли хил муносабатлар билдирилмоқда. Баъзилар буни Исломда шу пайтгача бўлмаган янги тенденция сифатида изоҳласалар, бошқалар буни умуман Исломга ёт бўлган ҳолат деган фикрдалар. Бу мавзуга дунёдаги ҳукмрон ақидаларга қарши турадиган глобал кураш ғояси сифатида ёндашадиганлар ҳам бор. Россия Ислом қўмитаси раиси Ҳ. Жамол ана шулардан биридир. Уни фикрича, сиёсий ислом йўналиши умумжаҳон диний сиёсий манҳаж бўлиб, сиёсий исломнинг 3 та асосий ғояси қуйидагилардан иборатдир. (Бу ерда изоҳларни қисқартириб келтирамиз.)

- I. Сиёсий ислом бугунги дунё қурилмасига мутлақо қарши йўналишдир.
- II. Сиёсий ислом шариятни мақсад эмас, восита деб қарайди.
- III. Сиёсий ислом ўз дастур ва ғоясида сиёсий илоҳиётга асосланади.

I. Сиёсий ислом бугунги дунё қурилмасига мутлақо қарши йўналишдир

Унинг фикрича сиёсий ислом бугунги дунёни зулмга тўла, деб ҳисоблайди. Ва бу ҳолат то Маҳдий келгунича шундай бўлиб туради. Маҳдий келгач, дунёга адолат ўрнатади.

II. Сиёсий ислом шариатни мақсад эмас восита деб қарайди

Яъни, шариат инсонлар ўз ихтиёрларига биноан амалда қўллайдиган ибодатлар ва ахлоқ ва умумий яшаш тартиб қондаси мажмуасидир. Қонун эмасдир. Қонунлар давлатлар томонидан ташкил топган. Давлат тузумлари ва қонунлари, Иблисининг инсон устидан ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қилувчи воситадир. Буларнинг бари Исломга зиддир. Ва уларга бўйсунуш хатодир. Исломий давлат деган термин ҳам хато тушунчадир. Бунақа тушунча кейин пайдо этилган бўлиб, аслида Исломга зиддир. Ҳозирги кундаги у ёки бу исломий жамоалар ўз ораларида шариатга амал қилиб яшашлари мақсадга мувофиқдир.

III. Сиёсий ислом ўз дастур ва ғоясида сиёсий илоҳиёт услуби ва доктринасига асосланади

Уни фикрича, Сиёсий илоҳиёт эса мутлақо муттасил қўлланиладиган тавҳидга асосланади. Бу тавҳид эса Қуръонни тўғри тушуниш учун зарурдир. Баъзилар фалсафага қарши чиқишган. Бу эса хато эди. Баъзи салафийлар мантиқни инкор қилишади. Бу ҳам сиёсий исломга ёт нарса. Бизни ўраб турган борлиқни воқеъликни тўғри тасаввур қилиш ва Иблис бошчилигидаги тоғутларга қарши курашиш учун буни тушуниш лозим. Биз Қуръонни мантиқ асосида тушунишимиз лозим, бу бизга глобал майдонда ўз фикрларимизни бир-бирига боғлашга ва душман тарафни мантиқини синдиришга ёрдам беради. Бу метод сиёсий ижтиҳод учун йўл очади. Акс ҳолда бизнинг лидерларни ҳар қандай қарори куфрнинг интеллектуал лабораториясида ишлаб чиқилган мантиқ асосида тушунилиб қолаверади, дейди Ҳ. Жамол. Бу мақола рус тилида ёзилган ва анча узун бўлиб, бу ерда қисқача мазмун берилди. Бу сиёсий Ислом терминига ёки тушунчасига Ҳ. Жамол берган изоҳлардир. Аниқроғи унинг тушунчаси, фикридир.

1. Мен унинг баъзи фикрларига қўшиламан, баъзиларига эътирозим бор. Унингча, “сиёсий ислом” бугунги дунёни зулмга тўла деб ҳисоблайди. Ва бу ҳолат то Маҳдий келгунича шундай бўлиб туради. Маҳдий келгач, дунёга адолат ўрнатади деган фикри нисбатан тўғридир. Лекин “Сиёсий Ислом” фақат шундай деб қараши аниқмас. “Сиёсий Ислом” деган тушунча бутун дунё мусулмонлари томонидан яхлит қабул қилинган ҳамма бирдек тушунадиган ғоя эмас. Бу тушунчани турли жамоатлар турлича тушунади. Масалан Ҳизбут-Таҳрир ҳам “Сиёсий Ислом” тарафдори бўлган жамоадир. Уларни бу масалада ўз қарашлари бор. У хато ё тўғрилигидан қатъи назар, уларга мусулмон оламидаги “Сиёсий Ислом” асосидаги жамоа деб қараймиз. Шунингдек, Ихвонул-Муслимин жамоаси ҳам “Сиёсий Ислом” тарафдоридир. Лекин буларни манҳажлари Ҳизбут-Таҳрир билан мутлақо қарама-қаршидир. Шунингдек, Маҳдий келсагина “олам гулистон бўлади” деган тушунча “Сиёсий Ислом” тушунчасига моҳиятан зиддир. У келгунича, ҳам кўп нарса қилиш мумкин, деган фикр эгалари бор.

2. Албатта мўминнинг мақсади – Аллоҳнинг розилигидир ва жаннатдир. Шариатга амал қилиш эса шу мақсадга олиб борадиган воситадир. Шариатга амал қилишлик эса шахсий суратда бўлади ва жамоавий суратда (Давлат) бўлади. Ҳозирги кўринишдаги Давлат тузумлари аввал бўлмагани аниқдир. Бугунги дунё Ер юзи 200 дан ортиқ давлатга бўлингани ва БМТ томонидан чиқарилган халқаро қонунлар барчасига жорий қилиниши ёки Катта давлатлар дунёга умумий ҳўжайинлик қилиши ва уларнинг қонунларини исломга асосланмагани тўғридир.

Айни пайтда уларнинг қонунларини ҳаммаси Иблиснинг қонуни ёки иродасига мувофиқ қонунлар дейиш баҳсталаб мавзудир. Масалан, “Бутун жаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси” каби қонунларни Асос негизи Исломга зид эмас. Буни бандма-банд текшириб кўришингиз мумкин. Энди, ўша пайтда давлат тузуми бугунгидек бўлмагани учун, ҳеч қачон Ислом давлати бўлмаслиги керакми?! Давлатчилик шаклланган бугунги даврда мусулмонларга қандай қилиб яшашни таклиф қиласиз?! Бугунги кунда барча мусулмонлар у ёки бу давлатни фуқароси ҳисобланадилар. Улар ўша мамлакатлар қонунига бўйсуниб яшашлари керак. Бошқача бўлиши имконсиз. Ўша пайтларда жамоат деганда, бугунги давлатчилик шакли тушуниланган.

Жамоат Амири 5 та нарсага масъул бўлган.

Икки ийд намозини ўқиш,
Жумъани ўқиш,
Жамоат ичида шариатни ҳукмини жорий қилиш,
Ташқи душмандан қавмни ҳимоя қилиш.

Шу амалларни бугунги кунда у ёки бу давлатни ичида яшаётган жамоат қила оладими?! Шу нарсани талаб қилиш тўғрими?! Ислом давлати бўлиш ёки бўлмаслиги масаласи ихтилофли нарсаси эмасди. Лекин бугун бу фикр баъзилар орасида тарқалмапти. Мен бу фикрни, ўзини мусулмон деб билувчи бошқа бир профессордан ҳам эшитгандим. Исломий давлат деганда, ўз ҳудудида шаръий ҳукмни жорий этувчи ва ташқарига тавҳид ақидасини ёйувчи ғояси мана шундай иборат бўлган бошқарув системаси тушунилади. Бунинг номини Исломий давлат дейиш ёки Амирлик ёки Халифат ёки Қироллик дейиш мумкин. Аммо, Халифат бўлиши унга бутун дунё мусулмонларини бўйсунитиши вожиб қилади. (Бу шаръий талаб. Тарихда эса бундай бўлмаган) Шакл ўзгарган билан моҳият ўзгармайди. Шаръий ҳукмни ана шу давлат амири ва у тайинлаган қозилар жорий қилмаса бошқа ким бунга ҳақли?! Жамоалар бунга шаръан ҳақли бўла оладиларми?! Бўлиб ҳам, бошқа қонунлар ҳукм сураётган давлат ҳудудида яшаётган бўлсалар?! Қани бу ерда мантиқ?! Қани вофеъликни ҳисобга олиш?!

3. Фалсафанинг ёки илми каломнинг Исломдаги роли анча баҳсталабдир. Қадимги файласуфлар ўз ақллари ва мантикий фикрларига асосан дунёқарашга эга бўлишган. Ислом эса Расулуллоҳ САВга нозил бўлган ваҳй асосидаги дунёқарашни шакллантиради. Албатта, Қуръон оятлари устида тафаккур қилишга буюрилганмиз. Лекин қадарийлар мана шунда адашганлар. Ақл мезон қилиб олинса, нақл (ваҳй) кейин қўйилса, залолат бошланади. Қуръонни сиёсий ижтиҳод қилиш ибораси, менимча замонавий термин бўлса керак. Аслида бу хато гап ҳам эмас. Модомики, Қуръон барча давр учун экан, демак бугунги кунимиздаги муаммоларга ҳам унда ечимлар бор.

Демак ҳозирги кунда сиёсий жиҳатдан оқсаётган эканмиз, бу йўналишда кўпроқ ўқиш ва ўрганишга эҳтиёж бор. Яна куфр олами ва ислом олами деган эски икки қутбли тушунчани ҳам бугун ўзгартириш зарурати сезилиб қолди. Чунки, бу икки олам географик жиҳатдан ажралиб тургани йўқ. Балки аралшиб яшашади. Яна Ғарб деганда ёки АҚШ деганда ёвузлик манбасини тушуниш тенденциясини ҳам ўзгартириш пайти келган. Чунки, у ерларда мусулмонлар бор. Мусулмон бўлмаса-да, исломга душман бўлмаган кимсалар бор. Ва дин душманлари ҳам бор. Дин душманлари мусулмон ўлкаларида ҳам етарли. Биз яъни, оддий мусулмонлар (таъбир жоиз бўлса), кимлардир тақиб қўйган кўзойнак билан эмас, ўз кўзимиз билан дунёга боқайлик ва фикрлайлик. Умуман олганда, сиёсий Ислом деганда, мени фикримча, ҳамма тан оладиган аниқ-тиниқ бир концепция мавжуд эмас. Буни ҳар қавм ўз ҳолича тушунади. Ва бу аслида баъзилар ўйлаётгандек, янгилик ҳам эмас. Ислом мавжуд бўлган 14 аср давомида қайси диёрда дин тарқалган экан, ўша ерда Ислом Сиёсатга таъсир қилган. Ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Лекин Сиёсий Исломни душманлари кўпдир.

2012 йил

Сиёсий Исломга қаршилар ҳақида

Аввалги мақолада айтганимиздек, “Сиёсий Ислом” ни душмани ёки унга қарши бор имкони билан курашиши мумкин бўлган тоифаларни аниқлаб олсак;

1. Мусулмонларнинг Мазҳабпараст жамолари.
2. Тасаввуф Тариқатлари.
3. Авторитар режимлар ва уларни расмий диний бошқармалари (Мусулмон ўлкаларидаги)
4. Халқаро терроризмга қарши курашишни иддао қилувчи турли хил тузилмалар. (Минатақда ШХТ, ОДКБ ва ҳаказолар)
5. Демократик секуляр жамият ашаддий тарафдорлари.

Бу зикр қилинганлар Ислом динини сиёсийлашувини ишташмайди. Ва буни қатор сабаблари бор.

1. Мусулмонларнинг анъанавий мазҳабпараст жамолари.

Бугунги кунда ислом оламидаги барча диёрларда мусулмонларнинг кўпчилигини мазҳабларни ушлаган ёки ўшаларга мойил диндорлар ташкил этишади. Ва айти шу тоифа асрлардан бери давом этиб келаётган урфий тенденцияларни сақлаш тарафдоридир. (традиционалистлардир) Булар ўрта асрлардан бери кўплаб мусулмонлар диёрларидаги динни сиёсатга яъни, Подшоҳлар ва Қироллар ҳукмронлигига қарши бўлмаган позициясини бугунги даврда ҳам давом эттиришни истайдиган тоифалардир. Табиийки, булар бугунги замон талабига жавоб берадиган актив сиёсий фаолликни қабул қилолмайдилар. Улар учун бирорта мустабид режимни соясида тинчгина ибодатларини қилиб бориши мақсадга мувофиқдир.

2. Тасаввуф Тариқатлари.

Тариқат аҳлига келсак улар то пайдо бўлган даврдан бери сиёсий фаолиятда бўлмаганлар. Хусусан уларда асосий талаб тарки дунёчилик ва зоҳидликдир. Бу ақида Ислом оламида пайдо бўлганидан бери мусулмон халқларининг турли хил диний ва дунёвий ривожланишига тўсиқ бўлган. Дунёга меҳр қўймаслик ва охиратга интилиш инсоннинг бош ғоясига айланади экан, бундай жамиятда тараққиёт бўлмаслиги тушунарлидир.

3. Авторитар режимлар ва уларни расмий диний бошқармалари (Мусулмон ўлкаларидаги)

Албатта ҳар бир мустабид режим исломий сиёсий фаолликдан қаттиқ қўрқади. Чунки, Ислом моҳиятан мана шундай мустабидликга зулмга қарши курашадиган ғоядир. Буни бошқалардан кўра улар яхшироқ тушунадилар. Мустабид режимлар сиёсий исломга қарши расмий диний бошқармалардан яхши фойдаланадилар. Ана ўша бошқармалардаги дин пешволари ёрдамида халқни режимга қарши чиқишидан тўсишга ва мутеъ қилишга ҳаракат қилишади. Бунга ўтмишда ҳам ва ҳозирда ҳам кўплаб мисоллар топилади.

4. Халқаро терроризмга қарши курашувчи тузилмалар. (ШХТ, КХШТ ва ҳаказолар)

Сиёсий исломга қарши жиддий курашиш учун мустабид режимлар томонидан ўзаро ҳамкорлик қилишга келишувлар аввал ҳам бўлган ва ҳозирда ҳам мавжуддир. Шунга мисол қилиб бизнинг минтақда ШХТни ва ёки КХШТни айтишимиз мумкин.

Бу ташкилотлар асосан диний экстремизмга қарши кураш баҳонасида мусулмон мамлакатларидаги сиёсий фаол диндорларга қарши курашни мақсад қилиб олганлар. Айнан Ўзбекистон каби, мустабид тузумлар ўз халқини озодликга бўлган ҳаракатини тўсиш учун мана шундай ташкилотларга аъзо бўлишади.

5. Демократик секуляр жамият ашаддий тарафдорлари.

Исломий сиёсий фаолликга қарши гуруҳлар ичида ўзини демократ ҳисоблайдиган ва ғарбона қадриятларни мусулмон ўлкаларига ҳам олиб киришни истайдиган ашаддий ғарбпараст кимсалар асосий рол ўйнайдилар. Бундайлар учун оддий ибодатини қилиб юрган мусулмон киши ҳам экстремист бўлиб кўринади. Улар ўзларини ҳақиқий демократ деб ҳисоблайдилар ва диндорлар эса мутлақо сиёсатга аралашмаслиги шарт деб билишади. Бу тоифа бугунги ўзбекистонликлар орасида ҳам шаклланган. Уларни динга нисбатан позицияси ҳозирги мустабид режимниқидан фарқ қилмайди.

Мана шулар асосан бугунги кунда сиёсий исломга қарши гуруҳлардир. Уларни истак талаблари остида албатта қайсидир сиёсий гуруҳнинг манфаатлари ётади. Улар истаб ёки истамаган ҳолда мана шундай гуруҳларга хизмат қиляпдилар. Ва бугунги кунда дунё бўйлаб қайта ривожлана бошлаган исломий сиёсий ҳаракатларга бор имкониятлари билан қарши курашяпдилар. Сиёсий исломий фаоллик турли мамлакатда турли хил кўринишда ривожланмоқда. Буларни бир биридан стратегик мақсадларда ва манҳажларда катта фарқлари бор. Марказий Осиё минтақасида эса сиёсий ислом ҳали шаклланиш босқичидадир. Ва уни келажакга юқорида зикр этилган тоифалар мисолида катта тўсиқлар қўйилгандир. Лекин барибир бу йўналишда фаолият мавжуд. Ва уни келажакини қандай бўлишини вақт кўрсатади.

2012 йил

Сиёсий фаолиятдаги исломий жамоалар

(“Араб Баҳори”да Исломий Жамоалар роли ва Ўзбекистонлик диний жамоаларнинг мавжуд воқеъликда тутган позицияси)

Маълумки бугунги кунда дунё бўйлаб тарқалган ва оммага машҳур бўлган исломий жамоалар бор. Ва шунингдек, бир минтақа ёки фақат бир мамлакат доирасидагина фаолият юритадиган диний жамоалар бор. Бу ўринда Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳаларда фаолият қилган ёки қилаётган ва жамоаларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Уларни аксарияти бошқа араб мамлакатларида тузилган жамоаларнинг филиали ёки ундан ажраб чиққан бўлаги ҳисобида фаолият юритади. Баъзиси шу мамлакатни ўзида пайдо бўлгандир. (Давлат тарафидан Акрамийлар дея номланган ва ўзларини Адолат ва Тикланиш деб номлаган жамоат) Мен бу ерда қайсидир маънода диний жамоалар ҳисобланадиган Сўфилар ва Таблиғчилар ва давлат имомлари ҳақида гапирмайман. Чунки, уларни аввалги иккитасини сиёсатга алоқаси йўқ ва охиригиси эса ИАК режим томонидаги гуруҳлардир. Булардан бошқа ҳам кўп майда гуруҳлар қисқа муддатга пайдо бўлиб, яна йўқ бўлиб кетгандир. Ҳозирда Ўзбекистонда қисмани ҳукуматга мухолиф деб танилган тарафдорлари ва аъзолари ватан ичида ва хорижда ҳам мавжуд диний сиёсий ёки диний маданий ва ижтимоий жамоалар (ихвонул Муслиминдан ташқари) асосан қуйидагилардир;

1. Ҳизбут Таҳрир.

2. Салафийлар.
3. Ихвонул Муслимин
4. ЎИХ.
5. Акрамийлар.
6. Нурчилар.

Айтиб ўтиш жоизки, бу жамоалар ҳаммаси Ислом номидан иш юритади ва ҳар бири ўз йўлини энг тўғри йўл деб билади ва бошқасини адашганлар деб ҳисоблашади. Уларни баъзиларини мақсади Халифатни тиклаш бўлса баъзилари ўзлари мавжуд мамлакатда ёки минтақада имкон қадар қонуний йўллар билан мусулмонларга мувофиқ имкониятлар пайдо қилиш илинжида ҳаракат қилишади. Ҳар бир жамоани ўз эргашувчилари ва фатволар берадиган олимлари бор. Ўзбекистонда динни ўрганишга қизиққан ва ибодат қилиб бошлаган мусулмонларни аксарияти охир оқибат келиб баъзан ўзи билмаган ҳолда шулардан бирига мансуб бўлиб қолади. (Ёши ўтиб қолган кексалар ва баъзи расмий диний таълим олганлар бундан мустасно) Буларни ҳаммасини йўлини ва манҳажини ўрганиб вазиятга замон ва маконга (ва албатта шаръиятга) мувофиқлигини танлаш биз учун айтиш муддаодир.

1. Ҳизбут Таҳрир.

Ҳизбут Таҳрир Исломий Сиёсий Партияси 1952 йили Фаластинда шайх Тақиддин Набаҳоний асос солган. Ҳизбут Таҳрир ал Исломий диний сиёсий Партияси 60 йил давомида Ислом оламининг кўп жойларига тарқалиб улгурган Партиядир. Аксарият давлатларда фаолияти таъқиқланганига қарамасдан Ҳизбут Таҳрир яширин фаолияти натижасида кенг тарқалган. Партиянинг веб сайтида шундай маълумот берилади. Ҳизбут Таҳрир Ислом мабдасига асосланган сиёсий ҳизб бўлиб, унинг иши сиёсат ва асоси Исломдир. Умнат Исломни ҳаёт майдонига, давлат ишларига ва жамиятга қайтаришни ўз тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала деб қабул қилиши учун, ҳамда Халифаликни тиклаб, Оллоҳ нозил қилган аҳқомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш сари умматни етаклаш учун бу ҳизб умматнинг орасида ва уммат билан бирга фаолият олиб боради.” <http://www.halifat.info/>

Юқоридаги иқтибосдан кўриниб турибдики, Ҳизбут Таҳрир Ислом уммати номидан иш кўраяпти. Ва ўзини шунга ваколатли эканини иддао қилади. Ислом уммати ер юзини барча жойида мавжудлигини ҳисобга олсак, Ҳизбут Таҳрир халқаро ташкилот эканини ва ўз олдида глобал мақсадлар қўйганини тушуниш мумкин. Дарҳақиқат, улар кўплаб исломий ўлкаларга тарқалиб улгурган жамоатдир. Жумладан Ўзбекистонга ҳам. Ва баъзи бошқа жамоалардан фарқли ўлароқ уни ўзбек филиали ҳам четдан (Хориждаги Амирлари томонидан) бошқарилади. Бугунги ИАК режими даврида бошқа мусулмон жамоалари каби улар ҳам кўп жабр зулм кўришди. Лекин улар ИАК режимида қарши курашни мақсад қилиб қўймаганлар. Ва бу масала жамоани (ўзбек бўлимини) кун тартибидаги аввалги масаласи ҳисобланмайди. Уларга ИАК режимини қулаши ва ўрнига демократия келишини истамайдилар ва бу каби истакни ҳам шаръан ҳаром деб ҳисоблашади. Бу эса ИАК режими учун айтиш муддаодир. Улар ИАК режимини қулатишни ўз олдида мақсад қилиб қўйишган эмас. Лекин, бутун дунёда Халифатни тиклашни мақсад қилишган. Бу қанчалик олий мақсад бўлмасин, ҳалигача қачон ва қандай тикланиши нафақат бошқалар балки, Ҳизбут Таҳрир аъзоларини ўзлари учун ҳам ноаниқ нарса бўлиб турибди. Уларнинг аъзоларини сонлари Ўзбекистонда ҳам анчагина бўлишига қарамасдан, шу режимга қарши уни қулатишга ҳаракат қилмайдилар. Ва уни тинч намойишлар йўли билан ағдаришга бўлган ҳаракатларга ҳам қўшилмайдилар. Ва бунга ҳаракат қиладиганларни эса “ўзлари билмаган ҳолда АҚШ манфаатига хизмат қиладиганлар” деб, ҳисоблашади. Ва бу ғалаёнларни АҚШ махфий хизматлари уюштирадиган фитна деб баҳолашади. Шу фикрлар улар билан бўлган кўплаб суҳбатларда билдирилганди. Шу маънода айтиш мумкинки, улар Тунис, Миср, ва бошқа жойлардаги мустабидларга қарши халқ кўзғолонларда ҳам расман иштирок

этишмаган. Аммо, зулм ҳукуматлари қулагач, улар ўша мамлакатлардаги майдонларга чиқиб, Халифат қуриш талабинини илгари суриб қатор намоишлар ўтказишди. Европа мусулмонлар яшайдиган мамлакатларда турли хил митинглари акс этган видеолавҳалар Йотубда етарлича топилади. Демократия куфр деган фикрни маҳкам ушлаб туриб, бошқалардан фарқли ўлароқ улар ҳозирги мавжуд реалликни тан олишади ва демократик давлатлардаги кенг имкониятлардан имкон қадар фойдаланиб келишади. Лекин, улар Ўзбекистонни ёки бошқа шу каби мусулмонлар диёрини ҳозирда мавжуд чегараларини ва миллий суверен давлат эканлигини ва уни мавжуд қонунларини тан олишмайди. Ва бу ўлкаларни улар қурмоқчи бўлган улкан Халифатни ичидаги бир кичкина вилоятлар деб, қарашади. Улар Халифат тикланса уммат орасидаги ихтилофлар барҳам топишига ишонишади. Ва ўзларини Халифат қуриш йўлидаги ҳаракат қилаётган ислом умматини пешвоси ҳисоблашади.

2. Салафийлар

Салафийлар бир қанча гуруҳга бўлинишган. Биз бу ерда уни асосий баъзи тури ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бугунги Ислом олами бир бирига қарши кучли қарама қарши мавқеъни эгаллаган икки қутб орасида қолмоқда. Бир тарафда Салафийлик кенг ривожланиб тобора кўп мусулмон мамлакатларига ўз таъсирини ўтказаётган бўлса, иккинчи томондан Мазҳабчилик, ёки Мазҳабга тобеъ бўлиш тарафдорлари туришибди. Шиаларни ҳисобга олмаганда дунёдаги мусулмонларни менинг шахсий тахминимча 70%га яқинини мазҳаб доирасида эътиқод ва амал қилувчилар ташкил этади. Қолган 30 % Салафийларнинг турли тоифасига мансубдир. Бу ерда ўзини мазҳабга ёки салафийликга мансублигини ҳам хали аниқ англаб олмаган аммо, этник мусулмон миллат вакиллари бўлгани учун ўзларини мусулмон деб биладиганларни ҳам мазҳабчиларга қўшиб тахмин қилганда шундай хулосага келганман. Албатта, буни аниқ ҳисоблаш имкони йўқдир. Мазҳабчилар орасида ҳам яна турли хил тоифалар бўлишига қарамай уларнинг барини мазҳабга муносабати жиҳатидан бир тоифага ажратиш мумкин.

Шунингдек, Салафийлар ҳам турли масалаларда бири бирига зид қарама қарши мавқеъда турсаларда, мазҳабга муносабати жиҳатидан бир гуруҳга ажратиш мумкин. Умуман олганда Салафийлар саҳиҳ ҳадислардаги ҳукм мазҳаб ҳукмларига зид келиб қолганда ҳадисни ушлаш тарафдорларидир. Салафийлар деган атама асосан Сауд Арабистонида пайдо бўлган ва ҳозирда ҳам улар ўша ерда кўпчилиكنи ташкил этади. Шунингдек, бошқа араб диёрларига Афғонистон Покистон ва марказий осие республикаларига ҳам тарқалган. Саудия давлатидан бошқа бирорта мамлакатда салафийлик йўналиши давлатни ички сиёсатига таъсир этаоладиган даражада ривожланмаган. Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, аслида Ваҳҳобий, Мадҳалий деган номлар Салафийларга нисбатан қўлланилади. Лекин улар ўзларини шу Шайхларни номи билан аташларини рад қилишади. Аммо, бугунги кунда юқоридаги номлар билан танилган Салафий гуруҳлар мавжуддир. Аниқроғи уларни бошқалар томонидан шу номлар билан аташади. Ўзбекистонда ҳам охириги 20 йил ичида пайдо бўлган ва ҳукумат томонидан ваҳҳобий деб аталиб қатағон қилинган гуруҳлар ҳам ўша Салафийлардир. Бугунги ўзбек ҳукуматга муҳолиф мусулмонларни салмоқли қисмини ҳам ўшалар ташкил этади. Турмаларда ётган мусулмонларни сони жиҳатидан Салафийлар менимча Ҳизбут Таҳрирдан кейинги ўринда туради. Мамлакат ташқарисида улар ўзбек ҳизбут Таҳрирчиларидан анча кўпдир.

Салафийларни турли номлар билан аталишини турли сабаблари мавжуддир. Ваҳҳобий атамаси қўлланилганига икки асрдан ошди. Ўша пайтда Шайх Муҳаммад Ибни Абдулваҳҳоб бошчилигидаги Салафийлар Усмонли Турк Халифасига қарши чиқишган. Ва кўп йиллик урушлар натижасида ҳозирги Сауд Арабистони Хилофатдан ажраб чиқиб мустақил давлат бўлган. Салафийларни Халифага қарши чиқиши қатор шаръий далиллар асосида бўлган бўлсада, бу қаршилиқ ўша пайтда УсмонлиТурк Халифатини заифлаштиришни истаётган давлатлар учун айни муддао бўлганди. Буни ҳалигача кўпчилик мусулмонлар Салафийларни

тарихий сиёсий жиҳатдан катта хатоси деб ҳисоблашади. Бугунги Салафийларни бир тоифаси яна Саудия давлатидан норози бўлиб, Хилофатни қайта тиклашга уриниши ҳам балки, ўша пайтдаги хатони бир нав тўғрилашга ҳаракатдир? Валлоҳу аълам! Аммо, Саудия расмий уламолари Халифатни тиклаш ғоясига чақирувчи фатволар беришдан тийилмоқдалар. Ва бундай ғояни кўтариб чиққан жиҳодий гуруҳларни ва салафий ёки мазҳабчи жамоаларни адашганлигини уқтиришни ҳам унутмаяпдилар. Мадҳалийя деган номни Саудиядаги Салафийларни бир гуруҳига нисбатан ишлатилишига келсак бу ҳақида шундай тахминлар бор. Ўтган асрни ўрталарида Ихвонул муслимин гуруҳига мансуб мусулмонлар Мисрдан қочиб Саудияда паноҳ топишади. Ўшалар Саудияда Шаҳид бўлган раислари Саид Қутбни китобларини чоп қилиб тарқата бошлашган. Ўша пайтларда Салафий шайхлардан бири Рабаи ибн Ҳоди ал Мадҳалий Саид Қутбни адашган деб, китобларига раддия ёзиб, одамларни уларни ўқишдан қайтарган. Ўша пайтларда улар орасида ким Саид Қутбни китобига қарши бўлса Мадҳалий деб номланган. Ва шу билан бу ном бошқа мусулмон мамлакатларига тарқалиб кетган. Бу гап қанчалик тўғри нотўғрилиги Худо билади. Лекин Рабаи ибн Ҳоди ал Мадҳалий шогирдларини ўзлари истамасаларда “мадҳалийя” деб аталиши ҳозирда урф бўлган.

Маълумки, Саид Қутб Исломни сиёсатсиз тасаввур қилган эмас. Салафийларнинг Мадҳалийя гуруҳлари асосан сиёсатга аралашмаслик ва мавжуд раҳбарларга қарши чиқмаслик позициясида туришган. Мадҳалийлар ҳозирда Ўзбекистонда ҳам мавжуддир. Ва бугунги режим энди уларга тазйиқ қилмай, энди кенг йўллар очиб қўйган деган хабаролар бор. ИАК режими шунақа сиёсатга аралашмайдиган тоифани мамлакатда кўпайишидан албатта манфаатдордир. Салафийларни бошқа бир йўналиши эса сиёсий Ислом тарафдоридир. Ва сиёсий курашда турли йўлларни жумладан “қурол билан ҳам курашиш керак” деган мавқеъадирлар. Уларни бир қаноти бугун дунёга “ал Қоида” номи билан машҳурдир. Бу гуруҳ ҳам мазҳаб тарафдори эмас. Лекин улар сиёсий Исломни тарафдорларидир. Ва куфр оламига қарши қурол билан жиҳод қилиб курашиш йўли билан Ислом давлатини тиклаш керак деган фикрдалар. Бу гуруҳ ҳам аксарияти Саудиялик мусулмонлардан ташкил топгандир. Лекин бошқа ислом диёрларида ҳам шундай позицияни тутган мусулмонлар жамоалари бор. Араб баҳори воқеълари юз берганда, Миср Ливия ва Тунисда сиёсий Ислом тарафдорлари бўлган Салафийлар фаол иштирок этишди. Ал Қоидани ҳозирги раиси Айман аз Завоҳирий ҳам Мисрдаги халқ қўзғолонини расман қўллаб қувватлаб чиқди. Лекин, Мадҳалийя йўналишидагилар ва Азҳар шайхлари ва Саудия расмий уламолари юқорида мисоллар келтирганимиздек қўзғолонга умуман қарши бўлган сиёсий фатволар бериб туришди. Айнан Салафийя тоифасига мансуб Шайх доктор Қарзовий эса зулмга қарши халқ қўзғолонларини қўллаб фатволар берди. Келажакда Халифат улар тарафидан тиклангани эълон қилинса, табиийки Ҳизбут Таҳрир ва бошқа уларга қарши гуруҳлар томонидан тан олинмаслиги ва катта ихтилофлар бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

3. Ихвонул Муслимин

Гарчи Ўзбекистонда деярли ташкилот сифатида шаклланмаган бўлсада, ислом дунёсидаги тутган мавқеъи жиҳатидан Ихвонлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб ўйладим. 1928 йили Исмоилийя шаҳрида Хасан ал Банно томонидан асос солинган Ихвон ал Муслимин жамоати бугунги кунда Мисрда кучли Исломий сиёсий куч сифатида мавжуд бўлиб турибди.

Мазкур жамоат тепасида турган кишилар ҳозирги кундаги дунёдаги мавжуд сиёсий вазиятни яхши тушунадиган ва Мисрни ўз таъсирида тутишга уринаётган АҚШ сиёсатини ҳам чуқур тушунган Мусулмон сиёсатчилардир. Улар куч билан ҳукуматни олиш имконияти қанчалик самарасиз эканини тарихда ўз тажрибаларида синаб кўришганди. Шу мақсадда мавжуд тизим демократик системадан усталик билан фойдаланишга ҳам ўзлаштириб олдилар. Ихвон ал Муслиминни стратегик ғояси аввал бошда Ғарбликлар томонидан усталик билан йўқотилган Халифатни аста секин қайта тиклашдан иборат бўлган. Ва бу мақсадда Мисрда ёки бошқа Исломий мамлакатларда Исломий сиёсий жамоалар давлат тепасига чиқиши ва охири бориб

бирлашиши кўзда тутилганди. Ихвонул Муслимин ўз аниқ позициясига ва сиёсий манҳажига эга ва дунёнинг кўп жойларига тарқалиб улгурган диний сиёсий жамоадир. Аммо, Бошқалардан фарқли ўлароқ Ихвонул Муслимин жамоаси Халифаликда ҳам Республика тузимини шаклини тарафдоридир. Улар диктатурага ва Қиролликларга қаршидир. Миср, Тунис, ва Ливиядаги ва бошқа барча жойлардаги инқилобларда бу жамоа аъзолари инқилобни авангардларидан бўлишди. Муборак режимини тинч йўл билан қулатишда уларни иштироки бекиёс бўлди. Яқинда бўлиб ўтган Мисрдаги парламент сайловларида Ихвонларни Озодлик ва адолат партияси янги Халқ Ассамблеясидаги 235 ўринни эгаллашган. Ўта консерватив қарашдаги Салафий Ал-Нур партияси парламентда 121 ўринни эгаллашди. Аммо, бу Салафийлар Саудия шайхларига тобеъ салафийлар эмасдир. Булар сиёсий ислом манҳажига гуруҳлардир. Шунингдек, Тунисдаги сайловларда ҳам Ихвонларни позициясидаги Исломий сиёсий мусулмонлар партияси энг кўп овоз олди. Ихвонул Муслимин исломий сиёсий жамоаси Ўзбекистонда тарқалмаган. Ва уларни ғоялари билан ўзбеклар унчалик таниш эмаслар. Саид Қутбнинг баъзи китобларини кам сонли одамлар ўқишган. Лекин уларни позициясини ушлашга мойил мусулмонлар сони бугунги кунда тобора кўпаймоқда.

4. ЎИХ

Ўзбекистонлик бир гуруҳ диндорлар асос солган жамоат.

Бугунги кунда ўз уни таркибида ўзбекистонлик бўлмаган юзлаб мусулмонлар фаолият қиляпти. Аввал бошида ИАК режимига Хилофликни иддао қилган бу гуруҳ, ҳозирги кунда Ҳизбут Таҳрир каби глобал мақсадларни режа қилиб олган. Ва деярли мазҳабчи мусулмонлардан ташкил топгандир. Улар орасидаги Салафийлар кейинчалик алоҳида чиқиб кетишди. Ва ўзларини Иттиҳодул ажҳад номли гуруҳига асос солишди. Ҳозирги кунда ЎИХни Иттиҳодул Ажҳад билан ораларида адоват бор. Шунингдек, ЎИХ сафидан қочган бошқа кўплаб мусулмонлар ҳам баъзилари кейинчалик, қуролли курашдан воз кечишди. Уларнинг кўплари ватанга бораолмай чет элларда қочоқ бўлиб юришибди. Ёки ўша ёқларда Афғонистон ва Покистонда ҳукуматлардан яшириниб ҳаёт кечиришмоқда. Баъзилари асир тушганда афғонлар томонидан ИАК режимига берилиб турмаларда ётишибди. Жуда кўплари шаҳид бўлиб кетишган. Валлоҳу аълам. Бу жамоатни бугунги кунда ИАК режимига мухолиф сиёсати йўқ ҳисоби. Аммо, ўн йил олдин улар Қирғизистонга келишганида режим учун жиддий хавф солган эди. Толибон Амирига тобеъ. Ал Қоидани Афғонистондаги мужоҳидлари билан алоқалари бузилган. Ва бошқа баъзи гуруҳлар билан жангларда бирга ҳамкорлик қилишади. Ҳозирги кунда Покистондаги ҳукуматга бўйсунмайдиган пуштун қабилалар орасида паноҳ топишган. Ва Покистон ва Афғонистон армиясига, шунингдек, НАТОга қарши курашларда иштирок этишяпти. Араб кўзғолонларига алоқали бўлмаган. Айман аз Завоҳирий қўллаб қувватлаган кўзғолонларни улар куфрий ҳаракат деб ҳисоблашди. Ва ИАКга қарши шу каби кўзғолонларни Ўзбекистонда қилиш таклифига жиддий рад жавоби беришган.

5. Акрамийлар

Ўзбекистонлик бир гуруҳ диндорлар асос солган жамоат.

ИАК режими томонидан қамалиб ётган Акрам Йўлдош асос солган ва асосан Андижон шаҳрида ва Вилоятидагина тарқалган диний жамоа. Улар диний сиёсий жиҳатдан узоқ муддатли стратегик мақсадга эга эмаслар. Ва мазҳаб масаласида ҳам деярли мўътадил позициядадирлар. Ва диний жиҳатдан Салафий эмаслар.

Улар ўзларини амирига содиқ ва диний ихтилофларга аралашмай юришади. Ташкил опганидан то 2005 йилгача ИАК ҳукумати билан келишиб, жамоавий асосда майда ҳунармандлик ва савдогарлик қилиб фаолият юритишган. Раислари ва баъзи аъзолари олдинроқ қамоққа олинган. Ва 2005 йилда ҳукумат уларга қарши каттароқ қўламда тазйиқ бошлаган ва баъзи раҳбарларини қамоққа олган. 2005 йил 12 майда улар қамоққа ҳужум қилиб аъзоларини қутқариб олишган ва 13 майда улар бошчилигидаги намоишчилар ИАК режими тарафидан ўққа тутилгач, кўплари қирилиб кетган ва қўлга олинган ва кўплари қочиб Қирғизистонга ўтишган ва у ердан БМТ ёрдамида АҚШ ва Европа мамлакатларидан бошпана олишган. Ва 2009 йил Андижон Адолат Ташкилотини очишди. Ҳаммалари шу ташкилотга аъзо бўлган. Ташкилот Германияда рўйхатдан ўтган. Ташкилот асосчиси ва кўплаб аъзолари ҳалигача ИАК режими қамоқхонасида ётишибди. Улар Араб баҳорини хурсандлик билан қарши олишди. Ва Ўзбек режимига қарши шунақа халқ қўзғолонини ташкил этиш ва тинч йўллар билан ИАКни зулмига барҳам бериш мақсадида унга қарши ЎХХни тузилишида фаол иштирок этиб асосчиларидан бири бўлишди. Лекин 6 ойга бормай ИАК режими босими остида ЎХХдан чиқиб кетишди.

6. Нурчилар

Туркияни Нурси қишлоғида 1876 йилда туғилиб — 23 марта 1960 йилда вафот этган Саид Нурси деган курд миллатига мансуб олим томонидан ёзилган Рисолаи Нур деган китоби ўз даврида ва ҳозирда ҳам Туркияда машҳур бўлган ва кўп одамлар томонидан севиб ўқилган. Ва кейинчалик бу китоб бошқа тилларга таржима қилинган ва бошқа мамлакатларда ҳам шу китобни ўқувчилари пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик улар Нурчилар деган жамоат сифатида танилган. Ўзбекистонда ҳам бу жамоа анчагина тарқалиб улгурган. Аслида бу жамоани сиёсий исломга бевосита дахлдор жойи йўқ. Ва улар ўз олдиларига Халифат қуришни мақсад қилиб қўймаганлар. Улар диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўқишни тарғиб қилишади. Ҳар соҳада илмли мусулмонлар тайёрлашни ва бошқа диндагиларга яхши муносабатда бўлишни ва жамиятни турли соҳаларида шунингдек, сиёсий фаол бўлишни тарғиб қиладилар. Бу каби ғоялар аслида тазйиққа учрамаслиги керак эди. Лекин ИАК режими уларни ҳам қатағон қилди. Уларни кўпчилиги қамалдилар. Ва мамлакатдан қочиб кетишди. Нурчиларни Ўзбекистонлик аъзолари Араб баҳорига яхши муносабатда бўлганлар. Ва зулм диктатурага қарши тинч йўл билан курашни қўллаб қувватлайдилар. Айтиш жоизки, Машҳур Турк сиёсатчиси Устоз Нажмиддин Эрдўғоннинг шогирди ва издоши Ражаб Тойиб Эрдўғон 2001 йилда асос солган Туркиядаги ҳозир иқтидордаги Адолат ва Тараққиёт партияси ҳам исломий сиёсий партия ҳисобланади. Ва улар Туркия парламентида 50 % депутатлик мандатини қўлга киритган ва Туркияда ҳукуматни учинчи муддатга бошқараётган жамоатдир. Бу партия Миллий Гўриш халқ ҳаракати ғояларининг меросий давомчисидир. Ва турли исломий жамоалар томонидан қўллаб қувватланади шу жумладан нурчилар жамоати аъзолари ҳам Эрдўғон партиясини қўллаб қувватлашади. Шу ўринда доктор Намоз Нормўминни Пистирмадаги Имом мақоласидаги қуйидаги жумлани келтириб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқдир. “Фатҳуллоҳ Гулан хўжа тарафидан асос солинган ва бошқариладиган жамоатнинг ҳозирда Туркиянинг ижтимоий-сиёсий (яъни диний) ҳаётга энг катта таъсири бор, десак хато қилмаган бўламиз. Бу жамоат баъзилар тарафидан Нурчилар, дея таъриф этилсада, аслида бу имомнинг жамоатини бевосита Баддиузамон Нурсий издошлари, деб бўлмайди. Марҳум Нурсийнинг издошлари ўзаро бир қанча кичкина жамоатларга айрилиб кетганлар. Баъзи кузатувчилар Гулан жамоати ва Нур талабалари орасида жиддий ихтилофларнинг мавжудлигини ҳам айтишади...” Ҳар ҳолда Нурчилар жамоаси ва Фатҳуллоҳ Гулан жамоаси ҳам Туркияда жиддий ижобий натижаларга эришган жамоатлардир. Бу жамоатлар тарихида биз учун кўп ибрат ва ўрнаклар бордир.

2012 йил

Ихвонларга қарши фитналар

Ҳизбут Таҳрир Партияси уммат ичида фитна тарқатишда давом этаёпти. Хусусан, бу сафар улар Мисрда бўлиб ўтган янги Конституция лойиҳасини қабул қилинган сайловни фитна қилиб чиқишди. Агар бу шунчаки танқид бўлиб, ўз фикрини айтиш бўлганида майли эди. Бунга эътироз қилмаган бўлардик. Улар ўз фикрини “Айни ислом” деб тақдим қилишлари чидаб туриш мумкин бўлмаган фитнадир. Такрор айтамиз; “Ислом уммати бу Ҳизбут Таҳрирдан ёки бошқа бирор жамоатдангина иборат эмас”! Ислом динидаги барча жамоалар ўз фикрларига эга. Ва барчасини фикри исломга асосланади. Фақат Ҳизбутларники тўғри бошқаси хато дейиш беъманиликдир. Ҳизбут Таҳрир бу сафар ҳам мана шунақа беъмани муносабат тарқатди. Йотуб порталига қўйган рус тилидаги видеода улар Миср Президенти Мурсийни нишонга олишган. Видео русча “Из-за этого проекта конституции вы празднуете победу?!” деб номланган. Видеони ичида эса Ўша ёзувни ва уни тагида “Ислам пречист от такого и не имеет с этим ничего общего” деган ёзувларни ўқиш мумкин. Бу эса ўзбек тилида «ислом бундан покдир ва бунга ҳеч қандай алоқаси йўқдир» деганидир. Бу билан Ҳизбутлар яна Ислом номидан гапира бошлашди. Бу жамоатни “Касали” шудир. Улар ўзларини “Ислом” деб ҳисоблашади. Фақат уларни гапи тўғри. Бошқа ҳамманики хато. Бунақа беъмани мавқеъ уммат ичидаги бошқа жамоаларда йўқ. Ҳар бир жамоат ўз манҳажига эга экан, ҳар бири ўз йўлини тўғрилигига ўз далилига эга экан, бунақа “фақат меники тўғри” деган позицияда туриш хатодир. Ислом номидан гапиришга Ҳизбут Таҳрирга ҳеч ким ваколат берган эмас. Ва ҳеч ким бундай ваколатни бераолмайдим. Ихвонларни тутган йўлини бу кунги шароитга ва ҳикматга мувофиқ деб Дунё Мусулмон Уламолари раиси аллома Қарзовий қўллаб қувватлаган. Улар Ислом ва мусулмонларга манфаатли бўлган шу янги Конституция лойиҳасини, жуда оғир қийинчиликлар ва ички ташқи рақиблар босими остида сайлов воситасида муваффақиятли равишда Миср халқига тасдиқлатиб олдилар. Уларни қанчалик оғир вазиятда турганлигини ҳисобга олиб, Аллоҳдан уларга мадад сўраб дуо қилиш бугунги кундаги ҳар бир мўмин кишини вазифаси деб биламиз. Уларга қарши бўҳтон фитна тарқатаётган кимсалар адашган ва уммат ичида фитна чиқараётган бузғунчи тоифалар деб ҳисоблаймиз. Аллоҳу Таоло Ихвонул Муслиминга нусрат ва мадад берсин! Уларни Ўзи рози бўладиган ишларга йўлласин! Фитна тарқатаётган ҳизбутларга эса инсоф тилаб қоламан.

2012 йил

МХХларнинг фарқи

Икки ойлар чамаси аввал Швеция Хавфсизлик Хизмати (СЕПО) вакиллари билан бир гуруҳ Ўзбекистонлик қочоқлар орасида учрашув бўлди. Бу учрашувда СЕПО вакиллари бизни ўз хизмат вазифалари билан ва қайси хилдаги жиноятларга қарши кураш олиб боришлари билан таништиришди. Ўша учрашувда улар Ўзбек МХХси Швецияга вакил юбориб, улардан ўзбек қочқинларидан бир неча кишини Ўзбекистонга депорт қилишни сўрашганини ҳам айтиб ўтишди. СЕПО ходимлари “Биз уларга адашганларини ва бу каби илтимос билан бу ерга бошқа келмасликни айтиб кузатиб қўйдик”, дейишди. Ўзбек МХХси аҳмоқ бўлиб, шарманда бўлиб қайтиб кетганини мен шу ерда билгандим.

Буларнинг барчаси ИАК режимини турли йўллар билан бўлсада ўз Мухолифларига қарши тинмай курашаётганини кўрсатарди. Шунда мен уларга бир неча саволлар билан мурожаат қилгандим. Улардан бири Швецияда яшаётган аксарият Ўзбекистонлик қочоқлар ИАК режимидан зулм кўрганлигини ва бу режимга қарши ариза билан мурожаат қилиш ва уларни қандайдир бир шаклда жазолаш ёки босим ўтказиш мумкинми? деган, саволни бергандим. Шунда СЕПО вакили бўлган аёл бу масалани ўрганиб чиқишини ва менга жавоб беришини маълум қилганди. Улар менга телефон номерини бериб кетишганди. Ва кейин телефон қилиб маҳаллий Полисга бориб ариза беришим мумкинлигини билдиришганди. Бирор ой аввалроқ мен Брекки Полисига бориб, таржимон ёрдамида уларга ариза бердим. Аризада ИАК режимини шахсан менга ва ҳозир ҳам Ўзбекистонда турмада ётган укам Саид Камолга қилган ноҳақликларини қисқача айтиб, уларга қарши халқаро қонунлар асосида жазо беришларини талаб қилдим. Полис хатни Швед тилида ёзиб олди ва буни Стокҳолмга махсус бўлимга юборишини маълум қилди. Демак, Швецияда яшаётган барча қочоқлар ўз маҳаллий полис бўлимига бориб, ўзига етган жабр зулм ҳақида ариза беришлари мумкин экан. Ва бу каби аризаларни кўриб чиқадиган махсус бўлим бор экан. Яна шу ерда улар Хитойлик уйғур қочоқлар орасида жосуслар бўлганини ва уни ушлаб депорт қилишганини ҳам айтиб беришди. Шунда мен улардан Ўзбек қочоқлари орасида ҳам жосуслар борлигини аниқланганими, деб, сўрадим. Улар эса “йўқ, амо биз биламиз сизлар орангизда ҳам жосуслар бор. Ва буни аниқлашга ҳаракат қилаёпмиз”, деганди. Ўзимни ЎХХ аъзоси эканимни ва бу ҳаракат ИАК режимига қарши бир неча ташкилотни бирлаштирганини ва шу йўлда халқаро қонунларга асосан кураш олиб бораётганини қисқа гапириб ўтдим. Ва уларга сизлар буларни билишларинг лозим, бизни фаолиятимиз билан яқиндан танишсангиз ва фикрларимизни билсангиз кимлигимиз ақида тўғри хулоса қилиш мумкин бўлади” дедим. Ўтган куни телефон қилиб мен билан яна учрашишга келаётганларини айтиб қолишди. Уч тўрт соат орасида бўлган суҳбат давомида мен уларга МХХ қонуний йўл билан қўлидан ҳеч иш келмаслиги билгач, бизга қарши чет элдаги жосуслари ёрдамида ўлдириш, қўрқитиш обрўсизлантириш ва фитна фасод тарқатиш йўлига ўтганини айтиб бердим. Ва ЎХХни Швецияда рўйхатдан ўтганлигини айтиб Солиқ идораси берган ҳужжатни кўрсатдим. Кейин бу ЎХХга аъзо 7 та ташкилот борлигини ва улар турли мамлакатларда жойлашганини ва “Таянч” ташкилоти ҳам шулардан бири эканини айтиб, ташкилот ҳужжатлари ва сайтини кўрсатдим. Мен уларга биз ИАК режимига қаршимиз. Тунис ва Мисрдаги каби тинч йўл билан диктаторни кетказишни ва ўрнига эркин тинч инсон ҳақлари топталмайдиган тузим қуришни исташимизни тушунтирдим. Аммо, режим бизни экстремизмга алоқадорликда айблашдан тўхтамаяпди ва ўша МХХ узантиси бўлган кимсалар турли бўҳтонларни уюштиришда давом этаяпти деб, “Пресс уз инфо” даги мақолаларни, Сергей Ежков, Марат Захидов, Ризо Обид каби пасткашларнинг ишларини мисол келтирдим. Яна мен ўша ердаги Коммун раисига бу ердагиларга масжид торлик қилаётганини ва уларга бу борада ёрдам беришларини сўраб илтимос қилгандим. СЕПО вакиллари шу саволни ҳам эслаб, натижаси нима бўлди, деб сўрашди. Мен ҳеч нарса бўлмади ўша ўша аҳвол деб жавоб бердим. Улар биз ўша коммун раисига телефон қилиб, бу темада гаплашамиз, дейишди. Мен уларни ўзбек МХХси каби эмас, балки оддий таниш одамлардек, самимий, инсоний муомаласига яна бир ҳайратда қолдим. Ва ўзбек МХХсини ҳам шулар каби ўз халқи билан инсонлардек муомала қиладиган, адолат асосида ишлайдиган кунлар келишини жуда жуда истадим. Чунки, мен ўзбек мелисаси ва МХХсининг одамгарчилик сифатидан маҳрум бўлган манқуртлардан иборат эмаслигига ҳалиям оз бўлсада ишонаман. ИАК режими қулагач улар ҳам ўзларини ўнглаб олиш имкониятига эга бўлишар иншаллоҳ. Бу кунларга ҳам оз қолди.

2012 йил

Гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? (Оли Имрон 135)

(Ёхуд Амнистия ҳақида баъзи мулоҳазалар)

Укам Абутов Саид Камол 1973 йилда туғилган. Уни олти фарзанди бор эди. Ҳозир учтаси қолган. Уни диний илми деярли йўқ ҳисоби. Қуръонни арабчасини ўқий олади. Мазмунини тушунмайди. Намоз ўқиб рўза тутиб юрган бола эди. 1999 йил 16 феввалида мамлакат бўйлаб оммавий қамашлар бошланганда уни ва уч тўртта танишларни ҳизбут таҳрирни варақасини ташлаб ва наркотик модда ташлаб қамашганди. У пайтда мени турмада ўтирганимга 5 йил бўлиб қолганди. Укам ҳам мен ўтирган Тавафсой турмасига келди. Ўшанда 159 модда ва наркота билан жами 9 йил муддат олганди. Мен билан бир йилча ўтиргач, менга 221 модда билан янги жиноят иши очилди. Ҳазалкент район Суди раъно деган аёл менга 3,5 йил муддат қўшиб режимни қаттиқ режимга ўзгартирди. Мен ўша муддатни охиригача Навоийни 46 сонли муассасада ўтадим. Укам Тавақсойда яъни 3 сонли муассасада беш йилча ўтириб, 2003 йил 8 декабрдаги амнистия билан озод бўлди. Шу билан уйда ИИБ назоратида яшади. Шундан сўнг мен қозоғистонга бориб ишлаб юрдим. Ва ўша пайтларда менга янги жиноят иши очилди. Мен бундан хабар топиб, Астанада Москвага кетдим. Ва ўша ерда 2007 йил июнида Ўзбек чекистлари мени ушлаб Москва яқинидаги Красногорск ИИБга олиб келишди. У ердан кейин мени Можайск турмасига жойлаштиришди. 2008 йил июлида мени Россия Прокуратураси Ўзбекистонга берилмаслигимга қарор чиқарди. Бунга Можайск район Судини қарори сабаб бўлганди. Бу муддат ичида мени олдимга БМТ вакиллари келиб суҳбатлашиб кетишганди. Кейинчалик мени БМТ ўзининг бир жойида яшириб қўйди. Шу ерда 8 ой қолиб кетдим. У ердаям яна икки марта депорт қилишга ҳаракат бўлди. Хуллас, ўша пайтда Укам Саид Камолни яна беш ўнга одам билан бирга яна ўша Конституцияга тажовуз қилганликда айблаб қамашди. Уларни Тўртқўлда эмас, балки Қорақалпоқни шимолида Қўнғиротда Суд қилишди. Қўнғирот район Суди укамга 13 йил қаттиқ режимли Муассасада жазо ўташга ҳукм чиқарди. Мана тўрт йил бўлдики, укам жазо ўтамоқда. Ўзбекистон қонунларига кўра бир марта амнистияга тушган жиноятчи қайта тушмайди. Укам аввал амнистияга тушган ҳисобланади. Уч тўрт йилдан бери чиқаётган амнистияларга тушмади. Бу йил ҳам укам амнистияга тушмас экан. ИАК уни кечирмасмиш. Сени Аллоҳ кечирсин укам! ИАКни кечирими керакмас. ИАК кечириш ваколатига на қонунан ва на шаръан эга ҳам эмас. Зулм ҳукмрон бўлаётгани учун шундай ҳолатдамиз. Унинг айби мени укам бўлганидир. Ва ИАК режими мендан қасд олаяпти гўё?! Менинг айбим эса бу режим олдида жуда қаттиқдир. Мен 1995 йил сентябрида ИАК номига унинг режими томонидан ғайриқонуний равишда ўғирланиб кетилган Абдували қори акани топишни ва бошқа ноҳақ қамалганларни озод этишни сўраб масжидимиздаги намозхонлар номидан 32 киши имзолаган хат жўнатгандим. Бу 32 киши ўшандан бери ИИБ назоратида туради. баъзилари бир мартадан баъзилари бир неча мартадан қамалдилар, баъзилари ўлиб кетишди. Ўшандан бери қамаш ва амнистия бериш сиёсати давом этаяпти. Амнистия деган даҳмаза Доно юртбошимизни қанчалар меҳрибонлигига далил қилиб кўрсатилади. Озодликга чиқариладиган одамлар мухбирларга Муассаса ходимлари ёзиб берган гапларни айтиб интервью бериши керак. ИАК ўзи зулм қилиб бегуноҳ мусулмонларни қамагани камдек, ҳатто ўзи узр сўраб чиқариши лозим бўлсада, ҳеч нарса қилмай кўп йиллар қамоқда азоб тортган одамларни яна ўзларини айбдор қилиб, мажбуран кечирим сўратиб, қилмаган ишига минг бор тавба қилдириб кейин озод қилади. Бу каби амнистия билан оход бўлиш жараёни нафақат ИАКни улуғлаш учун имконият, балки уни режими амалдорлари учун халқни охирги пулигача шилиб олиш йўли ҳамдир. Чунки, амнистия баҳонасида кўп одамлар қариндош уруғларини озод бўлиши учун зобитларга пул беришади. Зобитлар уларни шунга мажбурлашади. Ўғлинги яхши деб ёзиб берсак чиқади бўлмаса чиқмайди дейишади қариндошларига. Табиийки, кўп нарсани тушунмайдиган содда одамлар яхши деб ёзиши учун уларга пул беришади. Амнистиягв тушиш моҳиятан айбдорлигини тан олишдир. Нима қилгани учун амнистияга тушиши керак одамлар? Уларни айби нимада? Аслида улар Конституциявий тузумни ағдаришга ҳаракат қилишмаганди. Бунақа сиёсий тушунча аксарият диндорларда ҳалиям йўқ.

Диндорлар бир қисми Ҳизбут таҳрир ғояларини ушлаган бўлсалар, бошқалари ҳалигача ҳеч қандай сиёсий ғояга эга эмаслар. Улар намоз ўқигани учун, тўпланиб дарс қилгани учун, кимнидир касетасини эшитгани учун, ва кимнидир китобини ўқигани учун қамалганлар халос. Уларга нима учун 159 модда қўйилган ва улар нима учун ИАҚдан кечирим сўрашлари керак ҳайронман?! Қани мантиқ бу ерда? ИАҚ ҳаммани мажбурлаб кечирим сўратади ўзидан. Уриб ёздиришади кечирим хатини. Калтакни еб раҳмли доно юртбошимизга минг раҳмат деб чиқиб кетасиз. Бу озод бўлиш шарти Кўпчилик диндорлар каби укам бу йилги амнистияга ҳам тушмайди. Чунки, у аввал авф қилинган ва ўзини ўнгламаган “ашаддий жиноятчи” ҳисобланади. Ундайларга эса ИАҚни даргоҳида кечирим йўқ. Мени укамга ва бошқа биродарларга хитобим; Сизларни Аллоҳ кечирсин биродарлар! Ҳар қандай одамга ёки ҳукмдорга қарши чиқиш шаръан жоиз. Агар ёвуз бўлса вожибдир. Ҳатто халифагаям қарши чиқиш мумкин. Агар Конституциявий тузумга тажовуз қилган деган иддао рост бўлсаям, бу шаръан мумкин аслида. Ва бунга мавжуд конституцияда ҳуқуқ берилган. Бу каби бирор шахсга алоқадор бўлмаган нарсаларга шахсдан кечирим сўралмайди. Булар учун жазо олдинлар демак, умуман ИАҚдан кечирим сўралмайди. У ўзини ўрнини билмаган нодондир. ИАҚ зулми абадий эмас. Аллоҳнинг азоби эса кофирлар учун абадийдир! Алҳамдулиллоҳ, мен ҳам ИАҚни амнистиясига тушмаганман. Ва ИАҚ билан насиб қилса ҳали шу дунёда, акс ҳолда Аллоҳ олдида қиёматда тўла ҳисоб китобимиз бўлади иншааллоҳ!

2012 йил

Пул тарихига бир назар

Бугунги кундаги қоғоз пуллар ўрнига тарихда олтин ва кумуш пуллар ишлатилган. Пул пайдо бўлишидан аввал одамлар у ё бу нарсани ўзаро айирбошлаш ҳисобига муомала қилишган. Чорва ҳайвонлари ва уларни териси ва жуни, буғдой ва арпа, шунингдек турли хил мевалар ҳам товар айирбошлаш воситаси бўлган. Шунингдек, садафни, ва денгизлар қаъридан чиқариб олинган дур марваридлар ҳам пул вазифасини ўтаган. Кейинчалик темир парчаларидан пул сифатида фойдаланишган. Ва олтин ёки кумушдан қуйма пуллар ишлаб чиқаришган. Шунингдек, қадимдан у ё бу подшоҳлар чарм терилардан махсус кесиб муҳрлаб, ўз мамлакати ҳудудида пул қилдириб истеъмолга чиқарганлиги маълумдир. Қуръони Каримнинг Каҳф сурасида Асҳоби каҳфнинг қиссасида бир ҳикоя келтирилади. Дақёнус деган қадимги даврда яшаган золим подшоҳдан қочиб ғорга беркинган йигитлар кўп йиллик уйқудан уйғонгач ўзаро гаплашган гаплари хабари берилади;

Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашишлари учун уйғотдик. Улардан бири: «Қанча қолдинлар?» деди. Улар: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича қолдик», дейишди. «Қанча қолганингизни Роббингиз яхши билгувчидир, шаҳарга бирингизни ушбу пулингиз ила юборинг, назар солиб, яхши таомни танлаб, ундан ризқ келтирсин ва диққатли бўлсин, сизни бировга сездириб қўймасин». Каҳф сураси 19 оят.

Мазкур оятда ўша йигитларни ҳам ёнида қоғоз пуллари бўлганлиги хабари берилади. Лекин инсоният тараққий этган сари пул воситаси сифатида ишлатишга энг қулай ашё олтин эканига ишонч ҳосил қилади. Бу метал зангламаслиги ва узоқ йиллар бузилмай сақланиш қобиляти билан пул қилинишга энг лойиқ маъдан ҳисобланган. Ва ҳали шу кунгача уни ўрнини боса оладиган бошқа метал топилмади. (Қисман платина ҳам истеъмолга кирган эсада, лекин, ҳали олтин каби оммалашмаган) Ва бугунги қоғоз пулларни қийматини белгиловчи сифатида муқобаласида мана шу олтин туради. Халқаро муносабатларда ҳам Банклар ўзаро олтин ўрнига халқаро валюта ХВ АҚШ доллари билан ҳисоб китоб қилишади. Ўз навбатида бу валюта ҳам аслида қуруқ қоғоздан иборатдир. Буни тушуниш учун ХВ тарихига назар солиш керак.

Халқаро валюта фонди ХВФ

1944 йил июл ойида Иккинчи Жаҳон уруши тугаш арафасида АҚШда ХВФ Халқаро валюта фондини ташкил қилиш учун 44 та давлатдан вакиллар тўпланишди. Бу ерда муҳоақама қилинган мавзу давлатлар аро тўловларни осонлаштириш учун ҳамма учун бирдек қабул қилинадиган битта пул бирлигини қабул қилиш эди. АҚШ бу ерда ўз пули долларни халқаро тўлов воситаси сифатида таклиф этди. 27 декабр 1945 йил 29 та давлат ушбу халқаро келишувга имзо чекди. Бирламчи дастмояси 7,6 миллиард долларни ташкил этган бу умум маблағни учдан бир қисмини АҚШ тўлади. Ташкилотнинг асосий акционери 5та давлатдир: АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония. Қолган аъзо мамлакатлар ҳам халқаро пулни АҚШ долларида бўлишига рози бўлишди. Ва доллар билан ўз ҳиссаларини тўлашди. Натижада доллар халқаро тўлов воситаси мақомини олди. Секин аста ривожланиб кетаётган Фондга ҳозирга келиб 184 давлат аъзо бўлган. Ва халқаро алоқаларда томонлар бир бирига пул тўловларини ҳалигача АҚШ доллари билан тўлашади. Ҳозирги кунда халқаро валюта сифатида қабул қилинган пуллар саноклидир. Асосан АҚШ доллари халқаро валюта сифатида дунё бўйлаб тан олинган пул ҳисобланади. АҚШ Банкирлари долларни ишлаб чиқарар эканлар уни қийматини олтин билан таъминлашлари шарт эди. Лекин улар молия қонунлари талаб қиладиган ана шу муқобил қийматни таъминламасдан туриб кўп миллионлаб долларлар ишлаб чиқаришди. Ва бу пуллар ХВФ орқали дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалиб кетди. Бугунги кунда дунёнинг юзлаб мамлакатаида миллионлаб АҚШ долларлари тўпланиб қолган. АҚШ ҳукумати пулларни олиб, уни эвазига олтин беришга қодир эмас. Лекин долларни халқаро тўлов воситаси сифатида дунё мамлакатлари бўйлаб айланиб юриши АҚШ учун мислсиз катта манфаатлар манбаидир. Лекин, доллар ХВФ нинг асосий пул бирлиги бўлгани учун дунё мамлакатлари халигача у воситасида ўзаро иқтисодий алоқалар қилишади. Бу ерда содда қилиб айтганда АҚШ ўз долларига четдан турли хил нарсалар харид қилаолади. Сотувчи давлатларга молни қийматида пачка пачка (моҳиятан, “Қуруқ қоғоз”) доллар берилади. Қандай ажабланарли туюлмасин дунёдаги пул воситаси моҳияти мана шулардан иборатдир. Пулда бузилмас мутлақ қиймат йўқ ва бўлмайди ҳам. Бунини тушунишлик эса, инсонга дунё ҳаётини ва ундаги барча нарсаларни ўткинчи ва беҳуда нарсалар эканини, ҳақиқий қадрият Илоҳий охират қадриятлари эканини яна бир марта англатади холос.

31 октябр 2012

ШХТ фақат авторитар режимларга хизмат қилапти

Маълумки, 1996 йил Шанхайда ташкил топган ШХТга Тошкент 2000 йилга келиб аъзо бўлди. Тошкент ташкилотдаги 6 аъзо эди. (бу ерда ШХТ расмий сайтини линки берилган. <http://www.sectsco.org/>) ШХТ ни Минтақавий терроризмга қарши кураш бўлими штаби 2003 йил Бишкекдан Тошкентга кўчирилган. (РАТС Региональной антитеррористической структуры)

ШХТ нинг бу бўлимининг вазифаси аъзо мамлакатларни ҳудудида улар террорист ёки экстремист деб ҳисоблайдиган шахслар ёки ташкилотларни ушлашда бир бирига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий терроризмга қарши кураш совети 2008 йилда тасдиқлаган тутиш, қамаш ёки йўқ қилиш керак бўлган экстремист шахслар номлари ёзилган рўйхатда ШХТга аъзо давлатларнинг фуқароларидан иборат бўлган

900 кишининг исми келтирилган. Табиийки, бу ҳужжат пресс юзини кўрмайди. Ва у ерда номлари келтирилган кишилар кимлигини аниқлаш имконсиздир. Аммо, бунда ичида Хитой томони уйғурларни, Россия чеченларни, Қозоғистон баъзи мухолиф фикрдаги сиёсий ва диний сабабли қочиб юрган фуқароларини, Тожикистон ҳам Маҳмуд Худойбердига ўхшаган қочоқ полковник ва диний мухолифларини, Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳам энг кўп ҳам диний ва ҳам сиёсий мухолифларини исми фамилиясини берган бўлишини тахмин қилишимиз мумкин. Бу каби рўйхат ҳар йили янгиланиб туришини ва унга ҳар йили янги янги исмлар қўшилишини ҳисобга олсак, бугунги кунда бу каби рўйхатда аъзо давлатлар ўзлари экстремист деб ҳисоблаган минглаб фуқароларни киритган бўлиши шубҳасиз. Мазкур қурилма қайсидир маънода интерпол вазифасини бажарадиган ташкилот ҳисобланади. Ва бу каби келишувлар асосида ўтган йиллар йиллар давомида ўша аъзо мамлакатлар ҳудудида қўлга олинган ўнлаб фуқаролар бири бирига қайтариб берилди. Масалан, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон бир неча ўнлаб уйғурларни ушлаб Хитой полициясига топширди. Хитой уларга ўлим жазоси бериб отиб ташлади. Табиийки, Хитойда бу мамлакатларни фуқаролари йўқ. Ва Хитой тарафидан буларга бирор фуқарони ушлаб берилгани маълум эмас. Россия Ўзбекистонга ўнлаб экстремист деб ҳисобланган диний сабабларга кўра қочиб чиққан фуқароларни депорт қилди ва қилмоқда. Ва ҳатто баъзиларини ушлаш пайтида қаршилик кўрсатди деб отиб ташлади ҳам. Қозоғистон ҳам Ўзбекистонга кўп йиллар давомида ўнлаб диний сабабларга кўра қочиб чиққан фуқароларни депорт қилди ва қилмоқда. Буларга 2005 йилда қўлга олинган имом Руҳиддин Фахриддинов ва 2008 йили Остонада ушланган Ўзбекистонлик фуқаро Қудрат Ахмедов ва ўтган йили БМТдан қочоқлик мақомини олган бўлсада, Ўзбекистонга депорт қилинган 29 та диний қочоқларни ва бошқа ўнлаб мисолларни кўрсатиш мумкин. Уларни ҳаммаси узоқ йилларга озодликдан маҳрум қилингандир. Қозоғистон ҳам ўтган йиллар давомида бир нечта чеченни ушлаб Россияга депорт қилди. Ўзбекистон Россияга ўз ҳудудида бирор фуқаросини ушлаб бергани маълум эмас. Лекин, Тошкент тинмай талаб қилсада, Тожикистонга ҳалигача Маҳмуд Худойбердиев ва уни аскарларини хали бергани йўқ. Ва уни ўзини ҳудудида эканини ҳам тан олмай келаяпти. Тожикистон ҳам Ўзбекистон фуқароларини ушлаб Тошкентга бергани маълум эмас. Қирғизистон Тошкентга кўплаб фуқароларни ошкора ва яширин бериб юборгани маълумдир. Тошкент Бишкекга ўз ҳудудида бирорта қирғизни ушлаб бергани маълум эмас. Шу келишув имзолангандан бери ўтган йиллар ичида қанчадан қанча аъзо мамлакатлар фуқаролари ушланиб, уни изловчи томонга топширилди. Ва уларни айблари ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик исботланган эди?! Бу ерда ҳар бир аъзо давлат ўз сиёсий ва диний мухолифларини ҳам “экстремист ва террорист” деб эълон қилавериши мумкинку?! Масалан, ўзбек режими ўнлаб сиёсий мухолифларини ва ҳатто, дунё таниган мухолиф сиёсатчи М. Солихни ҳам экстремист деб, интерполга қидирувга берганди. Шу сабабли уни 2001 йилда Прага полицияси қамоққа олганди. Ва бир муддатдан кейин озодликга чиқарди ва Президент Хавес у кишидан кечирим сўраганди. Бу энди Европа давлати бўлган учун шундай бўлди. Аммо, ШХТга аъзо давлатларда ҳибсга олинган фуқаролар бундай ҳуқуқдан маҳрумдирлар. Улар юқоридаги шартномага мувофиқ ўзбек режимига бариб юборилмоқда. Маълумки, 28 июл 1951 йилги БМТнинг қочоқлар тўғрисидаги Женева келишувига биноан, бирор мамлакатда қўлга олинган қочоқ шахсга ватанида қийноққа солинишлик, ёки ўлим жазоси беришлик эҳтимоли бўлса, уни ватанига қайтариб юборишлиги мумкин эмасдир. Бу ҳужжатни БМТга аъзо давлатларни барчаси қабул қилган. Ва БМТ қочоқлар комиссариати ҳалигача ана шу ҳужжат асосида фаолият юритади. Хуллас, ШХТ ташкил топганидан бери асосан Хитой коммунистик режими ва Ўзбек диктатори манфаатига етарлича хизмат қилди. Ва умуман олганда ўша аъзо мамлакатлардан қочган барча диндор қочоқ фуқароларга халқаро қонунларни бузган ҳолда катта зарар етказди. Бу ташкилот менимча авторитар режимларни экстремизмга қарши кураш баҳонасида ўз мухолифларига қарши курашиши учун ўзаро келишиб ташкил этилган ва мавжуд халқаро ҳуқуқ нормативларига хилоф бўлган қурилмадир. Бу қурилмани ва шунга ўхшаган КХШТ (ОДКБ) фаолияти бугунги кунда Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро қонунлар нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳоланиши керак. (Агар шундай қонун механизми бўлса, албатта?!)

Чунки, КХШТ ҳарбий блок сифатида танилган ва аъзо давлатларни хавфсизлигини биргаликда ҳимоя қилишга келишиб олингандир. Бунақа қурилмалар мавжуд авторитар режимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади халос. Хусусан, БМТ инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш қўмитаси ёки махсус Халқаро Комиссияси мазкур тузилмаларни фаолиятини қанчалик халқаро қонун меёрларига мос келишини текшириб ўз ҳуқуқий ҳулосаларини беришлари мақсадга мувофиқ бўларди.

26 февраль 2012

Мустабид режимларга хос хусусиятлар

Одатда мустабид (авторитар) режимларга хос хусусиятлар асосан нималарда намоён бўлишига эътибор қаратайлик.

1. Жамиятда бир шахсни мутлақ ҳукмрон бўлиши.(Тоталитар тузумларда бир ғоя ва бир гуруҳ ҳукмрон бўлади)
2. Бир шахсни (давлат раҳбарини) кўкларга кўтариб мақтаб, уни атрофига бутун жамият учун мажбурий суратда ҳурмат муҳаббат туйғусини шакллантиришга эришиш.(Бу мақсадга эришиш учун барча давлат органларини ва куч ишлатар тизимларни ҳам жалб қилишлик)
3. ОАВ ва жамиятдаги барча интеллектуал имкониятлар (Шоир ва ёзувчилар, илм аҳли)тўлалигича шу мақсадларга хизмат қилиши.
4. Мустабидни китобларини таълим тизимида ва бошқа ҳамма ерда мажбурий суратда ўқитиш.
5. Мустабидни (Тоталитар тузумда бир партияни.)ўз ўрнини то ўлгунича ҳеч кимга бермай ўтиришлиги.(Бунини имкон қадар қонунийлаштиришга ҳаракат қилинади)Сайловлар тоза ва ҳалол ўтмайди.
6. Мухолиф фикрли ҳаракатларга қаттиқ таъқиқ қўйиш.
7. Мамлакатга кириш ва чиқиш чекланиши.
8. Жамиятдаги барча ижтимоий жараёнлар қаттиқ назорат остига олиниши ва бундан режим манфаати учунгина фойдаланиш.(масалан,аҳолини кўпайиши ёки камайиши,диндорлашуви, ёки демократлашуви,ёки, қайси тоифа, этник миллат кўпайиши ёки камайиши,қайси жойда қачон қанақа урф одатлар байрамлар ўтказиш мумкинлиги ёки мумкинмаслиги,ва ҳаказо...)
9. Шахслар эркинлигини таъминлаш.(масалан,туғишни чеклашга ҳаракат қилиниши,ёки, қайси тоифа қайси жойда қачон қанақа кийимлар кийиши мумкинлиги ёки мумкинмаслиги,ва ҳаказо...)
10. Иқтисодда давлат сектори улуши катта бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги,қазилма бойликлар ва импорт экспорт савдо ишлари давлат монополиясида бўлади.Аҳолига жуда чекланган имкониятлар берилади. ИАК режими бутун моҳияти билан диктатура яъни мустабидлик режими. Юқорида зикр этилган сифатларни Ўзбек режимида тўлалигича топишимиз мумкин. Ва бунга на республика фуқароларида ва на чет элдаги кузатувчиларда ва на мухолифатда шакл шубҳа йўқ. Бунини фақат режим ошкора тан олмаяпти халос. Энди бугунги ўзбек ёшларини ватан ичидаги четдаги қаерда бўлишдан қатъий назар зиммаларидаги вазифа ва бурчлари бугунги кунда ИАК режими ўрнига янги бошқарув тизимини олиб келишга ҳаракат қилишлари керак.Чунки, бунини шу халқ вакиллари қилишлари керак. Ва бу уларни авлодлар олдидаги бурчидир.Агар ИАК режими аҳдариб, Унда юқорида санаб ўтган ҳозирда Ўзбек диёридаги мавжуд иллатлар аксинча бўлади. Яъни йўқ бўлади.

Агар режим қуласса, ўша тепада санаб ўтган ўнта соҳада ўзгаришлар тахминан қуйидагича бўлади.

1. Эркин Фуқаровий жамиятда Бир шахсни улуғлаш ва уни доимий ҳукмронликда қолдириш каби ҳолат бўлмайди. Бу жамиятда фуқаролар ўзаро тенг ҳуқуқли ва ҳеч ким ҳаммадан ажралиб турадиган «Буюк доҳий» мақомига эга бўлмайди. Мана шу инсоният учун зарурий адолат талабидир. Ва Ислом таълимотида ҳам аслида шундай. Яъни инсонларни тенг ҳуқуқли саналади. Биз ИАК режими ўрнига қуришни орзу қилаётган жамиятда Бир гуруҳ ёки бир ғоя ҳукронлигига ҳам мутлақо ўрин берилмаслиги керак. Яъни бир тоифа одам, ёки партия ва уларни ғояси доимий ҳукмрон бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим. Диний қарашлар ҳам юқоридаги талабга дахлдор бўлиб, улар орасида ҳам турли ихтилофлар мавжуд бўлиб, бир тоифа иккинчисини инкор қилади. Бундай даврда муайян динга йўналишга мансуб мазҳаб, ақида, ғоя ҳукмрон бўлиши жамиятга хавф солади.

2. Бугунги давр талаби дунё миқёсида авторитаризмни йўқотишни қолаёпти. Борган сари ягона «доҳий»лар сафи камайиб кетаяпти. Инсоният шунақа бир тараққиёт даврига етишдики, энди кимдир ниҳоятда буюк Зот бўлиб бошқалардан устун бўлиб яшаш имтиёзидан тобора маҳрум бўлиб бораёпти. ИАК ҳам Ўзбекистон тарихидаги охириги «буюк даҳо» бўлиб қолажак. Биз келажакда Ўзбекистонда давлат раҳбарини ўз муддатида алмашадиган ва отадан боласига мерос қилиб кетилмайдиган ва қонун доирасида алмашиб турадиган тузим бўлишини орзу қиламиз. Бундан кейин Ўзбекистонда ҳамма китобини мажбурлаб ўқийдиган «Буюк даҳо»лар эмас, халқ сайлаган оддий президентлар давлат бошқариши керак. Уни танқид қилиш ва унга қарши фикрларни қонун доирасида гапириш мумкин. Ва Президентни китобини ҳеч кимга мажбурлаб ўқитилмайди. Ва уни мақташлик давлат органларини вазифаси қилиб қўйилмайди. Чунки, авторитаризм даврини барча сарқитлари билан ўчириб ташлаш давр талабидир. Асосийси КУЧ ишлатар тизимлар мутлақо президентни шахсини улуғлашга жалб қилинмаслиги муҳимдир. Балки бу қонунан таъқиқланиши керак. Уларни вазифаси қонунда аниқ белгилаб берилиши ва улар ўз ишини бажаришлари лозимдир. Бу соҳада ҳам катта ислохотлар қилиниши лозим.

3. Биз ИАК режимидан кейин қуриладиган давлатда ОАВ тўла давлатдан мустақил бўлишини истаймиз. ОАВ Давлатники ва шахсларники ҳам бўлиши мумкин. Ҳаммаси қонун доирасида фаолият олиб боради. Ва уларга нимани ёзишни ёки нимани ёзмасликни буюриб турувчи орган бўлмаслиги керак. Барча ижод аҳли қайси йўналишда бўлмасин ижодида мустақил бўлишини таъминлаш зарур. Лекин уларга Президентни мақтаб шеър ёзиш ёки унга атаб китоб ёзиш ва шунга ўхшаган беъмани лаганбардорликлар қилиши қонунан таъқиқланиши лозим. Чунки, ИАКни мустабид бўлишига омил бўлган нарсаси ҳам аслида шудир. Бу иллат барча мустабид тузимларга хосдир.

4. Мустабидлар шуҳратпараст бўлишади. Ва кўпинча ўзлари номидан чиққан китобларни (кўп ҳолларда уларга кимлардир ёзиб беради) мажбурлаб халқга ўқитишади. Бу нарсаси уларга теккан касал. Келажакда Ўзбекистонда таълим тизимида Президентни китобини ўқитиш қонунан таъқиқланиши керак. Ва умуман уни китобини ўқиш ҳеч бир давлат органи учун мажбур ҳисобланмаслиги ва фуқаролар ўзлари истаган китобни истаган вақтда ўқиш ёки ўқимаслик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Мактабдаги мажбурий таълим дарслиги бундан мустаснодир. Доҳийпарастликни илдизини қуритиш шахсга сиғинишни бартараф этиш асосий мақсад бўлмоғи лозим. Ўзбек халқини уч тўрт авлоди шу каби шахсга сиғиниш руҳида тарбия топишди. Аввал Ленин, Кейин Сталин, кейин қатор коммунист доҳийлар ва кейин ИАК шахси ўзбек халқи учун сиғиниш манбаи бўлиб келмоқда. Биз онги шахсга сиғинишдан тоза ҳурфикрли авлодларни тарбиялашни мақсад қилишимиз керак.

5. Биз ИАК мисолида бунга аниқ гувоҳ бўлганмиз. У Компартияни биринчи котиблигидан бери то шу кунгача яқка ўзи ҳоким. Уни раҳбарлигини қонунийлигини таъминлаш учун турли хил ўйинлар қилинди. Президентлик муддати узайтирилди. Ва сайлов ўрнига референдум ўтказилиб ўз лавозимида қолдирилди ва ҳаказо...

Конституцияда кўрсатилган икки марта сайланиш ҳуқуқи борлигидан қатъий назар у ҳали ҳануз ўз лавозими қўлдан бермай келаётир. Олдимиздаги яқин келажакдаги асосий муаммолардан бири ҳам шуки, Президентни тоза очиқ сайловларда сайланишини ва қонунда кўрсатилган муддатида кетишини таъминловчи механизмлар ишлаб чиқиши керак. Ва ҳар қандай ҳолатда ҳам бир шахсни икки мартадан кўп муддат ўз ўрнида қолмаслиги шарт. (Балки, парламент бошқаруви жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар)

6. Биз ўзбекистонда мавжуд мухолиф кучлар ва партияларни барчасига баробар ҳуқуқ берувчи тизим яратишимиз керак. Бунда барча сиёсий партиялар ва диний жамоалар ва фуқаролар ўз фикрларини айтишга, ва ўз партияларини рўйхатдан ўтказишга ва ўз мақсадлари сари қонун доирасида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўладилар. Айнан мана шу нарса авторитаризмни йўлини тўсувчи асос омидир. Айни мана шу имконият ҳеч қачон авторитар ва тоталитар давлатларда бўлмайди. Айнан мана шу имкониятсиз тараққиёт сари силжиш имконсизлигини биз тажрибадан кўрдик.

7. Мамлакатга кириш ва чиқиш муаммоси барча авторитар давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонга ҳам хосдир. Дунёнинг ҳеч бир давлатида бўлмаган чет элга чиқмоқчи бўлган фуқарони паспортга овир босиш ИАК режимида мавжуддир. Бу уларни талқинида, ИИБ томонидан айни фуқарони чет элга чиқиши мумкин деган рухсатномадир. Яъни уни иши терговда эмас ва четга чиқиши мумкин деган маънода. Бу билан режим ўзи истамаган фуқароларни чет элга чиқишдан мосуво қилади. Бундан ташқари ҳам қўшни давлатлар билан борди келди қилиш учун ҳам фуқаролар олдида турли хил сунъий тўсиқлар мавжуддир. Шуларни барчасини бартараф қилиш давр ва тараққиёт талабидир.

8. Жамиятдаги жараёнларни назорат қилишни икки хил кўриниши мавжуддир. Буни авторитар давлатларда кўпроқ режимни манфаатини ўйлаб кузатиб борилади. Ва шунга яраша чора кўрилади. Очиқ эркин жамиятларда эса, бу каби кузатишлар халқ манфаатини кўзлаб ва уларни келажакдаги ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини кўзлаб кузатилади. Ва давлат томонидан зарурий тадбирлар амалга оширилади. Бу назорат давлат органлари томонидан олиб борилиб парламент назоратида бўлиши керак.

9. Шахсий эркинликка кўп нарсалар киради. Ва уларни дахлсизлигини таъминлаш давлат вазифасидир. Давлат ўзи томонидан ҳам чекловлар бўлишини қонунан таъқиқланиши керак. (Бу ерда халқимиз табиатига ёт бўлган бир жинсли фуқаролар орасидаги никоҳ таъқиқланиши мумкин) Туғиш, қаерда қанақа кийим кийиш шахсни иши бўлиши ва уни дахлсизлигини таъминлаш давлат вазифаси бўлиши керак.

10. Ўзбекистонда келажакда иқтисод соҳасида катта ислохотлар ўтказилиши лозимдир. Хусусан давлат монополиясидаги иқтисодий секторни аксарият қисмини хусусий секторга айлантириш керак. Чунки, давлат назоратидаги бойликлар мустабид режимларда фақат режимни бошқарув органларидаги амалдорларни шахсий манфаатига хизмат қилади халос. Менимча, барча савдо сотиқ, ер, пахта, чорва ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ички ёки ташқи бозорда сотиш экспорт импорт шахсий секторни иши бўлиши керак. Бунинг учун ер аҳолига шахсий мулк қилиб берилиши шарт. Сув таъминоти давлат зиммасида бўлиши керак. Газ ва нефт, уран, олтин қазиб олувчи компаниялар давлат секторида қолиши ва уларни ички ва ташқи бозордаги савдосини давлат назорат қилиши керак. Биз бу йўналишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб ва халқ манфаатини устун қўйган ҳолда зарурий қонунлар ишлаб чиқиб ҳаётга жорий этиш керак. Агар Диктатура қуласса, демак, юқоридаги ўнта ҳолат, қуйидаги ўнта ҳолатга алмаштирилади. Мана шу ишни қилиш янги ҳукуматни мақсади бўлади. Демак, ўзбек халқининг вакиллари ана шу мақсад сари ўзаро бирлашишлари зарур. Яхши ҳаёт қуришлик ўз ўзидан бўлиб қолмас экан. Диктатор бизни шунча йил алдаб келди. У айтган «буюк келажак»ни ҳаётда умуман акси намоён бўлди. У ҳеч қандай ислохотлар ўтказишга қодир эмаслигини кўрсатди. Араб халқларини баъзилари Аллоҳнинг мадади ва ўзларини саъй ҳаракатлари билан ўз мустабидларини бошларидан улоқтириб ташлашга қодир бўлдилар. Ва бунга Ўзбек халқи ҳам қодирдир иншааллоҳ! Бунинг учун барча меҳнат муҳожирлари ва ватандаги ёшлар мана шу ғоялар атрофига жамланиши керак.

Ана шунда биз ИАК режимини қулатиш ва ўрнига юқорида тилга олинган улкан ўзгаришлар қилиш имкониятига эга бўламиз. Мамлакат тараққиёти учун шу ишларни қилишлик бугунги давр талабидир. Биз шу улуғ ишларни қилаолишимизга ишонайлик! Умид билан ҳаракат қилайлик!

2012 йил

Умнат ихтилофнинг юқори чўққисида

Мисрда кўп йиллик тазйиқлардан кейин иқтидорга келган Ихвонлар жамоаси жуда катта ички ва ташқи босимлар остида қолдилар. Ўтган якшанбада ўтказилган Конституцияга овоз беришни биринчи босқичида 57% сайловчи Конституцияни ёқлаб овоз берганлиги ва 42% қарши бўлгани ва бошқаси бетараф қолгани хабар қилинди. Энди келаси якшанбада иккинчи босқич сайлов бўлиб ўтади. Ва шунга қараб кейин мамлакатнинг кейинги ривожини учун муҳим бўлган бу ҳужжат қабул қилинади. Мазкур сайловга қатнашиш ёки қатнашмаслик масаласида диний жамоалар орасида ихтилофлар пайдо бўлди. Мамлакатнинг христианлар, яҳудлардан ва демократик қадриятларни тарафдори бўлган ва Муборак режими тарафдорлари бўлган фуқаролари умуман Конституцияни матнидан норозилик изҳор қилиб қатор намоийишлар ташкил қилдилар. Хусусан, улар мана шу Конституцияга овоз бермасликни тарғиб қилмоқдалар. Айни пайтда эса, Салафий гуруҳлар орасида ҳам Конституцияга овоз бериш мумкинми йўқми деган мавзуда баҳслар авж олди. Салафийлар шайхларидан бўлган Саудиялик Абдурахмон ибн Носир ал Барок Мисрлик салафийларга мурожаат қилиб уларни Конституцияга овоз беришга чақирди. Шунингдек, дунёга Машхур ва мўътадил манҳаж эгаси бўлган Шайх Юсуф ал Қарзовий ҳам Мисрликларни мазкур Конституцияга овоз беришга чақирди. Бошқа бир Мисрлик салафийларнинг Толъат Заҳрон исмли Муборакга итоатни фарз деб фатволар бериб юрадиган шайх Ихвонлардан бўлган Мурсийга қарши бўлиб, ўз тарафдорларини Ихвонларга қарши қайраепди. Мамлакатнинг келажағи ҳал бўлаётган бир паллада, мана шундай ички ва ташқи кучлар ўз манфаатларига мувофиқ фаолият қиладиган гуруҳларга ғоявий кўмаклашиб турибдилар. Чунки, Ихвонларнинг вакили бўлмиш Мурсийнинг иқтидорга келиши на АҚШга ва на Исроилга ва на Россияга ва на Оига ёқмаганди. Бу улар учун кутилмаган воқеъа бўлди. Айни шу паллада “Умнатнинг пешволигига даъвогар” Ҳизбутлар ҳам Ихвонларга қарши варақа тарқата бошладилар. Уларнинг иддаосича Конституцияга овоз бериш “ҳаром” ва мумкинмас экан. Бу чақириқ Мисрдаги демократлар ва Муборакпарастлар учун айни муддао эмасми?! Ҳизбут Таҳрир Мисрда Халифат қурамиз деган шиорини кўтариб чиқди. Лекин у ердаги жамоалар раислари бунга раддия бергач, уларни Ғарбга хизмат қиладиганликда айблаб варақа тарқатдилар. Мана сизга мустабидлар кетганидан кейинги мусулмон юртининг аҳволи. Мен буларни кўриб, эртага Ўзбекистонда ҳам мустабид тузим қуласа, айни манзара такрорланишига ва ёки шунга яқин бир аҳвол бўлишига амин бўлдим. Бугун Ислом уммати парча парча бўлиб, турли хил манҳажлар ва йўлларни ушлаб олишган ва назаримда қайсидир эртадаги чўртанбалиқ, қисқичбақа ва оққушга ўхшаб, ҳар гуруҳ аравани ўз тарафига тортиб турибди. Албатта, биз Қудратли Аллоҳдан Доктор Мурсийга ва жамоасига ўз нусратини беришни, Ислом ва мусулмонлар манфаати йўлида собитқадам қилишини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

19 декабр 2012 йил

Байъат Ҳақида

Маълумки аввалги байъат расулуллоҳ савнинг ўзларига берилган. Ва бу ҳақида қуръон ва ҳадисда кўп маълумотлар бор. Байъатни Наби саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир неча турлари мавжуд бўлиб, аввал Имонга кирган мушриклардан асосан Аллоҳга ширк келтирмаслик, намоз ўқиш, закот бериш ва ҳаказо масалаларда байъат олинган. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни чақирдилар, биз у зотга байъат бердик. Биздан байъат олган ишлар ичида яхши кўрган ишларимизда ҳам, ёмон кўрган ишларимизда ҳам, қийинчилик пайтларда ҳам, фаровонлик пайтларда ҳам, ҳақ-ҳуқуқларимизни ман қилганида ҳам (амирларга) қулоқ солиб, итоат қилиш, иш эгалари (амирлар) билан низолашмаслик бор эди, «Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжат бўлган очиқ куфрни ундан содир бўлганини кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)», дедилар. Кейинчалик имон келтирган мўмина аёллардан ҳам байъат олишга буйруқ бўлди.

“Эй Набий! Агар мўминлар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир. Мумтаҳана сураси 12 оят.

Баъзида, дин йўлидаги бўладиган урушлар олдидан яна қайтадан байъат олганлар. Қуйидаги оят ана шунақа байъатни Аллоҳ наздида маъқул бўлганига далилдир.

“Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (аҳдни) бузса, ўзига қарши бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур. Фатҳ 10 оят.

Кейинчалик Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаларига, яъни ўринбосарларига байъат берилган. Бу каби байъат бериш шаръан жорий бўлгандир. Ва байъатни олувчиларни ваколати ҳам шариат томонидан белгилангандир. Кейинчалик тарихдан маълумки, байъат тартиби кўп ҳолларда бузилган. Кўпгина одамлар зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаб, бошқаларни ўзига байъат беришга мажбурлашган. Язид ибни Муовия Ҳусайн ибни Алини байъатга мажбурлагани бунга бир мисолдир. Байъат бериш масаласи, умуман олганда шариат нуқтаи назаридан ҳақдор Амирга берилиши керак. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг “ Кимки, бўйнида байъати бўлмаган ҳолда вафот этса, жоҳилият ўлимида ўлибди” деган ҳадислари мазмуни шунга дахлдордир. Байъат масаласи аввалги даврларда диний ва сиёсий барча масалада пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга таслим бўлганини ифодалаган бўлса, кейинги даврда кўпроқ сиёсий ҳокимиятни тан олишдан иборат бўлган. Илмий фикр ҳақида ихтилофлар жуда кўп бўлгани учун, асрлар давомида турли хил фикр мазҳаблар вужудга келди. Ва диндаги асл қоида бунга йўл беради. Яъни ҳар бир мужтаҳид олим ўз фикри раъйини тўғри дейишга ҳақлидир. Шу ўринда Имоми Моликга тегишлилиги айтиладиган машҳур калимани келтириб ўтиш жоиздир.” Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳар қандай инсоннинг гапи олинадиган ҳам, тарк қилинадиган ҳам.

Бу диндаги тўғри аслдир. Яъни, диндаги итоат ва эргашиш Аллоҳга бўлиши керак. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса Аллоҳнинг ҳукмини иродасини етказувчи зотдир. Шу маънода Расулга эргашиш Аллоҳга эргашиш ҳисобланади. Бунга қуръонда қатор далиллар бор.

“Қайси бир Пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз.” Нисо 64 оят.

Бошқа оятда шундай дейилади; “Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади. Ким юз ўғирса, Биз сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.” 80 оят.

Умуман олганда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш асоси шундай.

У зот 40 ёшларигача пайғамбар эмас эдилар.

Бу даврдаги ҳаётлари шариат учун далил бўлмайди. Кейинги 23 йил пайғамбарлик қилдилар. Бу даврда у кишига ваҳй тушиб турди. Кейин тўпланиб, қуръони карим ҳозирги ҳолига келди. Энди қуръонга итоат қилиш, Аллоҳга итоатдир. Бу расулсаллаллоҳу алайҳи васалламга итоатдан алоҳида нарса. Ўша 23 йил давомида у кишига Аллоҳ тарафидан баъзи илҳом берилиб, айтган гаплари ҳадис дейилади. Баъзилар ҳикмат деб, ҳам номлашган. Мана шу ҳадислар шаръий ҳужжат бўла олади. Ва эргашиш савоб бўлади. Бундан ташқари у киши шу 23 йил давомида оддий инсонлик хусусиятларида яшадилар. Ва ҳар хил мавзуларда фикр билдирдилар. Булар ҳам эргашишга буюрилган нарсалар эмасдир. Бунга хурмо воқеъаси далилдир. Ухуд воқеъаси ҳам бунга далил бўла олади. Хаббоб ибн Арат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни туширамиз деган жойдан бошқа жойга туширишни таклиф этади. Ва уни таклифи инобатга олинади. Демак, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш дин ишида вожибдир. Ва Аллоҳга итоат қилиш расулга итоат қилиш билан амалга ошади. Амирларга итоат қилиш фақат бир шарт билан вожибдир. Яъни уларни буйруғи китобу суннатга мувофиқ бўлсагина итоат қилинади. Қуръонда келади;

Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир. Нисо 59 оят.

Амирга итоат ихтилофли масалада бўлмас экан. Амир чиқарган фатвоси кимнидир раъйида хато бўлса, унга итоат қилмасликга ҳақли бўлади. Бу мавзуда кўп далиллар бор. Ислом тарихидаги кўп мужтаҳидлар Амирларга бўйсунмаганликлари зикр қилинган.

"Холиқга осий бўладиган пайтда махлуқга итоат қилинмайди" деган ҳадис ҳам фикримизга далилдир. Агар фақат Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламгина Аллоҳ тарафидан бизлар бўйсунушга ваколатланган ва хатолардан маъсум бўлсалар, бошқаларда бу сифат бўлмаса, бўйсунушда эҳтиёткорлик зарур бўлади. Аслида амирга қачон бўйсунуш керак ва қачон қарши чиқилади бу нарсалар қатор ҳадисларда кўрсатиб ўтилган. Имом Муслим Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, улар билан уруш қилайликми?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ», деб жавоб бердилар.

Бугунги кунда эса, Умнат томонидан тан олинган ваколатланган Амирни ўзи йўқ. Турли жамоатлар ўзлари Амир сайлаб, унга байъат беришади.

Ҳизбут Таҳрир жамоаси ва Жиходчи гуруҳларда ва Таблиғ гуруҳида ва баъзи тариқатчи сўфиларда байъат вожиб ҳисобланади. Аммо, бу амирлар бирортаси умнат томонидан ваколатланган эмаслар. Яъни улар умнатни бир қисми ёки бир гуруҳи томонидан ваколатланганлар халос. Ва ўзаро манҳажларда тариқатларда ихтилофдадирлар. Ҳар бири ўзларига итоатни вожиб дейишади. Ва юқоридаги оят ва ҳадисларни далил сифатида келтиришади. Ҳизбут Таҳрир байъатида "Ўз раъйимга қарши бўлсада, Ҳизбни раъйига амал қиламан" деган жумла бор. Бу жумла мўмин кишини Аллоҳ берган фундаментал ҳаққини олиб қўяяпти. Ваҳолонки, ҳар қандай одам ўз фикрига тўғри келмаган ишни қилиши диндаги мантиқсизлик ва айни хатодир.

Агар кимдир Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам даврида яшаб унга нисбатан шу мақомда бўлса, мунофиқ бўларди. Бошқа одамга нисбатан бундай позицияда бўлишга ҳақлимиз. Менимча, Ҳеч ким мени раъйимни хато деб билсанг ҳам бажарасан!" дейишга ҳаққи йўқдир. Менимча бу амирларга байъат беришлик, бошқалар учун вожиб бўлмайди. Бўлиб ҳам бу амирларни манҳажларига, ақидаларига ва ҳаказо, қўшилмасангиз.

Ва агар уларни жамоатида бўлган тақдирда ҳам итоат мажбурий қилиши менимча ғайришаръий ва ноқонунийдир. Қуйидаги матн Жиходчи гуруҳларнинг Амирига берадиган байъати матнидир.

“Мен Аллоҳ йўлидаги шариатга мувофиқ ҳар қандай буйруғингизни бажараман.. Мен Аллоҳ йўлида шаҳидлик етгунча курашишга онт ичаман. Мен сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берган кун мен фидоийлик амалиётини амалга ошираман. Сиз рухсат берсангиз мен фидоилик қиламан. Сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берсангиз шу онда мен фидоилик амалиётини ўтказаман.” Бу матн «Кабоилда нима гап 2” номли видеофильмдан олинган,

Юқоридаги байъат матнини шариат тарозисига солиб кўрайлик.

“Мен Аллоҳ йўлидаги шариатга мувофиқ ҳар қандай буйруғингизни бажараман”. Бу ибора зоҳиран саҳиҳ. Энди буйруқларни шариатга мувофиқми йўқми ўшанисини аниқлаш керак ҳалос. “Мен Аллоҳ йўлида шаҳидлик етгунча курашишга онт ичаман.” Бу иборада ноаниқлик бор. Инсон шаҳидлик етиш етмаслигини билмайди. Балки ғолиб бўлиб чиқиши мумкин. Ва ёки касаллик ё бошқа турли сабабларга биноан жиҳодни тўхтатиши мумкин. Бу иборада бунга йўл қолмаган. Ва ниҳоятжиҳод ҳам Аллоҳ учун қилинадиган бир ибодатдир. Уни қилишда кимгадир онт ичиб қилишга ҳожат йўқ. “Мен сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берган кун мен фидоийлик амалиётини амалга ошираман. Агар рухсат берсангиз мен фидоилик қиламан. Сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берсангиз шу онда мен фидоилик амалиётини ўтказаман.” Бу ерда уч марта бир мазмунли ибора такрорланган. Фидоийлик масаласи ҳали жоизми йўқми бу бир ихтилофли масала?! Яна уни амир рухсат берсагина амалга оширишга онт ичилмоқда?! Бу ерда инсон ўз ҳаётини амир айтса қурбон қилишини билдираяпди. Қайси амир инсон ҳаёти билан савдо қилаолади?! Шаҳодат маълум неъмат. Аммо, буни ким ўз шахсига боғлаб қўяолади. Ким бировга бир жойга ўзингни портлатиб ўлсанг шаҳид бўласан ва жаннатга кирасан деяолади?! Шундай ваколат дунёдаги мавжуд бирорта одамда борми?! Фидоийлик масаласида ноаниқлик ва ихтилофлар кўп. Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб жон бериш билан, ўз ичига яширинган бомбани бир жойга бориб портлатиб, ўзи ҳам бошқаларни ҳам ўлдириш бошқа нарсаси. Буни мисли аввал бўлмаган ва аниқ далилларга суянмаган ишдир. Аммо, Бу мавзу алоҳида мақола мавзусидир. Бу мақола байъат мавзусида бўлиб, хулоса шуки байъат фактори бугунги кунда ўз шаръий легитимлигига эга бўлган эмасдир. Бунинг учун шариат талаб қилган шартлар етишмайди. Алоҳида жамоалар амирларига байъат беришлик уммат устида вожиб бўлган амал дейилмайди. Ва байъатларни матни уни шариат тарозусига солиб, ўйлаб кўришни тақозо этади. Ислом уммати парчаланиб, юзлаб алоҳида давлатларга бўлиниб яшаётган бир даврда омmani қамраб оладиган манҳажларга эҳтиёж сезилади. Турли хил тор йўналишдаги гуруҳлар ва уларнинг ажабтовур байъатлари умматни бирлигига менимча фақат путур етказди ҳалос. Бу албатта менинг фикрларим ва мен уни тўғри деб ўйлайман. Хато бўлиши ҳам мумкин. Албатта биз ихтилоф қилган нарсаларнинг барчаси ким тўғри ё нотўғрилиги қиёмат кунида аён бўлади. Аллоҳу Таъоло барча мўминларни мағфиратига олсин. Омин! Сўзимнинг охирида Аллоҳу Роббил Оламиндан Ислом умматини ҳақ устида бирлаштиришини дуо қилиб қоламан.

2012 йил

Ҳизбга қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқишлик эмас

Бугунги муносабат билдирмоқчи бўлган мақолам Ҳизб ут-Таҳрир Ўзбекистон сайтида чоп қилинган номи “Россия Аллоҳга қарши урушни кучайтирмоқда ва Ҳизб ут-Таҳрир йигитларини қамамоқда.” деб аталади. Муаллиф сифатида Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими раиси Усмон Баҳош номи кўрсатилган. Бу киши Иорданиядаги Ҳизбут Таҳририяти марказий офиси ходими бўлади.

Биламизки, Ато ибн Халил Абу Рушта исмли шайх 2003 йилдан бери Ҳизб ут-Тахрирнинг Партиясига Амирдир. Ундан олдинги шайх Абдул Қадим Заллум Ҳизб ут-Тахрир партиясини 1977 дан то 2003 йилгача вафотигача бошқарган. Ва ҳар иккала шайх ўз навбатида Партияни асосчиси Тақиддин Набаҳонининг сафдошларидандир. Партия Иорданияда ва қатор араб давлатларида ноқонуний нелегал фаолият олиб боради. Англия бўлимининг Лондондаги расмий офиси борлиги учун, кўпчилик бу партия ўша ердан бошқарилади деб хато тушунадилар. Аслида Ҳизб ут-Тахрир тузилмасида ҳар вилоятнинг ўз алоҳида бўлими ва 12 кишидан иборат бошқарув гуруҳи мавжуд бўлиб, Ато ибн Халил Абу Рушта умумий барчасига амирдир. Усмон Баҳош ўша марказдаги матбуот бўлими раиси бўлиб, унинг сўзи расмий партиянинг сўзидир. Энди мақолани сарлавҳасига эътибор берсак. “Россия Аллоҳга қарши урушни кучайтирмоқда ва Ҳизб ут-Тахрир йигитларини қамамоқда” Ҳизбут Тахрирни аъзоларини қамашлик, Аллоҳга қарши урушиш деган маънони бераяпдику бу сарлавҳа?! Мен Ҳизбут Тахрирни аъзоларини қамалишлигига қаршиман. Шунингдек, бошқа жамоаларни ҳам. Лекин, Ҳизбут Тахрирни аъзолари “Аллоҳ” эмас! Уларга қарши чиққанлар Аллоҳга қарши дейилмаслиги керак. Бу масала ақидавий масаладир. У ёки бу мусулмон кишига ким тарафидан қандай ноҳақлик бўлар экан, ўша кимсага фалончи тарафидан зулм бўлди деб, ҳар нарсани ўз номи билан айтиш лозим. Чунки, сизларга Ислом оламининг катта олимлари қарши чиққанлар. Сизнингча улар Аллоҳга қарши чиққан бўлиб қоладими?! “Россия Ҳизб ут-Тахрир йигитларини қамалмоқда” деса кифоя қилмасмиди?! Агар мезон шу бўлса, Саудия қироллигида ҳам Ҳизб ут-Тахрир аъзоларини қамашади. Улар ҳам Аллоҳга қарши урушни кучайтирмоқдами?! ИАК ҳам қамаяпди. Уни Ўзбекистон муфтийси арафотда туриб дуолар қилиб келди. Аллоҳга қарши уруш дегани Ҳизбутга қарши бўлиш деганими?! Агар Ҳизбут Тахрирни аъзолари ўзларидан бошқаларни ҳам диний фикри бор ва ўз фикрини билдиришга ҳақли деб тан олсалар, мана шу сарлавҳасини қанчалик тўғрилигини тушунтириб беришсин. Ҳизб доимо умматга пешволикни иддао қилади. Уммат ким?! Уммат бу Ҳизблардан бошқа барча мусулмонлардир. Салафийлар, Ихвонлар, Сўфийлар, Таблиғчилар, Нурчилар ва ҳаказолардир! Шу жумладан мен ҳам умматни бир аъзосиман. Марҳамат менга пешволикни иддао қилаётган жаноблар шу гапларингни шаръан ҳақлигини менга тушунтириб беринглар. Мени устимга ҳокимликни иддао қилувчи ҳар қандай гуруҳ ва жамоатдан мен бу иддаосига шаръий далил сўрашга ҳақлиман. Мақоладан Иқтибос; “Россия ҳукумати Ислом ва мусулмонларга бўлган адоватини ва Ислом даъватини кўтариб чиқувчиларга ва айниқса Ҳизб ут-Тахрир йигитларига қарши адоватли курашини тўхтатмади. Исломга нисбатан душманлиги, ҳукумат томонидан Чеченистондаги биродарларимизга нисбатан геноцид ишидан сўнг очиқ-ойдин бўлиб қолди, шундан сўнг Ислом даъватини кўтариб чиқувчиларга қарши таъқиб, қўлга олишлик, ўлдиришлик ва товламачилик каби соғлом одамнинг калласига ҳам келмайдиган жирканч услублар билан курашмоқда. Улар даъватни кўтариб чиқувчиларни хотини, опа-сингиси ва оналарини таъқиб қилишдан бошлади. Улар шундай услублар билан, мустаҳкам иймон ва журъат эгалари бўлганларни Аллоҳ рози бўладиган даъват йўлидан буриб юборишликка ҳаракат қилмоқдалар.» Дин бизни адолатга буюради. Ва мен ўзим ёмон кўрганлар ҳақида бўлса ҳам адолат билан гапиришим шарт. Россиянинг ўз мусулмон фуқароларига нисбатан тутган сиёсати Ўзбекистондан кўра ўн марта яхшироқдир. Россия демократик давлат эмас. У ерда авторитар режим ҳукмрон. Бу аниқ. Лекин, Россия ҳукумати ИАК ўз халқига қилган зулмни қилмаган ҳали. Россияда 20 миллиондан ошиқ мусулмонлар яшайди. Меҳнат муҳожирларини сонини 10 миллионлар билан ўлчаш мумкин. Буни билиш учун Россияда яшаб, ишлаб, турмасида ўтириб кўриш керак. Жаноб Усмон Баҳош Россияда ҳақида у ердаги Ҳизбийлар берган бир ёқлама маълумот асосида гапираётган бўлиши мумкин. Бу давлатни ўтмишдаги ва яқин тарихда Чечен халқига нисбатан қилган босқинчиликларини инкор қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда, Россия мусулмонларга қарши душманлар рўйхатини бошида турган давлат эмасдир. Ташқи сиёсатда ҳам улар Хамасни қўллаб келишади. Иқтибос; «Франция, Бельгия ва бошқа давлатларда бўлгани сингари, мамлакат жанубидаги Ставропол ўлкасида ўқув муассасаларида хижоб кийишни таъқиқлашлик билан мустабид тузум йўлида ҳаракатини давом этдирмоқда.

17 октябр чоршанба куни Қозон шаҳридаги “Ихлос” масжидига Россия куч ишлатар тизими ходимлари бостириб киришди. Масжид имомини Ҳизб ут-Таҳрирга алоқадорликда айблаб масжидда ва унинг уйида тинтув ўтказишди. Мустабид тузумнинг жинояткорона ишларидан охиргиси, 20 нафар Ҳизб ут-Таҳрир йигитларининг қўлга олинишлиги ва улардан 6 нафарини террористик ҳаракатга аъзоликда, қурол ва ўқ-дори сақлашликда айблашлиги бўлди.» Жаноб Усмон Баҳош сизга фақат сизни партияни аъзолари қайси мамлакатда қамалган бўлса, сиз ўша мамлакат ҳукуматини “Аллоҳга қарши чиқди” деб эълон қиласизми?! Ёки, ҳизбий бўлмаган мусулмонларни ҳам қамаётгани ҳақида сизга маълумотлар келиб турадими?! Улар ҳақида ҳам гапирасизми?! Куни кеча озодликда Ўзбекистонда Тошкент вилоятида 9 ҳизбий бўлмаган мусулмонни узоқ йилларга қамоқга ҳукм қилинганини хабари берилди. Сизларни “ўзбек аъзолар” бу ҳақда тезкор маълумотлар беришмайдими сизга?! Умуман, ҳизбийлардан бошқа мусулмон жамоатларни аъзоларини ҳам гапирасизми ҳеч?! Умнатга пешволикни иддао қилгандан сўнг, уларни ҳам ҳолидан хабар олиш лозим эмасми?! Иқтибос; « Ҳизб ут-Таҳрирнинг ғояси Пайғамбарлик минхожи асосида тўғри йўлдаги Халифалик давлатини барпо қилишликдан иборат. Россия ва унинг ҳукумати қўяётган тўсиқларга қарамай, бу иш Аллоҳнинг изни билан тез кунларда рўёбга чиқади.» Сиз ўз йўлингизни “ Пайғамбарлик минхожи асосида тўғри йўлдаги Халифалик давлатини барпо қилишликдан иборат” деяпсиз. Лекин, дунёнинг (Ҳизблардан бошқалар)тан олган мужтаҳидлари йўлларингизни Пайғамбарлик минхожига мувофиқ эмаслигини таъкидлаб келишади. Сизни тан олган мужтаҳид тўғри деса, ҳамма учун тўғри бўлиши керакми шу йўл?! Бошқа олимларни ҳам сизларни “мужтаҳидлар” каби ҳақ ҳуқуқи борми?! Мана марҳум Саудийя муфтиси Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Бозни Ҳизбут Таҳрирни хато жамоат эканлиги ҳақидаги фатвоси. Хўш, биз омиё уммат вакиллари кимга эргашайлик?! Сизни шайхларни фатвосигами ёки Сауд шайхларигами?! Сизларнинг “ тез кунларда рўёбга чиқади.»деган гапингизни эшитишни бошлаганимга 15 йилга яқинлашди. Партиянгиз ташкил топганига 60 йил бўлган. Хўш, қачон ўша “ тез кунлар”?! 5 йилми? 10 йилми? 20 йилми? 30 йилми? Бу йиллар ичида неча минглаб Ҳизбий йигитлар Золимлар қўлида қурбон бўлади?! Буниям ўйлапсизларми?! (Ҳали мен уммат ичидан ўша Халифа келгач, қурбон бўладиганларни гапирмай қўяқолай?!) Иқтибос; Россия тузумининг мохияти бу Ислоҳ ва мусулмонларга нисбатан алдов, ёлғон ва адоватдан иборат. У Ислоҳ байроғига чидай олмайди. Мусулмонлар бирлашаётганлигини ва бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганлигини кўришликка тоқат қила олмайди. Уларни Аллоҳнинг пок динига бўлган адоватлари тиллари билан ошкор бўлди, қалбларидаги эса бунданда зиёдадир. Шунинг учун ҳам биз уларнинг ёлғон кетидан ёлғон тўқийётганларини кўрмоқдамиз. Шундай услублар билан улар ўзларини содир этган жирканч ишларини оқлашликка ва одамларни бунга ишонтиришликка ҳаракат қилмоқдалар. Терроризмга қарши курашлик шиорлари бунинг далилидир. Бу Ислоҳ ва мусулмонларга қарши душманона сиёсатини яширишлик учун ниқобдан бошқа нарсаси эмас. Россиядаги мавжуд тузум ўз ўтмишдоши собиқ Совет Иттифоқидан ҳеч қандай фарқ қилмайди.» Россия Совет Иттифоқини меросхўри тўғри. Уларнинг ҳукумати ҳам ўша даврдаги одамлардан ташкил топган. Лекин, бугунги Россия Совет Иттифоқи эмас. Ҳавас қилгудек “демократ” ҳам эмас. Лекин, улар Совет Иттифоқидан анча инсонпарварроқ. Ва бу кўп жиҳатларда ўз исботини топади. Сизни “Уларни Аллоҳнинг пок динига бўлган адоватлари тиллари билан ошкор бўлди, қалбларидаги эса бунданда зиёдадир.” деган сўзларингиз қуръони каримда мунофиқлар ҳақида келган оятлар мазмунига ҳам оҳангдир. Лекин, бу Русларга нисбатан нотўғри ишлатилган. Русия мусулмонлар давлати эмас. Шунингдек, у христиан қонуни асосидаги давлат ҳам эмас. Қонунлари дунёвийлик асосларига қурилган. Ва асосийси у ерда бугунги кунда 20 миллионлик мусулмон халқи вакиллари яшайпдилар. У ёки бу мамлакатга баҳо берганда мана шуни унутмаслик керак. Хусусан у ердаги мусулмонларни фикрини инобатга олиш лозим. Россия муфтийси Равил Гайнутдин шу йилни 19 ноябрида Туркияда ўтган Евро Осиё исломий мажлисида сўзга чиқиб Юсуф Қарзовийнинг “Россия мусулмонлар учун 1 сонли душмандир” деган сўзига изоҳ бериб шундай деди; Биз йилига ўнлаб масжид ва мадрасалар ва исломий марказлар очаяпмиз.

Постсовет ҳудудида айнан Россияда муслима аёллар паспортга хижобда суратга тушишга рухсат олди. Европа диндорлар ҳуқуқларини чегаралаётган бир пайтда, Россия борган сари диндорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда бардавом бўлмоқда» Иқтибос; У Совет Иттифоқидан ўз ерида яшаётган кучсизларга нисбатан зулм, адолатсизлик ва камситишликни мерос қилиб олган. Мана шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи одамларни қаттиққўл қонун, камситиш ва зулм билан бошқарганлиги сабабли тезда парчаланиб кетди. Оқибатда, халқлар унинг қаттиқ исканжасидан биринчи имкониятдаёқ қутулиб кетишди.» Бу фикрларингиз ҳам анча мунозаралик фикрдир. (Агар фикрингизга қўшилмаслик ҳуқуқимни тан олсангиз) СССР куфр ва зулм давлати эди. Аммо, у “қаттиққўл қонун, ва зулм билан бошқарганлиги сабабли” эмас, менимча, эркинлик, ошкоралик берилгани сабабли тарқалиб кетди. Ўша қаттиққўллик даврида у 70 йилдан ортиқ умр кўрди. Мен қаттиққўллик тарафдоримасман албатта. Лекин, уни тарқалиши сабаби қаттиққўллик эмаслигини таъкидлаяпман. Яна сиз айтгандек, халқлар унинг қаттиқ исканжасидан биринчи имкониятдаёқ қутулиб кетишгани йўқ. СССР даврида миллионлаб ўзбек, тожик, қирғиз ва озарий, арман, украин ва белорус ва бошқалар Россияга иш излаб келишмас эди. Энди эса мустақил бўлган халқ вакиллари пул топиш учун ихтиёрий қулликга юз тутмоқдалар. Тарқалиб ҳали узоққа кетолганимиз йўқ. Агар давлат бизни иш билан таъминламаса, диний ва сиёсий ҳуқуқларимизни оёқ ости қилса, халқ ейишга нон тополмай саргардон бўлса, бунақа мустақиллик нимага керак?! Ҳозирда ёши катта авлод ўша СССР даврини қўмсайди. Сиз негадир муаммони бу томонига эътибор қаратмагансиз. Иқтибос; Исломий юртлар бевосита ва билвосита ушбу бузуқ тузум орқали назорат қилиниб туришлигига қарамай, буларнинг бузғунчи исканжасидан халос бўлишлик учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар ва иншаАллоҳ якунда, Россия томонидан мустамлака қилинган давлатларни озод қилиб ва ушбу давлатлар қайтадан Ислом Давлатининг қисмларига айланадилар деб, биз бу хушxabарни сизларга етказмоқдамиз.» Адашмасам сиз айтган “Исломий юртлар” Чеченистон, Ингушетия, Доғистон, Татаристон, Бошқирдистон ва Кримтатарлари ва ҳаказолар бўлса керак?! Демак, сизнингча бу юртлар “буларнинг бузғунчи исканжасидан халос бўлишлик учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар” эканда?! Бу сўзингиз Қавказдаги Республикаларда ҳукумат билан диний гуруҳлар орасида бўлаётган қуролли тўқнашувларга ишора бўлса керак?! Жаноб Баҳош мени маъзур тутингу лекин, бу фикрингиз менимча жуда асоссиз ва саёз фикрдир. Аввало сиз назарда тутган халқлар аксарияти Россия Федерацияси таркибидан чиқишга шошаётганлари йўқ. (Сизга Россиядаги биродарларингиз нотўғри маълумот беришган эҳтимол) Яна юқорида айтаётганимдек, бу ерларга Жанубдан миллионлаб мусулмонлар ишлашга келишмоқда. (Қутулиб кетишга уринишмас, келишмоқда). Асосийси эса, бу ердаги исломий гуруҳлар сизни Партияни ва ундан бўладиган Халифаниям тан олишмайди. Бу асосийси. Умматга пешволикни иддао қилишдан олдин улардан бир сўраб кўрингларчи сизларни тан олармиканлар?! У ердаги салафий ва сўфий гуруҳларига сизнинг бу “хушxabар”ингиз бир пулга қимматдир. Реалист бўлиш керак. Қуруқ орзу ҳавасни ҳақиқат деб тушунмаслик керак. Мен сиздан кўра анча яқиндан таниман Россиядаги жамоатларни. Сизни бу “хушxabар” ўша ердаги ҳизбийлар учун эҳтимол ҳақиқат бўлиб туюлар?! (Агар улар ҳам менга ўхшаб 10 ёки 15 йилдан бери “хушxabар” эшитавериб охири ҳафсаласи пир бўлмаган бўлсалар албатта) Иқтибос; Эй Россия зулми остида эзилган мусулмонлар! Россия тузumi ҳеч уялмай ва виждонсизларча сизларни Парвардигорларингиз ва динингизга қарши очиқ уруш эълон қилди. Нахотки Аллоҳ сизларни азиз қилиб қўйгандан сўнг яна қайта хор бўлишни истайсизлар!? Бу адолатсиз тузумнинг ертўлаларида занжирланган махбуси бўлиб қолишни хоҳлайсизларми!? Сизлар учун ечим фақат Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилишлик ва Унинг дустурини маҳкам ушлашликдадир. Золимни ҳузурида тик туриб ҳақиқатни қўрқмай ва иккиланмай айтишлик, исломий ўлкаларда тўғри йўлдаги Халифаликни барпо қилишлик учун доимо жиддий ва холис ишлашликдадир ва ҳар бир мусулмонларни заиф санаб, сиқувга олган қўрқоқ золимлардан қутулишдадир.» Бу мурожаат адашмасам Россия мусулмон халқини Ҳизбга киришга бўлган чақириқдир. “Нахотки Аллоҳ сизларни азиз қилиб қўйгандан сўнг яна қайта хор бўлишни истайсизлар!?” деган нидо, жуда жуда мунозарали ва мажхулдир. Азизлик ва хорлик тушунчалари мезонини аниқлаб кейин бу хусусда сўз юритиш керак.

Россиянинг мусулмон фуқаролари ўзини “хор” деб ҳис қилаётганмиканлар?! Қайси мусулмонлар яшайдиган давлатда фуқаролари “Азиз”дир?! Золимни ҳузурида тик туриб ҳақиқатни айтиш жиҳоднинг афзалидир. Аммо, золим ким? Ҳақиқат нима?! Сизни фикрингиздаги “ҳақиқат” тўғри йўлдаги Халифаликни барпо қилишлиқдир. Ҳизбут Таҳрирдан бошқа жамоат Халифалик тузуми қурса, у тўғри йўлда бўлмаса керак сиз учун?! Чунки, фақат Ҳизбут Таҳриргина тўғри йўлдада?! Шу каби мурожаатларни бошқа исломий гуруҳлар учун бирор қийматга эга деб ўйлайсизми?! Демак, Россиядаги диний жамоатларни билмас экансиз тақсир! Иқтибос; Халифалик давлати барча инсонлардан қуллик занжирини ечиб ташлайди ва ҳар бир инсонларга иззат ва шарафни қайтариб беради. Ҳақиқат қарор топишлиги учун одамларнинг ранги ва этиқодига қарамай инсоф ва адолат билан ҳукм қилади. Бу иддаоингизда ҳам кўп мунозаралик нуқталар бор жаноб Баҳҳош. Барча инсонлардаги қуллик занжири нима у?! Бу жумлани аниқроқ тушунтириш керак эди. Барча инсонлар деганда мусулмонлар ҳам кофирлар ҳам тушунилади. Яна “ҳар бир инсонларга қайтариб бериладиган иззат ва шараф нима?! Россия фуқаролари ҳақида гап кетаётган бўлса, демак, ўша диёрдаги одамларда ҳозирги кунда иззат ва шараф йўқ эканда?! Хўп, Халифалик давлати одамларнинг ранги ва этиқодига қарамай инсоф ва адолат билан ҳукм қиладиган бўлса, ҳозир Россияда ранги ва этиқодига қараб ҳукм қилишаяпди деган хулоса чиқадими?! Яна сизни наздингиздаги “адолат” ҳам мен учун тушунарсиздир. Бу мавзуда кўп нарса ёзиш мумкин. Лекин, мен ҳозирча шу билан чекланаман. Ва кейинги мақолани тўлалигича айтиш мана шу мавзуга яъни, Ҳизбут Таҳрирни Халифалиги тикланса, умматни қанақа “иззат ва шараф” ва “адолат” кутаётгани ҳақида ўз тахминий ва фаразларимни баён этаман. Баҳҳош жанобларидан эса бу ва бундан олдинги ва кейинги муносабатларимга ва саволларимга жавоб кутиб қоламан.

25 ноябр 2012 йил.

Дунёни ўзгартирган кун

(2001 йил 11 сентябрда воқеъларига 11 йилдан сўнг бир назар)

Шу бугунгача матбуотда Жаҳон тижорат ташкилотининг эгизак биноларига самолёт келиб урилгандан сўнг қулаб тушгани ва бу фалокатда кўплаб одамлар ҳалок бўлгани, шунингдек, Пентагон биносига келиб урилган самолет АҚШ Мудофаа вазирлиги биносига шикаст етказгани ва бошқа бир самолётни манзилига етмай қулаб тушгани қайта қайта кўрсатилади. Бу самолётлар бошқаруви Ал Қоида “Террорист”дари томонидан қўлга киритилиб, ичидаги йўловчилари билан бирга ўша биноларга урилиб ҳалок бўлганлари айтилади. Ҳар ҳолда расмий версия шундай. Бундан ташқари кўплаб АҚШлик фуқаролар, жамоат арбоблари (бу версияга бутун дунёда ҳам қўшиладиганлар кўплаб топилади) бу версияни қатъиян рад қиладилар. Ва бу ишни бир гуруҳ “террористлар” амалга ошириши мумкин бўлмаган иш эканини ва уни АҚШнинг ўз махфий хизматлари томонидан амалга оширилган махсус операция эканини урғулайдилар. Бу фалокат ҳақида шу икки хил фикр ҳалигача ҳукмрон. Иккала фикр тарафдорлари ҳам дунё бўйлаб етарлича топилади. Нима бўлганда ҳам шу фалокатда кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлдилар. Бу хуруж оқибати эса, дунё сиёсати йўналишини АҚШни манфаати томонига ўзгартирди. Шу йили октябр ойида АҚШ бошчилигида НАТО ҳарбийлари Афғонистонда Толибон режимига қарши кенг миқёсли уруш бошлади. Ўз позицияларидан чекинган Толибон ва уни иттифоқчилари партизанлик курашига ўтдилар. Ва бу уруш ҳалигача давом этаёпти.

Халигача НАТО Афғонистонда Толибон устидан узил кесил ғалабага эришганини иддао қилаолмади. 2003 йил март ойида эса АҚШ атом бомбаси бор деган иддао билан Ироқга уруш бошлади. 1 миллионлик Армияга эга Саддам Хусайн режими бир ҳафтага бормасдан қулади. Саддамни ушлаб дорга осишди. Бу иш яъни, бир мустақил давлатга бошқаси бостириб кириб, уни раҳбарини осиб ўлдириши, халқаро қонунларга қанчалик мувофиқ келиш бу мақола мавзусига кирмайди. Бу уруш айтиш мумкинки, АҚШни тўла ғалабаси билан якун топди. Лекин, Ироқда партизанлик уруши олиб бораётган кичик гуруҳлар халигача мавжуддир. Аммо, диктатор Саддам Армияси деярли урушсиз таслим бўлди. Афғонистонда эса бунинг аксини кузатиш мумкин. У ерда гарчи Толибон ҳаракати очиқ жангга чиқмай партизан уруши бошлаган эсада, бу уруш АҚШ ва уни иттифоқчилари кутганидан кўра анча кўпга чўзилди. Усома Бин Лодинни ўлдирган ва Толибонни ҳукуматдан кетказиб, ўрнига Қарзай ҳукуматини ўрнатган АҚШ 2014 йилда Афғонистонни тарк этишини маълум қилганди. Бу билан улар ўз мақсадларига эришганликни иддао қилишлари тушунарлидир. Лекин, кейинги воқеалар шуни кўрсатадигани, бу уруш АҚШ чиқиб кетганидан сўнг янада авж олиш эҳтимоли борлиги аниқроқга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам ўша 2001 йил 11 сентябрдан сўнг АҚШ ўз иттифоқчилари билан дунёга ҳукмронлик қилиш ва ўзларига маъқул бўлмаган режимларни “адабини” бериб қўйиш учун “ҳуқуқий асос”га эга бўлди. Ва асосийси дунёдаги барча диктатор режимларни кўзини кўрқитиб ўзига бўйсунмаслик оқибати ёмон бўлишини билдириб қўйди. Айнан мана шу 11 сентябр воқеаси Ўзбекистон Президенти Каримовни ўз халқига ўтказиб келаётган зулм сиёсатини янада давом эттиришга имкон яратиб берди. Ва дунё бўйлаб терроризм ва экстремизмга қарши кураш ғоясини байроқ қилиб кўтариб юрадиган қатор ҳарбий қурилмаларни пайдо бўлишига олиб келди. Қўшни Афғонистондаги урушлар фонида Ўзбекистонда диндорларга бўлаётган тазйиқлар ҳақида гапирилмай қўйилди. Бу ҳолат то “Араб баҳори” бошлангунича давом этди. Араб баҳори натижасида АҚШ параст режимлар ҳам қулай бошлади. Халқ хусусан мусулмон халқлар ўз диктаторларини ағдаришга ўзларида куч топа олишди. Бу эса АҚШ каби манфаат устига қурилган сиёсат юргузувчи давлатлар учун кутилмаган ҳол бўлди. Бен Али ва Муборак режими қулаши уларни манфаатига хизмат қилмасди. Агар ҳар бир мамлакат халқи мана шундай ўзлари ўз зolim раҳбарларини қулатиб ўрнига ўзлари истаган адолатли тузумлар қураётган эканлар, АҚШнинг мусулмон оламида у ёки бу диктатор билан тил бириктириб олиб ўз манфаатини ўйлаб сиёсат олиб бориши имконсиз бўлиб қолажак.

Бу эса 11 сентябр эвазига қўлга киритилган имконият, яъни, АҚШга бўйсунмайдиган кичик авторитар режимларни куч билан ағдариш имкониятини йўққа чиқаради. Шундай экан 11 йил давомида олиб борилган курашлар натижасиз қолиши мумкин. Буларнинг бари эса юз бериши тобора аниқ бўлган ва АҚШ манфаатига хизмат қилмайдиган эҳтимоллардир.

2012 йил 10 октябр

Фуадни отиб кетилганининг бир йиллигига

Азиз ватандошлар!

Мана 21 йилдирки, ИАК ва у бошлиқ режим, ўзбек халқининг тепасида ҳокими мутлақ сиёсатини юргизиш келмоқда. Бу муддат ичида ҳаётимизда нималар бўлди, эътибор беринг! 7,8 миллион атрофида эркаку аёл ишсизлар армияси пайдо бўлди. Улар чет элларда иш излашга мажбур. Ишга яроқли қатламнинг ярмини ташкил этувчи бу куч бугун чет элларда сарсон-саргардон. Мамлакатда иқтисод издан чиққан.

Тижоратчилар давлат томонидан таланмоқда. Фермерлар қаттиқ тазйиқ остида “оқ олтин” режасини бажаришга мажбур. Уни теришга барча ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари жалб қилинади. Чет эллик сармоядорлар инқирозга учраб, қочишга тушган. Режим ўз сиёсий ва диний мухолифларига қандай муомалада бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳали бугунгача ўн мингдан ошиқ диндорлар турмаларда ўтирибди. Уларга у ерда намоз ўқиш ва рўза тутиш таъқиқланади. Мана ўғирлаб кетиб, йўқ қилинган Абдували қори акага ҳам 17 йил бўлди, ҳануз дом дараксиз. Шунингдек, Абдулла Ўтаев, Рамазон Маткаримов, Хусниддин Назаров, ва бошқа кўплаб ўғирланган диндошлар холидан ҳам хабарсизмиз. Муҳаммад Ражаб каби дин олимлари эса 19 йилдан бери турмада. Инсон қадрли шунчалик қадрсиз режимдир бугунги ИАК режими. ИАК режимининг мухолифи бўлган ЎХХнинг вакиллари ҳам турли туман тазйиқ ва матбуот ҳужумлари давом этапти. Мана 24 сентябрда Фуад Рустамхўжаев отиб кетилганига бир йил тўлади. Аллоҳ раҳматига олсин барча шаҳид биродарларни. Шу йил 22 февралда Швецияда ўз уйи олдида Обидхон Қори Назаров отиб кетилди. Шубҳасиз бу ишларнинг ортида золим ИАК режими турибди. Ўз фуқароларини на қонунга ва на динга ва на одамгарчиликка тўғри келмайдиган зулмлар билан азоблаётган режимдир бу режим. Буни бугун дунё ҳамжамияти яхши билиб ва тушуниб турибди. Шунга қарамай, АҚШ бугун ИАК режими билан яқиндан алоқаларни йўлга қўйишга эришди. Чунки, давлат манфаати улар учун “демократия” ёки “инсон ҳуқуқлари” деган иддаолардан устун туради. Ғарб бу мустабид билан алоқа қилар экан, бу билан айни дамда улар учун ўзбек халқининг оху фарёди сариқ чақача қадрли йўқ эканини кўрсатишди. Эй ўзбек халқи ўғлонлари! Ўз озодлигингиз учун ўзингиз курашинингиз шарт! Эрк ва озодликни биров келиб ҳадя этмайди. Эй ўзбек халқи вакиллари, Зулмга қарши мазлумларни озод этишга қарши курашиш зиммамиздаги улуғ вожиботдир. Бу вожибот пора бериб ўқишга кирган талабаларга, Ҳокимларни тазйиқи билан касбига алоқаси бўлмаган барча ишни қилишга мажбурланаётган ўқитувчиларга, пахта режасини бажаришга мажбурланаётган фермерларга, пахта териб кун кечираётган тиббиёт ходимларига, ойлигини уч тўрт ойлаб ололмаётган давлат корхоналари ишчиларига, мол мулкидан мосуво бўлаётган тадбиркорларга, Ҳақ динни тутган имомларга, тазйиққа учраган, қамалаётган диндорларга ва уларнинг яқинларига, ишсизликдан чет элларда юрган миллионлаб меҳнат муҳожирларига ва Суд, Прокуратура, ИИБ ва ҳарбийлар орасидаги виждонини йўқотмаган фуқароларга бирдек тегишлидир. Чунки, ҳаммамиз адолатли ва осойишта ва фаровон ҳаётда яшашни истаймиз. Бундай ҳаётни куриш эса ЎЗ ЗИММАМИЗДАДир! Зулм салтанатига барҳам бериб, ватанимизда озод ва эркин адолатли тузум қурайлик! ЎХХ шу йўлда курашапти.

Келинг сафимизга қўшилинг!

2012 йил

Необъявленная «информационная война» против НДУ

Несомненно, режим ИАК начал против НДУ необъявленную информационную войну. Еще и двух месяцев не прошло с момента образования НДУ как в различных проправительственных сайтах Узбекистана появляются многочисленные статьи агрессивного характера против НДУ. Разумеется, все происходящее еще раз подтверждает слова российского политолога и общественного деятеля Гейдара Джемаля, который на 1-м Курултае Народного движения Узбекистана сказал: «...это то что тираны потеряли уверенность в поддержке мирового порядка. Они засуетились как тараканы на сковородке и поэтому они будут совершать ошибки...» Авторы данных публикаций вымышленные имена, которых затрудняется определить такая глобальная поисковая система как Google. Не исключено, что это один и тот же лицо, вернее безликий дегенерат, отказывающийся воспринимать окружающую действительность.

Страшную действительность, которое длится вот уже более 20 лет. Это с одной стороны может быть это и хорошо, что они сами того и не осознавая рекламирует наше Движение, но есть и негативная сторона этих выходков. Так как найдутся люди, которые могут поверить в вопиющую ложь и клевету выдуманные ими. И так, в 13.07.2011 году прокаримовский сайт Пресс уз инфо опубликовал статья под названием «НДУ – недоделанное движение уродов?» <http://www.pressuz.info/index.php?title=actual&nid=15&my=072011>

Там речь шла основном о трёх организации, которые являются основателями народного движения: партия Эрк, Организация «Андижан Справедливость и Развития», а также «Общество Таянч». Цитата из статьи; «Итак, главные действующие лица движения урок – партия «Эрк», во главе с бессменным лидером – уголовником Салаем Мадаминовым, причастным к террористическим актам в Узбекистане, «Андижан – справедливость и возрождение», вобравшая в себя последователей религиозно-экстремистского течения «Акрамия», совершивших в 2005 году теракты в узбекском Андижане, и общество «Таянч» («Опора»), под крышей которого собрались приверженцы «священного джихада» – войны против врагов ислама, кем они определили всех, кроме себя любимых. При этом объединяет все эти три организации единая идея – создание халифата.» Подобные статьи стали появляться достаточно часто, и разумеется, что режим этим хочет напугать населения республики пуская пыль в глаза типа мол «Мы являемся наиболее нормальным режимом и если они (НДУ) придут к власти, то они построит здесь в Узбекистане Халифат» и т.д. и т.п. И еще, не понятно одно. Авторы, которые приписали к террористам лидеров вышеуказанных организаций и партии свободно живут за рубежом и передвигаются по всему миру. Это как? Все страны – члены ООН, а их 193, являются террористическими? А лишь Узбекистан вот уже как четверть века «умело» руководимый душевно больным старичком – правильный и образцовый? Хотя вряд ли найдется здравомыслящий человек, который поверит этим бредням, но я бы хотел еще раз дать опровержения для данного рода ложным информациям.

В уставе НДУ четко отмечено: Главная цель Народного движения Узбекистана – это борьба за построение свободного и открытого гражданского общества в Республике Узбекистан.

Далее, автор некий Бахтиёр Курбонов пишет обо мне следующие строки: Цитата из статьи.» Я специально привел перевод последнего общества, потому что именно о ней и пойдет речь, вернее о ее руководителе – Мухаммадсалихе Абутове, приверженце радикального экстремизма. В 90-х он сидел в одной из тюрем Узбекистана за создание фундаменталистской организации – воинов ислама, пропаганду идей насилия, ненависти к неверным. Ныне – лидер общества «Таянч».» Я Мухаммадсалих Абутов, утверждаю, что все это является явной ложью. Хотя меня обвиняли в экстремизме и так прочее. Но я никогда таким не был. И к никакой фундаменталистской организации – воинов ислама, я не создавал. Но я был имамом мечети в г.Туркуле около два года. Старался преподавать людям идеи Ислама. И призывал их поклоняться только к Единому Аллаху. Не передавать Ему сотоварищей. Не расходовать имущества на пути умерших «святых» и прочее. За эти простые и обыденные вещи в мусульманском обществе, мне обвинили в вышеназванных грехах, осудили и лишили свободы.

Далее, Цитата: Собственно, именно там, в колонии, и случился выкидыш «Таянча», только назывался он тогда более откровенно – «Общество джихадистов». Абутов обрабатывает в колонии небольшую группу заключенных, которые весьма резво подхватили идею построения в Узбекистане халифата, экстремизма ненависти, насилия по отношению ко всему светскому, последователям других религий. Поскольку этот негодяй был и остается ярким приверженцем политики международной террористической организации «Исламский джихад»..

Немеющий совесть автор оскорбляет меня говоря «негодяем» и приписывает мне статус приверженцем политики международной террористической организации «Исламский джихад» хотя таковым я не был никогда. Я не отрицаю, что в Исламе есть идея джихада. Но есть и необходимые «шуруты» положения для того что бы, оно стало обязательным для мусульман. В Узбекистане такого положения я считаю что реально не существует. Поэтому, на территории Узбекистана, считаю, и всегда считал, что джихад не является обязательным (фардом). Что касается «небольшую группу заключенных», а их численность превышает более ста человека, я

изучал исламские акыды и чтения Корана и т.д. Но «идею построения в Узбекистане халифат» мы никогда не обсуждали. И каждый, кто хоть немного понимает идеи Ислама, знает что, такое идея построения в Узбекистане халифата не должен быть. Поэтому я утверждаю, что это все явная ложь, выдуманная каримовским режимом, для оправдания своей репрессии против свободномыслящих граждан. Цитата из статьи: «Во второй половине 90-х годов в колонии Абутов вовлекает некоего Алтибоя Хакбердыева, «определенного» в места не столь отдаленные за торговлю с наркотиками. Именно стараниями Абутова Хакбердыев успевает пересечь с иглы на джихад».. Да. В колонии был человек с таким именем. Мы его звали там Ибрагимом. Его осудили за наркотики, хотя он не употреблял их никогда. Как он рассказал нам что, жили очень бедно. И иногда из-за границы перевозили грузы для заработка. Некий местный наркобарон брал у них груз, но деньги не отдавал. Хотели у него забрать деньги. Пошли к нему домой с старший братом и наркобарон их ждал в оружием в руке. Сначала ранил их. И потом сдал милиции. Так два брата попали в колонию. И они стали изучать у меня Исламские знания. Стали Богобоязненным. Сожалели за содеянное. Встали на пути исправления и освободились 1999 году. Они около 2 года были со мной в одной колонии. Это факт. Но он как говорит автор «стараниями Абутова Хакбердыев успевает пересечь с иглы на джихад». Это ложь. Не имеющий совесть человек не боится Аллаха и может говорить всякую ложь. С января 1996 до 2004 мая я сидел в тюрьме. И естественно с тех пор как они освободились, я с ними не встречался. Странно, что автор статьи имеющий свободный доступ к архивным материалам политически осужденных ГУИН МВД РУз даже не пытался разобраться в сути дела и логически связать ход событий. Далее цитата: Следуя установке Абутова, одурманенный идеями построения халифата Хакбердыев, как послушный ученик, первым делом принимается за создание общества джихадистов в своем селе.

Когда еще одно террористическое общество начало благополучно функционировать на территории Узбекистана, Абутов на длительный срок отправляет Хакбердыева в Афганистан, в специальные лагеря подготовки террористов Исламского движения Узбекистана (ИДУ).» Как я могу его отправлять куда-то, если я сидел в тюрьме все это время?! И еще сам никогда не имел связи ни с кем из числа воюющих в Афганистане. Более того, считаю что, джихад против Узбекистана неправомерно с точки зрения шариата. Ведь джихад против неверных при условии, если они нападут первыми, если есть, Амир для всех мусульман является правильным. Если Мусульмане против мусульман воюют это не джихад. Я так понимаю теории джихада. Очень жаль, что эти тупые из СНБ ничего не понимают и не пытаются понять. И так далее, цитата: «Пока Хакбердыев изучает в Афганистане каноны террористической деятельности, Абутов в Узбекистане разрабатывает план теракта на немецкой военной базе в Термезе. По возвращении Хакбердыева, Абутов назначает его ответственным за реализацию теракта.» Вероятно автор в детстве, если конечно оно у него было, посмотрелся блокбастеров с участием американский актеров Сильвестора Столоне и Арнольда Шварценегера, где они умело разрабатывают план нападения на военную базу легко уничтожая с пол тысячи вооруженных солдат. Я в этой статье узнал, что в Термезе существует немецкая военная база. Я никогда в жизни не был в Термезе. И с тех пор как я освободился из тюрьмы, т.е. с 2004 года находился в домашнем аресте. И не имел никакого представления о том, где находится мой тогдашний ученик Ибрагим (А. Хакбердыев). Ведь, их было много и запомнить имена всех сложно. Далее цитата: «По каналам Абутова в Узбекистан доставляют взрывчатку. Сам же он в это время организывает очередной съезд джихадистов, где и дает «фетву» – благословение, своего рода отмашку на начало террористических актов»... Субханаллох! Вот это ложь, которые я никак не могу комментировать. Тут и ничего комментировать. Я никогда не организовал съезд джихадистов и не давал «фетву». Но что делать?! Так они и пишут. Наверно сами верят. Пусть верить. Цитата: «А дальше начинается самое интересное. Спецслужбы Узбекистана предотвращают террористический акт на немецкой базе в Термезе. Причем в расследовании участвуют не только узбекские правоохранительные органы, но и немецкие. Поняв свой прокол, Абутов со своей сварой быстро бежит из Узбекистана. Террориста объявляют в международный розыск.

Позднее в России его задержат. Но, в ситуацию вмешается правозащитная организация «Мемориал» и посредством фальсификаций добивается освобождения М.Абутова из-под стражи. Примечательным при этом явилось, что правозащитники открыто игнорируют факты и доказательства преступной деятельности беглеца Абутова. Раз определенные круги так расстарались, видно кому-то этот террорист был очень нужен. Судя по этому, М. Абутов не был рядовым исполнителем и соответственно владел определенной информацией о своих «работодателях», которой мог обмолвиться». Да что тут можно комментировать. Ловкости и умелости спецслужб Узбекистана, да и в потасовке и подделке фактов и документов могли бы позавидовать гении из «Гестапо» и «Абвера» в нацистской Германии. В действительности же я после освобождения из тюрьмы в 2004 году, а также после 6 месячного домашнего ареста, поехал на заработки в Казахстан. Было это в начале 2006 года. Несколько раз съездив туда решил начать строить себе дом на заработанные деньги. В последний раз поехал туда в январе 2007 года. Поехал своим ходом спокойно как всегда. Ведь никакого закона я не нарушал. После освобождения нахожусь под бдительным контролем местной милиции и тем более СНБ. Из Астаны звонил жене, хотел передать, что приехал нормально. Она стала говорить по телефону «что приехали две машины с милицией из Ташкента и Нукуса. И спрашивали где я?!» Она ответила что, вчера уехал в Казахстан. Затем они вошли ко мне домой и устроили обыск. Искали что-то и ничего не нашли кроме моих книг на арабском языке, которых в последствии изъяли. И сказали моей жене, что передала мне, что я должен немедленно вернуться домой. Они хотят поговорить со мной и потом отпустить меня. После этого, я понял, что они опять что-то затеял против меня и хотят снова арестовать. И я поехал в Москву. Там я подумал, что наверное там произошло какое-то недоразумение. Думал переждать здесь и немного заработать денег, а когда все уляжется обратно вернуться домой.

Но меня в июне 2007 года в Москве задержали сотрудники МВД Узбекистана. И посадили в изолятор. Вот только тогда я понял за, что за мной они охотились. В бумаге которые мне показали там, я находился в заключении, в 1997 году организовал террористическую организацию членами которых являются братья Хакбердыевы и другие. И их задержали и т.д. Я тогда знал, что меня посадили в тюрьму с целью депортировать в Узбекистан за то, что я их учил десять лет тому назад, находясь в тюрьме за «экстремизм и терроризм». При этом задержании я не был объявлен в Федеральный розыск. Они потом задним числом объявляют мне в международный розыск. То что совершили эти люди я не знал тогда. Но потом узнал, что Ибрагим после освобождения оказался под давлением милиции. И через реку Амударья переплыв на ту сторону исчез на 5 лет. У него остался жена с новорожденным сыном. И он приехал каким-то путем, что-бы увидеть своего единственного сына. Но его задержали и посадили в подвал СНБ в г. Термезе. Затем стали искать и преследовать всех тех кого он знал или встречался. Ему вменили и приписали организации всякого рода «террористических актов», якобы он хотел совершат. И как говорится из муха сделали слоня. СНБшники захотели наверно звания. Но Ибрагим до Суда не жьль. Его убили при следствии.(Пусть благословит Аллах шахида иншааллох моего брата по вере.) И еще 5, 6 человека корого я незнаю, посадили на многие годы тюремного заключения. И они там до сих сидят. Что касается правозащитная организация «Мемориала» они мне помогли. Там в Можайском тюрьме ко мне приехали представители из УВКБ ООН, и адвокат и больше всего помогла мне Елена Рябинына. И конечном счете сам Всевышний Аллах помог мне выбраться из рук Узбекский «фашистов».

Цитата; «Позже Абутов создаст в Швеции общество «Таянч», под крышей которой объединит сбежавших из Узбекистана террористов.» Да. Я разумеется организовал «Общества Таянч» в Швеции. Но членами нашего общества нетеррористы. Но все они люди сбежавших из Узбекистана. И это люди хотят вернуться на родину. Они хотят видеть свою родину свободным и просвещенным. Они хотят устранить существующий авторитарный режима Каримова. С этой целью они входили в составе НДУ. Они хотят прикончить с деспотом и беззаконием в рес. Узбекистане разь и навсегда! И эти дни тоже недалек.

2012 год

Тарих тилга кирганда

Мен бу мақолада ёзмоқчи бўлганим тарихга назар солганда холислик қанчалик муҳимлиги ҳақидадир. Чунки, ҳар давр ва замонда тарих у ёки бу шахсни қавмни ёки режимни манфати кўзқараши нуқтаи назаридан баён қилинган. Ва айнаи муайян бир давр ва макон ичида бўлиб ўтган воқеъа ва ҳодисалар кейингилар тарафидан турли мақсадларда ва турлича талқин қилинган. Бу каби талқинлар албатта ўша давр воқеъалигини ҳақиқатини аниқ очиб бераолмайди. Лекин уни ўқиган бугунги авлоднинг онгига қайсидир маънода ижобий ёки салбий таъсир қолдиради. Ва шу маълумотлар асосидаги дунёқарашини шакллантиради. Бу асосдаги маълумотлар эса баъзан хато бўлиши мумкин. Яқинда Ҳикмат Нури сайтида Шайх Доктор Сафар ибн Абдурахмон ал Ҳаволий деган бир салафий олимни “Исломга қарши фитналар” деган китобини бир қисмини ўқиб қолдим. У китобни Шайхни ўз шахсий блогида мана бу линкда араб тилида ўқишингиз мумкин.

<http://www.alhawali.com/index.cfm?method=home.showcontent&contentID=594>

Китобни ватандошимиз Абу Жаъфар ал-Бухорий таржима қилган. Бу ерда кўп масалалар зикр қилинган ва ўша давр воқеълари бугунги давр одами назарида талқин қилинади. Ва Исломга қилинган кўплаб фитналар ҳақида хабар берилади. Ва бу фитналар ташқи душманлар тарафидан бўлгани нақл қилинади. Бу фикрлар албатта ҳақиқатга яқиндир. Ва унчалик ҳақиқат бўлмаган жиҳатлари ҳам борга ўхшади. Аслида эса кўпгина фитналар умуман ташқи душманлар аралашмаган бўлиб, мусулмонларни ўзаро адоватлари инсон сифатида хатоликлари натижаси бўлиши ҳам мумкин менимча. Умуман олганда Исломга қарши эмас балки ҳар қандай динга ва ақидага қарши рақиблари томонидан доимо фитналар бўлган ва қиёматгача бўлади. Бу қисматдан бошқалар ҳам холи эмас. Жумладан динимиз ҳам. Чунки, бу дунё кураш майдонидир. Мен бу ерда сўз юритмоқчи бўлганим мутлақо бошқа масаладир.

Иқтибос;

“Умавийлар ҳукуматини Абу Муслим Хуросоний ағдарди ва янги давлатга асос солди. Бироқ Аллоҳ таоло Ислом динининг мудом қолишини кафолатга олди ва динига душман бўлганларни кўздан қочирмади ва Аббосийлар халифаларига бу фитнанинг оқибатини билдирди.

Абу Жаъфар Мансурнинг донолиги

Халифа Абу Жаъфар Мансур доҳий ва ўта заковатли одам эди. У Абу Муслимни ҳузурига чақириб, қатл этди. Унинг тарафдорларининг талайгина қисмини қатл этиб, қолганларини тумтарақай қувғинга солди ва соғлом дастур асосида суннат билан суғорилган давлатни қурди. Энди бу давлат шиаликни пинҳона яширадиган мажусийликка асосланмаган эди.”Иқтибос тугади.

Изоҳ: Бу ерда “доно”лиги зикр қилинган Абу Жаъфар Мансур Пайғамбар алайҳиссаломнинг Амакилари Аббоснинг авлодларидан бўлган учун “Аббосийлар” деб, аталган сулоладаги иккинчи халифадир. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Аббосий Халифалардан бирортаси уммат олимлари томонидан “тўғри йўлдаги Халифа” деб тан олинмаган. Умавийлардан Умар ибн Абдулазиз, аввалги тўртта Халифадан кейин бешинчи тўғри йўлдаги Халифа сифатида тан олинган. Абу Жаъфар Мансур Абдулла ибн Мухаммад ас Саффоҳни укаси бўлган. Умавийлардан кўп қон тўкиб тортиб олинган Халифаликни 750-754 йилларда биринчи бўлиб ас-Саффоҳ бошқарганди. Ва Умавийларни барчасини қириб ташлаб ўзи 30 ёшга ҳам етмай ўлган. Кейин унинг укаси Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Мухаммад, лақаби аль-Мансур 754—775 йиллар орасида жами 21 йил ҳукмронлик қилган. Бу сулола Али ибни Абу Толиб ўғиллари ва аҳли байт ҳисобланган Ҳасан ва Ҳусайн авлодлари ва ҳозирда шиалар деб номланадиган

тоифаларни бошланиши бўлган аҳли байтни Халифалик қилиш ғояси тарафдорлари билан биргаликда Уммавийларга қарши курашишганди.

АБУ МУСЛИМ

Асли исми Абдурахмон ибн Асад бўлган бу одам тарихда Абу Муслим, Абу Муслим Хуросоний номлари билан танилган. (Милодий 700 йили туғилган 755 йили Халифа Абу Жаъфар ал Мансур тарафидан хоинона тарзда қатл этилган.) 747-750 йиллари Хуросон ва Мовароуннаҳрда Уммавийлар халифалигига қарши ҳаракатга раҳбарлик қилган. Уни ҳақида келиб чиқиши тарихчилар ҳар хил фикрлар билдиришган. Баъзилар Исфаҳонлик мусулмон форсий қуллардан десалар, бошқалар ўша пайтларда энди исломга кираётган Туркий уруғдан дейишган. Уммавийлар Халифалиги даврида давлатни Араб бўлмаган халқлар яшайдиган ҳудудлари нотинч эди. Уммавий Халифа Хишом Ибн Абдулмаликга қарши Пайғамбар АС авлодидан бўлмиш Зайд ибн Али қўзғолон кўтариб мағлубиятга учраб Уммавийлар томонидан ўлдирилгандан сўнг уни Хуросондаги Волий ўғли Яҳё ибн Зайд қўзғолон кўтарган ва у ҳам ўлдирилганди. (Хуросон давлати ҳозирги Эрон Афғонистон ва Марказий Осиё жанубий ҳудудларини ўз ичига олган вилоят бўлиб ўша пайтларда Халифалик томонидан бошқарилган) Аббосийлар Хуросон ҳудудларида халқни Уммавийларга қарши кўтаришга 20 йилдан ортиқ муддат давомида тарғибот қилиб келишган. Абу Муслим Исфаҳонда аввал кимгадир қул бўлган эсада кейинчалик озод қилинганди. У Уммавийлар амирларига қарши кайфиятдаги халқ орасида лидер сифатида танила бошлайди. Ва унда ҳақиқатда пешволик лаёқати мавжуд бўлиб, шу сабабли Абу Муслим 741 мелодий йили Исфаҳонда Уммавий амирлари томонидан ҳибсга олинади. Ҳибсда Аббосийларга хуфя тарзда мойил бўлган бир имом билан учрашади. Ва кейинчалик уни ёрдамида озодликка чиқади. 745—746 йиллар орасида Абу Муслим араблар ва араб бўлмаган эрон ва туркий қавмлар орасидан ва Уммавийлар режимдан норози бўлган турли табақалар орасидан ўзига тарафдорлар топади. 745 йили 15 июнда Абу Муслим Халифа Марвон Иккинчига қарши очиқ қўзғолон бошлайди. Ва Хуросондаги ўша пайтларда катта шаҳарлардан бири бўлган Марвни эгаллайди. (Ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мари шаҳри) У қисқа муддатда ўзини жангда моҳир қўмондон эканлигини кўрсата олади. Кейин Халифалик шаҳарлари бўлган Нишопур ва Тусни эгаллайди. (Ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган шаҳарлар) Уммавийлар Абу Муслимни келишидан қаттиқ қўрқувга тушиб қоладилар. 750 йили Халифа томонидан юборилган кўп сонли катта қўшин ҳам Заб дарёси бўйида Абу Муслим томонидан тор мор қилинади. Бу Уммавийлар салтанатига берилган катта зарба эди. Аббосийлар қўшини анча заифлашиб қолган Дамашққа ҳужум қилганда катта қаршиликка учрамай шаҳарни босиб олади. Уммавийлар салтанати қулайди. Абдулла ибн Мухаммад ас-Саффах Ироқда ўз лашкарлари олдида ўзини Халифа деб эълон қилади ва байъат қабул қилади. Ва Абу Муслимга элчи юбориб уни ўзини Хуросондаги волийси деб эълон қилади. Шу билан Абу Муслим деярли араб бўлмаган мусулмон халқлардан ташкил топган улкан салтанатни ҳокими бўлади. Ва у агарчи ҳарбий қудрати Халифадан анча кучлироқ бўлсада Аббосийлар Халифалигини тан олади ва унга бўйсунди. 751 йилда Хитойдаги Тан сулоласига мансуб Император Халифалик ҳудудида бўлган тахт талашиш ўзаро қирғинбаротлар сабабли уларни заифлашиб қолган деб ўйлаб ва бунақа пайтдан фойдаланиб қолиш учун ва қўшниси билан Император ҳудуди орасидаги нисбатан иккала тарафга ҳам тобеъ бўлмаган ҳудудни ва туркий қавмларни ўз империясига қўшиб олиш учун Хао Сяньчжи деган қўмондон бошчилигида 50 минг кишилик катта қўшин юборади. Хитой қўшини келиб Тараз шаҳарини қамал қилди. Бу янги тахтга ўтирган Халифа Абдуллоҳ ас Саффоҳ учун бу кутилмаган катта муаммо эди. У ҳали ўз салтанатини мустаҳкамлаб олишга ҳам улгурмаган пайт эди. Уммавийларнинг кўпгина тарафдорлари хали янги Халифага бўйсунмаётган пайт эди. Табиийки, Халифа Хитой қўшинига қарши чора кўришни Хуросон ҳокими сифатида Абу Муслимга топширади. Абу Муслим уларга қарши Яманлик араблар форслар ва туркий қавмлардан иборат отлиқ аскарлар аксариятини ташкил этган 40 минга яқин қўшин юборади. Уруш Талас дарёси бўйида бўлиб ўтади.

Тарихда Талас жанги деб олган бу жангда Император Тан аскарларини 20 мингдан ортиқроғи ўлдирилади. 20 мингта жангчи асир тушади. Қолгани ярадор бўлиб қочади. Бу билан Император Танни ҳозирги Марказий Осиё ҳудудини ўз тасарруфига олиш режаси барбод бўлади. Ва бу мағлубият Хитой Императорини бу ҳудудга бошқа кўз тикаолмайдиган қилиб қўяди. Шундан кейин Ислом дини Туркий қавмлар орасида кенг тарқала бошлайди. Хитойлик асирлардан қоғоз ишлашни ўрганиб кенг миқёсда йўлга қўйилади. Уйғурлар Шарқий Туркистонда ўз давлатларига эга бўладилар. (Бу давлат кейинчалик Қорахонийлар салтанати деб аталади) Булар Абу Муслимни нафақат Халифат ва уммат олдидаги балки бугунги бу минтақа аҳли олдидаги ҳам тарихий хизматидир. Лекин афсуски, бу ҳақида ҳозирги мавжуд мамлакат халқлари деярли ҳеч нарса билмайдилар. Уммавийларга содиқ бўлган бир неча Волийлар Абу Муслимни даъвати билан ёки ундан қўрқиб янги Халифага бўйсунадилар. Уммавийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Али кўзғолон кўтарганда унга қарши Абу Муслим курашган ва исённи бостирган. Бу каби хизматлари билан у Аббосийлар давлатини мустақамлашга бемисл ҳисса қўшганди. Лекин Аббосийлар уни хизматлари эвазига жонига суиқасд қиладилар. Халифа ас Саффоҳ ўлгач ўрнига укаси Абу Жаъфар ал Мансур ўтиради. Тахтга ўтирган Абу Жаъфар ал Мансур Абу Муслимдан қўрқар ва ҳайиқарди. Хуросонда машҳур бўлган кучли қўмондон гарчи Халифага содиқ бўлсада ал Мансурни асосий рақиби ўлароқ кўриларди. Уни очик жангда уришиб енгаолмаслигига кўзи етган Халифа алдаб ҳузурига меҳмонга чақиради. Лашкарини узоқда қолдириб беш ўнта одами билан Халифа ҳузурига келган содиқ волийсини ал Мансур хиёнаткорона ўлдиради. Одамларини бошқа хонада қолдириб уни ёлғиз Халифа ҳузурига кирасан деб бир хонага олиб киришади. Ва у ерда турган бешта одам қилич билан унга ташланиб ҳалок қиладилар. Ҳеч нарсадан гумонсирамасдан холисона хизмат қилган ва чақирганда Халифа ҳузурига келган Абу Муслим шу тариқа хоинона ўлдирилади. Унинг ўлими хабари Хуросонга етиб боргач ғалаёнлар бошланади. Халқ ўз қўмондонини севар ва унга ҳурмати баланд эди. Уни ҳақида дostonлар битилади. Ва Аббосийлар тарафидан маън қилинган бўлишига қарамасдан уни ҳақидаги афсоналар оғиздан оғизга ўтиб то бизнинг давримизгача етиб келади. Уни ҳақида ёзилган Қиссаи Абу Муслим деган дoston ҳам мавжуд. Бу ўша “доно” Халифа ал Мансурни катта жиноятларидан бири эди.

Абу Ханифа

Уммавийларга қарши кураш ва кўзғолонлар кўп бўлган. Машҳур фақиҳ Абу Ханифа ан-Нуман ибн Сабит ибн Зута (мелодий 699 йилда туғилган 767 вафот этган. Ҳижрий 80 ва 150 йиллар.) 50 ёшларигача ўша Уммавийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда яшаганлар. Ва у киши Аҳли Байт билан яхши муносабатлари бўлиб, улар Уммавийларга қарши бўлганлари каби Абу Ханифа ҳам уларга қарши бўлган. Уммавий Халифаларни золим деб билишган.

Уммавий Халифалардан Хишом Ибн Абдулмаликка қарши Пайғамбар алайҳиссалом авлодидан бўлмиш Зайд ибн Али кўзғолон кўтарганда, Абу Ханифа уни қўллаб қувватлаган ва унга 10 минг дирҳам пул ҳам юборган. Уммавийлар исённи аёвсиз суратда бостиришади. Зайдни ва уни тарафдорларини ўлдиришади. Кейинчалик уни ўғиллари Яҳё Хуросонда ва Абдуллоҳ Яманда Халифага қарши исён кўтаради. Ва улар ҳам мағлубиятга учраб қатл қилинади.

Булар Аҳли Байтни Уммавийларга қарши хуружлари эди. Аҳли Байт тарафдорлари (ҳозирги шиаларни салафлари) билан Аббосийлар ўзаро ҳамкорликда Уммавий Халифаликка қарши кўп йиллар тинмай ташвиқот тарғибот ишлари олиб боришганди. Абу Ханифа ҳам шулар тарафида эди. Уммавийлар уни ўз тарафига оғдириб олиш учун унга амал таклиф қилишганда қабул қилмаган. Ва уни бир муддат қамаб ҳам қўйишган. Кейинчалик озод бўлгач то Аббосийлар иқтидорга келгунича Ҳижозда яшаган. У фақиҳ олим сифатида халқ билан ҳисоблашмаган ҳукуматни ноқонуний деб биларди. Ва табиийки, Уммавийларга қарши бўлгани каби кейинчалик Аббосийларга ҳам муҳолиф мавқеъни эгаллаган.

Абу Жаъфар ал Мансур Халифа бўлгач Уммавийларга қарши курашда ўзини иттифоқдоши бўлган Аҳли Байтга (Пайғамбар алайҳиссалом авлодларига) қарши қатағон сиёсатини олиб борди. Бу эса ўз навбатида унга қарши Пайғамбар алайҳиссаломнинг невараси Ҳасанни авлодидан бўлмиш Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва уни акаси Иброҳим ва уларни тарафдорларини қўзғолон кўтаришига олиб келди. Абу Ханифа эса бу қўзғолонни қўллаб қувватлади. Шундай улуғ фақиҳ Уммавийларга ҳам ва Аббосийларга ҳам муҳолиф мавқеъ эгаллади. Ва уларга қарши қуроли қўзғолонларни қўллаб қувватлади. Ал Мансур қўзғолонни куч билан бостирди. Ва Абу Ханифадан анча хафа бўлди. Уни чақириб ўз сиёсатини қўлловчи бир неча масалада фатво беришни талаб қилади. Табиийки имом рад қилади. Унга Халифалик бош Қозиси лавозимини таклиф қилади. Имом яна рад қилади. Ғазабланган Халифа уни қамоққа ташлашга буюради. Бир неча муддатдан кейин яна чақириб ўша таклифини айтади. Имом яна рад қилади. Учинчи марта ҳам рад қилгач жазаваси тутган Халифа уни калтаклашга буюради. Ҳар куни олиб чиқиб халойиқ олдида ўн дарра урилиб яна қамаб шу тариқа 110 дарра уришганда имом вафот этади. (767 мелодий 150 ҳижрий йили вафот этган.) Улуғ имом Ханафийя мазҳабини асосчиси бу кунги ханафийлик даъво қилаётган мулалар каби у ёки бу золимни мақтаб эмас, Халифаларга Уммавий ва Аббосий Халифаларга бўйсунмай уларга қарши муҳолиф бўлиб яшаб ўтган. Ва улар тарафидан зулмга учраб жон берган. У қамоқда ҳам Халифа тарафидан берилган овқатни истеъмол қилишдан бош тортган ва уйдан Кўфадан ўғли Ҳаммод олиб келган овқатни еб кун кечирган. Бу ҳам ўша “доно” Халифани навбатдаги жинойтларидан бири эди. Халифа Абу Жаъфар ал Мансурга ўз амакиси Абдуллоҳ ҳам қарши чиққан. Ва у амакисини ушлаб ўлгунича бир умр қамоқда сақлаган. Хуллас, Аббосийлар сулоласи куч ва ҳийла билан Уммавийларни тахтдан ағдариб ўзлари 750 йилдан бошлаб то 1258 йилгача ҳукмронлик қилишган. Лекин уларни даврида юқоридаги олимни даъвосига кўра соғлом дастур асосида суннат билан суғорилган давлатни қурганлари анча мунозарали фикрдир. Уларни даври фитна фасодга тўла давр бўлгани манбаларга қараганда ҳақиқатга анча яқиндир. 1258 йили Мўғуллардан Ҳулағухон келиб Боғдодни вайрон қилади. Охирги Аббосий Халифани ўлдиради. Мисрда ҳукмронлик қилаётган Туркий қавмлардан бўлган қул бўлиб Мисрга бориб қолган ва охири Мисрни ҳукмдори бўлган Султон Бейбарс Аббосийлардан тирик қолган бирисини чақириб, Халифа деб эълон қилади. Мисрда Халифалар реал кучга эга бўлмаганлар. Номигагина Халифа бўлиб турган. 16 аср бошларида Турк Султони Салим Биринчи Мисрдан Аббосийларни охирги вакилини олиб келади. Ва ундан Халифалик мақомини ўзига олишга кўндиради. Шу билан бошланган Турк Халифалиги 1924 йилга келиб расман тугайди. Булар энди умуман бошқа мавзу албатта.

Хулоса ўрнида яна ўша юқоридаги китобдан парчани келтириб ўтмоқчиман.

Иқтибос; “Уммавийлар ҳукуматини Абу Муслим Хуросоний ағдарди ва янги давлатга асос солди. Бироқ Аллоҳ Таоло Ислоҳ динининг мудом қолишини кафолатга олди ва динига душман бўлганларни кўздан қочирмади ва Аббосийлар халифаларига бу фитнанинг оқибатини билдирди. Абу Жаъфар Мансурнинг донолиги Халифа Абу Жаъфар Мансур доҳий ва ўта заковатли одам эди. У Абу Муслимни ҳузурига чақириб, қатл этди. Унинг тарафдорларининг талайгина қисмини қатл этиб, қолганларини тумтарақай қувғинга солди ва соғлом дастур асосида суннат билан суғорилган давлатни қурди. Энди бу давлат шиаликни пинҳона яширадиган мажусийликка асосланмаган эди.” Иқтибос тугади.

Бу гапни қанчалик тўғрилиги ёлғиз Аллоҳга аён. Мен ўқувчиларимиз ҳам фикрлаб кўрсинлар деб қатор тарихий китоблардан олган маълумотлар асосида бу мақолани ёздим. Менинг фикримча бу каби қирғинбаротлар ҳеч қандай ташқи кучлар томонидан уюштирилган эмас. Балки, булар оддий инсоний сифатлар натижасидир. Биз эса мусулмонларни бошига тушган турли хил балою офатларни албатта қандайдир ташқи кучлар қилаяпди дейишга ўрганиб қолганмиз. Бу гап бугун ҳам урфдир. Ва менимча бу катта хато дир.

31 март 2012

Исломдаги Инсон ҳуқуқлари муаммолари

Маълумки, 1948 йили БМТ ташкил этилди. Ва ўша йили Бутун Жаҳон Инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. Ҳозирги кунда дунёда БМТ ва уни таркибидаги қатор инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Қўмиталар бор. Ва дунёдаги барча мамлакатлар БМТга аъзо бўлиши баробарида БМТнинг инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланувчи қўмиталари томонидан чиқарилган маълум юридик мажбуриятни ўз зиммаларига оладилар.

Ва ҳар уч тўрт йилда Қўмиталар олдида ўша мажбуриятларни амалда бажарилишига доир ҳисобот бериб турадилар. Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати вакиллари ҳам БМТнинг қийнолқларга қарши қўмитаси мажлисида ҳисобот берди. Давлат расмий органларидан ташқари инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар ҳам ташкил қилинган. Нодавлат Ташкилотлар ҳам БМТ мажлисига таклиф қилиниб улардан ҳам муқобил ҳисоботлар тингланади. Бу билан Қозилик лавозимидаги БМТ қўмитаси у ёки бу мамлакатдаги Инсон ҳуқуқи қанчалик бузидлишини аниқлаб олади. Ва тартиб бузарлик кузатилаётган мамлакатларга ўша ердаги вазиятни ўнглаш учун амалий таклифлар беради. Бу бугунги мавжуд аҳвол. Ва бу ишларни Мусулмонлар қилаётгани йўқ. Аслида эса инсон қадрлари ёки табиатга эътибор каби умумий масалалар ҳақида динимиз Исломда нималар дейилган?! Ислом дини таълимотида бугунги кунда тараққий топган инсоният жамияти тан олган инсонларга ва ҳайвонот оламига ва набототга тегишли ҳақ ҳуқуқлар мажмуаси тўла шаклда мавжуддир.

Мен ҳуқуқбонлик соҳасига доир қатор халқаро ҳужжатлар ҳақида маълумот берувчи китобларни ўқиб чиқиб шундай хулосага келдимки, бугунги мусулмон олами Исломнинг бу каби талабларини амалда бажармаяпдилар. Мен кенг қамровли Ислом таълимотини яъни баъзи оят ва ҳадисларни бугунги халқаро ҳуқуқ нормативлари билан қиёслаб бугунги мусулмонлар ўз зиммаларидаги Ислом талаб қилаётган улкан вазифаларни амалда бажармаётганларига гувоҳ бўлдим. Масалан қуръон ва суннат асосида Европа Мусулмонлари Шўроси томонидан 19 сентябры 1981 йил эълон қилинган Унверсал Исломий инсон ҳуқуқлари Декларациясида ҳам инсон ҳақ ҳуқуқлари кўрсатилган. Декларацияни муқаддимасида Мусулмонлар Шўроси Бош котиби Салам Ассам шундай дейди.

“Мен бу декларация мусулмон халқларга уларга Аллоҳ томонидан берилган ҳақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва талаб қилишларида катта бир журъат шижоат бағишлайди чин дилдан умид қиламан. Аммо, Амалда бундай бўлмади. Бирорта қонун қабул қилинар экан, уни ижросини таъминловчи механизмлар бўлмаса, у фақат қоғозда қолиб кетаверади халос. Мана мисол юқоридаги Исломий декларация бор. Аммо уни дунё миқёсида амалда татбиқ қилувчи механизмлари йўқ. Шунингдек, Бирорта Ислом нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилот йўқ. Ва ҳаказо. Диндорларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқи ҳимояси Исломда ҳам буюрилган бир вожиб амал деб тушунишмайди.

Исломда инсонлар маълум категорияга ажратилиб ҳар бирини алоҳида ўз ҳақ ҳуқуқи ва мажбуриятлари кўрсатилган.

1. Умумий Тенглик ва адолат
2. Инсон ҳуқуқлари
3. Озчиликни ҳуқуқлари
4. Сиёсий ҳуқуқлар
5. Инсон қадр қиммати
6. Оила ҳуқуқи.
7. Мулкга эгалик ҳуқуқи.
8. Йўқсуллар ҳуқуқи
9. Жамоат ишларида маслаҳат
10. Болалар ҳуқуқи
11. Ота оналар ҳуқуқи.

12. Мехмонлар ҳаққи
- 13.. Қўшнилар ҳаққи
14. Табиат ҳаққи
15. Ҳайвонлар ҳаққи.

Ва ҳаказо. Булар жуда кўп. Жамиятнинг барча қатламини ва табиатни муҳофазасини ҳам ўз ичига олади. Булар тўғрисида қатор оят ва ҳадислар бор. Буларни барчасини шахсий тартибда амалда бажарилиши учун Исломда руҳий асос бор. Аллоҳга имон келтириш ана ўша асосдир. Бу билан юқоридаги ҳақларга риоя қилиш шахсий тартибда нисбатан таъминлангандир. Энди бу ҳақларга жамоавий тарзда амал қилиш механизмлари эса йўқ. Шунингдек, халқаро шаклда амал қилиш ҳам ҳали бирорта шаклда намоён бўлмади. Ислом Конференцияси Ташкилоти ёки Араб давлатлари Лигаси доирасида бўлсада бу борада бирор амалий иш қилинмади.

Мусулмонларни фақат мусулмончилик жиҳатидан ҳимоя қилувчи давлат эса мавжуд эмас. ИКТ шу йўналишда фаолиятини кенгайтириши ва БМТни муқобилидаги мусулмонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилотга асос солиши лозим эди. Ёки қатор мусулмон давлатларида айнан мусулмонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар тузилиши лозим эди. Бу ташкилотларда юристлар билан бирга таниқли дин олимлари ишлашлари мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, мавжуд муаммоларни кўра оладиган ва оммани фикрини уларга қаратаоладиган кишилар бўлиши айтиш мумкин.

Ҳозирги кунда Ислом оламида деярли барча мусулмонлар яшайдиган давлатларда кўплаб халқларнинг ҳақ ҳуқуқлари бузилаяпти..Улар ўз фикри, дини, ва сиёсий қарашлари учун тазйиққа учраяпти. Уларни ҳимояси билан бирорта исломий ташкилотлар шуғулланмайди.

Аммо, БМТ ташкилотлари воситасида дунё бўйлаб миллионлаб инсонларга ва шу жумладан мусулмонларга ҳам ёрдам кўрсатилаяпти. Худди шу ишни Исломий Ташкилотлар аъзолари мусулмонлардан ташкил топган ташкилотлар қилмаяптилар. Бу муаммо эса, ёрдамга муҳтож, барча мусулмонларнинг, қочоқларни, муҳожирларни, мусофирларни, етимларни, беваларни, қашшоқлару талабаларни, ҳуллас турли шаклда ҳақ ҳуқуқлари камситилаётган қадри қиммати ерга урилаятган ер сувлари тортиб олиниб қамал қилинаятган, ўз юртида зулмга учраган мусулмонларни бошқа бир имкони бор бўлган қисми томонидан ҳеч бир ёрдамсиз қолдирди.

БМТ ва уни таркибидаги Ташкилотлар фаолиятига 60 йилдан ошсада, бу йўналишда Ислом олами ҳали бирор амалий фаолиятга ўтолмаяпти ва дин ва давр талабига мувофиқ қадам қўёлмапти.

2012 йил

Мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида

Инсон ҳақлари ҳимояси тарихига бир назар

Тартибни сақлаш ёки “ҳуқуқ тартибот органлари” деб аталадиган давлат органларини мавжуд бўлганига асрлар бўлса-да, нодавлат Инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар пайдо бўлганига энди 60 йилдан ошди. 1948 йили Умумжаҳон Инсон Ҳақлари Декларацияси қабул қилинган, ўша ҳимояни амалда таъминлаш зарурати пайдо бўлади. Ва, табиийки, БМТнинг инсон ҳақларини ҳимояси билан шуғулланувчи қўмиталари ташкил этилади.

Ва инсон ҳақлари поймол қилинаётган мамлакатларда ҳам давлатга қарашли ва ҳам нодавлат ташкилотлар тузилади. Инсон ҳақларини ҳимоя қилиш, деган тушунча Ғарбдан келган ва СССРга қарши ғоявий душманлик қуроли сифатида кўрилган. МДХдаги авторитар режимлар ҳали бугунгача нодавлат инсон ҳақларини ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилотларга ана шундай душманлик назари билан қарайдилар. Шундай бўлса-да, СССР ҳудудида ўтган асрнинг 70 йиллари ўрталарига келиб “Москва Хелсинки қўмитаси” ташкил этилди. СССР қулагач, МДХ давлатлари ҳудудида ҳам Инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тузила бошланди.

Ўзбекистонда эса биринчи бўлиб ташкил топган нодавлат ташкилот ЎИХЖ бўлиб, уни 10 йилдан ортиқ бошқарган Толиб Ёқубовнинг айтишича, ташкилотнинг тузилганига феврал ойида 20 йил тўлган. Ўзбекистондаги инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи мавжуд барча ташкилотлар мана шу ЎИХЖ таркибидан чиққан гуруҳлардир. Аммо, бу ташкилотлар аслида ўша БМТ доирасидаги қонунлар асосида фаолият олиб боришади. Ва ўша қонунларда битилган инсон ҳақларини ҳимоя қилишади.

Исломда инсон ҳақлари ҳимояси масаласи

14 асрдан ошдики, Аллоҳ Таоло ер юзига Қуръонни нозил қилди ва ўз расули воситасида инсонларни Аллоҳ олдидаги ҳақларини ва ўзаро муомалалардаги ҳуқуқларни ва бутун борлиққа бўлган муносабатларни белгилаб берди. Бу ҳақлар Қуръон ва ҳадисларга асосланган ўнлаб фикҳий китобларда ўз аксини топди. Бу ҳукмларнинг баъзилари давлат тарафидангина жорий қилинадиган ҳукмлардир. Ва Ислом шариати билан ҳукм юритган давлатларда бу ҳукмлар амалда қисман жорий қилинган. Аксарият қисми эса, давлат органи иштирокисиз, шахслар ва жамоатлар тарафидан жорий қилиниши мумкин бўлган ҳақлардир. Ва айни ана шу ҳақларнинг амалда бажарилишини назорат қилиш ва бу ҳақларга тажовуз қилаётганларга нисбатан чора кўриш, мана шу мусулмон жамоатларини ўзлари амалга ошириши лозим бўлган ишлардир. Бу ҳимоя қилиш жараёни мавжуд халқаро қонунларга ва диний ҳақларга асосланиши мумкин. Ва бу ишни ташкил қилиш лозимлигига етарлича диний далиллар бор. Бу иш ҳозирча хориждаги ватандошлар қила олиши мумкин бўлган амалдир. Муаммо чора кўриш механизмларидадир. Шу маънода Ўзбекистонлик диний жамоалар тарафидан ҳам мусулмонлар ҳаққини ҳимояловчи махсус гуруҳ ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу ерда сиёсий, иқтисодий ва бошқа барча ҳуқуқлар назарда тутилади.

Ва бу гуруҳ ўз вазифаси ва ваколатларини аниқ белгилаб олиши керак. Яъни, қайси ҳақлар диний ва қайси ҳақлар дунёвий қонунларда белгиланган ва қайсилари муштарак ҳақлар эканлиги. Ва ҳар бир тоифанинг ўз чора кўриш тартибини аниқлаш керак. Яъни, диний жиҳатдан ҳақлар поймол қилинса, уни ҳимоя қилишга қандай восита бўлса шуларни ишга солиш. Шунингдек, дунёвий жиҳатлардан ҳам шундай. Ва шу билан бирга ҳуқуқбонлар ҳар бир шахсни воқеълигида аниқ қандай ҳуқуқий ёрдам бериш мумкин ёки бошқа нимадир қилиш мумкинлигини ўрганиб, ишга киришади. Ва бу амаллар динимиз буюрган вазифа сифатида кўрилиши лозим. Бу ташкилот ҳам ўз фаолияти учун маълум маблағга муҳтождир. Мана шу маблағни топиш йўлини излаш керак. Бу ташкилот иш бошлаши учун шу соҳани мутахассиси бўлган камида 10 киши бўлса kifоя. Бу ташкилотга ҳам дин олимлари ва ҳамда ҳуқуқбонларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар ватандошлар мана шу каби ҳуқуқни ҳимоя қилувчи гуруҳни зарур деб топишса, марҳамат бу борада ўз таклифларини билдиришлари мумкин. Мен бу борада ўз тасаввурларимни билдирдим. Ва мавзуга доир фикр мулоҳазаларни кутиб қоламан.

2012 йил 9 ноябрь

Аввал ўзинга ур тиғни, оғримаса бировга

Қайси бир мамлакатда бирорта хунук воқеъа рўй бермасин, букунги давлат раҳбарлари бир бирларига “чуқур ҳамдардлик” изҳор қилишлари одат тусига кириб қолган. У ё бу Президентга мана шундай “таъзия” изҳорларини тез тез ўқиб қоламан. Мана кеча 15 декабр куни АҚШлик 20 яшар Адам Ланза мудҳиш қотиллик содир этди. Бу сафар бу қотил Норвег “касбдоши” Андерс Брейвик каби ўзи тириклай қўлга тушмади. У ўзига ўзи ҳукм чиқарди ва ижро этди. Қурбон бўлганлардан 12 нафари қиз бола, саккиз нафари ўғил бола, олти нафари мактаб ўқитувчиси бўлган. Болалар эса 6-7 ёшда бўлган. Албатта, бегуноҳ болаларни бундай ваҳшиёна ўлдирилиши катта фожеъадир. Бу ҳамма виждонли одамлар учун миллати ва динидан қатъий назар катта қайғудир. Бу каби ваҳшийликни барча динлар вакиллари ва динсизлар ҳам қоралайди. АҚШ Президенти Барак Обама ўз матбуот билдиришида қурбон бўлганлар оилаларига “чуқур таъзия” изҳор қилган ва уни “ваҳшийларча қилинган жиноят”, дея атаган Обама кўз ёшларини тийиб туrolмаганди. Ва бу каби фожеъага муносабат билдиришда у президент сифатида эмас, “Ота” сифатида қарашини айтиб, жумладан шундай деганди; “Бугун ҳалок бўлганларнинг аксари 5дан 10 ёшгача бўлган гўзал ва жажжи болалар эди. Уларнинг бутун ҳаёти – туғилган кунлари, мактабни битиришлари, тўйлари, ўзларининг болалари олдинда эди. Ҳалок бўлганлар орасида ўқитувчилар, ўз ҳаётларини болаларимиз орзулари ушалишига бағишлаган эркак ва аёллар ҳам бор эди. Бугун юрак-бағримиз вайрон бўлди”. Бу гапларни самимийлигига шубҳа қилишга асосимиз йўқ. Сиёсат ўз йўлига, инсон барибир инсонда. Лекин, мени бошқа нарса ўйлантиради. Ироқда етим болалар сони бир миллионга яқин дейишади. Афғонистонда қанча билмайман. Учувчисиз учоқлар вазиристонга бориб жангарилар борлиги тахмин қилинган жойларга бомбалар ташлаб кетаётганини биламиз. Ҳар куни “фалонча” жангари ўлдирилганлигини ҳам эшитамиз. Ўша бомбалар тушган уйларда ҳам ёш гўдаклар нобуд бўлаётганини Обама билмасмикан?!

АҚШ томонидан қурол яроғ билан таъминлаб туриладиган сионист режими томонидан отилаётган бомбалардан Ғазода ўлаётган гўдаклар суратини Обама кўрмаганмикан?!

АҚШ давлати дунё мамлакатларига сотаётган ҳарбий қуроллардан (жумладан Ўзбекистонга ҳам) дунё бўйлаб қанчадан қанча халқларни хонавайрон бўлганиничи?!

Ҳали у ҳали бу давлатга уруш билан таҳдид соладиган АҚШ давлати Президенти фақат АҚШда ўлган бегуноҳ болаларга юрак-бағри вайрон бўладими ёки дунёдаги қурбон бўлаётган бошқа болаларга ҳам ачишадими?! Ўз халқи олдида албатта, масъулият ва бурч бор. Дунёнинг бошқа жойларида эса, уларнинг масъулияти Обаманинг зиммасида эмасми?! Эҳтимол?!

Ўзбек халқида бир мақол бор. Аввал ўзинга ур тигни, оғримаса, бировга! Бу гап жуда адолатли ва барчага баробар ҳикматли сўз экан.

16 декабр. 2012 йил.

II-қисм

Алишер Навоий шеърларига шарҳлар

Муножот

Алишер Навоий Хамсасининг биринчи китоби «Ҳайратул Аброр» достонидаги бир муножотни қисқача изоҳлар билан эътиборингизга ҳавола қилаяпман. Бу муножотда буюк шоир исломдаги муҳим масалалардан бири тақдир азалдан битиб қўйилганлиги мавзусида фикр юритади. Ва баъзи шаккоккона фикрларни айтиб, сўз охирида узрини баён этади. Мазкур мавзуда аслида шу кунгача турли хил тушунчалар мавжуд бўлиб, бу масалада турли диний оқимлар турлича мавқеъда туришади. Навоий баён қилган шакл эса, аҳли сунна иттифоқ қилган тақдирни азалда битилганига имон келтиришликдан иборатдир. Аммо, дунёда қилган амалларига инсон ўзи масъул бўлиши ва шунга биноан жазо ва мукофот олиши ҳам аҳли сунна эътиқод қиладиган нарсадир. Бу масалада бошқача фикр билдирадиган тоифалар ҳам оз эмас. Хуллас, беш аср олдин яшаб ўтган шоир бу мавзуда ўз фикрларини баён этган. Таҳририятдан.

Матн: Инсоннинг адам ниҳонхонасидин вужуд кошонасиға келмакда адами ихтиёридин нишона демак ва вужуд шоҳроҳидин адам хобгоҳиға бормоқда вужуд изтироридин фасона айтмоқ ва гуноҳ қилурда бегуноҳлиғин девонавор даъво қилмоқ ва девона занжирин соғинғондек бу девоналиғ дафъин шаръ силсиласи била рафъи кулли қилиш;

(**Изоҳ:** Инсоннинг йўқлик оламидан ҳаётга келишида ихтиёрининг йўқлиги ҳақида нишона айтиш ва ҳаётдан йўқлик сари боришда вужуд изтироби ҳақида афсона айтиш ва гуноҳ қилишда беихтиёрлигини жинниларча иддао қилиш жиннилар занжирини соғинган каби, бу жинниликни даф қилишда шариат билан барчасини кўтариш даф қилиш)

Илоҳий, андаким йўқ эрди будум,
Адам уйқусида эрди вужудум.

(Изоҳ; Эй Аллоҳим, мен бир пайтлар йўқ эдим. Менинг вужудим ҳам йўқлик оламида эди.)

Не руҳум гулшанидин дард пайдо,
Не жисмим туфроғидин гард пайдо.

(Изоҳ; На менинг руҳим гулшанидан дард ва на жисмим туфроғидан гард асар бор эди?)

Вужудимда аносир банд тормай,
Таним ичра сўнгат пайванд тормай.

(Изоҳ; Вужудимда аъзолар бирлашмаган ва танамда суяклар пайванд бўлмаганди)

Ўтумда йўқ тириклик меҳри тоби,
Суюм йўқлуқ биёбони сароби.

(Изоҳ; Навоий инсонни тўрт унсур олов, сув, тупроқ ва ҳаводан яралган деб тушунади. Бу ерда менинг яралишимдаги зарур бўладиган ўша олов ва сувнинг ўзи мавжуд эмас эди деяпти)

Бўлунмай туфроғим гарди фанодин,
Насиме йўқ вужудумда ҳаводин.

(Изоҳ; Тупроғим ҳам ҳали йўқлик оламидан ажралмаган ва вужудимда ҳаводан насим йўқ эди)

Не тан, не танда бош, не бош аро кўз,
Не юз, не юзда лаб, не лаб аро сўз.

(Изоҳ; Не таним ва не танда бошим, ва на бошда кўзим бор эди. На юзим ва на лабим ва на лабда сўзим бор эди)

Не жону анда не юз дарди жонсўз,
Не кўнгул, не анга минг неши дилдўз.

(Изоҳ; На жоним ва на жонимга дард берадиган сўз бор эди. На кўнгил ва на унга уриладиган минглаб нишлар бор эди?)

Нечукким йўқ кўнгул, йўқ ғамдин озода,
Бўлуб йўқ жон доғи йўқ қайғудин шод.

(Изоҳ; Йўқ қайғудан йўқ кўнглим шод эди. Йўқ қайғудан йўқ жоним ҳам шод эди)

Вужуд ичра йўқ олойиш аларға,
Адам кунжида осойиш аларға.

(Изоҳ; Буларнинг барчасига вужуд ичинда ҳаракатланиш йўқ эди. Барчаси йўқлик бурчагида ором олаётгандилар)

Борин ул уйқудин уйғоттинг охир,
Йиғибон бир бирига қоттинг охир.

(Изоҳ; Буларнинг барчасини уйқудан уйғотиб, бир бирига бирлаштирдинг)

Бу йўқларға йўқ эрди расму рое,
Не имкон худким ўлғай муддаое.

(Изоҳ; Бу йўқ нарсаларда шакл шамоил йўқ эди. Ва ҳатто буни исташлик имкони ҳам йўқ эди)

Борисин бир бирига банд қилдинг,
Ўқуш ҳикмат била пайванд қилдинг.

(Изоҳ; Буларни бирлаштириб, улкан ҳикмат ила пайванд қилдинг)

Ўзунг сурдунг рақам топқоч бу нома
Шақий ё худ саид эрконга хома.

(Изоҳ; Бу нома рақамга эга бўлгач, унинг бахтли ёки бадбахт эканлигига ҳам Ўзинг қалам сурдинг. Яъни, азалда белгилаб қўйдинг)

Насиб эттинг ани қилғонда жонлиқ,
Туман минг ажз бирла нотагонлиқ.

(Изоҳ; Унга жон ато этгач, яъни, онанинг қорнида пайдо бўлгач, унга кўп ожизлик ва нотаваонлик насиб этдинг)

Раҳм ичра ғизо ҳам улки маълум,
Ҳавойи дилкушо ҳам улки маълум.

(Изоҳ; Бачадонда ётганида унга етадиган озуқа ва нафас олиши учун ҳаво ҳам маълумдир. Яъни, уни ўша ерда озиқлантириб турдинг.)

Бу зиндондинки жисмин ранжа айлаб,
Чиқординг юз туман ишканжа айлаб.

(Изоҳ; Она бачадонидан (зиндондан) унинг ожиз жисмини юз хил машақатлар билан дунёга чиқардинг)

Қилиб ҳиссу қуводин они маъюс,
Ҳам эттинг маҳд зиндонида маҳбус.

(Изоҳ; Уни қувват ва ҳисдан ожиз қилиб, яна бешик зиндонида маҳбус ҳам қилдинг)

Этиб беш олти қатра сутга муҳтож,
Ул ўлса тўқ, агар ул бўлмаса оч.

(Изоҳ; Беш олти томчи сутга муҳтож қилдинг. У бўлса тўярди у бўлмаса оч қоларди)

Оч ўлса йўқ тили истарга маъкул,
Бўлуб ўз ҳолига йиғларга машғул.

(Изоҳ; Агар оч бўлса, овқат сўрашга тили йўқ эди. Ўзича йиғлашга машғул бўларди)

Тўқ ўлгач дафъиға йўқ ақли ёри,
Не ул қувватки бўлғай ихтиёри.

(Изоҳ; Тўйса, ахлатини чиқаришга ақли етмасди. Ва унда қувват ва ихтиёр йўқ эди)

Иши мажнун киби, банд ичра топок,
Агар доя юмай жисмини нопок.

(Изоҳ; Унинг иши жиннилар каби фақат банд бўлиб ётиш эди. Агар доя ювмаса танаси нопок ётарди.)

Не манъи нола ғавғосиға онинг,
Не сатри аврат аъзосиға онинг.

(Изоҳ; На унинг йиғлашидан бирор маъно бор эди. На унинг авратини ёпишга зарурат бор эди)

Неча йил ранжу меҳнат сондин ортуқ,
Не дейким, ҳар не десам ондин ортуқ.

(Изоҳ; Шу аҳволда неча йиллар меҳнат машаққатлар билан улғаяди)

Бу санъатлар қилиб оламға соттинг
Ким, они одами хайлиға қоттинг.

(Изоҳ; Оқибатда уни дунёга киритиб, одамлар қаторига қўшдинг)

Бу ерга тегруким бўлди шумори
Анга йўқ эрди ҳеч иш ихтиёри.

(Изоҳ; Шу пайтга келгунича унда бирор ишни қилиш имкону ихтиёри бўлган эмас)

Бу ҳолат ичра тутмай они маъзур,
Яна қилдинг неча амрингға маъмур.

(Изоҳ; Бу аҳволда уни маъзур тутмасдан унга яна бир қанча нарсаларни бажаришга амр қилдинг)

Бу ишдур турфаким эгрию гар рост,
Қўя олмас қадам бўлмай санга хос.

(Изоҳ; У қанқа қадам қўямасин тўғрими ё хатоми Сен истамасанг қилолмайди)

Ки, гар эгрию гар рост килки тақдир,
Азалда айламиш олиға таҳрир.

(Изоҳ; У тўғри қадам қўядими ё хатоми азалда тақдир қалами таҳрир қилиб қўйган)

Санга ул котиб илгида қаламдек,
Қалам нўғи аро балким рақамдек.

(Изоҳ; У тақдир қалами Менга гўёки котиб қўлидаги қалам кабидир. Балким ўша қалам битган рақамлар кабидир)

Рақам чекмакка котиб йўнса хома,
Ўшул дамким қилур таҳрири нома.

(Изоҳ; Агар котиб бирор нарса ёзишга қаламини йўнса, албатта кейин бирор нарса ёзади)

Шуури борму илгида қаламнинг,
Ва ё ул хома нўғида рақамнинг.

(Изоҳ; Котиб қўлидаги қаламнинг шуури бормиди? Ёки қалам битган рақамларнинг шуури бормиди?)

Гар ул таҳрир хатдур, гар нуқатдур,
Билур котибки туздур ё ғалатдур.

(Изоҳ; Ўша ёзилган нарса хатми ёки бир нуқтами унинг тўғри ё нотўғрилиги ёзувчи билади халос)

Шуури йўқлуғи басдур гувоҳи
Ки, бу ишда қаламнинг йўқ гуноҳи.

(Изоҳ; Қаламнинг шуури йўқлиги унинг бу ишда гуноҳи йўқлигига кифоя қилади)

Анга бас йўқ эди бу бенаволиғ,
Қаламдек сарнигунлуқ юз қаролиғ.

(Изоҳ; Ўша қалам бахтини қаро битган кимсага бу каби қаламдек юзи қаро бўлишида ўзининг бирор айби йўқ эди)

Ки, ҳар қилғонга ҳужжат ҳам тутарсен,
Бу ҳужжат ичра диққат ҳам тутарсен.

(Изоҳ; Унинг қилган ишларига ҳужжат талаб қиласан ва нега бундай қилганини диққат билан ҳисоб китоб қиласан)

Берурсен гоҳ анга дўзах била бийм,
Қилурсен гоҳ жисмин ўтқа таслим.

(Изоҳ; Унга гоҳо дўзахга киритиш билан қўрқитасан ва гоҳо жасадини ўтда куйдирасан)

Бу сўзни тутмасанг, ё Раб, мусаллам,
Яна бор турфароқ мундин сўзум ҳам.

(Изоҳ; Эй Роббим, агар бу сўзимни қаблу этмасанг яна бошқа сўзим бор)

Азал субҳида малҳузунгни келтур!
Ароға «Лавҳи маҳфуз»унгни келтур!

(Изоҳ; Дунёнинг пайдо бўлган лаҳзасини келтиргил ва ўртага Лавҳи маҳфузни ҳам келтиргил.
Лавҳи маҳфуз инсонлар тақдири битилган лавҳа.)

Не қилғон иш гар эрмас анда мактуб,
Неким қилсанг эрур адлингға маҳсуб.

(Изоҳ; Ўша банданинг қилган ишлари лавҳул Маҳфузда ёзилмаган бўлса, унда нима қилсанг ҳам Сенинг адлинг ҳисобланади)

Ва гар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,
Азал тақсимидин бўлди муқаррар.

(Изоҳ; Агар ўша банданинг қилган ишлари лавҳул Маҳфузда бўлса, демак азалда тақсим қилингани учун қилган бўлади)

Не дерсен бас бу жамъи бенавоға!
Гуноҳе қилмайин қолғон балоға!

(Изоҳ; У ҳолда бу гуноҳни қилмайин балога қолган бенаволарга нима дерсан?)

Навоий, хомадек тортиб узун тил,
Не дерсен, охир ўз ҳаддингни билгил!

(Изоҳ; Эй Навоий ёзилган битик янглиғ кўп гапираверма. Ўз ҳаддингни билгил)

Даме йўқ ёва айтурдин қароринг,
Жунун илгингдин олмиш ихтиёринг.

(Изоҳ; Сенинг бу гапларни айтишда қароринг йўқ. Сабаби жиннилик сенинг ихтиёрингни қўлингдан олибдир)

Жунун занжирига побастсенму?
Агар мажнун эмассен, мастсенму?

(Изоҳ; Жиннилик занжири билан оёқ қўлинг боғланганми? Агар жинни бўлмасанг маст бўлганмисан?)

Неча девоналиғ Фарҳод янглиғ,
Чекиб тил тешаи фўлод янглиғ.

(Изоҳ; Фарҳод каби девоналиғ қиласан. Пўлат теша каби тилингни чиқараяпсан)

Қаро тилни демакдин бир замон чек,
Десангким бормағай бошинг қаламтек.

(Изоҳ; Тилни кўп гапиришдан тўхтат. Агар бошинг қалам каби қириб ташланмасин десанг)

Қалам сурма бу навъ афсоналарға,
Агарчи йўқ қалам девоналарға.

(Изоҳ; Бу масалаларда қалам сурмагил. Гарчи ақлдан озганлардан қалам кўтарилган бўлсада. Яъни, жинниларнинг гуноҳлари ёзилмасада)

Жунундин сўзга бир дам бўлмай огоҳ,
Гар ортуқ сўз дедим: астағфируллоҳ.

(Изоҳ; Жиннилик қилиб, гапга эътибор бермасдан ортиқча гапириб қўйган бўлсам мени кечир эй Аллоҳ)

Илоҳий, боқмагил мажнунлуғумға,
Карамдин чора қил маҳзунлуғумға.

(Изоҳ; Эй Илоҳим, менинг жиннилигимга боқмагил. Караминг билан бу қағуларимга чора қил)

Юзум сарғортибон номам қароси,
Қарортиб номани хомам қароси.

Ёзаётган номам қаросидан юзим сарғайган ва номамни эса қаламнинг қароси қора қилмоқда)

Иноят айнидин хомам сари боқ,
Қизил айла юзум, номамни ҳам оқ.

(Изоҳ; Менинг ёзганларимга иноят назари билан боқгил! Юзимни қизил ва номамни оқ қилгил!)

Юзум лутфунг суйидин тоза қилғил,

Сўзум кўсин баланд овоза қилғил.
(Изоҳ; Юзимни Лутфинг сувидан тоза айла ва сўзимни довруғини баланд овоза қилғил)

Майи нутқум тарабхез айла, ё Раб,
Найи килким шакаррез айла, ё Раб.

(Изоҳ; Нутқим майини роҳатбахш этгил ва қаламим найини (Шакарқамишини) шакарлик қилғил ё Раббим!)

Кетур илгимга доғи жоми тавфиқ,
Етур кўнглумга доғи роҳи таҳқиқ.

(Изоҳ; Кўлимга тавфиқ жомини бергил. Кўнглимга ҳақиқат йўлини етказгил)

Сўзум роҳин қилиб равшан сафодин,
Шафоат жоми еткур Мустафодин.

(Изоҳ; Сўзим йўлини сафо билан равшан қилиб, Муҳаммад А.С. Шафотларидан жом еткурғил)

.....

Изоҳлар муаллифи М. Абутов.

Имон шартлари (“Ҳайрат ул Аброр”дан)

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг беш дostonдан иборат “Хамса” асарининг биринчи китоби бўлмиш “Ҳайрат ул Аброр”ни бир бобида қуйидаги мисраларни ёзади. Мен бугунги ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун имкон қадар қисқароқ шарҳлаб ўтдим.

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга имон эрур.

Кимки, бу дунёда ҳақиқий инсон бўлса, демак уни белгиси имондир.

Улки ҳаду расм қўяр мантиқий,
Токи бу ҳайвони била нотиқий.

Инсонни мантиқий меёри, ҳад ҳудуди бор. Ва шу билан инсон зотида нотиқлик сифати бордир. (Классик адабиётда дунё аҳли Жамодот, наботот, ва ҳайвонотдан иборат деб ҳисобланган. Ва инсон ҳам ҳайвонотлар сирасига киритилган. Кейинги байтда, инсонни ҳайвонни бир турини, нотиқлик сифати билан улуғланганига ишора. Валлоҳу аълам)

Иккиси инсонға бўлуб ҳадди том,
Зумраи инсон аро айлар хиром.

Ўша икки сифат, яъни мантиқ ва нотиқлик сифати билан инсоннинг меёри тамомига етди. Ва бу икки сифат инсонлар орасида айланиб юради.

Навъини нотиқ била ҳайвон қилур,
Нотиқу ҳайвонини инсон қилур.

Баъзи ҳайвон турини нотиқлик сифатини бериб бўлсада ҳайвонлик мақомида қолдиради. (Бу ерда қуръонда зикри келган доббатул арз ер ҳайвони ҳақида гап кетаяпди. Ёки, баъзи инсонлар нотиқ бўла туриб, инсон мақомига кўтарилаолмайди демоқчи.Валлоҳу аълам)

Сен доғи инсон мун қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.

Агар сен инсон бўла туриб бунга гумон қилсанг, у ҳолда сен ҳали инсон даражасига чиққан эмас, балки ҳайвон ҳолатинда қолган экансан.

Муники инсон мутафовит эрур,
Тенгри каломи хабар андин берур.

Инсон зоти турли туман бўлади. Бу ҳақида Аллоҳнинг китоби қуръони карим хабар беради.

Бас киши жазм айласа инсон они,
Яхши-ёмон ичра тафовут қани.

Агар ҳаммани инсон деб ҳисобласак, яхши ёмонни фарқи қолмайдикун?!

Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,
Топмағай эл олиму жоҳилда фарқ.

Ноқис яъни нуқсонли одам билан комил яъни камолатга эришган одамда фарқ бўлмаса. Халқ Олим билан Жоҳил нодонни фарқини ҳам билмайди.

Бу сифат инсонда топилмас фалоҳ,
Мантиқий айлабдур ани истилоҳ.

Бу каби инсонлар фалоҳ яъни нажот топмайди. Буни мантиқан шундай истилоҳ билан аташ мумкин.

Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.

Шундай кишини инсон дегилки, унда риё бўлмайди. Яъни хўжакўрсинга иш қилмайди. Сабрли ва Шукр қилувчи бўлади. Ва ҳаёли бўлади.

Бўйла буюрди набийи Ҳошимий,
Ким бу уч имоннинг эрур лозими.

Пайғамбар алай=иссалом шундай деганлар; Шу уч нарсa имон учун лозимдир.

Бас ани инсон демак ўлғай раво,
Ким иши имон била топқай наво.

Демак, ўша одамни инсон дейишимиз мумкинки, имон билан неъматланган бўлса.

Эйки, санга айладим инсонни шарҳ,
Эмди эшитким қилай имонни шарҳ.

Сенга инсонни шарҳини айтдим. Энди имонни шарҳини айтай.

Олти дурур шаръда гўё адад,
Ҳарнеки мўъминга керак муътақад.

Имонни шарт сони шариатда олтитадир. Ҳар бир мўмин бунга эътиқод қилмоғи керак.

Айласа бу олти била ихтисор,
Олти жиҳатдин анга бўлғай ҳисор,

Кимки бу олти нарсани билиб эътиқод қилса. Демак у олти томонидан ҳимояланган бўлади.

Ким бу ҳисор ўлса анинг маъмани,
Ўғридин эмин бўлубон махзани,

Кимки бу каби ҳимоя билан ҳимояланса, уни хазинаси ўғридан омон бўлади. (Яъни ибодатлари шайтондан омонда бўлади)

Нақдини бу ҳодиса бироҳидин,
Балки ўкуш бийм гузаргоҳидин

Нақд молини (яъни ибодатларини)бу каби хавотирли, қаттиқ қўрқинчли йўллардан...,

Ўтқарибон хайру саломат била,
Қолмайин ул йўлда маломат била.

Соҳ омон ўтқазиб олади. Йўлда маломатга дучор бўлиб қолиб кетмайди.

Мақсади аслийға хиром айлағай,
Қурб ҳаримини мақом айлағай.

Яратилишидан асл мақсад бўлган нарсага, жаннатга хиром айлайди. Аллоҳга яқинлик мақомини олади.

Англадинг ижмол ила таъвилини,
Эмди эшит ҳар бири тафсилини.

Имонни олти асосини қисқача таъвилини англадинг. Энди ҳар бирини алоҳида тафсирини эшит.

Олтидин аввалғики мақсуд эрур,
Билмак эрур ҳақники, мавжуд эрур.

Олти нарсани аввалгиси қасдан билмоқ керакки, Аллоҳу Таъоло мавжуддир. Бордир!

Айтма мавжудки, айни вужуд
Ҳарнеки мавжуд анга файёзи жуд.

Нафақат мавжуд балки, мавжудликнинг айнидир. Барча мавжудлик Ундандир.

Зоти вужудиға бўлуб муқтазий,
Нуқс, камолидин ўлуб мунқазий.

Аллоҳу Таъоло Ўз Зоти билан вужудини тақозо қилгандир. Айбу нуқсонлардан пок Зотдир!

Андин ўлуб мунҳат ила муртафиъ,
Мунҳат агар муртафиъ ул мухтариъ,

Ўз Зотини нисбий равишда кўтарилиши ёки тушурилиши (яъни, етти қават осмонни биринчи қаватига тушурилиши ёки Аршга кўтарилиши) Ундандир.

Зотиға дарёйи қадим чун тошиб,
Бир ён азал, бир ён абаддин ошиб.

Зоти Поки Қадимдан ҳам қадимдир. Азалий ва Абадийликданда устунроқдир.

Ҳарнеки қойим, ўзи қайюм ўлуб,
Бўлғуси ул, борчаси маъдум ўлуб.

Нимаики қоим бўлса, Уни Қоим қилиб турган Ўзидир. Барчаси йўқ бўлиб кетиб, яна Ўзи қолади.

Борча жаҳон аҳлиға зоти ниҳон,
Мазҳари асмоу сифоти жаҳон.

Аллоҳнинг Зоти жаҳон аҳлиға ниҳондир. Аммо, Унинг изҳори Исм ва сифатлари ва бу жаҳоннинг ўзидир. (Жаҳондаги кўриниб турган барча нарса, Унинг Зотининг изҳоридир)

Борчани ҳам, қилғучи нобуд ўзи.
Борча бориб, бўлғучи мавжуд ўзи.

Барчани охири бориб Ўзи йўқ қилади. Барча йўқ бўлиб, охири Ўзи мавжуд бўлиб қолади.

Икки жаҳон мулки мусаллам анга,
Ўзга жаҳон бор эса ул ҳам анга.

Икки дунёдаги барча нарса Унга таслимдир. Ўзга дунё бор бўлса у ҳам Униқидир.

Олтидин иккинчи малойикни бил,
Борчаға тасдиқи вужуд айлагил.

Имонни иккинчи шарти фаришталарга имон келтирмоқдир. Уларни борлигига ишонгил.

Билким эрур зойири афлок алар,
Нафсининг олойишидин пок алар,

Билгилки, улар осмонларни зиёрат қилиб юривчи ва нафс талабларидан пок зотлардир. (Яъни уларда, жинс, шахват, ейиш, ичиш ва ҳаказо сифатлар йўқдир)

Ҳар бири ул-ажниҳа товус ўлуб,
Донаи тасбиҳ анга маънус ўлуб

Ҳар бирида товус каби турфа қанотлар бордир. Ҳар бири сонича тасбиҳ донаси каби тасбиҳ айтиладиган бўлди.

Тоби муҳаббат чоғи ул ажниҳа,
Ўтлари туғени учун мирваҳа.

Аллоҳиша муҳаббатлари авж олган паллада, ўша қанотлар муҳаббат оловини елпиб кучайтирадиган бир воситадир.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ,
Бир неки, масно ва сулосу рубоъ.

Қанотлари фақат битта эмас. Икки, уч ва тўрттадир.

Не қадаме амрсиз олиб, не дам
Борча вужуд аввалидин то адам.

Улар пайдо бўлган вақтларидан то йўқ бўлгунларича, Аллоҳни изнисиз на бир қадам ва на бир нафас олмайдилар.

Поку мужаррад борининг жавҳари,
Туфроқу суву елу ўтдин барий.

Уларнинг яратилишдаги жавҳари пок нурдир. Тупроқ, ўт, шамол, сувдан покдирлар. (Мазкур тўртта унсур инсонларнинг жавҳари ҳисобланади)

Хулди барин қушларидек шавқнок,
Амр адосидин ўлуб завқнок.

Жаннатдаги абадий қушлардек шавққа тўлган ва Аллоҳнинг амрини адо этишдан завқ оладиган зотлардир.

Бир қуш алар ичраки топмай бу завқ,
Фохта янглиғ топибон бўйнига тавқ.

Бир қуш (яъни шайтон Иблис) улар орасида бу завқни топмади. Балки, бўйнига тавқи лаънат тақиб олди.

Лаънда уч ҳарфки бор ошкор,
Ҳар бирининг доманаси ҳалқавор.

Лаънат сўзи арабча уч ҳарфдан иборатдир. Уларнинг ҳар бири бир бирига боғланиб ёзилади.

Ҳар бирининг ҳалқаси топиб вусул,
Тавқда малъун бўлуб ул булфузул.

Ўша ҳарфларни халқалари бир бирига боғланиб, у Иблис бу каби тавқ билан лаънатланди.

Англа учунчи кутуби осмон,
Тенгри сўзи бил бориси бегумон.

Имонни шартларидан учунчиси осмоний китоблардир. Барчасини Аллоҳнинг каломи деб билгил.

Қайси кутуб, ҳар бири дарёи жарф,
Ҳар сўзи бу баҳрда дурри шигарф.

Бу китобларнинг ҳар бири бир дарё кабидир. Ва улардаги ҳар бир сўз дарёни ичидаги дурлари кабидир.

Баҳр дема, ҳар бири бир турфа кон,
Лаъл ила гавҳарға саросар макон.

Денгиз эмас, ҳар бири лаъл ва гавҳарлар бошдан оёқ тўла бир кон кабидир.

Гар учи уч шамъи мунаввар бўлуб,
Лек бири машъали ховар бўлуб.

Учта китоб бир ёрутгувчи шам бўлса, бириси (қуръон) худди гуркираётган машъала кабидир.

Бўлса маволиди салос ул учи,
Бу ети обонинг ишин қилгучи.

У учови учта она каби бўлса, бу бири етти отани ишини қилувчидир.

Бал ети обо мунга уммул-китоб,
Сабъи масоний топиб андин хитоб.

Етти ота деганда “Уммул китоб” яъни фотиҳа сурасини тушунгил. Еттита қайта қайта ўқилувчи оятлар унда хитоб бўлгандир.

Сабъи масоний неки, ҳар сураси,
Давлату дин хиттаи маъмураси.

Фақат фотиҳа сураси эмас, балки ҳар бир сурасида, давлат ва динни ободлиғи йўл йўриғи хат қилингандир.

Бошида ҳар сураси тазҳиб ила,
Дарғаҳи кошӣ анга тартиб ила,

Ҳар сураси оятлари навбат ила келган. Аллоҳнинг даргоҳида шундай тартиб берилган.

Боғ анга ҳар сафҳаи гулшан мисол,
Жадвали атрофида равшан зулол.

Ҳар саҳифаси гуллар очилган боғга ўхшайди. Саҳифа атрофидаги чизиқлари боғни ўраб оқаётган сувга ўхшайди.

Боғ дема, балки фалак, не фалак,
Сатрлари ҳар сори саф-саф малак,

Боғ эмас, фалакдир, яъни ҳар сатрлари гўё Фалакда саф саф бўлиб турган фаришталарга ўхшайди.

Бал анга ҳар доираи ашр гард,
Рутба аро бир фалаки ложувард.

Ҳар оятлар оралиғидаги доира, рутбаси бир нурлар чарақлаб турган фалакга ўхшайди.

Ҳақ сўзи ҳар жузви варақ то варақ,
Борча ҳақойиқ, балким борча ҳақ.

Барча бўлак варақлари аро барчаси Аллоҳнинг сўзидир. Барчаси ҳақиқатлардир ва Ҳақдир.

Мисл анга маъдumu мушобиҳ адим,
Қойили андоқки қадим, ул қадим.

Уни мисли йўқдир. Ўхшаши йўқдир. Айтувчи Зот эса Қадимдан Қадимдир.

Бил яна тўртунчи русул маъшари,
Ҳар бири бир баҳри сафо гавҳари,

Имонни тўртинчи шарти расулларга имон келтиришдир. Уларнинг ҳар бири бир мусаффо гавҳар янглиғ инсонлардир.

Борчаси ҳақ амр ила наҳйин тузуб,
Элга бори ҳақ йўлини кўргузуб.

Уларнинг барчаси Аллоҳнинг амрини ва наҳйларини элга етказиб, уларга Ҳақ йўлини кўрсатишган.

Ҳужжат агар истаса ҳар тийра зот,
Ҳар бириси кўргузубон муъжизот.

Кимдир уларнинг пайғамбарлигига ҳужжат талаб қилса, улар Аллоҳнинг мадади билан муъжизалар кўрсатишган.

Зоҳир ўлуб борчаға сидқи мақол,
Шойибаи кизбға йўқ эҳтимол.

Уларнинг сўзларини тўғрилиги барчага очиқ аён бўлгач, уларнинг ёлғончи эканлигига ҳеч қандай асос қолмаган.

Гарчи паямбар бориға исм ўлуб,
Лек алар жисми ҳам уч қисм ўлуб.

Гарчи ҳаммасини пайғамбар деб номлашсада, улар даражада уч қисмга бўлинадилар.

Зумраи аввал келибон анбиё,
Ваҳй ила руъёдин ўлуб пешво.

Аввал набилар жамоаси бўлган ва уларга ваҳй тушиб, ва яна тушида илҳомланиб туришган.

Сўнгра русулким, неки ҳақдин етиб,
Борчасини халққа ирсол этиб,

Кейин расуллар келганлар. Уларга нимаики Аллоҳдан келган бўлса, барчасини халқга етказишган.

Сўнгра улул-азмки айлаб жидол,
Даъвати дин қилга-ю ҳукми қитол.

Кейин улул азмлар келишган. (Улуғ пайғамбарлар бештадир. Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад алайҳимуссаломлар.) Уларга динга даъват қилишга ва дин йўлида жангу жадаллар қилишга ҳаракат қилганлар.

Борчасининг аъзамию афсаҳи,
Англаки, келмиш набийи Абтаҳий.

Барчасини афзали ва улуғроғи Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар.

Кўнгли ҳақ ирсолиға росих бўлуб,
Дини — русул диниға носих бўлуб.

У кишини кўнгли Аллоҳ нозил қилган ваҳийга макон бўлган ва динлари аввалги расулларнинг динига мувофиқ эди. (Яъни осмоний динларни асли бир эди)

Куфр қаронғусида ҳар мурсале
Дини била ёрутубон машъали.

Куфр даврини қоронғулиқ деб ҳисобласак, Расуллар динлари гўё машъала бўлиб зулматни ёритиб турган.

Қилғач анинг шаръи қуёши зухур,
Қолмайин ул машъалалар ичра нур,

Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган шариати қуёши нур сочгач, аввалги динлар яъни ёрутувчи машъаллар нури қолмади.

Хатм анга ойини рисолат тамом,
Дин анинг исломи-ю бас вассалом.

Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарларнинг охиргиси бўлди. Унинг дини Ислом дини эди.

Келди бешинчи анга явмул-ҳисоб,
Дема ҳисоб, айтки явмул-азоб.

Имоннинг бешинчи шарти қиёмат кунига имон келтиришдир. Бу кунни ҳисоб ёки азоб куни дейиш ҳам мумкин.

Муътақид ўлмоқки қиёмат бўлур,
Қилғонидин элга надомат бўлур.

Қиёмат бўлишига ва қилган амаллари учун одамларга надомат бўлишига эътиқод қилиш шарт.

Шодлиқ асҳоби яминға рақам,
Сафҳалари лавҳиға етмай қалам.

Ўнг томон эгаларига Амаллари саҳифасига қалам етмай туриб шодлик бўлур.

Аҳли шимол ичра тушар можаро,
Номалари юзлари янглиғ қаро.

Чап томон эгалари саҳифалари юзлари каби қаро бўлур.

Тўғри тарозуға бўлур икки бош,
Бир сори гавҳар яна бир сори тош.

Тарозуни икки палласига гавҳар ва тош қўйилади. Яъни савоб ва гуноҳлар ўлчанади.

Кўпрук уза халқ ҳаросон бўлур,
Бирга қатик, бирига осон бўлур.

Одамлар сирот кўпригидан ўтадилар. Бировларга осон бировларга қийин бўлур.

Дўзах ўти дардиға йўқ интиҳо,
Халқ ҳалокиға бўлур аждаҳо.

Лўзах ўти азоби охири йўқдир. Халқни ҳалок қилувчи аждаҳо кабидир.

Етти боши гунбади даввордек,
Етти оғиз ҳар бириси ғордек.

Дўзахни етти дарвозаси бор. Гўёки аждаҳони етти боши каби. Ва бу етти дарвоза гўёки етти ғор кабидир.

Дема томуғ етти эшигин очиб,
Ким ети оғзи анинг ўтлар сочиб.

Дўзахни етти озғи, гўё аждаҳони ўт сочиб турган етти озғига ўхшайди.

Гулшани фирдавс аро нозу наим,
Ончаки йўл топмай арода насим.

Фирдавс жаннатида нозу неъматлар шунчалар кўпки, ҳатто шамолга жой йўқдек.

Ҳури анинг руҳи мусаввар киби,
Қадду лаби туби-ю кавсар киби.

Жаннат ҳурлари чизилган руҳлар кабидир. Қаддлари тубо дарахтига, лаблари кавсар сувларига ўхшаш лаззатлидир.

Сокиниға жоми бақодин умид,
Қайси бақо, балки лиқодин умид.

Жаннатда яшайдиганларга абадий ҳаёт ва Аллоҳнинг дийдорини кўриш умиди бордир.

Содис анга келди ҳадиси қадар,
Бил азалий сабт неким хайру шар.

Имонни олтинчи шарт қадарга имон келтиришдир. Яхшию ёмон неки бўлса, азалда битиб қўйилгандир.

Софу тўло бўлғали жоми аласт,
Бўлғуча ул майдин абад аҳли маст,

Муҳаббат жоми ул майдан абад аҳли ичиб маст бўлиши учун тўла бўлибдир.

Ҳарне бу мажлис аро топти вуқуъ,
Хоҳ усул англаву хоҳи фуруъ.

Бу ерда зикр қилганлар хоҳ усул хоҳ фуруъ бўлсин. (Яъни имондаги асос шартлар ёки енгил масалалар)

Маст агар тортти нохуш садо,
Мутриб агар айлади дилкаш наво,

Айтувчи Маст бўлиб, нотўғри гап гапириб қўйган бўлса, Созанда дилга марғуб наво чалган бўлса.

Баъзи агар Каъба сори қилди азм,
Баъзи агар дайр аро тузди базм.

Баъзилар Ҳажга зиёрат қилдилар. Баъзилар майхонада базм қурдилар. (Яъни майхона Аллоҳга ошиқ бўлган сўфилар хонақоси. Май эса Аллоҳнинг зикридан маст бўлиш)

Бодияда ул чекибон юз ано
Бўлди мунунг маскани дайри фано.

Сахрода у юз турли қийинчиликлар чекди. (Иброҳим Адҳам деган сўфи назарда тутилади)
Аммо, бунинг (яъни Робияи адвиянинг) маскани дайри фано бўлди. (Аллоҳга ошиқлар маскани)

Маст чиқиб муғбачаи майпараст,
Қилди салоҳ аҳлини расвову маст.

Майхонада майпараст муғбача чиқиб, солиҳ кимсаларни расвою маст қилди. (яъни Аллоҳга ошиқ кишилар зикр билан маст бўлиб, бошқа солиҳ кишиларни ҳам шу йўлга олиб кирдилар)

Зоҳир агар бўлди бориб дурд нўш,
Фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш,

Очиқчасига кимдир бориб май ичса, фосиқ келиб, сўфилар хирқасини кийса.

Борчаси ҳақ илмида маълум эди,
Лавҳаи маҳфузда марқум эди.

Буларни барчаси Ҳақ илми азалийсида маълум эди. Лавҳи Маҳфузда рақамланганди.
(тақдирда битилган эди)

Не етибон яхши амалдин биҳишт,
Не солибон дўзах аро феъли зишт.

Яхши амалдан жаннат, ёки ёмон амалдан дўзах етмайди.

Улки қилиб тенгрига минг йил сужуд,
Бўлса шақийи азалий қайда суд.

У кимсаки (яъни Иблис) Аллоҳга минг ибодат қилганди. Аммо, азалда лаънатланган бўлса
нима фойда?!

Муғбачалар дайрда қилгон ҳалок
Бўлса саиди абадий қайда бок.

Майхонада муғбачалар ҳалокатга олиб борган кимса, абадий саидлик эгаси бўлса не ажаб?!

Кимгаки бу олтига бор эътиқод,
Ҳам бу сифат бирлаки қилдим савод,

Кимки бу олти нарсага, мен айтган каби эътиқод қилса.

Ҳар нечаким нома сияҳ бўлса ул,
Ғарқайи дарёйи гунаҳ бўлса ул,

Қанчалик амал китоби қора ва гуноҳ дарёсига ғарқ бўлсада,?

Тонг йўқ агар афв ўлуб уммид анга,
Тутса илик раҳмати жовид анга.

Қиёматда уни авф этилиши ва абадий раҳматга эришиш имкони бор.

Лек бу дард ўти эрур жонгудоз,
Ушбу гудоз ичра куюб аҳли роз.

Аммо, бу дард ўти жонни куйдургувчидир. Барча роз аҳли шу мақсадда роз илтижо қилурлар.
(яъни мағфиратга умид қилурлар)

Бу бири ўз ҳолига мотам тутуб,
Ул бири тарки бори олам тутуб.

Биров ўз ҳолига мотам тутади. Бошқаси умуман оламини тарки дунё қилади.

Ким бу бийик пояки қилдим баён,
Кимга етар-етмаси эрмас аён.

Аммо, мен баён этган бу улуғ мақом (яъни жаннат аҳли бўлмоқ) кимга насиб этиш этмаслиги аниқмас.

Етмаги ҳам кимсага мутлақ эмас,
Етмаси ҳам жазму муҳаққақ эмас.

Ҳаммага етиши аниқ эмасдир. Кимгадир етмаслиги ҳам жазман аниқмас.

Кофиру муъмин сори қилсанг соғинч,
Не анга яъсу не мунунг қўнгли тинч.

Кофиру мусулмонга назар солсанг, на уни ноумидлик ва на бунда хотиржамлик бор?!

Куйдурубон халқни бийму умид,
То худ эрур ким шақи-ю ким саид.

Халқни қўрқув ва умид куйдиради. Ким бадбахт дўзахий ким саил бахтли жаннатий экани маълум эмас.

Махлас иши барчаға ниятдадур.
Топмоқ ани лек машиятдадур.

Ҳамма дўзахдан омон топишни умид қилади. Лекин уни топишлик Аллоҳнинг иродаси ва хоҳишу ихтиёридадир.

Золим подшоҳларга Ҳазрат Навоий ўғитлари

Ҳазрат Навоий Хамсасининг биринчи китоби бўлмиш Ҳайратул Аброрни XXVI бобида Зулм билан ҳукм юритаётган Салтанат эгаларига хитоб қилиб шундай дейди.

Ҳаққи солиб сояи раъфат санга,
Рўзи этиб тахти хилофат санга.

Яъни, Аллоҳ сенга ҳукмронлик қилишни насиб этди.

Айлади олингда бийикларни паст,
Даҳр забардастларин зер даст.

Сени олдингда катталарни паст қилди. Дунёдаги забардастлар ҳам сени қўл остингда бўлди.

Халқни олингда қилиб нотавон,
Барчасиға айлади ҳукмунг равон.

Халқни сени олдингда бўйсундириб қўйди. Ҳукмингни уларга юритиб қўйди.

Хизматинга элни забун айлади,
Қадларин олингда нигун айлади.

Сени хизматинга элни таёр қилиб, уларнинг қадди сени олдингда букулди.

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.

Шуни билки, сен ҳам Аллоҳни бир бандасисан. Халқни кўпларидан ожиз ва пастроқсан.

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок.

Сен нурдан улар тупроқдан яралганмас. Сен ҳам улар ҳам тупроқдан яралгандир.

Барча жаворих била аъзода тенг,
Сурати навъи-ю ҳаюлода тенг.

Барча инсон яралишда, сурат ва аъзоларда баробардир.

Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам,

Аммо, касбу камол, ахлоқу сўз жиҳатидан,,.

Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро.

Инсофу адолат ва ҳаё ва бошқа сифатларда...,

Шаръ тариқида ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам,

Шариат йўлида ва ибодатда, умуман тақвою тоатда...,

Сен тушубон йўл наҳажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.

Халқни кўпчилиги сендан яхшироқдир.

Буки санга тенгри бериб имтиёз,
Салтанат авжида қилиб сарфароз,

Сенга Аллоҳ имтиёз бериб, салтанат соҳиби қилиб қўйди.

Тахтни шахсингга макон айлади,
Мулк уза ҳукмунгни равон айлади,

Тахтни сенга макон этди. Ва ҳукминги юргизиб қўйди.

Мунда доғи қудратин ифшо қилиб,
Ҳикмат ила қатрани дарё қилиб,

Бунда ҳам Аллоҳ қудратини аён этди. Қатра сувни (яъни сени) дарё этиб қўйди. (яъни кечаги қатра манийни бугун ҳаммага ҳукмини юргизадиган подшоҳ этиб қўйди)

Билдуруб элга ҳақу барҳақлигин,
Англантибон қодири мутлақлигин.

Бу билан элга Ўзининг Ҳақлигини ва Қодиру мутлақлигини аён этди.

Лек бу иқболнинг ўтрисида,
Бўйла бийик мартаба қаршусида.

Сени бу даражага етқуриб қўйиб...,

Амр қилибдур неча хизмат санга,
Рўзи этибдур неча санъат санга.

Сенга нарсаларни билдирди ва баъзи нарсаларни амр этди.

Бири анинг неъматига шукр эрур,
Кимсаки, шукр айласа кўпрак берур.

Бири шуки сен Уни неъматига шукр этишинг керак. Ким шукр этса кўпроқ беради.

Шукр қилиб айламасанг уштулум,
Деб ўзиким, «лаазиданнакум».

Шукр этиб, исроф қилмасанг, Аллоҳ « сизларга неъматимни зиёда қиламан» деди.

Сўнгра раиятни вадойиъ деди,
Хуррам ани билки, бу ғамни еди.

Сўнг раиятни яъни фуқароларни, халқни ғамини ейишга буюрди. Ким шу ғамни еса хуррам хотиржам бўлади деб билгил.

Гарчики, ҳақ амри фаровон эрур,
Борчаси бир ёну бу бир ён эрур.

Гарчи, Аллоҳнинг амрлари кўп бўлсада, бу зиммангдаги энг асосий масъулитдир.

Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Халқ қўй бўлса, сен чўпондирсан. Улар ниҳол бўлса, сен боғбондирсан.

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.

Қўйни чўпон асрамаса, оч бўрилар еб кетади ҳаммасини.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуруғон ўтун.

Деҳқон боғини кеча кундуз парвариш қилмаса, барча ниҳолларини қуриган ўтин деб ҳисоблайвер.

Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил,

Сен бўриларни қўйлардан узоқ тут. Ва боғни сув бериб обод қил.

Ғам есанг ул гала манофиъ берур,
Боғ гулу меваи нофиъ берур.

Ғам есанг қўйлар сенга қўп манфаатлар беради. Боғ эса қўп меваю гуллар беради.

Гала тугансау қуруса шажар,
Худ санга қолмас яна нафъу самар.

Қўйлар тугасаю, боғлар қуриша, сенгаям ҳеч фойда қолмайди.

Истаса топшурғонини кирдигор,
Фикр қил ул дамки, жавобинг не бор?

Аллоҳ сенга топширган вазифасини сўраса, нима деб жавоб беришни ўйлагил!

Кўз оч, агар худ бор эсанг раҳшунос,
Иш равишин айла анингдек қиёс,

Агар йўлни билувчи бўлсанг, кўзингни оч. Ва ўзингни вазифангни шу айтилган мисолга қиёс қил.

Ким не кишиким, санга маҳкум эрур,
Зулмунгга бечорау мазлум эрур.

Қайси кишики сени ҳукминга маҳкум ва зулминга тутилган бечора бўлса.

Гарчики, йўқ шавкату сармояси,
Сендин эрур ортуқ анинг пояси.

Гарчи уни мансаби, пули бўлмасада, Уни даражаси сендан ортиқдир.

Негаки, чун ҳашр куни зулжалол,
Золиму мазлумни айлар савол.

Чунки, Аллоҳу Таъоло қиёмат куни Золим ва мазлумни саволга тутати.

Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афгандалиқ.

Унга мукофотлар ва сенга шармандаликлар бўлади. Унга буюклик ва сенга хорлик бўлади.

Тил чекиб ул ханжари пўлоддек,
Очилибон савсани озоддек.
У гапиради ўша куни, уни тили сенга пўлат ханжардек бўлади.

Санга бинафша киби қадди нигун.
Бош қўтара олмай уётдин забун.

Сени бинафша гули каби қаддинг букилади. Уятдан бошингни кўтараолмайсан.

Анга нишоту санга андуҳу ғам,
Ул санга андоқки, анга сен бу дам.

Унга хурсандликлар ва сенга андуҳ ва ғам бўлади. Худди сен унга нисбатан ҳозир қандай бўлсанг, у сенга нисбатан шундай бўлади.

Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб.

Ҳар бир хатоинг учун юзта азоб бўлади.

Тенгри бу дардингга даво айламас,
Ушбу жиҳатдинки, ҳақуллоҳ эмас.

Аллоҳ бу дардинга даво этмайди. Яъни кечирмайди. Чунки, бу ҳаққуллоҳ яъни Аллоҳнинг Ҳаққи эмас. (Намоз, рўза ва ҳаказолар ҳаққуллоҳ ҳисобланади. Аллоҳ истаса кечириши мумкин. Бошқага қилинган зулмни эса, ўша одам кечирмаса, Аллоҳ кечирмайди.)

Гарчи синуқ игна ҳақунносдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.

Синган игна каби майда нарсани, агар одамлар ҳаққидан олган бўлсанг, Қиёматда олмос ханжар каби бағрингни тиладиган нарса бўлади шу.

Қилмаса мазлум гуноҳинг биҳил,
Дўзах ародур ватанинг муттасил.

Мазлум гуноҳингни кечирмаса, жойинг жаҳаннамда доимий бўлади.

Афвин анинг тутмасанг уммид сен,
Билки томуғ ўтида жовид сен.

Агар мазлум кечирмайди деб билсанг, жойингни дўзах ўтида абадий деб билавер!

Кимга тикан бирла қилибсен ситез.
Урғусидур кўксунгга юз тиғи тез.

Бировга тикан санчиб озор берган бўлсанг, эвазига кўксинга юз марта қилич билан урилади.

Кимки бўлур бир шараринг фош анга,
Дўзах ўти бўлғуси подош анга.

Кимгаки бир ёмонлик қилган бўлсанг, дўзах ўти унга эваз бўлади.

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Кимга бир қилчалик зиён берган бўлсанг, сенга ўша қилни илон каби ҳамласи бўлади деб билавер!

Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,
Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.

Эй, қўли давлат билан куч олиб, Зулм йўлини тутган кимса!!

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,
Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Халқга зулм қиласану, аммо ўзинга ҳам зулм қилаяпсан аслида.

Зулм ўзунга фисқдур, эй хушёр,
Гум қил ани, бўлса санга хуш ёр.

Зулм ўз жонинга фисқ қилмишдир. Ақлинг бўлса, уни тўхтат тез.

Чунки фараҳ базмига жазм айладинг,
Айшу тараб азмига базм айладинг.

Сен хурсандлик кайфи чоғлик қилишга киришиб кетдинг.

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб,

Қасрингда базм қилиб, ҳою ҳавас билан қасрингни ва базмингни зийнатладинг.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин,

Қаср пардаларини ипи элни жони ҳисобидан ва лола ранг зеб зийнатлари халқни қонидан қилингандир.

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.

Қасрнинг Чироғлари элни моли билан нур сочади. Ва Халқни дур ва гавҳари билан безатилгандир.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Ғиштларини масжидларни бузиб келтиргансан,Тошларини халқни қабрларидан олгансан.

Анда тузуб маснади шоҳаншаҳи,
Айшу тараб жоми учун муштаҳи.

Бу қасрда шоҳона базмлар иштаҳанг истаган хурсандчилик билан машғулсан.
Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз.
Аҳли ғино ҳар сори дастон навоз.

Базмингда соқилар сенга кулиб жилса қилиб, созандалар сени мақтаб турфа хил қўшиқлар айтиб туришади.

Ҳарнеки марғуби бўлуб нафсинг,
Топилиб ул базмда бир йўқки, минг.

Нафсинга нима ёқса, ўша нарсани бир эмас мингтасини сени базмингда муҳайё.

Тил бори ул дебки, демак ҳўб эмас,
Кўз кўрубон оники, матлуб эмас.

Тилинг ҳам гапириш мумкинмас нарсани гапириб, кўзинг ҳам кўриш мумкинмас нарсаларни
кўриб,,,

Арбададин ўзга эшитмай қулоқ,
Коми учун тутмай илик жуз аёқ.

Қулоғинг карнай овози ботилдан бошқа нарсани эшитмай, қўлинг, май косадан бошқа нарсани
тутмай...,

Ҳою ғулудин бу нишотинг кунӣ,
Англамайн кимса муаззин уни.

Ҳою ҳавасга берилгандан, муаззинларни овозини ҳам бирор кимса эшитмайди.

Баски самоу ғазалу қавлу савт,
Бўлубон ул кунги намоз элга фавт.

Ғазал, ва сўз, ва овозларни эшитиб ўтириб, Ўша кунги элни намози ҳам қазо бўлди.

Аҳли вараъким, топиб анда вужуд,
Чанг рукуъ ичра суроҳи сужуд.

Тақводорлар ҳам сени базмингда макон тутиб, рукуъ ва сужуд ўрнига чанг ва суроҳи билан
бўлдилар. (Яъни чолғу асбобларини чалиш ва эшитиш, намоз билан алмашди.)

Улки бу тоат била тафзиҳ анга,
Нуқл бўлуб донаи тасбиҳ анга.

У кимса ҳам тоатдан мосуво бўлиб, тасбиҳ ўрнига фақат (сени мақтаб) гапириш билан банд
бўлди.

Токи қуёш жирми бўлуб нур пош,
Маҳфили айшингда бу янглиғ маош.

То қуёш чиққунча, сен бу каби айш ишрат билан машғул бўлдинг.

Шом жаҳон сафҳасин айлаб қаро,
Пардаи зулмат чу ёпиб эл аро.
Яъни, Шом киргач...,

Рост ярим тунга дегин ҳол бу,
Ҳам санга, ҳам хайлинга аҳвол бу.

Ярим кечгача сен ва сени ёнингдагиларни аҳволи шу.

Сен чу бўлуб сархушу хилват гарой,
Анда қилиб ҳарне тилаб нафсу рой.

Сен базмда маст бўлиб, хилватда нафсинг истаган ишни қилиб ётасан.

Субҳ чу зоҳир қилиб анворини,
Ҳар ён очиб ламъаи рухсорини.

Эрталаб қуёш чиққач...,

Ончаки султоний ўлуб чоштгоҳ,
Уйқуда султон била хайлу сипоҳ.

Вақт чошгоҳ бўлсада, Султон ва аёнлари уйқуда ётишади.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,
Ҳар бири бир зулмға машғул ўлуб.

Уйқу кўзидан аригач, ҳар бири бир зулм ишини қилишга киришадилар.

Очибон элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асбобини.

Халқга ситам эшикларини очишади. Айшу ишрат учун зарур нарсани (пулни) пайдо қилиш учун.

Бўлди чу асбоб муҳайё яна,
Кирди тараб базмиға ғавғо яна,

Базм сабаби (асбоби) яъни пул топилгач, яна шу айшу ишрат билан қий чув давом этади.

Йўқки замона шаҳи бу шевалик,
Ўз хўри ҳолиға улуғ то кичик.

Замонамизда салтанати каттами кичикми, бирорта бу каби подшоҳ йўқ.

Ҳар куни бу шанъат ила тунгача,
Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача.

Ҳар кун шунақа ишлар билан тунгача, Тунда эса ишрат билан кунгача вақт ўтказиб...,

Эй хулафо ўрнида маснад нишин,
Кўр ўз ишингнию аларнинг ишин.

Эй, Халифалар ўрнида ўтирган кимса, ўз ишингни қараю, Улар Хулафои рошидинларни қара!

Қоида мундоғму бўлур, де ахи,
Бир ўз ишингнинг ғамин ҳам е ахи.

Иш шунақа бўладими? Ўз ишингни ғамини ҳам егин биродар!

Ҳақ сени адл эттали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб.

Аллоҳ сени адолат қилсин деб султонлик бериб қўйди. Сен халқни зулминг билан вайрон қилдинг!

Ул сени маъмури ибодат қилиб,
Сен лаабу лаҳвни одат қилиб.

Аллоҳ сенга Ўзига ибодат қилишни буюрганди. Сен беҳуда бефойда ўйинларни одат қилдинг!

Неча бу беҳудлуқ ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг ўзунга, вой,

Шу аҳволда неча йилу ойларни ўтказдинг, Агар ўзинга келмасанг, сени ҳолинга вой!

Умр бу ишлар сўнгича кетти тут,
Марг ниҳиби бошингга етти тут.

Умринг шунақа ишлар билан ўтиб, ўлим етишса...,

Чун ҳашаму хайлдин айрилғасен,
Деки, бу аъмол ила не қилғасен?

Унда ҳашаматдан ва ёнингдаги одамларингдан айриласан. Аммо, бу амаллар билан бориб охиратда қандай қилар экансана?!

Не амали хайр санга дастгир,
Не ситаминг кўргучи пўзиш пазир.

На амали хайр ва на мазлумлар авфи сенга ёрдам берувчи бўлмади.

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил.

ЗУЛМНИ тарк этиб, ўз ҳолинга тавба қилиб дод дегил! Ўлим кунини ҳам эслагил!

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча, булғай неча?

Кундузи зулм, кечалари фисқ билаш машғулсан. Зулм ва фисқинг қанча бўлади? Охири борми?

Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам.

Афсусланишни ҳам ўйлаб қўй! Қиёматни ҳам ўйлагин!

Журму гунаҳдин киши маъсум эмас,
Таркини тутмоқ доғи мазмум эмас.

Хато ва гуноҳдан инсон маъсум яъни сақланган эмас. Аммо, зулмни қилганда билиб, тарк этган одам мазаммат қилинмайди.

Ҳақнинг эрур саҳвсиз иш лозими,
Саҳв эрур лозимаи одами.

Аллоҳ фақат хатосиз иш қилади. Хато одамзодни лозимидир. Яъни одамзод хато қилиши лозимдир. Табиийдир.

Саҳвунгга де узр, таваҳҳум била,
Зулмдин эт тавба тазаллум била.

Хатоларинга қўрқиб узр айт, ва зулминга ўзингни паст тутиб тавба қил!

Кимники бедодинг этибдур асир,
Бўл анга адл илги била дастгир.

Кимга зулм қилган бўлсанг, унга энди адолат қўлини узотгил!

Тиғ агар чекса нечукким қуёш,
Айламак онинг сўнгида меҳр фош.

Қуёш кабики, у ҳам эрталаб нуруни тиғини сочиб чиқади. Аммо кейин ортидан меҳр нуруни сочади.

Шаҳлар аро бўйла сифат кам дурур,
Ким шаҳи ғозийға мусаллам дурур.

Бу сифатли Шоҳ албатта камдир. Аммо шоҳи Ғозига (Султон Ҳусайнга) бу сифатлар мусалламдир.

Ҳазрат Навоийнинг Аллоҳга Муножоти

Муножот қозиюл-ҳожот ҳазратида ўз тақсиротининг шармандалиғида ва ул уётдин мазаллат туфроғиға сарафкандалиғида

(Изоҳ; Ҳожатларни раво қилувчи Зот даргоҳига ўз хатолари сабабли шарманда бўлганлиги ва уятдан хорлик тупроғига беланганлиги сабабли муножот)

Ё раб, ўз ҳолимға ҳайронмен баса,
Осию масту паришонмен баса.

(Изоҳ; Буюк шоир Алишер Навоий бу муножотни умрининг охирида ёзган Лисонут тойр асари бошида келтирган. Бу ерда шоир ўз умрига назар солиб ҳаётида қилган хатоларини учун узр сўрайди. Юқоридаги байтда эса, “Ё Раббим мен ўз ҳолимға ҳайронман. Гуноҳқору, маст ва хаёли паришонман” дейилган.)

Нафс маъмури ҳаво мағлуби ҳам,
Сидқ мардуди, сафо манкуби ҳам.

(Изоҳ; Нафсим буюрган ишларни қиладиган кимсаман ва ҳаво ҳою ҳавасга берилганман. Сидқу садоқатни рад қилиб, сафони, кўнгилни софлигини тарк қилганман)

Жонима исён майидин мастлиғ,
Кўнглума фисқ аҳлиға побастлиғ.

(Изоҳ; Менинг жоним гуноҳлардан маст бўлиб қолган. Кўнглим эса гуноҳкорларга яқин, уларни дўст тутади)

Юз ҳаво бошимга солиб нафси шум,
Хайли шайтон айлабон ҳарён ҳужум.

(Изоҳ; Шум нафсим юз хил ҳавони, ҳою ҳавасни ҳаёлимга солаяпди. Шайтонлар жамоаси ҳар ёндан ҳужумлар қилмоқда)

Айлабон ул хайл бўлгунча хабар,
Жону кўнглим кишварин зеру забар.

(Изоҳ; Ўша шайтонлар жамоаси келишидан хабардор бўлганда, ўз жонимни ва кўнглим мамлакатини остин устун қилардим.)

Бир таадди пешаликни ҳўб деб,
Ўзни ошиқ деб, они маҳбуб деб.

(Изоҳ; Бир қиладиган касби зарар етказувчи кимсани севганман деб, ўзимни ошиқ уни маъшук деб юрдим)

Ҳар ситамким тундхўеин етиб,
Ул чу етғоч оҳ уруб, ўздин кетиб.

(Изоҳ; Ўша ёмон хулқли севганимдан ҳар қандай жабру ситам етса, оҳ уриб ўзимдан кетиб қолардим.)

Оташин лаълидин ўт жоним аро,
Рўзгорим зулфу холидин қаро.

(Изоҳ; Унинг оташин лабларидан чиққан сўзлардан жонимга ўт тутаشارди. Сочларининг қаролигидан менинг ҳаётим ҳам қоронғу эди.)

Нуктаси нутқум тилин лол айлабон,
Жилваси ақлимни беҳол айлабон.

(Изоҳ; Гаплари менинг тилимни лол қиларди. Жилва қилиб кулса ақлим беҳол бўлиб қоларди.)

Васлу ҳажрин умру марг айлаб лақаб,
Бирдин осойиш топиб, бирдин саъаб.

(Изоҳ; Унинг висолини ҳаёт, ҳажрини эса ўлим деб атагандим. Бирисидан осойиш роҳат топиб, бирисидан ғам қийинчиликга учрардим.)

Ҳажри андуҳида жоми май ичиб,
Васли жомин чун топиб жондин кечиб.

(Изоҳ; Ҳижронида ғамим туфайли май ичардим. Висолига етганимда жондан кечардим.)

Онглабон онсиз тирикликни ўлум,
Жонға айлаб ҳажрида юз уштулум.

(Изоҳ; У сиз тирикликни ўлим деб англагандим. Унинг ҳижронида жонимга юз жафо етказардим.)

Они фаҳм айлаб ҳаётимдин мурод,
Ондин ўзга келмайин кўнглумга ёд.

(Изоҳ; Уни ҳаётда яшашдан мақсадим деб ўйлардим. Ундан бошқа ҳеч нарса ҳаёлимга келмасди.)

Ғайри ёдимдин чиқиб фурқат чоғи,
Чунки воқифсен, чин айтай мен доғи.

(Изоҳ; Ундан айрилганимда ҳаммани унутардим. Эй Аллоҳ Сен хабардорсан мен ҳам чин гапни айттайин энди)

Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон,
Они истарга сени ёд айлабон.

(Изоҳ; Ҳижрони кўнглимга кўп зулм қиларди. Мен уни истаб Сени ёдимга олардим. Яъни, Аллоҳни эслашга сабаб, ўшани висолига еткур деб илтижо қилиш учунгина эслардим.)

Оллоҳ, Оллоҳ, ўлтурур шармандалиқ,
Ёдима келса бу янглиғ бандалиқ.

(Изоҳ; Эй Аллоҳим, бу каби ибодат қилганларим эсимга тушса, шармандалиқ мени ўлдиргудек бўлади. Яъни, шу ишимга хижолат бўламан.)

Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,
Ким кўзимга қилди оламини қаро.

(Изоҳ; Жаҳолат сабабли юзи қаролигим шунчаликгача бордики, кўзимга оламини қаро қилиб кўрсатди.)

Қилмадим умрумда бир рақъат намоз,
Сар-басар маҳзи ниёз, эй бениёз.

(Изоҳ; Умримда бирор рақъат намоз холис ўқимадим. Бошдан оёқ ҳамма намозимни фақат Бениёз, беҳожат Зотдан бирор нарсани, ҳожатимни сўрашлик учунгина ўқиганман.)

Ҳаргиз андоқ қўймадим туфроққа бош,
Ким кераклик бўлмағай бошимга тош.

(Изоҳ; Туфроққа бошимни бирор марта тош билан уришга ҳожати бўлмайдиган даражада қўймаганман. Яъни, бирорта намозимни тўғри яхши ўқимаганман. Ҳамма ўқиганларим бошимга тош билан уришга лойиқдир.)

Бермадим ҳаргиз гадоға бир дирам,
То ўзумни кўрмадим соҳиб карам.

(Изоҳ; То ўзимни соҳиб карам, саховатли одам деб, ҳисобламагунимча гадоға бир дирҳам берган эмасман. Яъни, ҳар сафар ўзимни саҳий деган, фикрга бориб садақа берганман.)

Тутмадим отинг қилиб фарзоналиқ,
Сабҳа элдин осмайин юз доналиқ.

(Изоҳ; Мардлик қилиб, бериё Сенинг номингни, отингни зикр қилмадим. Доим шу юз доналиқ тасбиҳ олиб риё қилиб зикр қилдим)

Бир амал ҳаргиз риёсиз қилмадим,
Завқсиз ҳаргиз ўзумни билмадим.

(Изоҳ; Риёсиз бирорта амал қилмадим. Ўзимни шу риёкорона қилган ишимдан завқсиз пайтимни кўрмадим. Доим риёкорликдан завқ олдим)

Ўйлаким мендурмен инсон бўлмасун,
Йўқки инсон-деву шайтон бўлмасун.

(Изоҳ; Инсон зоти менга ўхшаган бўлмасин. Нафақат инсон, жин ва шайтон ҳам мендек бўлмасин.)

Ўз фиолимдин ажаб озурдамен,
Дам-бадам афсурдаю дилмурдамен.

(Изоҳ; Ўз амалларимдан қаттиқ афсусдаман. Ҳар дақиқада ғам чекиб, дили ўлик ҳолга тушганман.)

Бас хижолатдин манга йўқтур ҳаёт,
Не учунким ўлтурур ҳар дам уёт.

(Изоҳ; Хижолатдан менга яшаш имкони йўқдир. Сабаби уят мени ҳар дамда ўлдираяпти.)

Бу маразлар ичраким ўтти сўзум,
Ўз иложимни қила олмон ўзум.

(Изоҳ; Юқорида айтилган иллат ичра ўз дардимга ўзим даво қилишга қодирмасман.)

Бермадим мунча балиятқа ризо,
Найлагаймен сендин ўлғонға қазо.

(Изоҳ; Менга бунча бало келишига мен рози эмасдим. Лекин, Сен тақдир қилган экансан на чора?)

Гар манга бу дард бедармон эрур,
Лек дармони санга осон эрур.

(Изоҳ; Менинг бу дардимга даво йўқ. Лекин, Сен учун осондир)
Дардима дармон иноят айлагил,
Тавбаи комил ҳидоят айлагил.

(Изоҳ; Дардимга дармон ато этгил. Комил тавба қилишга ҳидоят бергил!)

Адлу эҳсонингға хос этгил мени,
Нафси золимдин халос этгил мени.

(Изоҳ; Адолатли эҳсонинга мени хос этгил. Нафси золимдан мени халос этгил! Аллоҳнинг эҳсони икки хил бўлади. Аслида гуноҳкор жазога лойиқ одамларни мағфират қилиб эҳсон қилса, бу раҳмат эҳсонидир. Адолатли эҳсони эса, аслида яхши амаллари кўп ва уларга эҳсон қилиши айни адолат талаби бўлган одамларга бўлади. Бу дегани дунёда гуноҳдан сақланиб, тоза амаллар қилиб ўтишга тавфиқ бер деганидир.)

Жонда шавқунг шуъласин мавжуд қил,
Ҳар не ғайринг кўнглума мардуд қил.

(Изоҳ; Жонимда Сенга бўлган муҳаббат шавқи ўтини пайдо қилгил. Сендан бошқа нарсани кўнглим рад қиладиган қилгил! Бу Навоийнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатининг моҳиятидир. Аллоҳдан фақат Аллоҳни ўзини дийдоринигина сўрашлик ва бошқа нарсани истамаслик бу улуғ шоир эътиқод қилган тасаввуфнинг мағзидир)

Ончаким бўлғай бадан қайдида руҳ,
Қил анга рўзи шухудингдин футуҳ.

(Изоҳ; Токи руҳим жасадимда турар экан, унга Гувоҳлигингдан фатҳлар насиб қил. Яъни, яккаю ягона Зотлигинга гувоҳ бўладиган кашфиётлардан кўрсатгил.)

Чун бу қушқа рихлат оғоз ўлғуси,
Гулшани аслиға парвоз ўлғуси.

(Изоҳ; Танимдаги жон қушига учиб кетиш, асл гулшанига парвоз қилиш вақти келади.)

Қуш таважжуҳ айласа учмоқ сари,
Туфроқ этса майл ҳам туфроқ сари.

(Изоҳ; Ўша жон қуши учишга бошласа, танам эса тупроққа айланишга бошласа.)

Чун ҳар иш бобида қилғунгдур хитоб,
Топмағон чоғда саволингға жавоб.

(Изоҳ; Ҳузуринга боргач, дунёда қилган барча ишларим учун савол жавоб қиласан. Саволингга жавоб беролмай қолган пайтимда...)

Бошима еткур мени қўймай ҳазин,
Ониким деб сен шафиъул-музнибин.

(Изоҳ; Мени ғамлик аҳволда қўймасдан, шафиъул-музнибин деб атаган, яъни, гуноҳкорларга шафоат қилгувчи деб, атаган одамни менинг бошимга етқургил. Яъни, мени шафоат қилишлари учун Расул алайҳиссаломни етқургил.)

Хулоса; Бу муножотда Навоий ўзи ёшлигида севиб қолган бир кимса ҳақида сўз юритади. Ва ўша кимсани висолига етишни истаб, ибодатлар қилганини эслаб афсусланади. Бунақа ибодат қилиш ва саждага бош қўйишликни тош билан уришга лойиқ деб айтади. Ибодатда холисликни ва Аллоҳдан фақат Аллоҳни дийдоринига истаб ибодат қилишликни насиб қилишини сўрайди. Аслида, Аллоҳдан жаннатни сўрашлик ва дунё охиратдаги бошқа яхшиликларни сўрашликга далил қуръонда бор. Оят; «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин»
(Бақара сураси 201 оят.)

Лекин, тасаввуфда фақат Аллоҳга интилишлик талаб қилинган. Навоий бу ерда зикр қилган аҳвол ва инсоннинг ички оламига доир воқеълик аслида бугунги барча мусулмонда мавжуд ҳолатдир. Бу аслида табиий ҳисобланади. Лекин, буюк шоир буни гуноҳ санаб, ўша аҳволига тавба тазарруълар қиляпти. Бу балким, юсак руҳий камолот даражасидир. Балким, бу ўз нафсини хокисор тутишлик учун қилинган муножотдир. Нима бўлгандаям шу ишига шоир қаттиқ афсусланади. Жину шайтон ҳам мен каби бўлмасин дейди. Бу гуноҳига қиёматда жавоб беролмай қолса, Пайғамбар алайҳиссалом келиб уни шафоат қилишларини Аллоҳдан сўрайди. Чунки, Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳиссаломнинг сифатлари шафиъул-музнибиндир. Яъни, гуноҳкорларга шафоат қилгувчидир. Мен ҳам шу кишининг шафоатларини барча гуноҳкор мўминларга ва менга ҳам насиб қилишини Аллоҳдан сўрайман.

Навоий ғазалига шарҳ

Истаганлар бизни, саҳрои балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз.

Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун денглар, ул водий аро,
Бўлса пайдо, ким мени ҳам ул ародан истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға,
Толиб, эл бошиға келган можародан истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайндин,
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қародан истангиз.

Қўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мен телбадан, ул мубталодан истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафодан истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанодан истангиз.

Ғазалга қисқача изоҳ;

Истаганлар бизни, саҳрои балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз.

(Изоҳ; Маълумки Навоий тасаввуф шоиридир. Тасаввуф эса, дини исломга асосланган аввалги даврда мавжуд бўлмаган бўлсада, кейинчалик пайдо бўлган улкан таълимотдир. Бу таълимот асосида Аллоҳга муҳаббат туради. Шу жиҳатдан кўплаб ақидавий масалаларда аҳли суннага хилоф шаклда талқинлар қилинади. Аҳли сунна ва тасаввуф уламулари орасидаги ихтилофлар тафсилига бу ерда киришмай ғазалга шарҳ қиламиз. Навоий ўзини тасаввуфда энг юқори ҳисобланган фано мақомига етган деб ҳисобляпти. Бу мақомот инсон ўз менлигидан кечиб,

жисмонан гўёки, тамоман йўқ бўлган бўлишини талаб қилади. Ва шу даражаги етган солиқ Ҳаққа етишган бўлади. Бу ерда Аллоҳга руҳан яқин бўлиш назарда тутилади. Навоий “кимки мени истаса, саҳрои балодан, ҳижрон водийсидан ва Фано даштидан изласин” деяпти. Шоир Лисонут Тойр асарида тариқат йўлига кирган солиқ комилликга эришиш учун босиб ўтиши лозим бўлган маълум руҳий босқичларни қушлар тимсолида баён этади. Охирги босқич Фақру фано босқичи бўлиб, бу даражагча етишган киши инсони комил ҳисобланган. 7 та босқич Навоий тилида водий қуйидагилардир; Талаб водийси, Ишқ водийси, Маърифат водийси, Истиғно водийси, Ҳайрат водийси, Тавҳид водийси, Фақру фано водийси.)

Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун денглар, ул водий аро,
Бўлса пайдо, ким мени ҳам ул ародан истангиз.

(Изоҳ; Навоийни излаётганлар ўша водийга кириб, ишқий дostonларнинг афсонавий қаҳрамонлари Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун деб, қақирсалар, ўша ерда кимлар пайдо бўлса, улар орасидан Навоийни излашсин)

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссага,
Толиб, эл бошига келган можародан истангиз.

(Изоҳ; Улар каби ошиқлардан ишқидан юз баробар ортиқча дарду балога толиб, талабгор бўлиб турган элнинг бошига тушган можаро орасидан Навоийни изланглар. Ўша эл бошига келган балоларни орасида у доим топилади. Бу ерда шоир ўзининг бутун умри Вазирлик давомида бўлсин ёки ундан кейин бўлсин доимо эл юрт ғамида юрганлигига ишора қилапти.)

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайндин,
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қародан истангиз.

(Изоҳ; Шу билан бирга шоир ўзини юзи қаро гуноҳкор банда ҳисоблайди. Яъни, кимки, икки дунёда (фиддорайнда) юзи қаро (саводул важҳ) бўлган кишилар кимлигидан бохабар бўлишни истасангиз, у ҳолда менинг юзим қаросидан изланг. Икки дунёда юзи қаролардан бири менман деяпдилар)

Кўнглим ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мен телбадан, ул мубталодан истангиз.

(Изоҳ; Кўнглим ёрнинг зулфи ичидадир. Зулф аёлларнинг қора ва узун чиройли сочидир. Зулф айнаи дамда соч каби қоронғулик тимсолидир. Кўнгил зулф ичида бўлиши, деганда кўнглим ишқ дардидан ғамда қоронғуликда деганидир.
«Одамлар мендан ишқим шарҳини сўрашмоқчи бўлсалар, мен телбадан сўрамасдан ўша кўнглимдан сўраб қўяқолсинлар. Чунки, кўнглим ўзимдамас, ўша ёқда» демоқда шоир.)

Нуқта янглиғ ким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафодан истангиз.

(Изоҳ; Арабча Вафо сўзи ёзилганда, вов ҳарфидан кейин, фе ҳарфи ва кейин алиф келади. Вов билан алиф орасида Фе туради ва унинг устига котиб яъни, хат ёзувчи бир нуқта қўяди. Ишқ ўтини вафодор ошиқлар қалбидаги доғини ўша вафо калимасидаги ўртадаги нуқтага ўхшатилаяпти. Ва мен вафодор ошиқмасман ишқ ўтини доғи азоби қанчалигини менданмас ўша аҳли вафолардан сўранглар деяпти. Шоир бу ерда ўзини ишқда вафодор эмас, дейиши бу ўзидан олдинги ўтганларни улуғлашлик ва ўзини паст тутишлик учун айтилган иборадир)

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,

Ё адам даштида, ё мулки фанодан истангиз.

(Изоҳ; Эл агар Навоийни истаб қолсалар, Навоий ёрнинг оғзи шавқидан йўқ бўлиб кетди. Уни энди ё йўқлик даштида (Ё адам даштида,) ёки мулки фанодан истангиз. Яъни, йўқлик мулкидан истанглар. Навоий йўқ бўлиб кетди. Ёки, тасаввуф тушунчасида ошиқ фано мақомига чиқди ва ўзликдан мосиво бўлиб, ёрига қўшилиб кетди. У энди мавжуд эмас. Ёки у ёр вужудида мавжуддир.)

Бу тушунча Навоийгача бўлган қатор араб форс ва турк мутасаввуф муфаккирлар орасида машҳур бўлган. Табиийки Навоий ўзини уларнинг издоши ҳисоблаган. Тасаввуф шайхлари ҳақида қисқача маълумот берувчи ва уларнинг сулук ва тариқатларига бағишланган “Насоимул Муҳаббат” номлик автобиографик асар ҳам ёзган. Ўзи ҳам ҳаётда тариқат йўлига кириб, Абдурахмон Жомийни ўзига пир муршид деб, қўл берган. Ўз ижодида ҳам ўшаларнинг гоёларини тасвирлаган. Бу ғазал ана шундай ғазаллардан биридир.

Навоийнинг Аллоҳга Муножоти

Ё раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Ул бўлуб мундин жудо, сен бўлмағил андин жудо,

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимга раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо.
Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмағил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё раб, ани мундин, муни андин жудо,

Ғазалга қисқача изоҳ;

Ё раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Ул бўлуб мундин жудо, Сен бўлмағил ондин жудо.

(Изоҳ; Алишер Навоий мусулмон сифатида ўз шеърларида кўп марталаб Аллоҳга нидо қилиб, муножотлар қилиб тилаклар тилаган. Бу ҳар бир мусулмон шоир ижодида кузатиладиган воқеъликдир. Бу ғазалда ҳам шоир фақат Аллоҳга дуои илтижолар қилади. Жумладан, “Ё Раббим агар менинг жоним вайрона жисмимдан жудо бўлганида, Сен шу жон тарк этган танамдан жудо бўлмағил” деяпти.)

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

(Изоҳ; Мен ғамга ботган одам барча бор йўғимдан жудо бўлсам ҳам, Агар Сен мендан жудо бўлмасанг, қайғу ғамим йўқдир.)

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

(Изоҳ; Жоним чиқаётганда имон гавҳарини калимасини кўнглимга солғил, яъни, шаҳодат келтириб ўлишни насиб қилғил. Жонимдан жудо қилсанг ҳам имонимдан жудо қилмағил деб илдтижо қилаяпти)

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен ал оҳону ал омондин жудо.

(Изоҳ; Мен ўлгач, хонумондан айрилиб, зиндонга ҳибс бўлсам, яъни, қабрда ётсам, Сен ўз лутфингни карамингни мен хор бўлиб омонлик тилаётган бандандан жудо қилмағил!)

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимга раҳм қил,
Лутф ила илгим тутиб, қил аҳли исёндин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда ҳашр кунида мен осий банданга раҳм қилғил. Ўзинг лутфинг ила қўлимдан тутиб, исён аҳлидан гуноҳкорлар жамоасидан жудо қилғил!)

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замониким бўлур, кофир мусулмондин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда кофирлар мусулмонлардан алоҳида ажралиб чиққан пайтида, гарчи мен ишқ аро кофирликга борган бўлсамда, мени ислом аҳли ичига киритгил.)

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

(Изоҳ; Агар элни дўзахдан халос қилишни истасанг, менинг оғзимдан чиқаётган дурга ўхшаган оловли оҳдан биттасини жудо қилиб, ажратиб олиб, ўша билан еттита дўзахни кўйдириб кул қилғил! Бу ерда шоир ўзи тортаётган оҳ ўти дўзахларни кўйдирадиган даражада шиддатли эканига ишора қилмоқда. Бу тасаввуф аҳлида кўп ишлатиладиган муболаға ташбиҳ шеърий тасвирлардандир. Бобораҳим Машраб ҳам “Ўртар” радифли машҳур ғазалида, Агар Маҳшарда оҳ урсам, Беҳишти жовидон ўртар” дейди.)

Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмағил
Кавсару тўбию қасру, ҳуру ризвондин жудо.

(Изоҳ; Сенинг ваъда қилган жаннатинга киришни истаб, ибодат қилган бандаларингни Кавсар булоғидан, Тубо дарахтидан, Қасру сайройлару, Ҳуру ғулмонлардан ва Ўз ризоингдан жудо қилмағил! Бу тилак оддий мусулмон одамларга ўта тушунарли ва ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида доимо Аллоҳдан тилаб юрадиган тилаклар жумласидандир.)

Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё Раб, ани мундин, муни ондин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда бошқалардан алоҳида Навоийга ўз муборак жамолингни кўрсат. Ва ё Раббим “ани мундин” яъни, жамолингни Навоийдан ва “муни ондин» яъни, Навоийни жамолингга қарашликдан жудо қилмағил. Бу байт мазмуни аслида бундан олдинги байт мазмунини тушунишга ёрдам беради. Юқорида жаннат истаб ибодат қилганларни жаннат неъматларидан жудо қилмағил дейилганди. Бу ерда эса тасаввуф шоири ўзига нима истаётганини очиқлаяпди. Жаннатдаги ҳурлар ва бошқа нарсаларнимас, Аллоҳнинг васли яъни, Жамолига назар солиш неъматини сўраяпди. Аллоҳга ошиқлик мазмуни ҳам шу. Албатта, жаннатдаги неъматлар ичида энг улуғи Аллоҳнинг дийдорига назар солишлиқдир. Бу ақидада собит бўлган ва ихтилоф қилинмайдиган масъаладир. Умри давомида уйланмаган ва дунё лаззатидан воз кечиб, охиратда ҳам бошқа нарсаларни сўрамасдан фақат Аллоҳнинг жамолига етишга интилиш Навоийнинг ва ундан олдинги ва кейинги ўтган тасаввуф шоирларининг тасаввуфдаги тутган тариқатлари эди. Албатта, бу каби улуғ ғояларни ишташ ва шунга умрини бағишлаш, бугунги жоҳил ва бидъатчи сўфилардан кутиладиган нарса эмас.)

.....

Огаҳий ғазали

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устина.

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

Нози адойи ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устина.

Бошимга ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина.

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурин тенг сочур вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

Ғазалга қисқача изоҳ;

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устуна.

(Изоҳ; Ёрнинг мушк уфириб турган қошининг ҳайъати жаллод каби, ошиқининг ўлдирувчи кўзи чашмаси устига тушиб туради. Бу эса ошиғини ўлдиришга Нас келтиради. Нас деб қуръон ва ҳадис асосидаги ҳукми айтилади. Нас сўзи эса, нун ҳарфини сод ҳарфи устига келтириб ясалади. Шу маънода шоир Нас сўзини ёзилишига эътибор беради. Ва айнаи дамба маъшуқасининг кўзи ёки боқиши ошиқини ўлдириш даражасига етказганини ифодалайди)

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

(Изоҳ; Шоир бу ерда маъшуқаси юзини гулга ва қоматини шамшод каби тик ўсадиган хушқомат дарахтга ўхшатади. Агар гулнинг Шамшод дарахтига пайванд бўлганини кўрмаган бўлсангиз, ёрнинг зебо қомати ва орази юзини тамошо қилинг дейди.)

Нози адойи ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устуна.

(Изоҳ; Маъшуқа кўзининг ғамзаси ва нози ошиқни ҳар замонда ўлиб қолиш даражасига олиб бораёпти. Бир одамзод устига бунча офат бўлиши мумкинми?)

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устуна.

(Изоҳ; Мен хаста одамга жон сақлашлик энди қийин ишдир. Сабаби, ёрнинг кўзи менинг жонимга ҳар лаҳзада бедод зулмлар қиляпти.)

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устуна.

(Изоҳ; Гул юзли ёр шавқи билан кўнглим кечаю кундуз шайдо бўлиб, Булбул каби минг турли фарёд устига яна юз турли наволар қилмоқда)

Бошига ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устуна.

(Изоҳ; Агар Фалак Фарҳоднинг бошига Бесутун тоғи каби, тошларни минглаб ёғдирса ҳам, менинг бошимга ёққан ғам тошининг мингидан бирича бўлмайди)

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурин тенг сочур вайрону обод устина.

(Изоҳ; Шоир даврининг подшоҳига мурожаат қилиб, элга карам саховат кўрсатаётган пайтингда яхшию ёмонни тенг тутгил. Чунки, қуёш ўз нурини вайрона ва обод жойлар устига баробар сочади дейди. Бу ерда подшоҳни қуёшга ўхшатиш ва уни ҳаммага яхшилиқ қилишга тарғиб қилишлик бор.)

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

(Изоҳ; Бу байтда ҳам шеър мазмуни ошиқ маъшуқ можароларидан чекиниб, насиҳат қилишга ўтади. Агар Сулаймон А.С. каби шамол устига тахтингни қуриб, ер юзида неча йиллар учиб айланиб юрсанг ҳам барибир бир кун танинг хоки туроб бўлади. Яъни, барибир ўласан дейди. Бу билан подшоҳни инсофга чақирмоқчи бўлади. Чунки, Сулаймон А.С. қиссаси қуръонда бор. У кишига бошқа ҳеч кимга берилмаган салтанат берилган. Лекин, ўшандай киши ҳам вафот топди. Демак, бошқа подшоҳлар ҳам буни унутмасликлари лозим.)

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

(Изоҳ; Огаҳий қайси журъат билан бунақа гапларни гапириши мумкин? Яъни, юқоридаги икки байтда келтирилган подшоҳга оғир ботиши мумкин бўлган гапларни шоир гапирмаган бўларди. Лекин, у зору ношод банданинг устига юзлаб ғам лашкарлари ҳужум қилаяпди. Шу сабабли юқоридаги гапларни айтишга ўзида журъат топа олди.)

.....

Изоҳлар муаллифи М. Абутов.

III-қисм

Очиқ хатлар:

Каримовга очиқ хат

САРҲИСОБ

Жаноб И. А. К. мен турмадалигимда, диндорларни мажбурлаб сизга кечирим хатлари ёздиришганди. Бу сафарги хатни ўзим ихтиёрим билан ёзаяпман. Кечирим сўраб эмас, балки ўлмасдан олдин зулм қилган одамларингиздан сиз кечирим сўранг деб ёзаяпман.

Сиз ўқимасангиз ҳам гумашталарингиз ўқишларига, балким сизга етказишлари мумкинлиги учун ҳам ёзаяпман. Кўп йиллар турма ҳаётини кўриб, ва озодликдаги оғир ҳаётни кўриб, ва энди тақдир эканки, Европада яшаб бу ердаги ҳаётни, давлат тизимларини кўриб, Ўзбекистондаги аҳволни ҳам яхши билганим учун, Сизга ва атрофингиздагиларга ва сизни сиёсатни тарафдорларига бир огоҳлантириш бўлсин дея, ёзаяпман. Зулмни заволи яқин эканига, яқин кунларда озод ва эркин замонлар келишига умид қилиб ёзаяпман. Сизни 20 йилдан бери маддоҳларингиз кечаю кундуз тинмай мақташади. Мустақиллик қаҳрамони ҳам бўлдингиз. Ниҳоятда доною зукко эканингизга ўзингиз ҳам ишониб қолган бўлсангиз эҳтимол?! Мен эса сизни 20 йиллик фаолиятингиз якуни ҳақидаги фикрларимни айтаман.

1. Сиз Ўзбекистон давлати тепасига халқ томонидан сайланиб келган ҳақиқий лидер эмассиз.

Сиз тақдир тақозоси билан компартияни биринчи котиби бўлган ва даҳрийлар тузуми тарбиялаб ўстирган кадрсиз. Сиз Худони инкор қилган Партия вакили кутилмаганда Мустақил бўлиб, ўзингиз кутмаган ҳолда диндор Худога ишонадиган бўлиб қолдингиз. Аммо, кейин диндорларга қарши юритган репрессив сиёсатингиз сизни асл башарангизни кўрсатди.

2. Мустақиллик ғояси учун сиз курашмагансиз. Бу ғояни кўтариб чиққанлар Эрк партияси раиси Муҳаммадсолиҳ бошчилигидаги бир гуруҳ зиёлилар эди. Тасодифан Мустақил бўлиб қолгач, (агар Ўзбекистон ҳозирда Мустақил деган сўзга лойиқ бўлса) сиз Мустақиллик учун курашган қаҳрамон бўлиб қолдингиз. Бу яқин тарих ҳали эсимиздан чиқмади. Сиз тарихни ўзгартиришга қодир ҳам эмассиз. Бу ҳақиқат тарихда иншааллоҳ асрлар бўйи шундай қолади.

3. Мустақилликдан кейин Сизга катта ҳақ ҳуқуқларни берувчи Конституция қабул қилинди, Ва бу Конституцияда қисман бўлсада фуқароларнинг сиёсий ва эътиқодий ва бошқа ҳақ ҳуқуқлари борлиги кўрсатиб қўйилди. Аммо, бу Конституцияга биринчилардан бўлиб тупурган кимса Сиз бўлдингиз. ва бевосита сизга бўйсунувчи орган МХХ бўлди. Сиз Конституцияга ўз хоҳишингизга мувофиқ истаганча ўзгартиришлар киритдингиз. МХХ эса унда кўрсатилган фуқароларни ҳақ ҳуқуқларини бир пулга олмади.

4. Сиз Мустақилликга эришган Ўзбекистон мамлакатини Собиқ Совет республикалари орасидаги энг қашшоқ ва инсон ҳақ ҳуқуқлари топталган мамлакатга айлантирддингиз. Иқтисодиёт издан чиқди. Миллионлаб фуқаролар қўшни республикаларда мардикор бўлдилар. Мамлакатни нефт, газ, олтин, пахта каби ва бошқа ер ости ва усти бойликлари бўлатуриб халқ хонавайрон бўлди. Ер ислохотингиз ҳеч қандай натижа бермади. Конституциядан келиб чиқиб иқтисодиёт асослари бошқа қонунлар билан ҳуқуқий нормативга туширилиши керак эди.

Шахсий мулкга эгалиқ ҳуқуқи конституцияда кўрсатилганига қарамай, фақат битта одамни Сизни буйруғингиз билан фуқароларни мол мулки талон тарож қилинди. Бу билан ўзингизни ҳокими мутлақ эканингизни тасдиқладингиз. Энди сизни Иқтисодий аҳволни ўнглашга ва халқни турмуш даражасини юксалтириш ҳақидаги фармонларингиз таги пуч нарса экани ва иқтисодиёт бу каби авторитар тизимда ривожланмаслиги Сиз бундай ислохотларга қилишга қодир эмаслигингиз ҳаммага шу жумладан ўзингизга ҳам аниқ бўлди.

5. Сиз бошқарувда бўлган даврда фуқароларни диний ва сиёсий ҳуқуқлари поймол қилинди. Минглаб диндорлар ва сиёсий мухолифат аъзолари турмаларга ташланди ва ёки сургун қилинди. Мамлакат ичкарасида намоз ўқиш, рўмол ўраш ҳам хавфли бўлиб қолди. Ҳамма диндорлар экстремист ёки террорист бўлиб қолди. Мухолифатчилар ва ҳуқуқбонлар диндорлар Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ ҳуқуқларидан фойдаланмоқчи бўлишса, гўёки сизни душманингиз ҳисобланди.

6. Матбуот ва сўз эркинлиги ҳам Конституцияда белгилаб қўйилган бўлишига қарамай, Цензурага олинди. Инсонни туғилганидан бошлаб, то ўлгунигача бўладиган даври мобайнидаги барча соҳалар порахўрлик ботқоғига ботди. Туғруқхона, касалхона, мактаблар, бошқа ўқув даргоҳлари, корхоналар, ҳокимлар, Суд, Милиция, Прокуратура, то гўрковгача барча барчаси порахўрлик қилиб кун кечиради. Мамлакатда Порахўрлик кирмаган бирорта соҳани ўзи қолмади.

7. Фақат Сизни қизларингиз ва сизни атрофингиздаги бир гуруҳ одамларгина эмин эркин яшамоқдалар халос. Фақат шуларгина кун кундан бойиб бораёпдилар. Ва давлат бошқаруви ўшаларнинг қўлларида қолаяпти. Сиз ташкил этган чўнтак партияларингиз ғояларини ва фаолиятларини биров билмайди. Уларнинг бори йўғини фарқи йўқ. Мана шу оқибат сизнинг 20 йиллик Президентлик бошқарувингизни натижасидир. Булар ҳаммаси рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Сизни маддоҳларингиз қанчалик «қаҳрамон» «доно» дейишмасин, ёки яна нима балолар дейишмасин, ҳаммаси беҳуда гаплардир. Реал ҳаёт ва бугунги воқеълик сизга баҳо беради. Тарих сизга баҳо беради. Ва ниҳоят Аллоҳни ҳузурида ҳақиқий баҳоингизни оласиз. Иншааллоҳ! Қиёмат куни булар зарарингизга ҳужжат бўлади!

Шуни билиб кетишингизни истардимки, хоҳлайсизми йўқми, барибир абадий ҳукмронлик қилолмайсиз. Чириган салтанатингиз бир куни қулайди. Худди, Пиночетни режими каби қулайди. Яқин тарихда ҳам дунёда жуда кўп диктаторлар бўлганди. Бугун улар йўқ. Эртага Сизни ва сизга яқин тўдаларни қилган жиноятлари очилади. Бу тузимни ҳалокати яқин. Қанчалик уринманглар уни заволадан тўхтатиб қололмайсизлар.

ШУНИ БИЛИНГКИ..., Европада ўнлаб давлатлар бор. Уларни Президентлари қонхўр диктатор эмас. Уларни халқи оч яланғоч хор ва залил эмас. Уларни диндорлари турмаларда ётмайди. Уларни матбуотида истаган мансабдорни танқид қилиш мумкин. Бу ерда Суд, Милиция, Прокурорлар ва ҳокимлар порахўр эмас. Халқи эртаю кеч меҳнат қилиб, ойлигини ололмай ооввораю сарсон бўлиб юрмайди. Бу ерда жиноят ҳам урчимаган. Одамлари озод ва эркиндир.

Нима учун шундай?! Нимага Ўзбекистонда диндорлар турмадан боши чиқмайди?! Нимага ўзбек халқи эртаю кеч ишлаб, қорни нонга тўймайди?! Нимага Ўзбекни касаллари даволана олмайдилар? Болалари тузукроқ таълим ололмайди? Қариялари ва ногиронлари нафақа пулига зор?! Йигитлари мардикору, аёллари фоҳиша?!

НИМАГА?!

Мен шундай кунлар келишига умид қиламанки.., Ўшанда Ўзбекистон халқи ҳам очиқ адолатли

сайловларда ўз раҳбарини сайлаши лозим. Ўша одам халқ сайлаган одам ҳақиқий легатим раҳбар бўлади. Сиз эса Конституцияни ўзгартириб учунчи муддатга сайландингиз. Сизни раҳбарлик ваколатингиз легитимлиги даргумон. У одам сиз каби даҳрийлар тарбиясини олган кимса эмас, Аллоҳни Борлигига ва Бирлигига ишонадиган имонли раҳбар бўлиши керак!

Ўзбекистон минг йиллардан бери Ислом диёри бўлиб келган. Уни раҳбари ҳам Мусулмон бўлиши керак. Сизнинг ҳокими мутлақлик даврингиз тугаши ва эркинлик даври келиши яқин.- Сиз қабрда ётган пайтингизда, сизни давр тарихи қайта ёзилади. 20 йил давомидаги қилган жиноятларингиз қабрингиз тепасига ёзиб қўйилиши керак иншааллоҳ! Мактабларда институтларда сизни қонли жиноятларингиз ёш авлодга ўқитилади. Сизни сиёсат қурбонлари номлари эса улуғланади. Ва уларга ёки яқинларига катта имтиёзлар берилади.

3. Сиз бошчилигингизда ёзилган Конституция қайта ёзилиб, Президент ваколати якка ҳокимлигига барҳам берилади. Бу пайтда эса Сизни даврингиздаги каби МХХлар ундаги фуқаролар ҳақ ҳуқуқларини поймол қилмайдилар. У ердаги инсон ҳақлари муқаддас ва дахлсиз бўлади. Ўша пайтдаги Президент ҳам уни ўз хоҳишига мувофиқ ўзгартириб олмайди. Сизга ўхшаган диктаторлар Ўзбекистон халқини яна кўп йиллар қонини ичмаслиги учун ҳам шу ишлар қилиниши керак.

4. Иқтисодиётни қайта тиклаш учун адолатли давлат дастури ишлаб чиқилиб, Ер ости ва усти бойликлари миқдори халқга ошкор этилиши Ва ўша бойликлар халқ манфаати йўлида сарфланиши керак. Конституцияга мувофиқ иқтисодиётга тегишли қонунлар жорий қилиниб, фуқароларни мол мулкани Ҳокимлар истаган пайтда тортиб ололмаслиги таъминланиши керак..Миллионлаб фуқаролар мардикорликга кетмай ўз юртини ободлиги учун меҳнат қилишлари лозим.. Бу ишларни қилиш мумкин ва зарур. Чунки, адолатли имонли инсофли раҳбарлар бошқарса, юртда баракот бўлади. Иқтисод ҳам изга тушади.

5. Фуқароларни диний ва сиёсий ҳақлари эркинлиги таъминланиб, ҳеч ким ўз фикри ва эътиқоди учун турмада ўтирмаслиги керак.. Улар ўз ҳақ ҳуқуқларига бемалол эгалик қилишлари лозим.. Уларни давлат ҳимоя қилиши керак. Душман ҳисоблашлик эмас.

6. Матбуот эркинлиги таъминланиб, жамиятдаги порахўрлик иллатига қарши бор воситалар билан курашиш лозим. Ҳар бир ҳоким ўз райони, вилояти ҳудудида ўз сайловчилари олдида ҳар ҳафтада ҳисобот бериб бориши ўзаро халқ билан доимий Мулоқот йўлга қўйилиши керак. Порахўрликга қарши матбуот, қонун, дин воситасида курашиш керак.

7. У пайтда эса сизни қизларингиз, ва сизга яқин бўлган кимсалар ўз қилмишларини жазосини олаётган бўлади. Мамлакатда эса сиз ташкил этган чўнтак Партиялар эмас, балки, халқ вакиллари ўз ташаббуслари билан ташкил этган Партиялар ва диний сиёсий партиялар ҳам фаолият юритади. Иншааллоҳ яқин келажакда ана шундай ўзгаришлар бўлишини Аллоҳдан тилаймиз. Ва шу учун курашамиз ва шунга умид қилиб яшаймиз.

САБАБИ...,

Дунёдаги барча даврларда инсонлар яшайди. Инсон зоти эса эркин ва ҳур бўлишни, зулмдан қуликдан озод бўлишни истайди..Озодликга интилиш уни қонинда бор. Шунинг учун озод эркин очиқ жамиятлар кўпаймоқда. Бу аср ҳар жиҳатдан глобаллашув асридир. Барча табиий жараёнлар ана шунга қараб кетаяпти. Шу жумладан Ўзбекистон ҳам.Бу каби табиий глобаллашув жараёнини тўсишни иложи йўқ. Мабодо, Сизни ворисингиз ўзингизга ўхшаган кимса бўлиб чиқса, у ҳам инсон табиатига зид тузим қуриб, ўша табиий жараёнга Аллоҳни ўрнатиб қўйган қонунига қарши курашса, уни ҳам сиз каби ҳалокат кутади халос. Сиз қулаганига гувоҳ бўлган даҳрийлик тузуми ҳам аслида шу сабабдан инсон табиатига

номувофиқлиги учун қулаганди. Бу сизга ёқмасада давом этадиган табиий жараёндир. Аллоҳнинг иродасидир. Сиз эса бир умр ўша табиий жараёнга қарши курашиб барибир ҳеч бир натижага эришолмай ўлиб кетасиз. Ўзбекистон тарихидаги энг манфур кимса бўлиб эсланасиз.

Муҳаммадсолиҳ Абутов

2012 йил

Гулнора Каримовага очиқ хат

Гулнора Каримова сизни сайтингизга кириб танишиб чиқиб, ҳайрону лол қолдим. Бизнинг Ўзбекистонда шундай фавқуллодда истеъдод соҳиби, “Буюк даҳо” аёл борлигини билмаган эканман. Отангизни “Доно”эканлигини, жаҳонда тенги йўқ Даҳо эканини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Академиги, Миср Ислон Университети Профессори унвони соҳиби, яна ўнлаб илм даргоҳлари ва мукофотлар нишондори, хуллас ҳар минг йилда бир туғиладиган “Буюк зот” эканини 20 йил бўлди эшитиб келаяпмиз. Аммо ўша одамни қизини ҳам “Буюк”ликда отасидан қолишмаслигини энди билдим. Ва сизнинг кимлигингизни ҳали яхши билмайдиган одамларга ҳам кўрсатиб қўйиш учун сайтингиздаги таржимаи ҳолни ҳам кўчириб қўймоқдаман.

Таржимаи ҳол

Гулнора Каримова

1972 йил 8 июль куни Фарғонада таваллуд топган, Тошкент шаҳрида вояга етган.

Икки фарзанднинг онаси.

МАЪЛУМОТИ

1988

Ёшлар математика академияси, Тошкент шаҳри.

1989 — 1994

Тошкент давлат университети, Тошкент шаҳри бакалавр илмий даражаси (фалсафа-иқтисодиёт факультетининг халқаро иқтисодиёт бўлими).

1992

Нью-Йорк университети NYU, LC даражаси, Нью-Йорк модалар технологияси институти (FIT), АҚШ

Сент.1994 — март 1996

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт институти, Тошкент шаҳри, Магистратура

Сент.1998 — июнь 2000

Гарвард университети, Санъат ва илм-фан факультети, Дэвис Маркази, АҚШ, магистр илмий даражаси (минтақавий тадқиқотлар).

Дек.1999 — сент. 2001

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент шаҳри, сиёсий фанлар доктори

2003 — 2006

Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳри, телекоммуникация соҳаси бакалаври

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1987

Ўзбекистон Статистика Бош боқармаси (девонхона)

1990

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (таржимон)

Июнь 1994 — июль 1995

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Тошкент шаҳри), сиёсатшунослик кафедраси, ўқитувчи

Июнь 1995 — июнь 1996

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Сиёсий таҳлил ва истиқболни белгилаш бошқармаси. Президент Девони ва Хавфсизлик Кенгаши учун таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш

Июнь 1996 — сент. 1997

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазир маслаҳатчиси. 1997 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш ғоясининг институционаллаштирилишида катта аҳамиятга эга бўлган «Марказий Осиё – Ядро қуролидан ҳоли ҳудуд» Тошкент халқаро конференциясини ташкил этиш ва ўтказилишида фаол иштирок этган, ушбу анжуман натижаси бўйича қабул қилинган Марказий Осиё мамлакатлари Ташқи ишлар вазирларининг Тошкент баённомаси лойиҳаси, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари томонидан БМТ Бош ассамблеясининг Биринчи қўмитасида тақдим этилган тегишли ҳужжатни тайёрлаш борасида иш олиб борган (“Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш” сарлавҳаси остидаги 52/38S рақамли ҳужжат). Мазкур ҳужжат асосида минтақада ЯҚХХ ташкил этиш борасида дастлабки қарор қабул қилинган.

Апр. 1998 — авг. 1998

Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси, Маслаҳатчи, Нью-Йорк, АҚШ

Сент. 1998 — июнь 2000

Академик таътил

Сент. 2000 — сент. 2003

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазир маслаҳатчиси. (Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги Битимни имзолаш устида иш олиб борган, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси маслаҳатчиси сифатида фаолият юритган)

Сент. 2003 — апр. 2005

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Элчихонаси, Маслаҳатчи вакил

2005 — 2008

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазир маслаҳатчиси

Февр. 2008 — сент. 2008

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданий ва гуманитар алоқалар масалалари бўйича вазир ўринбосари

Сент. 2008 — ҳ.в.қ

Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили, Фавқулудда ва Мухтор Элчи

Йирик жамоат ташаббуслари

1993

Амалий санъат музейи базасида Миллий санъат марказини ташкил этди. Марказ илк маротаба жамоатчилик ҳукмига чармдаги миниатюра, локли миниатюра, наққошлик, “риштон” ва “ғиждувон” кулолчилиги сингари санъатнинг анъанавий турларини тақдим этган қатор кўргазма ва ижодий лойиҳаларни ўтказган, шунингдек, Япония, Россия ҳамда Европанинг қатор давлатларида халқаро кўргазмалар ташкил этилган.

Март 2004

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” (www.fondforum.uz) жамғармасини ташкил этди. Айни дамда Васийлик Кенгаши раиси сифатида уни бошқармоқда. Бугунги кунга келиб Фонд Форум фаол халқаро фаолият юритиб келаётган Ўзбекистондаги энг йирик, кўпқиррали жамоат ташкилоти ҳисобланади. Фонднинг офислари Тошкент, Москва, Пекин, Токио, Париж, Женева, Венада мавжуд. Россия, Египет, ХХР, Япония, Франция, Люксембург, Бельгия, Австрия, Германия, Швейцария ва бошқа давлатлар билан маданий алоқалар ўрнатилган. Англашув ва ҳамкорлик меморандуми ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Швейцария ҳамкорлик бюроси, Хитойнинг Сун Цинлинь фонди, Австрия пенсионерлари уюшмаси, Корея Миллий музейи билан имзоланган. Ўзининг фаолияти давомида Фонд Форум 2,3 миллион нафар иштирокчиларни қамраб олган.

2004

“Янги авлод” Болалар ижодиёти фестивалининг ташаббускори бўлган. Ушбу фестиваль кейинчалик давлат мақомини олган бўлиб, бутун Ўзбекистон бўйлаб ҳар йили Фонд Форум бошчилигида ўтказилади.

Июль 2004

“Меҳр нури” ҳайрия жамғармасига асос солган (www.mehrnuri.uz). Айни дамда жамғармани Жамоатчилик Кенгаши раиси сифатида бошқариб келмоқда. Ўз фаолияти мобайнида жамғарма 430 мингга яқин инсонлар тақдири билан туташ келган.

Февр. 2005

“Аёллар Кенгаши” Жамоат бирлашмасига асос солган (www.women.uz). Айна дамда бирлашмани Ташкилий Кенгаш қўмитаси раиси сифатида бошқармоқда. Мазкур жамоат бирлашмаси базасида Кўкрак сути беи саратони муаммоси мавжуд аёллар уюшмасини ташкил этиш ғояси билан чиққан. Бирлашма фаолияти мобайнида 70 минг нафар лойиҳа иштирокчиларини қамраб олган.

Апр. 2005

Сиёсий тадқиқотлар марказини бир тизимга солиб, унинг фаолиятини ривожлантирди. Маҳаллий таҳлилий сиёсатшуносликнинг илк шаклланиши пиллапоёсида турар экан, у Ўзбекистондаги биринчи мустақил “сиёсат асоси” ни ташкил этиб, унинг доирасида мутлақо янги ахборот ва таҳлилий фаолият тизимини яратдики, у Европа, Осиё ва АҚШнинг етакчи илмий институтлари ҳамда таҳлил марказлари билан ҳамкорлик қила бошлади. Маҳаллий энергетика ва транзит муаммолари бўйича йирик халқаро анжуманлар ва давра суҳбатлари уюштиришни ташкил этди. СТМ томонидан нашр этилувчи «Uzbekistan & Central Asia» ахборот-таҳлилий журналининг бош муҳаррири ҳисобланади.

2005

“Келажак овози” республика иқтидорли ёшлар танловининг ташаббускорига айланди. Танлов орадан икки йил ўтиб, давлат мақомига эга бўлди ҳамда Ўз.Рнинг Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказиладиган бўлди. 2008 йили «Келажак овози»да 60 мингга яқин иштирокчи қатнашди.

2005

«Guli» дизайнерлик брендини яратди, унинг доирасида заргарлик буюмлари ва либосларнинг муаллифлик тўпламини тақдим этди. Шунингдек, Chopard заргарлик уйи билан ҳамкорликда ҳайрия мақсадида тўплам яратди.

2006 г.

“Келажак овози” Ёшлар ташаббуслари марказини ташкил этиш ғояси билан чиқди. Марказ Таълим грантлари дастури, Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган мамлакатимиздаги энг йирик лойиҳа “Келажак овози” танлови сингари Фонд Форумнинг ёшларга мўлжалланган турли лойиҳалари ғолибларини бирлаштиради. Бугунги кунга келиб ЁТМ бутун мамлакатимиз бўйлаб ўз-ўзини бошқарувчи бўлимларига эга бўлиб, уларда тўрт йўналиш бўйича ёшларни ривожлантириш соҳасида таълим лойиҳалари амалга оширилади. Марказ шу вақтга қадар 100 мингдан ортиқ иштирокчиларни қамраб олган.

2006 г.

Ўзбекистоннинг йиллик art-лойиҳаси – Style.Uz Мода ва дизайн ҳафталигини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Унга бутун жаҳондан меҳмонлар таклиф этилади, жумладан, Dsquared2, Guy Laroche, Pascal Morabito, Inès de la Fressange Fashion Houses, Takada Kenzo сингари мода уйлари ва фахрий меҳмонларни айтиб ўтиш мумкин.

Октябрь 2006 – ҳ.в.қ

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (ИТҚҚФ) (www.sisf.uz)ни ташкил этди. Унда айна дамда Васийлик Кенгаши раиси сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. ИТҚҚФ

доирасида маҳаллий ва халқаро ННТ, бизнес ва давлат тузилмалари вакиллари бирлаштирди. Айни кунларгача ташкилот соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий кўмак, ижтимоий инфратузилма ҳамда экология соҳалари бўйича йирик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, “Инклюзив таълим” лойиҳаси 6000 нафар имконияти чекланган болаларга оддий умумтаълим мактабларида тахсил олиш имконини берди. Ёки, «Тоза сув» лойиҳаси экологик носоғлом Орол бўйи ҳудудида амалга оширилди. Ушбу фондни ташкил этиш фуқаролик жамиятини қуришни жадаллаштиришдаги муҳим қадамлардан бири саналади. ИТҚҚФ ўз фаолияти мобайнида 105 минг нафар инсонларга кўмак берган.

2006 йилдан бошлаб

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси базасида қатор лойиҳаларни амалга оширган: 2007 й. – ноёб медиалойиҳа «Ёшлар телестудиялари» нинг муаллифига айланди. Унинг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида бутун мамлакат бўйлаб махсус телестудиялар ташкил этилган бўлиб, уларда ёшлар (аний дамда 300 нафар ёшлар) таълим олади, шунингдек, ўз лойиҳаларини тайёрлайди. 2007 йилдан бошлаб ушбу нодавлат телестанцияларга грантлар ажратилган. 2008 йили бутун мамлакат бўйлаб 11 та ёшлар радиостанцияларини ташкил этди. 2006 йилдан ҳозирги пайтгача мамлакатда ижтимоий фаол журналистика йўналишини ривожлантирмоқда.

Дек. 2007

Ўзбекистонда 45 иштирокчидан иборат Муаллифлар ва ижрочилар гильдиясини ташкил этиш ғояси билан чиқди. Муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоа тарзида ҳимоя қилиш бўйича илк ташкилотдир. Ушбу ташкилот бевосита муаллифлар, бастакор ва ижрочилар томонидан тузилган.

Қизиқишлари

Бир қанча нуфузли ўқув юртлари (жумладан ғарбда)да тахсил олган Гулнора (турли мутахассислик: сиёсий ва ижтимоий фанлар, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, аксессуарлар ҳамда заргарлик буюмлари дизайнери), ўзининг шахсий ижодий лойиҳалари билан танилган: Gulī бренди яратувчиси, шеър ва кўшиқлар муаллифи, шунингдек, фото- ва тасвирий санъат-дизайнери.

Гулнора Каримованинг унвонлари

- Cercle Diplomatique de Geneve Фаҳрий аъзоси унвони
- ЖРДИХУ Фаҳрий профессори унвони
- Россия Ижтимоий Фанлар Академияси академиги унвони
- Маданиятни ривожлантириш, ижод аҳлига кўрсатаётган доимий кўмак ҳамда халқаро маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссаси учун Пушкин номидаги олтин медаль.

Сўнгги уч йил давомида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 20га яқин лойиҳалар амалга оширилди.

“Тошкент – бир шаҳар тарихи” китоби нашрга чиқмоқда

Ижтимоий фанлар тадқиқотларига бағишланган ва реал мисоллар билан баён этилган муаллифлик иши нашрга тайёрланмоқда

Хуллас сиздай “доно” серқирра истеъдод соҳибасига менда қатор саволлар пайдо бўлди.
Сиз бу саволларга қимматли вақтингизни ажратиб жавоб берарсиз деган умиддаман.

САВОЛЛАР

1. Гулнора Каримова сиз қандай қилиб бир вақтни ўзида ҳам Тошкентда ҳам АҚШда ўқиб ҳам иккита жойда ишлашга улгургансиз?!Агар сайтингиздаги маълумотларни ўқиб кўрган бўлсангиз албатта жавоб берарсиз?!

Сайтдан иқтибос.

“маълумоти

1989 — 1994

Тошкент давлат университети, Тошкент шаҳри бакалавр илмий даражаси (фалсафа-иқтисодиёт факультетининг халқаро иқтисодиёт бўлими)

1992

Нью-Йорк университети NYU, LC даражаси, Нью-Йорк модалар технологияси институти (FIT)”, АҚШ?!

“МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1987

Ўзбекистон Статистика Бош боқармаси (девонхона)?!

1990

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (таржимон)”?!

Бу албатта сизни “юксак истеъдодингиз серқирра талантингиз” натижаси бўлса керак?!

2.Бу ердаям Магистратурада ўқиб,айни дамда Сиёсатшунослик кафедрасида ўқитувчилик қилишга улгурибсиз?!Ёки бу автобиографияни ёзганлар

ўқиш билан иш жараёнини аралашиб кетганини билмаганмилар?!

Сайтдан иқтибос.

“маълумоти

Сент.1994 — март 1996

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт институти, Тошкент шаҳри, Магистратура”

Меҳнат фаолияти.

.Июнь 1994 — июль 1995

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Тошкент шаҳри), сиёсатшунослик кафедраси, ўқитувчи

3.Яна ўша Гарвард университетида ўқиётим,айни дамда Тошкентда сиёсат фани доктори бўлибсиз?!Яна бир пайтни ўзида Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонасига, Маслаҳатчи,бўлишгаям улгурибсиз?!

Сайтдан иқтибос.

Меҳнат фаолияти.

Июнь 1996 — сент. 1997

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазир маслаҳатчиси.

Сент.1998 — июнь 2000

Гарвард университети, Санъат ва илм-фан факультети, Дэвис Маркази, АҚШ, магистр илмий

даражаси (минтақавий тадқиқотлар

Маълумоти

Дек. 1999 — сент. 2001

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент шаҳри, сиёсий фанлар доктори
Апр. 1998 — авг. 1998 Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси,
Маслаҳатчи, Нью-Йорк, АҚШ

4. Тошкентда телекоммуникация соҳасида ўқиб,айни дамда Ўзбекистон Республикасининг
Россия Федерациясидаги Элчихонасига, Маслаҳатчи вакил
бўлибсиз?!

Сайтдан иқтибос.

Маълумоти.

2003 — 2006

Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳри, телекоммуникация соҳаси
бакалаври

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Сент. 2003 — апр. 2005

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Элчихонаси, Маслаҳатчи вакил

5. Сайтдан иқтибос.

”Бир қанча нуфузли ўқув юртлари (жумладан ғарбда)да таҳсил олган Гулнора (турли мутахассислик: сиёсий ва ижтимоий фанлар, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, аксессуарлар ҳамда заргарлик буюмлари дизайнери), ўзининг шахсий ижодий лойиҳалари билан танилган: Guli бренди яратувчиси, шеър ва кўшиқлар муаллифи, шунингдек, фото- ва тасвирий санъат-дизайнери.” Хуллас бу сайтда сизни математик,сиёсат фан доктори, иқтисодчи, дипломат, таржимон, шоира, ёзувчи, ихтирочи, тадбиркор, хонанда, санъат ва маданият арбоби, ва телекоммуникация Бакалаври эканингизни билдик. Хўп қандай қилиб ЖРДИХУ Фахрий профессори унвонига эга бўлақолгансиз? Россия Ижтимоий Фанлар Академияси академиги унвонигачи?! Хўп академик, профессор, доктор хоним сайтда иккита фарзандни онаси дейилгану, уларни отаси кимлиги айтилмабди?! Улар билан боғлиқ халқ орасида юрган ҳар хил гап сўзларни айтмаганда, сайтингизга кирган одам бу ҳақда ҳеч нарса билолмайди?!

6. Сайтдан иқтибос.

”Сент. 2008 — ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили, Фавқулодда ва Мухтор Элчи” Женевада доимий вакиллингизни билдик, аммо бошқа халқаро ташкилотларда ҳам доимий вакил экансиз. Булар қандай ташкилот ва сиз буларни барчасида вакиллик қилишга улгураётганингиз албатта диққатга сазовордир. Қандай сиз буларни барчасига улгураяпсиз?! Ва сизни АҚШ ҳукумати жиноятчи сифатида эълон бериб қўйганини эшитганмиз. Бу аҳволда сиз қандай қилиб АҚШга бемалол бориб юрибсиз?! Ёки “қарға қарғани кўзини чўқимайди” дегани шумикан?!

7. Сайтингизда қилган ва қилаётган оламшумул ишларингиз барчаси ёзилган экану, аммо сизни қандай қилиб тадбиркорлик билан муваффақиятли шуғулланаётганингизни ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган экан. Сизни олтин билан нефт ва яна уяли телефон, туризм ва ҳаказо каби турли йўналишда савдогарлик қилаётганингиз ҳақида гап сўзлар юради. Ўзбекистонда ва чет элларда сизга тегишли ўнлаб завод фабрикалар борлигини айтишади. Қандай қилиб сиз давлат масъул лавозимида ишлаб туриб айна дамда шахсий бизнес билан шуғулланаяпсиз?! Ва расмий ҳукумат вакиллари ичида бошқа шахслар сиздек очиқчасига “савдогар” лик қилишга ҳали журъати етгани йўқ?!

8. Москвада ва дунёни бошқа кўплаб мамлакатларида сизга тегишли қимматбаҳо заргарлик буюмлари дўконлари сотаётган олтин буюмларни қайси заводда сизга ишлаб беришган?! Ва сиз бунча безак учун зарур хомашё олтинни қаердан оласиз?! Бу сизни ишлаб олган ойлигингиз ҳисобиданми?! Ёки сизга бошқа қаердан олтин етказиб беришади?! Бу халқни мулки бўлган Зарафшон кон заводини маҳсулоти эмасми?!

9. Москва аэропортида Русия чегара хизмати ходимлари сизга тегишли бўлган 5,8.тонна олтинни олиб қўйгани воқеъаси анча шов шув бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Илтимос иложи бўлса шу олтинни қаердан келгани, қаерга кетаётгани ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз. Чунки халқ хонавайрон бўлиб бораётган пайтда бунча катта қийматли метал нима учун халқ манфаатига хизмат қилмай бошқа ёққа кетаётгани ҳаммани қизиқтириши табиий албатта.

10. Сизни ва синглингиз Лолани дунёни қайсидир банкларида миллионлаб пуллари билан борлиги ҳақидаги афсоналар ҳам бежиз бўлмаса керак?! Бу гапларга нима дейсиз?! Агар фавқулодда талант соҳибаси бўлсангиз халқни пулини ўмармай ўз ҳалол меҳнатингиз билан топганингизни исботланг. Очиқ ойдин қанча маблағингиз бор ва қаердан топганингизни халққа ошкор этинг. Сиз сайр қилиб юрадиган Европа амалдорлари ҳамма мулкни халққа ошкор этиб туришларини сиз яхши билсангиз керак. Шундай экан Ўзбекистон фуқаролари ҳам сиздан ва албатта отангиздан ҳам шахсий мулки қанчалигини ҳисоботини талаб қилишга ҳақлидир. Сизни топган пуллари билан Ўзбек халқининг оч яланғоч қилиш эвазига бўлмаганини исботланг!! Сизни синглингизни ва отангизни кўнгилхушлиги миллионлаган заҳматкаш халқнинг ҳисобидан эмасмикан?!

11. Сизни яқинда Билл Клинтонга 50 минг ёки 500 минг евро хайрия қилганингизни яқинда гапиришди. Агар Ўзбекистонда камбағал одам қолмаган бўлса, сиз Клинтонни муҳтож деб ҳисоблаётган бўлсангиз эҳтимол. Аммо бу пул сизни шахсий пулингизми, ёки халқни бойлигини бойлиги ҳисобидан “саховат” қилаяпсизми Хоним?! Сизда кўп илмий унвонлар бор экан. Майли, аммо ҳали еб қўймаган бўлсангиз Виждон ҳам бордир?! Олим бўлма одам бўл! деган мақол бор. Агар виждонингиз тоза бўлса, Отангизни халқни қонини ичиб топаётган бойликларини еб ичиб, дунё кезиб юришга виждонингиз қийналмайдими?! Имкони борида озгина инсофга келинг! Буни ҳали охиратда ҳисоби албатта бўлади! Балки шу дунёда ҳам ҳисоби беришингиз эҳтимоли йўқ эмас?!

12. Сиз Ўзбекистоннинг БМТни Женева бўлимидаги доимий вакилисиз. Сиз АҚШни, Русияни, керагича кезиб чиқишга улгуриб энди Европага келибсиз. Бу албатта Отангизни ёрдами эмас ўз билим ва истеъдодингиз туфайлидир?! Сиз Европа Иттифоқига Андижонда отиб ўлдирилган минглаб одамларни ҳақиқатда террористлар эканини исботладингиз шекилли, чунки ўша воқеа муносабати билан, ўнлаб инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилотларнинг эътирозларига қарамай, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг баъзи амалдорларига нисбатан эълон қилган дипломатик эмбаргони бекор қилдилар?! Бу ҳам сизни дипломатия соҳасидаги маҳоратингиз ва беҳисоб бойликларингизни эвазига Европалик амалдорларни кўнглига йўл топаётганингиз самарасидир албатта?!

13. Нимага Ўзбекистон халқи оч, ишсиз миллионлаб йигитлар мардикорлик учун дунё бўйлаб дайдиб юришибди?! Нимага уйларида қолган хотинлари бола чақалари эрталабдан кечгача пахта даласида арзимаган чақа учун меҳнат қилишади?! Нимага Ўзбек халқининг уйларида суткасига икки соатгина чироқ ёнади?! Нимага қишу ёзда халқни қозон қайнатишга гази йўқ?! Айни дамда Ўзбекистон четга газ сотади?! Чет элларда сизни Фирмангиз томонидан фоҳишабозлик учун олиб келиниб сотиб юборилган қизларни ҳақида қанча маълумотлар тарқатилганди?! Сиз нимага жимсиз?! Нимага фермерларнинг ерларини тортиб олинди?! Сизга тегишли бўлмаган бирорта завод фабрика қолганми ҳозир Ўзбекистонда?! Ўзбекистон мамлакати ва халқи Қонхўр Отангизни ва сизни шахсий мулкингизми?! Ёки қулларингизми?! МХХ ва ИИБ халқни ё Давлатни эмас, фақат Отангизни ва Сизни ҳимоя қилувчи Органларми?!

14. Нимага Золим Отангиз халқни норозилигига ва конституцияга зидлигига қарамасдан яна учунчи марта Президентликга сайланди?! Конституцияни бузаётган ким?! Сизни оилангизми ёки бечора халқми?! Нима учун минглаб диндорлар мусулмонлар йиллаб турмаларда азоб чекиб ётишибди?! Нимага конституцияга зид равишда судсиз терговсиз одамлари ўғирлаб йўқ қилишяпти?! Нима учун минглаб одамлар Андижонда ўққа тутилди?! Нима учун минглаб болалар етимликда бурда нонга зор бўлиб ўсаяпти?! Нима учун минглаб аёллар бева қолди?! Ёки йиллаб эрини кутиб яшашяпти?! Имонли инсофли мусулмон бўлгани учунми фақат?! Сиз шундай Олийжаноб экансиз, кўп хайрия ишларини қилаётган экансиз, бу саволларга ҳам жавобингиз бордир?! Ёки сиз Ўзбекистонда мутлақ адолат қарор топган деб ҳисоблайсизми?! Халқ тўкин – сочин, фаравон деб биласизми?! Отангиз нимаики қилса фақат тўғри қилаяпдими?!

15. Сиз ва Отангиз шундай “Даҳо”иқтисодчи бўлсангиз, халқ нимага оч яланғоч?! Ёки сизлар фақат ўзларингизни бойитишни биласизларми?! Қачонгача бу ҳолат давом этади?! Сиз Отангизни “Тахти”га тайёрланаётганингиз кўриниб турибди. Энди бу аҳволда бу халқ яна сизни диктатурангиз остида хонавайрон бўлиши кутиляпдими?! Сиз бу саволларга жавоб беришингизни жуда жуда истардим. Сиз ўзингизни шунчалик даҳо эканингизни сайтингизда эълон қилибсиз. Шунингдек айни кунда мен яшаган шаҳримда- Тўртқўлда 50 тага яқин намозхон биродарлар ва шу жумладан укам Саидкамол ҳам бир йилдан ошдики МХХ томонидан ҳибсга олиниб Нукусни турмасида ётибдилар. Яна ноҳақ тухматлар яна қама -қама зулм зўравонлик давом этаяпти?! Бу ўша сизни қонхўр Отангиз ва уни режимини сақлаб туришга хизмат қилаётган МХХ, ИИБ, Суд ва Прокуратуранинг навбатдаги жиноятидир. Бу мени Ўзбекистонга қайтариб ололмагани учун қасдан қилаётган ноҳақ зулмдир!!! Сиз бу каби минглаб воқеаларни эшитган бўлсангиз керак албатта?! Айнан шу ноҳақликлар зулму зўравонликлар эвазига сиз ва Отангиз ва қонхўр тузим ҳали ҳануз яшашяпти?! Сиз Қонхўр жаллод сифатида тарихда қолиши муқаррар бўлган Золим отангизни ўрнига ўтириб ўша зулмни давом эттираоламан деб ўйлаяпсизми?!

16. Шу халқнинг фарзандлари бўлган минглаб диндорлар сиёсатчилар дунё бўйлаб тарқалиб кетган. Сиз бу одамларни ичида сиздан ва қонхўр отангиздан минг марта афзалроқ одамлар сиёсатчилар борлигини биласизми?! Сиз Ўзбек халқини қонини ичиб топган мол давлатингизни, сизга бахтли ҳаётни таъминлайди деб ўйлаяпсизми?! Қонхўр отангизни ўлими яқин. иншаАллоҳ! Сиз кейин ҳам шу “Даҳо” истеъдод эгаси эканингизни исботлаб, яна шундай фаровон ҳаёт кечираоласизми?! Сиз одамлари ёки ҳеч бўлмаса Худонинг ғзабидан қўрқмайсизми?! Сизга Сталинни қизи Светланани ҳаёти ибрат бўлиши керак эди. Энди яқин кунлар ичида сизни ҳаётингиз ҳам кимлар учундир “ибрат” бўлади ИншаАллоҳ! Мен сиздан шу саволларимга жавоб беришингизни кутиб қоламан. Ва ўйлайманки бу саволларни жавоблари 27 миллион ўзбек халқини ҳам қизиқтиради. Шунингдек мени саволларимни ўз жавобларингиз билан сайтингизга қўйсангиз айни муддао бўларди. Бу сизни оддий халқ вакиллари билан мулоқотга киришишга қанчалик лаёқатли эканингизни кўрсатар эди. Ва албатта сизни бу саволларга берадиган асосли, ҳаққоний жавобингиз, сизни халқ олдида обрўйингизни

ошишига хизмат қилади фақат. Саволларни сизни сайтингизга юбориш билан бирга яна бошқа сайтларда ҳам эълон қилиш мақсадимни айтиб ўтмоқчиман. Албатта агар жавобингизни сайтингизда чиқарсангиз уни ҳам ўша сайтларга кўчириб қўйиш мақсадимизни ҳам билдириб ўтаман. Жавобингизни кутиб қолувчи Муҳаммадсолиҳ Абутов.

2011 йил

МХХ раиси Рустам Иноятовга очиқ хат

Жаноб Иноятов бу мени сиз каби, улкан Золимга қилган наҳй мункаримдир. Сизни жосуслар бунни сизга етказишларига ишонаман. Ва амал қилмасангиз ҳам сизни тавбага чақираяпман чунки, бу чақириқ сизни устингиздаги дунё ва охират учун бир ҳужжат бўлиб қолажак!

Жаноб Рустам Расулович сиз ҳам 70 ёшга яқинлашиб қолдингиз. Истайсизми йўқми ўлим соати яқинлашиб келмоқда. Сиз ҳам ва сиз садоқат билан қўриқлаган ИАК ҳам ўласизлар. Сизни ҳам ИАК каби, содиқ қўриқчиларингиз кўплигига шубҳам йўқ. Лекин, ўша пайтда улар сизга ҳеч қандай ёрдам бераолмасликлари аниқ. Сиз ўлим азобини татийсиз.

Ва ундан кейинги Аллоҳнинг Расули хабар қилган қабр азоби ва қиёмат кунида ҳисоб китоб қилиниб, қилган зулмларингиз учун, ва одамларни ноҳақ қатл қилганингиз ва қамоқда чиритганингиз учун Жаҳаннам азобига гирифтор бўласиз! Агар ҳозир тавба қилмасангиз ана шундай бўлишига асло шубҳам йўқ.

Оят; Албатта, мўмин ва мўминаларни фитна қилиб, сўнгра тавба қилмаганларга, ана ўшаларга, жаҳаннам азоби ва куйдирувчи азоб бор.

Буруж сураси 10 оят.

Сиз, ва сизни биринчи ўринбосарингиз курсингизга меросхўр Генерал Шухрат Ғуломов ИАКни содиқ қулларидирсиз. Ва Ўзбекистондаги мусулмонларга қирон келтирган қотилларсиз. Ўғирлаб кетилган ва ҳалигача на тириги ва на ўлиги маълум бўлмаган Абдували қори Мирзаев, Ҳусниддин Назаров, Абдулла Ўтаев каби ўнлаб мусулмонлар Ўзбекистон Республикасини фуқароларини, Конституцияни қўпол суратда бузиб, ўғирлаб йўқ қилганларингиз учун шахсан жавобгардирсиз! Сиз, ноҳақ қамоққа олинган ва ўн ўн беш йиллаб қамоқда сақланаётган, ўн минглаб фуқароларни ноҳақ қамаганларингиз учун ва Фуад Шокирий, Алишер Соипов, Рафиқ қори камолов ва Обидхон Қори Назаровлар каби ўнлаб режимга муҳолиф инсонларни ёлланма қотиллар ёллаб уларни жонига суиқасд қилдирганларингиз учун ҳам жавобгарсиз! Сиз, бугунги амалдаги Конституцияни жуда қўпол суратда бузган ва Ўзбекистон халқига қарши террор сиёсати юргизган ИАК режимини сиз МХХ раиси бўлган давр давомида қилган жамики жиноятига шериксиз ва баробар масъулсиз! Ва бу қилмишларингиз жазосиз қолмагай. Шунинг учун унутманг! Сиз ва ИИБ бошлиқлари Фиръавн ёнидаги Ҳомон кабидирсиз. Ва унутманглар интиқом вақти яқин қолди. Сизлардан анча кучли ва қудратли диктаторлар бугун хор бўлиб, халқ лаънатига дучор бўлаётганига гувоҳ бўлаяпсиз. Бу адолат тантанасидир. Ва Аллоҳнинг мазлумларга бераётган нусратидир. Сизларни ҳам шу оқибат кутаяпти. Бунини сезиб турибсизлар.

Оят; Биз Ер юзида хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хор-бечоралиқдан чиқариб), Пешво зотларга айлантиришни ва уларни Ворислар қилишни истаймиз. Яна уларни Ерда барқарор қилиб, Фиръавнга, Ҳомонга, ҳамда икковининг лашкарларига ўзлари қўрқувчи бўлган нарсани (яъни мулку-давлатлари қўлларидан кетиб, ҳукму-салтанат мазлум қавмнинг қўлига ўтишини) кўрсатиб қўйишни истаймиз. (Қасас сураси 5-6 оятлар)

Демак, истайсизми йўқми сизларни у дунёларинг барбод бўлгани каби, бу дунёларинг ҳам охири хорликдир. Чунки, золимсизлар! Зулм эса оқибати хорликдир! Мен бу мурожаатни сизга қиляппман пастдаги югурдакларингизгамас. Чунки, улар сизни амрингиз билан иш қиладилар. Мен сизни ва сизга эргашганларни кутаётган улкан балони келаётганидан огоҳлантириб қўймоқдаман. Аллоҳ сизлар қиляётган макрлардан огоҳдир! Ва қуръонда хабари берилганидек, Аллоҳ сизларни, сизлар ўйламаган ва кутмаган тарафдан ҳалокатга яқинлаштираяпти.

Оят; Биз уларни ўзлари билмаган тарафдан аста-секин оламиз.

Қалам сураси 44 оят.

Иншааллоҳ, яқин кунда сизлар суянган салтанат қулайди. Ва қилган барча жиноятларингиз очилади. Сизни ташкилотни (МХХни) мавжуд бўлганидан бери (Яъни, СССР пайтида КГБни бўлими сифатида ташкил топгандан бери) қилган барча ишлари ва жирканч жиноятлари ва қурбонлари номлари халқга ошкор этилади. Ва махсус музей ташкил қилиб, ўз халқига душманлик қилган, конституцияни қўпол равишда бузган ва қуръонни ҳукмларини менсимаган манқуртлар ва қонхўр жиноятчилар сифатида кўрсатиб сизларни суратларингиз осиб қўйилади. Ва ўзбек халқи, сизлардан зулм кўрган фуқаролар, худди Қаззофийни ўлигини музхонага ташлаб қўйиб, одамлар келиб кўришга имкон берилгандек, ўша музейга кириб ўз ҳақиқий душманларини суратини бўлсада кўришга ва мангуга лаънатлаш имконига эга бўлади. Шу лаънатилар ичида сизни ўрнингиз алоҳида бўлиши табиий албатта. Охиратдаги Аллоҳнинг азоби эса агар имкон борида тавба қилмасанглар мангудир!! Агар шу келаётган дунё ва охират азобларидан қутулишни истасангиз тавба қилинг, халқ олдидаги жиноятларингизни оқланг ва ИАК жиноятларига шерикмаслигингизни исботланг! Ўзингиз содиқ қул каби хизматини қилган Золимга қарши исён қилинг. Адолатни тиклашга ҳаракат қилинг! Қилмасангиз.., Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир

Худ сураси 18 оят.

Шайх Муҳаммад Содиқ жанобларига очиқ хат

Бисмилоҳир роҳманир роҳим

Шайх жаноблари, сизни камида 20 йилдан бери таниман. Ўнлаб китобларингизни ўқиганман. Бир неча марта учрашиб гаплашганман. Сиз мени бугун эслаёлмаслигингиз аниқ. Мен у пайтлар анча ёш эдим. Менга ўхшаган минглаб талабалар билан учрашганингиз учун мени эслаёлмаслигингиз табиий. Мен бугун сизга мана шу хатни ёзишга қарор қилдим. Сабаби эса сизни Ўзбекистон Мамлакатига Исломий ҳаёт жабҳасида 20 йилдан бери эътиборли ўринда турганингиздир. Шунингдек, давлат расмий диний пешволари орасида динга ва мусулмонларга бошқаларга нисбатан холис инсон сифатида танилганингиздир. Хатимга жавоб беришингиз вожиблигини сизга эслатиб қўйишга ҳожат йўқ деб биламан.

Шайх жаноблари сиз СССРда Горбачевни ошкоралик даврида муфтий бўлдингиз. Ўша пайтдаги имконият бўлгани учунми СССР халқ депутати ҳам бўлдингиз. Сизни депутат бўлишга ундаган омиллар нима бўлгани бизга қоронғу. Сиз “СССР мусулмонлари тинчлик учун курашда” дея номланадиган конференциялар уюштириб ва фақат КГБ нвазоратида фаолият қиладиган муфтийлик лавозимидан депутатликга чиқишингиз, ўша давр берган эркинлик натижаси эдими ёки сиз Ислом динини сиёсий жабҳадаги фаолиятини тикламоқчи бўлганмидингиз?!

Кечирасизу, ёки довдираб нима қилишингизни билмай борганмисиз?! Агар ҳақиқатда сиз мавжуд коммунистик ва бошқа асослардагидан ташқари исломий сиёсий фаолиятни ҳам динимизда борлигини тан олиб иш бошлаган бўлсангиз, нимага сизни бирорта китобингизда на ўша пайтларда ва на хорижда ёзган қатор китобларингизда бу ҳақида ҳеч нарса айтилмаган?! Сиз қатор Исломий жамоаларни ва уларни таниқли раҳнамоларини ўша китобларингизда аёвсиз танқид қилдингиз. Ҳанафий Мазҳаби тўғрилигини қайта қайта таъкидлаб ёздингиз. Аслида эса халқ ичида пайдо бўлган турли диний жамоалар Исломга зид йўл ва мазҳаблардамас эдилар. Ҳанафий мазҳабида бўлиш барча ўзбек мусулмонлари учун мажбурий эмас эканлигини бошқалардан кўра сиз яхшироқ билардингизку?! Энг ҳайратланарлиси сиз бу китобларни минглаб мусулмонлар қамоққа ташланаётган бир пайтда ёздингиз. Сиз уларни адашган дея фатво бериб, золимлар ишига шерик бўлдингиз. Уларни ноҳақ қамалаётганини айтмадингиз! Яна ўша жамоаларга минглаб ёшлар эргашиб кетганлари давлат Расмий имомларига эса биров эргашмаганлиги наҳотки сиз учун ғайри табиий туюлган бўлса?! У имомларингизни халқ орасида сариқ чақалик қадри йўқлиги ҳам сизга ажабтовур туюлмаганми?! Одамлар ҳақ билан ноақни қайдалигини билмайдилар деб ўйлайсизми?! Сиз “адашган” дея, фатволар берган жамоалар вакиллари Исломдан чиқиб кофир бўлиб кетган эмасдилар. Уларнинг хатолари эҳтимол манҳажлари ёки ҳикматга зид баъзи бир амаллари эди халос.

Шу каби жамоаларнинг пайдо бўлишига ким сабабчи бўлди аслида?! ДИНФУРУШЛИК ҚИЛИБ ЯШАЙДИГАН СОХТА ИМОМЛАРИНГИЗ ЭМАСМИ?! Энг асосий айбдорлар, дин олимлари эмасми?! Жумладан сиз ҳам?! Сизлар халқни эргаштирадиган ҳикматга мувофиқ манҳаж барпо қила олдингларми?! Ҳизбут Таҳрир хато бўлса, қани уни муқобилидаги тўғри бир Исломий сиёсий Партия?! Ваҳҳобийлик хато бўлса, қани уни муқобилидаги бидъатларга қарши курашувчи суннатга чақирувчи йўл?! Акрамийлар хато бўлса, қани уларни муқобилидаги Исломий иқтисодни таклиф қилаётган жамоа?! Таблиғчилар хато бўлса, қани уларнинг муқобилидаги одамларга имону Исломни етказадиган, тўғри жамоат?! Диний Бошқарма номли ифвогарлар уяси бўлган жойдагилар ҳаммани адашган дея, фатво бериб ётишибди. Ўзлари худди адашмагандек. ёки, ўзларига жаннат башорати берилгандек фатволар чиқаришади. Хориждан келиб сиз ҳам анча мунча китоб ёзиб уларни хатоларини кўрсатишга улгурдингиз. Сизни вазифангиз фақат хатоларни айтиш бўлса, давлат раҳбарларинини ҳам хатоларини айтинг тақсир! Судларни Ҳокимларни порахўрлигини, Ментларни, Прокурорларни золимлигини ҳам айтинг ахир! Золим подшоҳга ҳақ сўзни айтиш жиҳодни афзали эканлигини сиз яхши биласиз деб ўйлайман. Мен сизни улар ҳақида бирорта танқидий фикр айтганингизни эшитган эмасман. Ва ўқиганим ҳам йўқ. Агар сизнинг вазифангиз фақат хатоларни айтиш бўлмаса, ўша хато деган жамоаларни муқобилидаги тўғри жамоани нега ташкил этмадингиз?! Қани сиз ташкил этган тўғри жамоат?! Хурофоту бидъатларни дин деб тарғиб қиласизлар, ваҳолонки, бу йўлларнинг ботиллигини бу халқнинг кўпчилиги тушуниб бўлган. Буларни сафсатага чақиришнidan фойда йўқ. Қани ўзбек халқини ҳозирги оғир аҳволдан чиқиш йўли?! Бу масала мусулмонларни иши эмасми?! Буни фақат демократлар ёки бошқа диндан узоқ фуқаролар қилиши керакми?! Диндорлар ўз манҳажлари асосида бунга ҳаракат қилишлари лозим эмасми?! Бу мавзуда гапирса гап кўп. Мухтасар қилдим.

Шайх жаноблари Ўзбек халқининг яқин йигирма йиллик тарихида мусулмонлар қандай синовларга дучор бўлганлари сизга яхши маълумдир. Аммо, шу йиллар давомида Ўзбекистондаги кўзга кўринган дин Олимлари (Жумладан сиз ҳам) ҳалигача бир қонуний Исломий сиёсий ҳаракатга эътибор этмадинглар. Шак шубҳа йўқки, Ислом сиёсатга бевосита тааллуқли диндир. Исломда давлатни ички ташқи сиёсати мукамал ўз аксини топгандир. Мен давлат расмий имомлари бу мавзуда бирор иш қилолмасликларини яхши биламан. Мен Сизни муфтийлик даврингиздаги фаолиятингиз ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасман. Мен бугунги даврда нимага Исломий манҳажга асосланган ва мавжуд қонунлар ва Халқаро қонунлар асосида фаолият юритадиган жамоат йўқлиги ҳақида гапираяпман?! Айни дамда дунёдаги кўплаб мусулмонлар диёрида бу каби ҳаракатлар мавжуд. Сиз бирор марта бундай жамоат

зарурлигини ҳам айтиб ўтмадингиз. Ислом уйғониш партиясига эса, бор имконингиз билан қаршилиқ қилгансиз. Толибон ҳаракатини ҳам, танқид қилгандингиз. Бошқа жиҳодий жамоаларни ҳам танқид қилдингиз. Ҳаммасини танқид қилиб хўп, муқобилига нима таклиф этдингиз?! Ҳеч нарса йўқ! Сиз уларни рад қилгач, мавжуд муаммоларга тўғри ечим беринг ахир! Эътибор берган бўлсангиз Ўзбекистондаги кўзга кўринган дин олимлари орасида ҳамжиҳатлик бўлган эмас. Нафақат холис олимлар, балки Диний Бошқармадагилар ҳам аҳволи сизга маълум. Барча имомлар ва кўзга кўринган кишилар, ҳаммаси ўз атрофига маълум жамоат йиғадилар. Бир муддат илм бериш билан шуғулланишади. Кейин шу пешвоси вафот этса, ёки йўқолиб қолса, қавми ҳам пароканда бўлиб кетади. Доимо шу аҳвол. Бу билан шахсий суратда улар ажрини оладилар иншааллоҳ. Аммо, расман шаклланмаган ва ўз дастурига манҳажига эга бўлмаган жамоат, сарсон бўлади. Турли йўлларга кириб кетади, йўқ бўлади. Демокчиманки, ўзбек халқини мусулмонларнинг ижтимоий иқтисодий сиёсий муаммоларини ҳал қилишни мақсад қилган, Исломий сиёсий жамоаси шакллантирилиши керак эди. Бу иш эса сиз ва сиз каби диндорларни пешволари қилишлари лозим эди. Ҳалигача бундай бўлмади. Аксинча, динни мустабидларга хизмат қилдириб ўтиб кетмоқдасизлар. Сиз ҳам одоб ахлоқ мавзусидан нарига ўтолмай ўтиб кетаяпсиз. Хизматларингизга Аллоҳ ажр берсин. Лекин сизни зиммангизда (ва бошқа таниқли пешволар зиммасида) ўз халқига нисбатан Аллоҳ олдида яна бир масъулият ҳам бор деб ҳисоблайман. Ва шуни сизга бир эслатиб қўйдим. Нотўғри жойи бўлса, исбот қилсангиз, узр сўрайман.

Ҳурмат билан Муҳаммадсолиҳ Абутов.

2010 йил

Открытое письмо ВВ Путину

Президенту Российской Федерации
От гражданина Республики Узбекистан,
содержащегося в СИЗО 50/10
Абутова Мухаммадсолиха Матъякубовича

Открытое письмо

Господин Президент!

Я обращаюсь к Вам уже во второй раз. Так как на свое первое заявление, отправленное Вам еще летом, я таки ответа не получил. И решил обращаться снова. Поводом для этого было Ваше выступление, посвященное жертвам сталинских репрессий, которое показали 30 октября на телеканале НТВ. Вы тогда, почтив память погибших вместе с Патриархом Всея Руси Алексием II, сказали примерно так: «Масштабы жертв этих репрессий колоссальны! И всегда было на Руси так. И были священники, преследовавшиеся за свои вероубеждения», и так далее. Будучи бывшим чекистом, признавать ошибки своих бывших коллег и соратников ? это похвально! Также похвально с Вашей стороны выступление во время поездки в Португалию в заседании

Еврокомиссии о том, что люди, живущие в Прибалтийских республиках, подвергаются со стороны местных властей всяческим унижениям и оскорблениям. Значит, Вы защищаете права русского человека, где бы их ни нарушали! Но, уважаемый Президент, защищаете ли Вы права человека, кто бы он ни был и где бы он ни жил?! Если да, то почему тогда, прекрасно зная, что режим Каримова ничем не отличается от сталинского режима, исходя из своих геополитических интересов, поддерживаете с ним всяческие дружественные отношения?! Зная, что он преследует всех инакомыслящих и лишает свободы людей, обвиняя их в принадлежности к тем или иным, на самом деле, несуществующим террористическим организациям и не соблюдает никаких прав человека, сотрудничает с ним? Он же после Андижанских событий 2005 г., после того, как ухудшились отношения с Соединенными Штатами и Евросоюзом, прибежал к Вам, опасаясь возмездия со стороны неприятелей. У него нет своей устойчивой позиции ни к России, ни к США! Это он уже показал за свой 20-летний период правления. Для Вас же не новость, что люди, в которых стреляли на площади в Андижане, не были террористами и экстремистами. Да у нас нету никакой подобной организации! Все, кто обвиняется в причастности к экстремистским организациям ? это по сфабрикованным делам наших спецслужб. Это повод для репрессий и подавления народного недовольства! Те, кто сидит в тюрьме, тысячи и тысячи людей ? да не были они террористами, да и быть не могли! Просто у нас народ недоволен правителями республики, и это недовольство имеет социальный характер, и никак иначе! Народ бедный и голодный! Неужели Вам неизвестно, что миллионы граждан нашей республики или в Казахстан, или в Россию каждый год приезжают зарабатывать деньги?! Это потому, что у нас население больше 25 миллионов, и из них 70% живут в сельской местности. Кроме больших городов, нету никаких заводов-фабрик, ничего. Каждый год, как я слышал, около миллиона человек выпускают наши школы среднего образования. Но дальше им идти некуда! Народ в сельской местности живет, в основном, за счет того, что выращивает в своем огороде! То, что я говорю, не понаслышке, я сам жил так, как и все остальные. Даже нету ни газа, ни электричества, живем, как средневековые крестьяне. Те, кто может ехать в Россию, – да их положение хуже, чем рабы, которые когда-то были в истории всех народов. Вы же защищаете права граждан русскоязычных, живущих в Прибалтийских республиках. Но они, наверное, лучше живут, чем наш народ на своей земле! И те, кто приехал зарабатывать в Россию ? обратите внимание на их положение! Они стали объектом преследований со всех сторон, как от правоохранительных органов, так и всех других. Они подвергаются пыткам со стороны скинхедов, которых поддерживают некоторые депутаты Госдумы. И часто со смертельным исходом! Они живут, в основном, в подвалах, как бомжи. Нет у них никакого правового статуса или условий труда, и прочее! Их преследуют органы правопорядка, где поймают, за взятку тут же освобождают. Также их преследуют сотрудники миграционной службы Российской Федерации и депортируют на родину со штампом в паспорте, не дающим права на въезд в Россию 5 лет. Также и мошенники всяческие за большие деньги предлагают приезжим регистрацию и разрешения на работу, которые в итоге являются фальшивыми. Но эти мошенники имеют свои фирмы и офисы и объявляют свои услуги во всех газетах. Но если они нелегальные, почему они так свободны в своих действиях, а в итоге опять страдают наши соотечественники?! Также и многие строительные фирмы приглашают на работу, не имея на это юридических права, и в итоге заставляют рабочих все время жить и работать нелегально! Бывает, что в итоге и деньги заработанные не платят рабочим, и они не имеют права куда жаловаться и доказать. Очень, очень печальное положение моих соотечественников. Они же убирают все улицы столицы, они делают всю черную работу, которую ни один москвич ни за какие деньги не делал бы! Но, несмотря на это, они живут в постоянном унижении и страхе со стороны вышеупомянутых элементов, они никуда не жалуются и не знают вообще своих прав, и даже многие из них ? русского языка. Они вынуждены приезжать сюда, так как их семьи в Узбекистане и дети ждут от них денег на свои текущие расходы, которые там нет у них возможности! Наше посольство или еще какие там организации, защищающие права человека, не спешат защищать права своих граждан, работающих в России. Не говоря уже о Президенте Исламе Каримове, так как ему некогда

заниматься такими мелочами, как защищать права своих граждан! Но Вы же знаете все это?! Вам же известно положение наших народов?! Также Вы знаете Каримова, что он диктатор, ничем не хуже всех тех, предыдущих! Если некому защищать права нашего народа ? граждан Узбекистана, то есть, находящихся в России, так Вы будьте добрее и справедливее, уважаемый Президент! Да хоть Вы их защищайте, исходя из общечеловеческих ценностей, хотя они не славяне и не русские!

Улучшите им, как можно, условия труда и прочие юридические процедуры! Ведь сами российские фирмы заинтересованы приглашать их сюда, потому что они работают за мизерную зарплату и за их счет разбогатеют россияне! Я мог бы привести конкретные примеры, свидетелем которых я сам был, находясь в России с 20 февраля 2007 года до своего ареста 13.06.2007 г. Но думаю, что на это есть и так, без меня, десятки или сотни, тысячи фактов, которые Вам небезызвестны! Я хотел обратить внимание Ваше на свое нынешнее положение. Я уже в своем первом письме сообщал Вам, что я здесь был задержан сотрудниками спецслужб Республики Узбекистан и был доставлен в ГОВД г. Красногорска. С тех пор прошло полгода, и я так и сижу. Я обвиняюсь в причастности к экстремистской террористической организации! Это самая популярная статья в Узбекистане ? ст. 159 УК РУз. И я жду решения миграционной службы Российской Федерации на мое ходатайство о предоставлении мне статуса беженца на территории Российской Федерации. Я ведь тоже жертва режима диктатора, и я лет почти десять уже отсидел в разных лагерях Узбекистана. Меня преследует СНБ Узбекистана из-за моих религиозных вероубеждений! Как это было и с моими предками, репрессированными во время сталинских репрессий. Те тоже были учеными исламскими своего времени. Сейчас уже 21 век. И все народы мира , основные народы, живущие на территории бывшего Советского Союза осуждают сталинский режим. И Вы, в том числе, обвиняете его за то, что уничтожил ни в чем неповинных людей, только за их вероубеждения! Судя по вашему краткому интервью по телевидению, я понял, что Вы, по своим взглядам, против диктатуры?! Но тогда как понять вашим принципам противоречащие факты?! То есть факты, что со стороны Российской Федерации было выдано немало людей, находящихся в Российской Федерации, в руки сотрудникам узбекских правоохранительных органов по сфабрикованным обвинениям в причастности к тем или иным экстремистским организациям?! Этим делом и Вы помогаете губить ни в чем неповинных людей нашему диктатору! Как я знаю, Вы не сторонник диктатуры? Я обращаюсь к Вам, что именно я и нахожусь вот в таком же положении! И в случае моей выдачи в Узбекистан мне грозит сфабрикованное дело, еще многие годы лишения свободы или просто мученическая смерть. Я об этом писал Генеральному прокурору Российской Федерации, и миграционной службе, и в другие организации. И интересно, что ни одного еще не получил ответа. Также и от Вас! И я решил еще раз обращаться, хотя очень мало надежды, что мои обращения доходят до Вас. Но может, и доходят?! Как говорится в народной поговорке, надежда умирает последней. Надеюсь, что без внимания не оставите мое письмо. Я, как любой верующий человек, уповаю на Всевышнего Аллаха, прошу его помощи, но и, исходя из своих вероубеждений, призываю людей делать добро, и также правителей, чтобы они были справедливыми! Этого и требует наша религия. Как сказал наш Пророк, благословит его Аллах и будет мир с ним, самый благочестивый тот, кто смог говорить правду перед правителем! Несмотря на то, какие будут последствия для него! Но я поступил так, как считаю правильным. Какие будут последствия для меня, это уже зависит от воли Аллаха! Я, как и все верующие, готов какие бы то ни было последствия встречать достойно! Как и подобает мусульманину!

С уважением, Абутов М.

Можайский СИЗО

